An analysis of the existing scientific and methodological base shows that the teaching methods used in the process of teaching students in a higher education institution need correction and effective

The study of a foreign language is achieved with a well-thought-out system of language learning methods based on the knowledge of the individual psychological characteristics of students.

At present, the means of successful mastering a foreign language are active forms of learning, developed on the basis of professionally oriented language material, in particular role-playing and business games, game modeling. Active forms of learning is a set of ways to organize the educational and cognitive activity of students, activating their mental activity in the assimilation of new educational material and the implementation of existing knowledge. Another important feature of professional activity, the new growth of "live" communication in a foreign language, has a no less significant role in enhancing the orientation towards active learning of a foreign language in a higher education institution through telecommunications. This form of improving the efficiency of teaching foreign languages is promising in language training, since the student shows cognitive independence and thus becomes the subject of activity and communication.

As the analysis of psychological and pedagogical literature on the problem of effective learning of a foreign language shows, a large influence on the process of successful mastering of a foreign language is exerted by various factors: general pedagogical, methodical, individual psychological, psycho physiological, social, which allows us to identify three main problems hindering effective foreign language in high school:

1. Overcoming the language barrier (psychological barriers, difficulties in expressing and understanding thoughts in a foreign language).
2. Lack of student interests and language environment.
3. The lack of real opportunities for students to use the developed communicative competence in the future. If learning a foreign language is a goal in the field of professional communication in the future, then learning will be more effective than when it is only an academic subject.

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ СИЁСИЙ ТАФАККУРИНИ ШАКЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ  
МЕНТАЛИТЕТНИНГ ЎРНИ**

**Юсупова Э.Ф. – Тошкент давлат педагогика университети доценти, PhD**

**Аннотация.** Ушбу мақолада ёшлар сиёсий онги, тафаккури ва миллий менталитети шаклланишига жамоавийлик ва патернализмнинг таъсири муаммоси таҳлил этилган. Шунингдек, муаллиф демократик жараёнларнинг шаклланиши ва ривожланишининг мұхим омили бўлган сиёсий онгнинг ижобий ва салбий таъсир масалаларини ҳам таҳлил қилган.

**Калит сўзлар:** сиёсий онг, жамоавийлик, патернализм, ёшларга оид давлат сиёсати, ислоҳот, сиёсий фаоллик.

**ВЛИЯНИЕ НЕКОТОРЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ МЕНТАЛИТЕТА НА ФОРМИРОВАНИЕ ПОЛИТИЧЕСКОГО  
СОЗНАНИЯ МОЛОДЁЖИ УЗБЕКИСТАНА**

**Юсупова Э.Ф. – доцент Ташкентского государственного педагогического университета, (PhD)**

**Аннотация.** В данной статье проводится анализ влияния таких особенностей национального менталитета, как общинность и патернализм на формирование политического сознания молодёжи. Автор выявляет положительные и отрицательные стороны проявления данных особенностей в процессе формирования политического сознания молодёжи, а также анализирует изменение политического сознания в процессе демократизации.

**Ключевые слова:** политическое сознание, общинность, патернализм, государственная молодёжная политика, реформы, политическая активность.

**INFLUENCE OF SOME FEATURES OF MENTALITY ON FORMATION OF POLITICAL CONSCIOUSNESS OF  
YOUTH OF UZBEKISTAN**

**Yusupova E. F. – Tashkent State Pedagogical University, associate professor, (PhD)**

**Annotation.** This article analyzes the impact of such features of the national mentality as community and paternalism on the formation of the political consciousness of young people. The author reveals the positive and negative aspects of the manifestation of these features in the process of forming the political consciousness of young people, and also analyzes the change in political consciousness in the process of democratization.

**Key words:** political consciousness, community, paternalism, state youth policy, reforms, political activity.

В условиях широкомасштабных реформ, проводимых в Узбекистане, основным субъектом экономических, правовых, политических и социальных преобразований выступает человек, его менталитет, политическое сознание и политическая культура. Они играют решающую роль в политической трансформации и модернизации общества.

Стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017-2021 годы, инициированную Президентом Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёевым, трудно реализовать без активизации каждого члена общества, граждан Узбекистана. А это, в свою очередь, предполагает формирование соответствующего уровня политической культуры, которая требует обновления мышления, стереотипов, привычек, унаследованных от старого политического режима, его идеологии, которая влияет на природу, характер и темпы демократизации общества и государственного управления.

С философско-методологической точки зрения, успешное развитие и функционирование демократических принципов в государстве зависит от многих факторов. К ним относится и

экономическое, и политico-историческое, и культурно-духовное наследие государства, а также национальный менталитет, психология, жизненные идеалы, которые предопределяют ценностные и жизненные приоритеты каждого человека и общества в целом. Отсюда вытекает, что становлению демократии должно предшествовать создание, точнее, формирование определённого отношения к политике, как со стороны государства, так и со стороны общества. Именно личность является основным субъектом политики или основным деятелем политики.

Социальная и политическая активность населения – фактор динамичных преобразований, изменение его темпа, и, как показывает практика, они сопряжены с социальной психологией, менталитетом народа.

Важной составляющей национального менталитета этнических узбеков, как отмечает один из известных узбекских историков, академик А.Аскаров, является общинность<sup>1</sup>. Это продиктовано, как подчеркивает автор, своеобразием менталитета восточных народов, национальными обрядами, традициями нации. Общинность – историческая духовная ценность узбекского народа<sup>2</sup>. Другой автор – этнолог А.Аширов связывает формирование общинности и патернализма как важных составляющих национального менталитета с социально-экономическими, географическими и климатическими факторами обитания<sup>3</sup>.

Одной из особенностей национального менталитета узбекского народа является также патернализм.

Как известно, патернализм - система отношений, которая основана на покровительстве и опеке старшими младших, а также подчинении младших старшим. В то же время, патернализм означает, на наш взгляд, идею или деятельность с позиции определённой заботы по отношению к слоям и группам, которые являются менее защищённым в социально-экономическом плане.

Если сильно не углубляться, то на первый взгляд отношения власти и населения, государства и общества - это чистый патернализм. Но это не так просто. Патернализм, можно сказать, – это договор, то есть определенная забота со стороны власти в обмен на доверие. Наиболее сильно патернализм проявляется в Японии. Успехи японской экономики некоторые авторы связывают именно с такой патернистской системой отношений.

В данной статье аспект взаимосвязи общины, патернализма и политического сознания является определяющим по отношению к другим формам человеческой деятельности, так как по существу человек, личность является, прежде всего, «политическим существом» (Аристотель).

Мы провели анализ изменения политического сознания человека в условиях демократизации. Так, в условиях тоталитаризма существовало чувство отчужденности человека от политической власти, в то время как во время демократизации пришло осознание того, что решение наиболее важных государственных вопросов зависит от голоса и волеизъявления каждого гражданина; наличие цензуры, страх высказать своё мнение трансформировались в осознание человеком права свободы слова и мысли, возможности критики деятельности государственных органов; незнание своих прав и свобод, неумение ими пользоваться в процессе демократического развития превратились в процессе демократизации во-первых, в правовую грамотность населения, а во-вторых, в умение отстаивать и защищать свои права и свободы.

За годы независимости произошла кардинальная трансформация массового сознания, особенно сознания молодёжи Узбекистана. Если в социальной среде населения к молодёжи относятся люди с 14 до 30 лет включительно<sup>4</sup>, то сегодняшняя молодёжь является продуктом, сформировавшимся за годы независимости. Для реализации государственной молодежной политики, Закона Республики Узбекистан «О государственной молодежной политике» (2016), необходимо еще глубже исследовать природу молодежного сознания и психологии для ее

<sup>1</sup> Аскаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Университет, 2007. –С.326.

<sup>2</sup> Там же.

<sup>3</sup> Аширов А. Ўзбек миллий менталитети ҳақида баъзи мулоҳазалар. Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар этногенетик ва этник тарихи. – Тошкент: 2004. –С.54.

<sup>4</sup> См.: Закон Республики Узбекистан «О государственной молодёжной политике». – Ташкент, 2016. <https://lex.uz>.

социальной и политической активизации, превращения ее в мощную авангардную социальную силу общества.

Выступая на торжественной церемонии вступления в должность Президента Республики Узбекистан, на совместном заседании палат Олий Мажлиса Президент Шавкат Мирзиёев чётко отметил: «Мы неуклонно и решительно продолжим государственную молодёжную политику. И не только продолжим, но и поднимем ее на еще более высокий уровень в соответствии с требованиями сегодняшнего дня. Мы мобилизуем все силы и возможности нашего государства и общества для того, чтобы наша молодёжь обладала самостоятельным мышлением, высоким интеллектуальным и духовным потенциалом, ни в одной сфере не уступала бы сверстникам из других стран, была счастлива и уверена в своем будущем»<sup>1</sup>.

Между менталитетом и политическим сознанием существует тесная взаимосвязь, их объединяет общность в мировосприятии и мироощущении, обусловленная этническим происхождением, культурной принадлежностью, уникальностью общественного развития.

Важной особенностью узбекского национального менталитета, на наш взгляд, является патернализм. Слово патернализм – латинского происхождения и заимствовано от слова «pater», то есть отец. Истоки патернализма уходят в глубь веков, он связан с формированием первобытной семьи, племени и рода. Поэтому, однозначно можно утверждать, что патернализм как социально-нравственное явление связано с родоплеменными отношениями.

В наше время патернализм имеет место и в Японии, современном Китае, где конфуцианско-буддийская мораль является основой духовной жизни общества. Как отмечает узбекский учёный Ш.Мамадалиев, общиная жизнь, уважительное отношение к установленным в обществе правилам и нормам общежития, исполнение традиций и обрядов и их «носителей» – старших, постепенно сформировали менталитет народов Востока<sup>2</sup>.

Народ Узбекистана – неотъемлемая часть народов Востока, их культуры. Если в Китае патернализм сформировался под воздействием конфуцианства и буддистской философии, то в Узбекистане такая черта менталитета сформировалась, безусловно, под влиянием религии зороастризма, исламской культуры и народного фольклора, где уважение отца, родителей, старших по возрасту возводится в ранг нормы морали.

Некоторые особенности национального менталитета такие, как общинность и патернализм, имеют диалектическую природу, то есть наряду с позитивным, имеют и ряд негативных характеристик. Мы провели свой политологический анализ влияния общинности и патернализма на формирование политического сознания молодёжи и выявили положительные и отрицательные стороны этого влияния.

К положительным сторонам относятся следующие: институт махалли способствует формированию идеологического иммунитета; обеспечивается целостность политической системы, преемственность поколений, передача накопленного опыта; верность ценностям и идеалам предков (уважение власти, законности, порядка); на избирательные участки во время выборов люди приходят семьями, что формирует у молодого поколения чувство сопричастности к общим целям; стремление оказать помощь нуждающемуся человеку.

Отрицательные стороны: стремление перекладывать ответственность за свою судьбу и деятельность на других; сковывают инициативность молодёжи в решении проблем; у молодых слабеет чувство самостоятельного принятия решений; развивается чувство потребительского отношения к государственным институтам; выбор профессии молодые люди часто осуществляют по воле родителей, в силу чего гражданская зрелость молодых отстает от их биологической зрелости; формируется политическая инфантильность.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Мы все вместе построим свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан. – Ташкент: Узбекистан, 2016. –С.40.

<sup>2</sup> Мамадалиев Ш. Халқ хокимиияти. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003.–С.24.

В качестве вывода проведённому политическому анализу влияния общинности и патернализма на формирование политического сознания молодёжи Узбекистана можно отметить следующее:

- демократизация и модернизация общества, формирование правового государства тесно взаимосвязаны с человеком, его психологией, менталитетом;

- одним из важных средств социальных преобразований является политическое сознание, которое связано с менталитетом человека. Политическое сознание и менталитет не тождественны, они различны, но теснейшим образом взаимосвязаны;

- общность и патернализм – характерные особенности узбекского национального менталитета. Исследование данного феномена позволяет сделать вывод не об отказе от этих черт национального характера, а совершенствовании их в соответствии с требованиями демократии, укреплении не вертикальных, а горизонтальных отношений между человеком и властью, обществом и государством как важный залог формирования поистине демократического государства и гражданского общества;

- общинность и патернализм не противоречат демократическим ценностям, они характеризуют исторические ценности восточных обществ – уважительное отношение к старшим, к власти, государственной политике, что является важным залогом сохранения стабильности, социального согласия, толерантности, взаимного уважения в обществе;

- общность и патернализм не препятствуют и развитию рыночных отношений, связанных с либеральной демократией. Об этом свидетельствует исторический опыт таких стран, как Япония, Южная Корея, Сингапур, Тайвань, Китай и др.

Только добрые, уважительные отношения в межличностных связях, во взаимоотношении общества и государства, личности и власти – залог сохранения и укрепления социального согласия, единства, укрепления мира и толерантности в обществе. В этом отношении, Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017-2021 годах реализуема через положительное использование в процессе формирования современного демократического общества и государства великого духовного наследия народа – общинности и патернализма как социально-политических ценностей в утверждении принципов демократии, самоуправлении, основанного на демократическом политическом сознании, в независимом Узбекистане.

#### **IDEAL GAZ QONUNLARIGA DOIR FANLARARO MASALALAR YECHISH**

**Iskandarov A.Yu. - Тошкент давлат педагогика университети доценти  
Maxmudov Yu.G'. - pedagogika fanlar doktori, professor**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada kimyo fanini o'qitishda fanlararo bog'lanishning yuqori samaradorligi hisobga olingan holda o'quvchilarning fizika fanidan olgan bilimlarini kimyo fanini o'zlashtirishda qo'llash usullari haqida so'z yuritilgan.

**Kalit so'zlar:** ideal, harorat, hajm, bosim, zichlik, massa, molyar massa, Avagadro soni, Boltsman doimiysi, gaz universal doimiysi, qonun, namlik, shudring, havo.

#### **РЕШЕНИЕ МЕЖПРЕДМЕТНЫХ ЗАДАЧ ПО ЗАКОНАМ ИДЕАЛЬНОГО ГАЗА**

**Икандаров А.Ю. – доцент Ташкентского государственного педагогического университета  
Махмудов Ю.Г. – профессор Ташкентского государственного педагогического университета,  
доктор педагогических наук**

**Аннотация.** Использование межпредметных связей в обучении химии даёт эффективные результаты. Особенна важна связь с физикой. Учащиеся осознают необходимость знаний по физике при обучении химии. Решение межпредметных задач развивает в них логическое мышление и

активизирует креативную деятельность. В статье приведены задачи на объединённый закон идеального газа Менделеева - Клайперона и технологии их решения.

**Ключевые слова:** идеальный газ, температура, объём, давление, плотность, масса, молярная масса, число Авогадро, постоянная Больцмана, постоянная универсальная газовая, влажность, роса, воздух.

### THE SOLUTION OF INTERDISCIPLINARY TASKS ON THE LAWS OF AN IDEAL GAS.

Iskandarov A.Yu. - Tashkent State Pedagogical University, associate professor

Maxmudov Yu.G. –doctoral candidate, professor

**Annotation.** The use of interdisciplinary connections in teaching of the chemistry gives effective results. It is especially important with the relations of physics. Students are aware of the need for knowledge of physics in teaching of chemistry. The solution of interdisciplinary tasks develops logical thinking in students and this activates creative activity. The article involves the tasks for the combined law of the ideal gaz of Mendeleev-Klayperon and the technologies for their solution.

**Key words:** ideal, a temperature, volume, pressure, closeness, mass, molar mass, number of Avogadro, Boltzmann, ispermanent universal gas, law, humidity, dew, air.

Masala yechish, fanlararo ma'lumotlardan foydalanish o'tilgan materialni chuqur va mazmuniga tushungan holda o'zlashtirishga olib keladi. O'tilgan mavzulardagi ma'lumotlarni o'zları amalda foydalanib ko'radi va bu ma'lumotlar zarurligi haqida to'la ishonch hosil qiladi. Natijada boshqa fanlarni ham chuqur o'rganishni uzviy olib boradi. O'qituvchi va talabalar mifik dasturidagi fanlarni yaxshi bilishlari kerak. Ulardan kimyodan masala yechishda aniq, kerakli ma'lumotlarni ajratib olishlari va undan foydalana olishlari kerak. Bunday masalalarni kimyo o'qitish jarayonining barcha bosqichlarida qo'llash mumkin. Masala yechish fanlararo bog'liqligini kimyo va fizika fanlari misolida ko'rishimiz mumkin<sup>1</sup>.

Idel gaz qonunlariga doir fanlararo masalalar yechish, fanlararo uzlusiz va uzviylikni ta'minlasa, ikkinchidan fanlararo sinxron va asinxron bog'lanishlarni o'quvchilar tushunishlariga ko'maklashadi, uchinchidan, o'quvchilarning fanlararo mantiqiy fikrashlari faollashadi, to'rtinchidan, ularda kreativ faoliyat rivojlanadi. Yuqoridagi fikr-mulohazalardan kelib chiqqan holda, quyidagi masalalr havola qilinadi<sup>2</sup>.

**1-masala.** Agar 15° C haroratda xonadagi nisbiy namlik 55% ga teng bo'lgan 105 m<sup>3</sup> hajmli xonadagi suv bug'ining massasi qancha? Agar havo harorati 10° C gacha pasaysa, shudring tushadimi? Agar havo bosimi 750 mm sim.ust.ga teng bo'lsa, suv bug'lari massasi xonadagi hamma havo massasining qanday qismini tashkil etadi?

**Berilgan:** V=150 m<sup>3</sup>; β=55%; t<sub>1</sub>=15° C; t<sub>2</sub> =10° C; p=750 mm sim.ust.

**Topish kerak:** k=? m=? Shudring tushadimi?

**Yechilishi.** Havoning nisbiy namligi berilgan haroratda  $\eta_a$  absolut namlik havoni to'yintirishi uchun zarur bo'lgan suv bug'i zichligi  $\eta_m$  ning qancha foizini tashkil etishini ko'rsatuvchi son bilan o'lchanadi:

$$\beta = \frac{\eta_a}{\eta_m} \cdot 100\%.$$

Jadvaldaggi  $\eta_m = 0,0128 \text{ kg/m}^3$  ni topamiz,  $\beta = 55\%$  bo'lgani uchun  $\eta_a$  ni topish mumkin:

$$\beta \cdot \eta_m = \eta_a \cdot 100\%.$$

$$\text{Bundan } \eta_a = \frac{\beta \eta_m}{100\%} = 0,00704 \text{ kg/m}^3.$$

Suv bug'ining 15° C haroratdagi zichligini bilgan holda suv bug'ining massasini aniqlash mumkin:

$$m = V \eta_a = 0,7392 \text{ kg.}$$

15° C haroratda  $\eta_a = 0,00704 \text{ kg/m}^3$ ,  $\eta_m = 0,0128 \text{ kg/m}^3$  bo'lgani uchun nisbiy namlik 55% ni tashkil etadi. Agar havo harorati 10° C gacha kamaysa,  $\eta_a$  esa avvalgicha qolsa, u holda nisbiy namlik:

<sup>1</sup> Y.U.Mahmudov,H.T.Omonov. Elektroliz qonunlarini fanlararo o'qitish texnologiyalari. -Toshkent: "Noshirlik yog'dusi", 2015.

<sup>2</sup> Y.U.Mahmudov. Atom va yadro fizikasidan kimyo bilan bog'lab o'qitishda innovatsion texnologiyalar.-Toshkent: "Noshirlik yog'dusi", 2015.

$$\beta = \frac{n_a}{n_m} \cdot 100\% = \frac{70,4}{94} \cdot 100\% = 0,74 \cdot 100\% = 77\%.$$

Demak,  $\beta=74\%$  bo'lgani uchun berilgan hajmni suv bug'lari to'yintirmaydi va shudring tushmaydi. Havo xonada bo'lgani uchun gaz holati ma'lum,  $V = 105 \text{ m}^3$ ,  $T=288 \text{ K}$ ,  $p=750 \text{ mm. sim.ust.}$  Endi havoni normal holatga o'tkazamiz, buning uchun gaz holati birlashgan qonunidan foydalanamiz;

$$\frac{P_0 V_0}{T_0} = \frac{P V}{T}, \text{ bundan } V_0 = \frac{P V T_0}{P_0 T},$$

Bunda,  $p_0 = 760 \text{ mm sim.ust.}$ ;  $T_0 = 273 \text{ K}$ , u holda  
 $V_0 = 38,3 \text{ m}^3$ .

Jadvaldan ma'lumki, normal sharoitda havoning zichligi  $1,29 \text{ kg/m}^3$  ga teng, u holda havo massasi  
 $m_0 = V_0 p_0 = 126,7 \text{ kg}$ .

Endi k ni topamiz:

$$k = \frac{m}{m_1} = 0,58.$$

Xonadagi havo massasini yana boshqa usul bilan ham aniqlash mumkin. Buning uchun Mendeleyev – Klapeyron qonunidan foydalanamiz:

$$pV = \frac{m}{M} RT,$$

Bunda  $p$ - bosim,  $V$ - hajm,  $M=0,029 \text{ kg/m}^3$  – havoning molyar massasi,

$$R = 8,315 \frac{J}{mol \cdot K}, \text{ bundan}$$

$$m_0 = \frac{MpV}{RT} \approx 127 \text{ kg}.$$

Javoblari:  $k=0,58$ ;  $m=0,739 \text{ kg}$ ; shudring tushmaydi.

**2- masala.** 1-rasmda tasvirlangan jadvalga ko'ra qaralmoqda.

$p_1; V_1; T_1; p_2; V_2$  parametrlar bo'lingan.  $1 \rightarrow 1, 1 \rightarrow 8, 5 \rightarrow 2, 4 \rightarrow 2$  o'tishlarda qatnashadigan issiqlik miqdorlari nisbatini aniqlaydi.[3]

**Berilgan:**  $p_1; V_1; T_1; p_2; V_2$ .

**Topish kerak:**  $T_2=?$   $Q_1:Q_2:Q_3:Q_4=?$

**Yechilishi:** O'zgarmas hajmda isitilganda ( $1 \rightarrow 7$ ) gaz ish bajarmaydi. Gazga beriladigan issiqlik ichki energiyaning ortishiga sarflanadi, yani  $\Delta Q = \Delta U$ . Bunda  $n = \frac{3}{2} kT_N_A$  ( $N_A$ - Avagadro soni) yoki  $n = \frac{3}{2} RT$  ( $R$ -gaz universal doimiysi). Agar gaz isiyotgan bo'lsa, u holda

$$\Delta T = T_2 - T_1; \quad \Delta U = U_2 - U_1 = \frac{3}{2} R \Delta T.$$

Gaz holati birlashgan qonuni  $\frac{P_1 V_1}{T_1} = \frac{P_2 V_2}{T_2}$  dan foydalaniib,

$$\frac{P_1}{T_1} = \frac{P_2}{T_2}, \text{ bundan } p_7 = \frac{P_1 T_2}{T_1} \text{ ni}$$

hosil qilamiz. Biroq  $7 \rightarrow 2$  o'tish izotermik jarayon bo'lgani uchun

$$p_1 V_1 = p_2 V_2 \text{ yoki } \frac{P_1 T_2}{T_1} V_1 = p_2 V_2,$$

$$\text{Bundan } T_2 = \frac{P_2 V_2}{P_1 V_1} \bullet T_1.$$

Gazning  $T_1$  haroratdagi energiyasini hisoblaymiz, ya'ni

$$U_1 = \frac{3}{2} k T_1 N_A,$$

$T_2$  haroratda esa 7 holatda bo'ladi. U holda

$$U_2 = \frac{3}{2} k T_2 N_A,$$

Endi  $\Delta U$  ni topamiz:

$$\Delta U = U_2 - U_1 = \frac{3}{2} k N_A (T_2 - T_1) = \frac{3}{2} k N_A \left[ \frac{P_2 V_2}{P_1 V_1} (T_1 - T_2) \right] =$$

$$\frac{3}{2} k N_A \left( \frac{P_2 V_2 T_1 - P_1 V_1 T_1}{P_1 V_1} \right) =$$

$$\frac{3}{2} k N_A \frac{T_1}{P_1 V_1} (p_2 V_2 - p_1 V_1);$$

$1 \rightarrow 8$  o'tish o'zgarmas holatda issiqlik miqdori bo'lib o'tishdan iborat, 8 nuqtada gazning harorati  $T_8$  bo'lsin, u holda

$$\frac{P_1}{T_1} = \frac{P_2}{T_8} \quad \text{yoki} \quad T_8 = \frac{P_2 T_1}{P_1}.$$

8→2 o'tishda

$$\frac{V_1}{T_8} = \frac{V_2}{T_2} \quad \text{yoki} \quad \frac{P_2 V_1}{P_2 T_1} = \frac{V_2}{T_2}, \quad \text{bundan} \quad \frac{P_2 V_1}{P_2 T_1} = \frac{V_2}{T_2}$$

Ya'ni

$$T_2 = \frac{P_2 V_2}{P_1 V_1} \bullet T_1.$$

Bu esa bir holatdan boshqa holatga o'tish turli kanallar orqali sodir bo'lishi mumkinligini yana bir bor tasdiqlaydi. 8→2 izobara bo'yicha o'tishning ikkinchi qismida tashqaridan olinadigan issiqlik hisobiga ish bajariladi.

$$A = p_2 (V_2 - V_1) = p_2 V_2 - p_2 V_1,$$

$$\Delta U = (U_1 - U_8) = \frac{3}{2} k N_A (T_1 - T_8) = \frac{3}{2} k N_A (T_1 - \frac{P_2 T_1}{P_1}) = \frac{3}{2} k N_A \frac{T_1}{P_1} (p_1 - p_2).$$

5 oraliq holat  $T_5$ ,  $p_1$  va  $V_2$  parametrlar orqali ifodalanadi, u holda

$$\frac{V_1}{T_5} = \frac{V_2}{T_1}, \quad \text{bundan} \quad T_5 = \frac{V_2 T_1}{V_1}, \quad \text{u holda}$$

$$\Delta U_2 = U_5 - U_2 = \frac{3}{2} k N_A \left( \frac{V_2 T_1}{V_1} - T_2 \right) = \frac{3}{2} k N_A \left( \frac{V_2 T_1}{V_1} - \frac{P_2 V_2}{P_1} \bullet \frac{T_1}{V_1} \right) = \frac{3}{2} k N_A \bullet \frac{T_1}{P_1 V_1} (V_2 p_1 - V_2 p_2).$$

4 oraliq holat esa  $T_1$   $p_4$  va  $V_2$  parametrlar orqali tavsiflanadi, u holda

$$p_1 V_1 = p_4 V_2, \quad \text{bundan} \quad p_4 = \frac{P_1 V_1}{V_2}, \quad \text{u holda}$$

$$\Delta U = \frac{3}{2} k N_A (T_2 - T_1) = \frac{3}{2} k N_A \left( \frac{P_2 V_2 T_1}{P_1 V_1} - T_1 \right) = \frac{3}{2} k N_A \frac{T_1}{P_1 V_1} (p_2 V_2 - p_1).$$


Endi masalaning shartida berilgan o'tishlar bo'yicha issiqlik miqdorini nisbatini tuzamiz:

$$Q_1: Q_2: Q_3: Q_4 = \frac{T_1 (P_2 V_2 - P_1 V_1)}{P_1 V_1} : \frac{T_1 (P_4 - P_2)}{P_1} : \frac{T_1 (P_4 V_2 - P_2 V_2)}{P_1 V_1} : \frac{T_1 (P_2 V_2 - P_1 V_1)}{P_1 V_1}$$

Algebraik kasrlarni umumiy maxrajga keltirib, kasr sonlar nisbatini butun sonlar nisbatiga almashtiramiz, quyidagini hosil qilamiz:

$$(p_2 V_2 - p_1 V_1) : (p_1 V_2 - p_2 V_2) : (p_1 V_2 - p_2 V_2) : (p_2 V_2 - p_1 V_1).$$

**Javoblari :**  $Q_1: Q_2: Q_3: Q_4 = (p_2 V_2 - p_1 V_1) : (p_1 V_2 - p_2 V_2) : (p_1 V_2 - p_2 V_2) : (p_2 V_2 - p_1 V_1)$ .



1-rasm

3- masalaning sharti 2-masaladagining o'zi,  $1 \rightarrow 3 \rightarrow 2$  va  $1 \rightarrow 5, 8 \rightarrow 2$  o'tishlarda qatnashuvchi issiqlik miqdori nisbatini toping.[4]

**Berilgan:**  $p_1; V_1; T_1; p_2; V_2$ .

**Topish kerak.**  $Q_1:Q_2 = ?$   $Q_3:Q_4 = ?$

**Yechilishi:** 1,3,4 - holatlar T haroratga mos bitta izoterma nuqtalari ekanini, 7,6,2-holatlar esa  $T_1$  harorat izotermasiga tegishli nuqtalar ekanligini bilish qiyin emas.  $1 \rightarrow 6$  o'tish izobarik jarayondir, shuning uchun tashqaridan kelgan hamma issiqlik miqdori ichki energiyaning ortishiga va ish bajarishga sarflanadi, ikkinchi va  $3 \rightarrow 2$  o'tish ham bir xil ichki energiya miqdoriga mos keladi, ya'ni

$$\Delta U_{1 \rightarrow 6} = \frac{3}{2}kN_A(T_2 - T_1); \quad \Delta U_{3 \rightarrow 2} = \frac{3}{2}kN_A(T_2 - T_1).$$

Ikkala holda ham turlicha bo'lsa ham kattaliklar bir xildir, u holda

$$\frac{\Delta U_{1 \rightarrow 6}}{\Delta U_{3 \rightarrow 2}} = \frac{Q_1}{Q_2} = 1.$$

Avvalgi masalada keltirilgan hisoblar shuni ko'rsatadiki,  $1 \rightarrow 5$  o'tishda

$$\Delta U = \frac{3}{2}kN_A \frac{T_1}{P_1 V_1} (V_2 p_1 - V_1 p_2),$$

$8 \rightarrow 2$  o'tishda esa:

$$\Delta U_1 = \frac{3}{2}kN_A (T_2 - T_8) = \frac{3}{2}kN_A \left( \frac{P_2 V_2}{P_1 V_1} \cdot T_1 - \frac{P_2 T_1}{P_1} \right) = \frac{3}{2}kN_A \frac{T_1}{P_1 V_1} (p_2 V_2 - p_1 V_1).$$

$$\text{Ularning nisbati esa: } \frac{\Delta U}{\Delta U_1} = \frac{Q_3}{Q_4} = 1:1$$

Bunda va avvalgi masalada ham  $|\Delta U_1|$  va  $|\Delta U_2|$  katta miqdorining absolut qiymati nisbatini olish kerak.

$$\text{Javobi: } \frac{Q_1}{Q_2} = 1:1. \quad \frac{Q_3}{Q_4} = 1:1.$$

## ГЕОМЕТРИК ЖИСМЛАРНИНГ ШАКЛ, ҲАЖМ ВА КОНСТРУКТИВ ТУЗИЛИШНИ МАНТИҚАН ТАСАВВУР ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

**Аҳмедов М.Б.- Тошкент давлат педагогика университети доценти**

**Аннотация.** Мақолада ўқувчиларга қаламтасвир машғулотларида геометрик жисмларниң шаклига қараб классификациялаш, ҳажм ва конструктив тузилишини, унинг ўзига хос характерини яхшироқ англаб олиш ҳамда мантиқан тасаввур қилиш тушунчалари ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** ҳажм, шакл, сирт, конструкция, қонструктив, қиррали, думалоқ, қурама, модел, пункт, классификация, график, тасаввур, поза, предмет, тип, каркас.

## ПРОБЛЕМЫ ЛОГИЧЕСКОГО ПРЕДСТАВЛЕНИЯ ФОРМЫ, ОБЪЕМА И КОНСТРУКТИВНОЙ СТРУКТУРЫ ГЕОМЕТРИЧЕСКИХ ТЕЛ

**Аҳмедов М.Б.- доцент Ташкентского государственного педагогического университета**

**Аннотация.** В статье рассказывается о понятиях классификации геометрических тел в зависимости от их формы, объема и конструктивной структуры, лучшего понимания и логического осмыслиения его специфического характера на уроках рисования.

**Ключевые слова:** объем, форма, поверхность, конструкция, конструктивная и угловая форма, модель, классификация, графика, воображение, поза, объект, тип, каркас.

## PROBLEMS OF THE LOGICAL VIEW OF THE SHAPE, DIMENSION AND CONSTRUCTIVE STRUCTURE OF THE SOLIDS

**Ahmedov M.B. - Tashkent State Pedagogical University, associate professor**


**Annotation.** The article describes the concepts of classification of geometric bodies depending on their shape, volume and structural structure, a better understanding and logical understanding of its specific nature in drawing lessons.

**Key words:** capacity, figure, surface, construction, constructive, edge, circle, model, point, classification, graphic, imagine, position, item, type, karkas.

Композиция ҳар бир асарнинг пойдевори, у ҳаётай кузатувларни умумлаштириб, уларни рассомнинг ижодий мақсадларига бўйсундиради. Образли масалани ечиш – композицион ишда энг муҳимдир. Композиция тасвирий материални ташкил этиш шакли бўлиб, ижодкорда образли фикрлаш қобилиятини шакллантиради<sup>1</sup>.

Композицион ўйловлар қоғозда биринчи чизги тушмасдан олдин пайдо бўлади. Шу сабабли бир савол туғилади: нега ҳар бир профессионал санъат йўлига киришган кишини рассом эскизлари бунчалик қизиқтиради, ҳаяжонлантиради? Балки, уларга қараб биз рассомнинг хаёлларини кўришимиз мумкинdir, ўша рассом нимани тасаввур қилганини, унинг ўй-хаёлларини билиб олишга интилиши миздадир. Шу сабабли, эскиз қилиш хоҳишини сўндириласлик керак. Унинг устида ишлаш тасаввурни кенгайтиради, образли фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

Композиция устида ишлашда суратнинг муайян муаммолари пайдо бўлади, уларни образли ҳаёлдан келиб чиқсан ҳолда ечиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Баъзида композицияда ўйлаб қўйилган ишора, поза, турни акс эттиришга уринишлардан чекланиб, натура билан ишлашга алоҳида вақт ажратиб ўшанга ўхшаш тип ва ишоралар қидириш мумкин ёки қатламлар ечими композицияда ишонарли чиқмаяпти, демак маҳсус расмларга эътибор қаратиб, улардаги қатланишларнинг турли томонларини кузатиб туриш мақсадга мувофиқдир. Расмга ўқув позициясидан қаралса, биринчи навбатда у шакл қурилиши қонуниятларини ўрганишдир. Бундай расм ҳар бир ўрганувчига мактаб каби зарур. Аммо расм санъат предмети шундаки, рассом қонуният илмига таянган ҳолда ўз олдига муайян ижодий муаммо қўйса ва уни ишонарли қилиб ечсагина ўз мақсадига эришади. Ўқув расми касб таълим мининг муҳим қисми бўлиб, борлиқни реал тасвирилар асосидир. Расм барча тасвирий санъат турларининг таянчи ҳисобланади. Барча машғулотларда бўлгани каби, матолар тахламида оддий ва мураккаб шаклга эга бўлган буюмларнинг қаламтасвирини бажаришда ҳам тасвирий санъатнинг «олтин қонуни» - оддийдан мураккабга услубида амалга оширилади. Маълумки, бизни ўраб турган предметлар дунёсининг барчаси геометрик шаклларга асосланган (шар, куб, призма, конус, пирамида, цилиндр, параллипипед ва ҳ.к.лар). Шаклларнинг гипсдан бўлишининг асосий сабаби, улар аксарият ҳолларда сунъий ёритичлар билан ёритилиб, ўқув-машқ мақсадларида қўйилади. Ёруғ-соя мажмуаси (ёруғ, соя, ярим соя, шахсий ва тушувчи соя, ялтироқлик - рефлекс) оч тусдаги, хусусан, оқ буюмларда яққол кўринади<sup>2</sup>.



1-расм.

Табиат ёки инсон қўли томонидан яратилган ҳар қандай геометрик шакллар негизида элементар геометрик сиртлар ётади. Ўқувчиларга қаламтасвирини ўргатиш геометрик сиртларни ўрганишдан бошланади. Геометрик жисмлар ҳажми уч ўлчамли катталик билан характерланади.

<sup>1</sup> Абдирасилов С.Ф., Бойметов Б.Б., Толипов Н.Х. Тасвирий санъат. -Т.: Илм зиё, 2010, -176 б.

<sup>2</sup> Бойметов Б.Б. Қаламтасвири. -Т.: Илм зиё, 2007, -190 б.

Геометрик жисмларнинг шаклини характерлаб берувчи ташқи кўриниши унинг баландлиги, эни ва узунлигининг ўзаро нисбатларига боғлиқ бўлади. Тасвирда шакл ҳажмини кўрсатиб бериш учун мантиқ ва тасаввур ёрдамида унинг ички тузилишини тасаввур қилиб кўриш керак, яъни геометрик жисмларни худди ойнадан ясалгандек ёки симдан ясалгандек ички тузилишини кўра билиш керак (1-расм). Бошқача қилиб айтганда геометрик жисмларнинг конструкциясини тасаввур қилиш керак<sup>1</sup>.


Конструкция - бу шаклнинг бўлак элементлари ва қисмларини яхлит пластик ҳажмга келтириб берувчи таркибий тузилиши, негизи, ядроси ва каркасидир. Тасвирда «Ҳамма ёғи кўринадиган» метод қўллаш шаклни тузишда, унинг конструкцияси тузилишини ўзига хос характерини яхшироқ англаб олишга ёрдам беради. Шаклига қараб геометрик жисмларни классификациялаш учта белгисига кўра ажратилади: қиррали, думалоқвақурама.

Геометрик қиррали шаклларга кублар, призмалар, пирамидалар киради. Уларнинг сирти турли бурчакли геометрик текисликлар билан чегараланган. Думалоқ геометрик шаклларга ёки айланувчи жисмларга шар, цилиндр, конус киради. Уларнинг характерли томонлари эгри, қийшиқ, сферасимон ёки цилиндсимонлигидадир.

Қурама шакллар тўғри ва эгри сиртларнинг бирлашувидан ҳосил бўлади. Тасвирда натурадан «модел» деб олинган ҳарқандай жисмни биз бошқа буюмлардан унинг ташқи сиртлари орқали ажратиб оламиз. Ўрганувчи рассомнинг типик хатоси шундан иборат бўладики, ёш рассомлар геометрик жисмларнинг тузилиши тўғрисида ўйламасдан улар билан боғлиқ бўлган шакл сиртларини чизиш билан овора бўлади. Шунинг учун ҳам геометрик жисмларларнинг тасвири саёз, ишончсиз ва суст бўлади.

Геометрик жисм шаклини жонли ва саводли қуриш учун унинг конструктив тузилишига боғлам нуқталари ва натура чизиқларига, уларни график тасвирлаш тушунчаларига эътиборни қаратамиз. Улар ёрдамида конструкция шаклини аниқлашга ёрдам берувчи пунктларни текисликдаги ўзаро жойлашувини аниқлаб олиш зарур. Қиррали геометрик жисмларда бу сиртқи бурчаклар қирраларининг боғлам нуқталаридир.

Масалан: куб конструкцияси 8 та бирлашган нуқтадан ва 12 та қиррали қовурғадан иборат. Бу ерда чизиқлар геометрик жисм шаклидаги текисликлар чегараларини ҳосил қилувчи сиртларнинг туташувини ташкил қиласиди<sup>2</sup>.



2-расм

Тўрт қиррали пирамиданинг конструкцияси ўзига хос тузилишга эга. Пирамида асос бурчакларининг тўртта нуқтасидан, баландлик нуқтаси ва саккизта чизиғидан иборат. Конструктив пункт нуқталарини, йўналтирувчи чизиқлар ва ўқларини топиш турли хил геометрик сиртларни қуришга ёрдам беради<sup>3</sup>.

Масалан: қиррали, думалоқ, қурама. Айланувчан сиртларни ҳосил қилувчи сиртлар асос айланасининг радиуси ва характерли нуқталари билан характерланади.

<sup>1</sup> Аҳмедов М.Б., Холматова Ф.М., Расулов М.А. ва Исаевад.Б. Рангтасвир (Методик қўлланма). -Т.: BROK CLASS SERVIS, 2016, 108 б.

<sup>2</sup> Ли Н. Рисунок. Основы учебного академического рисунка: Учебник. -М.: Эксмо, 2005, -480 с., ил.

<sup>3</sup> Валиев А.Н. Перспектива. -Т.: Ворис-нашириёт, 2009, -192 б.

Геометрик жисм ҳажмининг асосида ётувчи моделнинг шакл тузилишини, текис, икки ўлчамли (эни ва узунлиги) ва уч ўлчамли катталикларни ўзаро алоқасини конструктив таҳлил қилиш принципи расм чизиш малакаларини эгаллаш жараёнида жуда зарур бўлади (2-расм).

Бу эса фақатгина натурадан эмас, балки тасаввур қилиб расм чизишга ҳам ёрдам беради. Расмни чизишдан олдин тасвиirlанаётган жисмнинг ҳажми ҳақида батафсил тасаввурга эга бўлиш керак.

Ишлаш мобайнида ижодий жараённинг асоси ижод аҳлининг образли хаёлоти ва тимсоллари орқали фикрлашидир. Ҳақиқатга асосланган ижодий тасаввур натижасида ёки муайян воқеа замирида пайдо бўлган янги ўйлов – хаёл, янги ижод намунасининг яратилишига туртки бўлиб, янги фикрлар – ғояларнинг юзага келишига асос бўлиши мумкин. Муайян образда мавжуд билим ва тасаввурни акс эттириш – бу жараённинг энг муҳим белгисидир.

Бундан ташқари оддий қорақалам воситасида шаклларнинг тус муносабатларини аниқлаш тасвиirlашда тартиб билан иш юритишига ўргатади.

## **МАТЕМАТИК АНАЛИЗ ЎҚУВ ФАНИДАН ТЕЗАУРУСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ**

**R.M.Turgunbaev - Тошкент давлат педагогика университети доценти**

**Аннотация.** Ушбу мақолада бўлғуси математика ўқитувчиларини математик анализни тезаурусли ёндашув асосида ўқитиши масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** ахборотли ёндашув, математик анализ, тезаурус, тезаурусли ёндашув, шахсий тезаурус, ўқув тезауруси.

## **МЕТОДИКА ФОРМИРОВАНИЯ ТЕЗАУРУСА ПО УЧЕБНОЙ ДИСЦИПЛИНЕ МАТЕМАТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ И ЕГО ЗНАЧЕНИЕ**

**R.M.Turgunbaev - доцент Ташкентского государственного педагогического университета**

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы обучения математическому анализу будущих учителей математики на основе тезаурунского подхода.

**Ключевые слова:** Информационный подход, математический анализ, тезаурус, тезаурусный подход, личностный тезаурус, учебный тезаурус.

## **METHODS OF FORMATION OF THE THESAURUS ON THE SUBJECT MATTER THE MATHEMATICAL ANALYSIS AND ITS VALUE**

**R.M.Turgunbayev - Tashkent State Pedagogical University, associate professor**

**Annotation.** This article discusses issues of teaching mathematical analysis of future teachers of mathematics on the basis of the thesaurus approach.

**Key words:** Information approach, mathematical analysis, the thesaurus, thesaurus approach, personality thesaurus, educational thesaurus.

Ахборотли жамиятнинг ривожланиши таълимнинг, хусусан математика таълимининг сифатини оширишни тақозо этади. Ҳозирги замонда таълим сифатини оширишга қаратилган бир неча ёндашувлар мавжуд, аммо улар замонавий шароитларда математик тайёргарлик муаммоларини (масалан, узвийлик ва узлуксизлик; алгоритмик ва абстракт тафаккурни ривожлантириш; сонли, белгили ва абстракт информацияни идрок этиш, эслаб қолиш ва қайта ишлаш жараёнларининг шахсий хусусиятларини эътиборга олиш ва бошқа) тўлиқ ҳал этмайди.

Тезаурус (thesauros) юнонча дахазина, бойлик, заҳира маъносини англатади<sup>1</sup>. У фанга лингвистика ва информатикадан кириб келиб, ўз маъносини кенгайтирди ҳамда умуммилй атамага айланди. Бу атаманинг маъносини қўйидагича тушуниш мумкин: атрофимиздаги дунёни тавсифлаш учун хизмат қиласиган табиий тилдаги барча тушунчалар дунёнинг умумий тезаурусини ташкил қиласи ва бизнинг барча билимларимизни акс эттиради. Умумий тезаурус асосида фан ва техниканинг турли соҳалари бўйича ҳамда алоҳида муаммо ва масалалар бўйича ҳам чексиз кўп тезауруслар тўпламини ҳосил қилиш мумкин.

Тадқиқотчилар томонидан бу тушунчанинг учта мазмунли гуруҳи ажратилган: “луғавий”, “ахборотли-қидириув”, “билим”. Таълим нуқтаи назардан “билим” гуруҳи қизиқтиради. Бунда тезаурус инсоннинг атроф -муҳит ёки унинг алоҳида соҳалари ҳақидаги тасаввурлари ва билимлари тизими сифатида қаралади. Тезауруснинг “билим” таърифи бу тушунчани таҳлил қилишнинг турли даражаларини очиб беради: категориал даража (тезаурус ягона дунёвий фазо сифатида); конкрет илмий даража (предмет соҳаларга тааллуқли фан тезауруслари); ўқув фани даражаси (ўқув фанлари тезауруслари); шахсий даража<sup>2</sup>.

Таълимий нуқтаи назардан ўқитишни мутахассис тезаурусининг ташкил топиши ва ривожланиши деб таърифлашга имкон беради. Одатда мутахассис тезауруси деганда инсон томонидан ўзлаштирилган унинг билимлари, кўниқмалари, тажрибалари, маълум шартлар таъсирида мос предмет соҳасига берган баҳолари заҳирасини ташкил қилувчи ўқув фани тезауруси тушунилади. Ўқитиш жараёнини тезаурусни кенгайтириш, ривожлантириш деб қараш ғояси В.И.Гинецинский, Л.И. Гурье ва бошқаларнинг ишларида қаралган.

Гуманитар ва ижтимоий фанлар тадқиқотларида тезаурусадан фойдаланиш тезаурусли ёндашув, тезаурусли таҳлил иборалари билан ишлатилиб келинмоқда. Тезаурусли ёндашув бу индивиднинг ахборотларини унинг жамиятдаги ва макро-микроижтимоий фазолардаги ўрни билан жисп ҳолда ташкиллаштириш каби тушунилади<sup>3</sup>. Тезаурусли ёндашув таълим мазмуни билан боғлиқ муаммоларни ўрганишда татбиқ этилади. У ёшларнинг ижтимоийлашуви жараёнини тавсифлаш ва тушуниш учун янги воситаларни беради. Тезаурусли ёндашувдан олий касбий таълимда фойдаланиш талабада у ёки бу касбий фаолиятда мўлжал олишга имкон берадиган маълум сўзлар заҳирасини ва кўрсатмаларни шакллантиришга ёрдам беради.

Бўлғуси математика ўқитувчиларини тайёрлашда, математика таълимини ташкиллаштиришда, олий таълимда математика туркумидаги фанларни ўқитишда тезаурусадан фойдаланиш масаласи етарлича тадқиқ этилмаган. Ушбу мақоланинг мақсади тезауруснинг педагогика олий таълим муассасаларида математика фанларини ўқитишдаги аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Ахборотли ёндашув нуқтаи назаридан ҳар қандай фан ўқитувчининг вазифаси ўз предметини мос тезаурус кўринишда тавсифлаш, таълим оловчининг мақсади касбий соҳада самарали иш юритиши учун уни ўзлаштириш, мутахассиснинг шахсий тезаурусига айлантиришдан иборат. Бунда қўйидагиларни эътиборга олиш мухим:

- ахборотни қабул қилувчи шахсий тезаурусга эга, у қабул қилувчининг ташки дунё ҳақидаги билимларини ва маълумотни ёзиш услубини акс эттиради;
- ҳар бир маълумот - бу тезаурусни турлантирувчи оператор.
- маълумотдаги ахборот миқдори ҳар бир конкрет ҳолатда шу маълумот таъсирида тезауруснинг ўзгариши даражаси билан аниқланади;
- маълумотни қабул қилишда шахсий тезаурус ўзгармаса, у ҳолда ахборот миқдори нолга тенг бўлиши мумкин. Бу қўйидаги икки ҳолда кузатилади:

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тўртинчи жилд. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. - 606 б.

<sup>2</sup> Абдулмянова И.Р. Формирование профессионального тезауруса личности как цель профессионального образования // Вестник ТПГУ. 2010. № 2(92). 6-стр.

<sup>3</sup> Луков В.А., Луков Вл.А. Тезаурусынй подход: исходные положения // Информационный гуманитарный портал «Знание. Понимание. Умение». 2008. – № 9 – Комплексные исследования: тезаурусынй анализ мировой культуры. URL: [http://www.zpu-journal.ru/e-zpu/2008/9/lukovs\\_Thesaurus\\_Approach/](http://www.zpu-journal.ru/e-zpu/2008/9/lukovs_Thesaurus_Approach/) (дата обращения: 14.03.2019).

1) қабул қилувчи маълумотни қабул қилиш ҳолатида эмас, сабаби у маълумотни тушунишга ва ташки дунё ҳақидаги ўзининг тасаввурлари тизимиға қабул қилишга имкон берадиган дастлабки маълумотларнинг зарурий заҳирасига эга эмас;

2) узатилаётган маълумотлар қабул қилувчига олдиндан маълум, қабул қилувчи ҳеч қандай янгилик олмайди.

Таълим олувчилар томонидан олинадиган ҳар қандай ахборот уларда олдинги тажрибаларини акс эттирувчи маълум билимларнинг мавжудлигини тахмин қилади. Бунда маълум билимлар деганда, нафақат қандайдир олдин олинган билимлар, балки ўқиш жараёнининг муваффақиятли кечиши учун билимларнинг зарурий миқдорини тушуниш керак.

Таълим олувчига таклиф этилаётган янги ахборот тушунарли бўлиши лозим. У тезаурусни тақрорлаш билан чекланмаслиги керак, балки уни у ёки бу қисмида тўлдириши, ўстириши лозим. Бошқача айтганда, талабаларга у ёки бу ахборотни бермоқчи бўлган ўқитувчи уларнинг тезаурусини ҳажми ва мазмунини ҳисобга олиши ва ўқув ахбороти шакли ва мазмuni шу тезауруснинг критик ҳажмига мос, унга эришишга ва ундан ошиб кетмаслигига интилиши лозим.

Ахборотли ёндашув нуқтаи назардан ўқитиши иккита параметр ёрдамида тавсифлаш мумкин: тезаурус ҳажми ва сифати.

Тезаурус ҳажми обьектларнинг ва ҳодисаларнинг ахборотли моделлари образларининг хотирада акс эттирилган ва эслаб қолинган миқдори билан ўлчанади. Тезаурус сифати эса ахборот энтропияси ёрдамида баҳоланади<sup>1</sup>.

Тезаурус ҳажмининг ошиши - мураккаб ахборотли жараён, у тезаурус сифатига боғлиқ, яъни унинг хилма - хиллиги ва тартибига боғлиқ. Агар Н энтропия - тартибсизлик ўлчови бўлса, у ҳолда Т тезаурус – тартиб, тартибланганлик ўлчовидир. Шу сабабли билиш жараёнини бу дунёни тартиблаш деб ҳисоблашади. Тизимнинг (ҳодисанинг) энтропиясини латент (яширин, юзага чиқиши мумкин бўлган) ахборот билан ўлчаш мумкин. Тезаурус (билимлар) ҳажмининг ошиши энтропиянинг камайишига олиб келади. Билим ноаниқлиқни йўқотади. Бирор “яккаланган” ҳодиса учун сақланиш қонуни  $N + T = \text{const}$ . ўринли деб фараз қилишимиз мумкин. Ҳодисанинг ноаниқлиги (тартибсизлиги) тезаурус (тартиб) қанчалик ошса, шунчалик камаяди.  $N = 0$  да тезаурус тўлиқлик хоссасига эришади (максимал қиймат қабул қилади) ва бунда ихтиёрий вақт давомида ҳодиса ҳақида зарурий ахборотни шакллантириши мумкин бўлган билим вужудга келади.

Предмет соҳаси тезаурусининг дастлабки методик бирликлари дескрипторлардан, яъни тушунчанинг асосий мазмунини акс эттирувчи таянч сўз (иборалар)дан иборат.

Ҳар бир талаба ахборот ташувчиси бўлиб, бошланғич шахсий тезаурусига эга. У таълим олувчининг семантик ахборотни қабул қилиш вазифасини бажариш имқониятини аниқлади, ташқаридан узатилган маълумотларни қайта ишлаш натижада шахсий тезаурус ўзгаради. Таълим олувчи ва ўқитувчи орасида ахборот узатиш жараёнининг оптималлиги уларнинг шахсий тезаурусларининг умумийлиги билан аниқланади<sup>2</sup>.

Талабанинг бошланғич тезауруси мазмунини аниқлаш ўзлаштириш зарур бўлган дескрипторлар рўйхатини тузишни; ўрганиладиган обьектларнинг хоссаларини санаб чиқишини; тушунчаларни гуруҳлашни (квантификация, классификация, умумлаштириш орқали тартиблаш); натижавий ва бошланғич тезаурус моделини тузишни бажаришга имқон беради.

Бу айтилганларни “Математик анализ” ўқув фанининг “Ҳақиқий сонлар тўплами” модули мисолида тушунтирамиз. Шу мақсадда таққосламали-тезаурусли методни<sup>3</sup> математик анализ фани учун такомиллаштирамиз. Бунинг учун математик анализ фанини ўқитишида фойдаланиладиган адабиётлар сараланади ва бу адабиётлардан фойдаланиб, таянч сўзлар ва иборалар ажратилади

<sup>1</sup> Пак Н.И. О концепции информационного подхода в обучении // Вестник КГПУ им. В.П. Астафьева. 2011. № 1. С. 91-98.

<sup>2</sup> Гурье Л.И. Использование тезаурусов в проектировании педагогической подготовки преподавателей технических вузов в системе последипломного образования // Educational Technology & Society. 2001. № 4(4). Р. 63-66.

<sup>3</sup> Пушкирова Т.П. Формирование интегрированного тезауруса как результат обучения математике//Вестник Красноярского государственного педагогического университета им. В.П. Астафьева 2012, №2.С.132-137

ҳамда дескрипторлар рўйхати шакллантирилади. Кейин эса бу рўйхат ДТС талаблари билан таққосланади ва зарур бўлса, тузатишлар киритилади.

Биринчи курс талабасининг шу модулни ўзлаштириши, тушуниши учун зарур бўлган шахсий тезауруси: рақам, сон, натурал сон, бутун сон, жуфт сон, тоқ сон, каср, рационал сон, сонларни қўшиш, кўпайтириш, айириш, бўлиш, қолдиқли бўлиш, сонларни таққослаш, ўнлик каср, чекли ўнлик каср, даврий чексиз ўнлик каср, нодаврий чексиз ўнлик каср, сонлар ўқи, ўнлик яқинлашиш, соннинг модули, икки сон орасидаги масофа, тўплам, натурал сонлар тўплами, бутун сонлар тўплами, рационал сонлар тўплами, тўпламларнинг белгиланиши.

“Ҳақиқий сонлар тўплами” модулининг ўқув тезауруси: рационал сонлар тўпламининг хоссалари (арифметик амалларга нисбатан ёпиқлиги, тартибланганлиги, зичлиги), рационал сонларни сонлар ўқида тасвирлаш усуллари, квадрати 2 га тенг бўлган рационал соннинг мавжудмаслиги, рациоанл сонлар тўпламининг узлуксизмаслиги (сонлар ўқи ва рационал сонлар тўплами орасида ўзаро бирқийматли мослик мавжуд эмаслиги); рационал сонлар тўпламининг кесими, кесимнинг қўйи синфи, кесимнинг юқори синфи, тўпламнинг энг кичик элементи, энг катта элементи, кесим турлари, қўйи синфда энг катта, юқори синфда энг кичик элементи йўқ бўлган кесимнинг мавжудлиги, рациоанл кесим, иррационал кесим; кесим-ҳақиқий сон, ҳақиқий сонлар тўплами, белгиланиши, ҳақиқий сонларни таққослаш, ҳақиқий сонлар тўпламининг тартибланганлик хоссаси, ҳақиқий сонлар тўпламининг зичлик хоссаси, ҳақиқий сонлар тўпламида кесим, ҳақиқий сонлар тўпламининг узлуксизлик хоссаси, ҳақиқий сонларни сонлар ўқида тасвирлаш, ҳақиқий сонларни ўнлик касрлар билан яқинлашишлари, ҳақиқий соннинг модули, унинг хоссалари; оралиқлар, юқоридан чегараланган тўплам, қўйидан чегараланган тўплам, чегараланган тўплам, тўпламнинг аниқ қўйи чегараси, тўпламнинг аниқ юқори чегараси, белгиланишлари, чегараланмаган тўплам, тескаридан исботлаш методи, тўлиқ математик индукция методи; умумийлик ва мавжудлик кванторлари.

Тезаурусни шакллантириш талабанинг бошланғич тезауруси билан ўқув тезауруси орасида узвий алоқалар ўрнатиш масаласини ҳал қилишга ёрдам беради. Масалан, юқоридаги модулда рационал сонлар тўпламининг хоссаларини ўрганиш алоҳида рационал сонлар устида амаллар бажариш ёки уларни таққослашга нисбатан юқори даражадаги абстракция эканлигини кўриш мумкин. Рационал сонлар тўпламида кесим тушунчасини киритиш, уни кейинчалик ҳақиқий сон деб номлаш, ҳақиқий сонларни таққослаш, улар устида амаллар бажаришни кесимлар орқали амалга оширилиши, ҳақиқий сонлар тўпламининг хоссаларини исботлашда кесимлардан фойдаланиш юқори даражадаги абстракцияни талаб қиласди. Бунда ўқитувчи бу тушунчалар ва хоссаларни ўрганиш мотивациясини шакллантириши, уларнинг негизида ётган ғоялар билан таништириш мүҳим.

Тезаурусли ёндашув талабаларга янги тушунча ва хоссаларни шахсий тезаурусига айлантиришга, шахсий тезаурус сифатини оширишга имкон яратади.

Ишлаб чиқилган тезаурус асосида талабаларга структуравий-мантиқий схемалар, тушунчаларнинг идеографик тавсифи, денотатив графлар тузиш бўйича топшириқлар тизимини ишлаб чиқиши, натижада талабаларнинг ўқув-билив фаоллигини оширишга эришиш мумкин.

Ўқув фани модуллари бўйича тузилган ўқув тезауруси оралиқ назорат ва якуний баҳолаш учун саволномалар, топшириқлар, тестлар тузишда фойдаланилади.

Бундай тезаурусларни турдош фанлар бўйича яратиш фанлараро алоқаларни ўрнатиш, тақрорланадиган тушунчаларни ўзлаштириш даражаларини аниқлашга имкон беради.

Бўлғуси математика ўқитувчисининг касбий тезаурусини яратиш малака талабларини сифатли ишлаб чиқишида, фан дастурларини такомиллаштиришда фойдали бўлади.

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ ТАЖРИБА МАЙДОНЧАЛАРИДА АНОР КЎЧАТИНИ  
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**Боқиев Д.Т.-Тошкент давлат педагогика университети, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди**

**Аннотация.** Ушбу мақолада анорчилик соҳасини ривожлантириш, ер майдонларидан самарали фойдаланиш, ресурс тежайдиган интенсив технологияларни қўллаган ҳолда анорзорлар барпо этиш, сифатли экспортбол анор кўчатларини етишириш, касаллик ва зараркунандаларга қарши биологик ҳамда кимёвий воситалар асосида курашиб ишларини ташкил этиш; анор етишириш, уни қайта ишлаш ва экспортга етказиб бериш жараёнларини ривожлантиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойҳаларини ишлаб чиқишида иштирок этиш; анорзорларда мавсум давомида агротехника тадбирларини сифатли ўтказиш каби масалалар ёритиб берилган. Шунингдек, анорнинг ботаник тавсифи ва дориворлик хусусиятлари ҳам акс эттирилган.

**Калит сўзлар:** анор, технология, агротехника, тажриба майдони, нав, кўчат, ботаник тавсиф, тавсиянома.

**ТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ РАССАДЫ ГРАНАТА НА ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНЫХ ПЛОЩАДКАХ  
СРЕДНИХ ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛ**

**Бакиев Д.Т.- Ташкентский государственный педагогический университет, к.с.х.н.**

**Аннотация.** В этой статье рассмотрены вопросы развития выращивания граната, эффективного использования земли, создания участков граната с использованием ресурсосберегающих интенсивных технологий, производства высококачественных экспортно-ориентированных семян граната, биологической и химической борьбы с вредителями; участия в разработке нормативно-правовых актов, направленных на развитие этой отрасли, процессов переработки и экспорта; вопросы, связанные с качественной агротехнической деятельностью в течение всего сезона. А также освещены ботаническое описание граната и его медицинское свойство.

**Ключевые слова:** гранат, технология, агротехника, экспериментальное поле, навигация, саженцы, ботаническое описание, рекомендация.

**CULTIVATION TECHNOLOGY OF POMEGRANATE SEEDLINGS IN THE EXPERIMENTAL AREAS OF  
SECONDARY SCHOOLS**

**Bakiyev D. T. -Tashkent State Pedagogical University, candidate of agricultural science**

**Annotation.** This article describes development of pomegranate cultivation, efficient use of land, the creation of pomegranate plots using resource-saving technologies, production of high-quality export-oriented pomegranate seeds, biological and chemical pest control; participation in the development of legal acts aimed at the development of this industry, processing and export processes; issues related to high-quality agrotechnical activities throughout the season. As well as the botanical description of an ordinary pomegranate and medical properties were studied.

**Key words:** pomegranate, technology, agrotechnics, experimental field, innovation, seedlings, botanical description, recommendation.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 4 октябрдаги “Фарғона вилоятида анор етиширишни кўпайтириш ва соҳани ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 791-сонли қарори қабул қилинди. Шу қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” компанияси, “Давергеодезкадастр” қўмитаси, Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамда анор етиширувчи ташкилотлар томонидан Фарғона вилоятида

анор кўчатларини етиштиришни янада ривожлантириш, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмини ошириш мақсадида “Анор етиштирувчилар” уюшмаси ташкил этилди.

Анор - Ўзбекистонда энг кенг тарқалган субтропик экинлардан биридир. Республикада қулай тупроқ-иқлим шароитларининг мавжудлиги маҳаллий навлар мажмусининг шаклланишига олиб келади.

Анор Punicae оиласига Punica авлодига киради. Ер шарида унинг икки хил ёввойи тури тарқалган.

- P.pratopunika ёввойи тури Сокотро (Ҳинд океани) оролида тарқалган.

2.P. granatum ёввойи ҳолда Шарқий Осиё, Кичик ва Ўрта Осиё, Кавказ, Эрон ва Афғонистонда тарқалган.

Маданий навлари асосан **granatum** туридан тарқалган бўлиб, унинг маданий навлари асосан Грузия, Озарбайжон, Арманистон, Ўзбекистон, Тоҷикистон, Туркманистон ва Қримда тарқалган.

Ўзбекистонда Сурхондарё, Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида экилади.

Анор 50-70 йил яшаб, 2-3 йилда ҳосилга киради. 7-8 йилда тўлиқ ҳосилга киради ва 30-40 йил ўқори ҳосил беради. Анор совуқка чидамсиз  $-15-18^{\circ}$  да совуқ уради. Шунинг учун қишида кўмилади. Вегитация даври март- апрелдан бошланиб 180-205 кунгача чўзилади. Анор иссиққа чидамли ёруғсевар ўсимлик. Намга ва тупроққа талабчан. Анор қумоқ озиқ моддаларга бой бўлган бўз тупроқларда яхши ўсади.

Умумий ўрта таълим мактаблари тажриба майдонларида мева (анор) кўчатларини етиштириш ўқувчиларнинг табиат ва ўсимликлар оламига бўлган муҳаббатини оширишда, ўқувчиларга меҳнат кўникумаларини ҳосил қилиш ва уларни тадбиркорлик ишлари (бизнес) тоясини шакллантириш ҳамда кўникумаларини ҳосил бўлишида катта аҳамият касб этади.

Умумий ўрта таълим мактаблари тажриба майдонларида анор кўчатини етиштириш биология фани ўқитувчиси раҳбарлигидаги олиб борилади. Ўқитувчи томонидан ўқувчилар билан ҳамкорликда анор кўчатини етиштириш бўйича бизнес режа тузилади.

Ўқувчилар биология фани дарснинг тегишли мавзулари бўйича умумий ўрта таълим мактаби тажриба майдончасида анор кўчатларини етиштириш учун анор қаламчаларини тайёрлаш ва уни сақлаш, ерга ишлов бериш, қаламчаларни экиш, экиш схемалари, кўчатларни парвариш қилиш, суғориш, ўғитлаш, кўчат қатор ораларига ишлов бериш, бегона ўтлардан тозалаш каби агротехник тадбирлар юзасидан мустақил равишда фенологик кузатиш ишларини олиб борадилар.

Умумий ўрта таълим мактаблари тажриба майдончасида етиштирилаётган анор кўчатлари табиийки, мавжуд навлар турларини кенгайтириш, унинг хилма-хиллигини ошириш, хўжаликларда янги навларни жорий қилиш, қариган анор боғларини қайта тиклаш, мавжуд боғларни кенгайтириш ва янгиларини барпо этишда мўҳим рол ўйнайди.

**Оналик-нав боғи.** Анор уруғлари, илдиз бачкилари ва қаламчалари билан кўпаяди. Энг самарали усул анорни қаламчалар билан кўпайтириш ҳисобланади. Анорнинг соғлом кўчатларини олиш учун анор етиштирилаётган фермер хўжалигига оналик-нав туплари ёки оналик туплари бўлиши керак. Кўпайтирилаётган навларнинг туплари қаламчаларни етарлича тайёрлаш учун етиштирилиши лозим. Улар касаллик ва зараркуннадалардан ҳоли бўлиб, нав тозалиги бўйича апробациядан ўтказилади. Туплар яхши ўсиши ва ривожланиши учун ҳар йили гектарига 10-15 т/га гўнг, 240 кг/га азот, 120 кг/га фосфор ва 30 кг/га калий соғ ҳолда солинади.

**Анор кўчатзорини барпо этиш.** Анор кўчатларини етиштириш учун умумий ўрта таълим мактабининг ер майдони шароитидан келиб чиқиб (2 сотихдан 10 сотихгача), текис ва сув билан таъминланган, қуёш нурлари яхши тушадиган, қуруқ ва совуқ ҳаволардан ҳимояланган ерлар танланади. Унумдор бўз, енгил ва ўрта қумоқ тупроқлар кўчатзор учун яхши ҳисобланади. Механик таркиби оғир, шағалли, шўрланган, ботқоқлашган ерлар анор кўчатзори учун тўғри келмайди.

Кузда тупроқни 35 см чуқурлиқда ҳайдаб(кичик ерларда қўлда бажарилади), 20-30 т/га маҳаллий ўғитлар ва 90 кг/га фосфор солинади. Эрта баҳорда шудгор бороналанади ва чизелланади. Қаламчаларни экишдан олдин чизеллаб яна борона қилинади<sup>1</sup>.

**Қаламча тайёрлаш ва уни сақлаш.** Қаламча аprobация қилинган юқори ҳосилдор она туплардан тайёрланади. Бир йиллик новдалардаги қаламчаларни илдиз олиши юқори ҳисобланади. Бир йиллик қаламчаларнинг илдиз олиши ва ўсиши 2 ва 3 йиллик новдалардан олинган қаламчаларга қараганда 30 кун илгари бошланади.

Қаламчаларнинг диаметри камида 8-10 мм ва узунлиги 25-30 см бўлиши лозим. Бундан кичик бўлган қаламчаларда илдиз чиқариш ва кўчат чиқиши кам бўлади. Шу билан бирга, 30 см дан узунроқ бўлган қаламчалар билан ишлаш анча ноқулай ва экиш материаллари кўп сарфланади. Анор қаламчаларида жадал илдиз олиши 12-14° С да содир бўлади. Қаламчаларни асосан куз ойларида ҳосил йиғиб олингандан сўнг тайёрланади. Қаламча учун қирқилган новдаларнинг учки нозик томони қирқиб ташланади, ён шохларидан тозаланади. Улар далада экилгунга қадар чуқурлиги 0,75-1,0 м ва эни 1,0-1,3 м келадиган ўраларда сақланади. Новдалар ўраларда кўндалангига горизонтал ҳолатда жойлаштирилади ва устига 3-4 см нам тупроқ тортилади. Ўра тўлганидан сўнг унинг устига 30-35 см гача тупроқ ўюлади.

**Қаламчаларни экиш.** Анор қаламчаларини экишдан олдин ўралардаги новдалар олиниб, узунлиги 25-30 см келадиган қаламчалар тайёрланади. Новданинг пастки томони куртакнинг тагидан қия кесилади, учки томони куртакдан 2 см юқориридан кесилади. Қаламчалар 70×10, 70x15 см (эгатлар ораси 70 см, қаламча ораси 10 ёки 15 см) схемада экилади. Экилганидан сўнг яхшилаб суғорилади.

**Анор кўчатзорини парвариш қилиш.** Қаламчаларнинг яхши илдиз олиши ва юқори сифатли кўчатлар етиштириш учун суғоришнинг таъсири жуда катта, айниқса кўчатлар ривожланишининг биринчи 2-3 ойида суғориш яхши самара беради. Ўсув даври давомида 12-15 марта гача қўйидаги схема бўйича суғорилади: апрель – 1-2 марта, май – 2, июнь – 3, июль – 3, август – 2-3, сентябрь – 1-2 марта. Ёз давомида 3-4 марта культивацияланади, 3-4 марта қаторлари юмшатилади, бегона ўтлар йўқотилади. Кўчатларнинг ўсиш ва ривожланишини кучайтириш мақсадида, май – июнь ойининг бошларида ҳамда июнь ойининг охирида 35-40 кг/га миқдорида соф ҳолдаги азотли ўғит билан озиқлантирилади [4,5].

**Кўчатларни кавлаб олиш ишлари** кузда октябрь ойининг охири – ноябрь ойларида ўтказилади. Кўчатлар соғлом, карантин касаллик ва зааркунандаларидан холи бўлиши керак. Кўчатлар ковлаб олингандан сўнг, икки стандарт навга сараланади:

**Биринчи нав** – узунлиги камида 50 см бўлган 2-3 асосий, шаклланган новдаларга ҳамда узунлиги 30 см дан кам бўлмаган илдиз системасига эга бўлган кўчатлар.

**Иккинчи нав** – узунлиги камида 30 см бўлган 1-2 асосий, шаклланган новдаларга, узунлиги 20 см дан кам бўлмаган илдиз системасига эга бўлган кўчатлар киради.

Ўсишдан орқада қолган, илдизлари нимжон, тўлиқ ривожланмаган (узунлиги 20 см дан кам) кўчатлардан ишлаб чиқаришда фойдаланилмайди. Улар қайта экилиб парвариш қилинади.

Умумий ўрта таълим мактаблари тажриба майдонида етиштирилган анор кўчатларидан олинадиган даромаднинг прогноз маълумотлари: Агар умумий ўрта таълим мактаблари шароитидан келиб чиқиб 10 сотих ерда анор кўчатлари етиштирилса, қўйидаги даромадни олиш мумкин:

Анор қаламчалари 70X10 схемада экилса (гектарига 142857 дона қаламча кетади) 10 сотих ерга 14285 дона анор кўчатлари етиштирилади. Бир дона анор кўчати 5 минг сўмдан ҳисобланса  $14285 \times 5000 = 71425000$  сўм даромад олинади.

**Хулоса қилиб айтганда** умумий ўрта таълим мактабларининг тажриба майдонларида мева (анор) кўчатларини етиштириш ўқувчиларнинг табиат ва ўсимликлар оламига бўлган муҳаббатини оширишда, ўқувчиларга меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш ва уларни тадбиркорлик ишлари (бизнес) фоясини шакллантириш ҳамда кўникмаларининг ҳосил бўлишида катта аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Азимбоев С.А. “Деҳқончилик, тупроқшунослик ва агрокимё асослари”. Иқтисод молия нашр.- 2006. 23-бет

Бозор иқтисодиёти даврида ҳамда ташкилотларнинг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш мақсадида умумий ўрта таълим мактаблари тажриба майдонларида мевали дараҳт (анор) кўчатларини етишириш умумий ўрта таълим мактаблари иқтисодиётини мустаҳкамлайди.

### **ЭНГ ГЎЗАЛ АВЖ ЖИЛОСИ – ЗЕБО ПАРИ**

**Пирматова Н. - Ўзбекистон давлат консерваторияси катта ўқитувчиси**

**Аннотация.** Ушбу мақолада ўзбек мұмтоз мусиқасининг гултоғи саналған мақомларда, хусусан Шашмақомда учрайдиган намудлар ҳақида маълумотлар берилади. Намудлардан ташқари, мақом йўлларида ишлатиладиган маълум ашула қисмларидан бири Зебо пари авжига қисман тўхталиб ўтилади. Ушбу авжнинг мақомлардаги ўрни, қўлланилиши хусусида маълумотлар берилади. Шу билан бирга, таркибида Зебо пари авжи мавжуд бўлган мақомларнинг бир нечтаси келтирилади ва таҳлил қилиб берилади.

**Калит сўзлар:** мақом, намуд, авж, Зебо пари, Турк авжи, Бухоро Ироқи, Наво, Сегоҳ, Наврӯзи Сабо.

### **САМЫЙ КРАСИВЫЙ АВДЖ – ЗЕБО ПАРИ**

**Пирматова Н. - старший преподаватель государственной консерватории Узбекистана**

**Аннотация.** В этой статье представлена информация о намудах известной узбекской классической музыки, особенно «Шашмаком». В дополнение к намудам, в статье говорится об авдже Зебо пари, который является частью макомов. Кроме того,дается информация о роли и значении этого авджа в исполнении маком.

**Ключевые слова:** маком, намуд, авдж, Зебо пари, авджи Турк, Ирак Бухара, Наво, Сегоҳ, Наврузи Сабо.

### **THE MOST BEAUTIFUL AVJ-ZEBO PARI**

**Pirmatova N. - Senior teacher of state conservatory of Uzbekistan**

**Annotation.** In this article is presented information about namuds known Uzbek classical music, especially «Shashmakom». In addition to namuds, in article it is spoken about abj- Zebo pari which is a part makoms. Besides, given information about role and value of avj in execution by makom.

**Key words:** makom, namud, avj, Zebo pari, avji Turk, Iraq Bukhara, Navo, Segah, Navruzi Sabo.

Ўзбек халқ мусиқа санъати бой ва серқирра. У гўёки буюк бир уммонга ўхшайди. Сабаби бу уммон ўз бағрида қанчадан қанча сир синоатлар-у, дур-у жавоҳирларни сақлаб келмоқдаки, йиллар ўтгани сайин уларнинг қиймати тобора ошиб бораверади. Ота боболаримиздан бизга мерос қолган бу бойликларни бугунги кунда биз ёшлар нафақат асрамоғимиз, балки бу борада чуқур илмий изланишлар олиб бормоғимиз жуда зарур. Мақомлар илми жуда мукаммал, мураккаб ва шу билан бирга жуда сержилоки, у ўзига мафтун этади. Мақомларда, мұмтоз асарларимизнинг ҳар бирида буюк фалсафа яширганки, уни нафақат асарларнинг матнларида, балки оҳангларида, тузилишида, ундан мавжуд қонуниятларида пайқаш мүмкін. Бу асарларнинг яратувчилари мусиқасынинг буюк билимдонлари, истеъододли ижодкорлари бўлиш билан бирга жуда юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлганлар, инсон руҳиятини чуқур анлаганлар ва барча билимларини ишга соглан ҳолда янги асарни яратганлар. Мана шундай буюк маданият соҳибларининг авлоди эканимиздан бугунги кунда фахрға тўламиз.

Исҳоқ Ражабов “Мақомлар” номли асарида шундай сўзларни келтирган: “Мақомлар Шарқ халқларида жуда қадим замонлардан бери мавжуд бўлган мусиқа жанридир. Улар бу халқларнинг

ўзига хос мусиқий бойликлари асосида касбий созанда ва хонандалар томонидан яратилган ва узоқ маданий ҳамда тарихий тараққиёт жараёнида мустақил мусиқа жанри сифатида юзага келган.” Илмий монография мақомларимиз борасида жуда кўп қимматли маълумотларни ўзида сақлади. Ушбу монографиянинг иккинчи қисмида “Намудлар хақида” деб номланган бўлим мавжуд бўлиб, унда бизга керакли маълумотлар ёзилган.

Намуд - тоҷикча кўриниш, келиш маъносидаги сўз бўлиб, муайян куй ёки ашуланинг маълум парчасининг бошқа ашула йўллари таркибидаги кўриниши демакдир<sup>1</sup>. Намудлар, кўпинча мақом шўйбаларининг бошланишидаги куй жумлаларидан олинади ва улар бошқа шўйбаларнинг авжи сифатида фойдаланилади. Намудлардан ташқари, мақом йўлларида ишлатиладиган маълум ашула қисмлари Зебо пари, Турк деб аталган авжлар ҳам учрайди. Бу авжлар намуд деб аталмасада, унинг вазифасини бажаради. Улар маълум шўйбалардан олинмаган, балки бастакорлик томонидан мустақил равишда яратилган. Шунинг учун уларни намуд, яъни маълум мақом ашула бўлгининг бошқа шўйбаларидағи кўриниши деб бўлмайди. Зебо пари, баъзи мусиқачи устозларнинг айтишларича, ашула авжини яратган бастакорнинг исмидир. Лекин бу ҳақда ишончли маълумот йўқ. Зебо пари авжи Сегоҳдан ташқари ҳамма мақомларда ишлатилган машҳур авжлардандир, шу билан бирга, у маълум ашула жумлаларидан бошқа намудларга ўтишда восита (гё “кўприк”) вазифасини бажаради. Худди шундай хусусият Намуди Сегоҳда ҳам бор бўлиб, Зебо парининг Сегоҳ мақомида ишлатилмаганилгига сабаб ҳам шу бўлса керак. Зебо пари кенг ашулачилар оммасига кўпгина куй ва ашула йўллари, шу жумладан, Бузрук мақомидаги Ироқ ашуласи орқали жуда ҳам таниш. Ироқи Бухородаги Зебо пари авжи чолғу муқаддимаси билан бошланади.

Ҳар бир ашула қисмида бир қанча намудлар ишлатиш мумкин. Аслида ижрочи намудларни ўз овоз имкониятларига қараб танлаши мумкин. Лекин мақомларнинг ашула бўлимларида намудларнинг анъанавий тартиби ўрнашиб қолган. Мақом шўйбаларида кўпинча намудлар гурухланиб бирин кетиш ишлатилади.

Шашмақом таркибидаги бир нечта асарларда Зебо пари авжи қўлланилган бўлиб, Улар Ироқи Бухоро, Талқинчай Ироқи Бухоро, Чапандози Ироқи Бухоро, Соқийномаи Ироқи Бухоро, Уфари Ироқи Бухоро, Талқинчай Наврўзи Сабо, Савти Сабо, Талқинчай Савти Сабо, Қашқарчай Савти Сабо, Соқиномаи Савти Сабо, Уфари Савти Сабо, Савти Калон, Талқинчай Савти Калон, Қашқарчай Савти Калон, Соқийномаи Савти Калон, Уфари Савти Калон, Сараҳбори Дугоҳ, Наврўзи Хоро, Сараҳбори Ироқ ва Чамбари Ироқдир. Бу асарлар орасидан бир нечтасига тўхталиб ўтамиш.

Ироқи Бухоро Шашмақомга кирадиган VI мақом бўлмиш Ироқнинг Сараҳборига оҳангдош. Бунда Сараҳбори Ироқ бутунчича олинниб, Бузрук мақоми ладига мосланган. Ашула бошланадиган парда Сараҳбори Ироқдагига кўра тўрт поғонага баланд кўтарилиган ҳамда авжидаги баъзи қайтариқ жумлалар қисқартирилган ёки баъзи ўзгаришлар билан олинган.

Ироқи Бухоро таркибида Талқинчай, Чапандоз, Соқийнома ва Уфар қисмлари бўлиб, уларда тоналлик ўзгариб туради, куй бўлаклари ҳам баъзан бир-бири билан мос келмайди. Масалан, Ироқнинг асосий йўлида Зебо пари авжи билан Мұхайяри Чоргоҳ намуди фойдаланилган бўлса, унинг Талқинчаси ва Чапандозида Мұхайяри Чоргоҳ ўрнига Турк авжи келади. Соқийнома ва Уфар қисмларида эса Зебо пари авжининг ёлғиз ўзи фойдаланилган. Бу ашула йўлларида бошқа пардаларга ўтиш каби куй ҳаракатлари кўплаб содир бўлади»<sup>2</sup>.

Ироқи Бухоронинг шаҳобчаларидан умумий тушунча олиш учун унинг енгилроқ йўлларидан Соқийномаи Ироқни олиб кўрайлик.

Бу ашула йўлининг I хати «Даромад», II-III хатлари ўрта парда жумлалари - Миёнхат, IV-V хат Зебо пари авжи, охирги VI-хат туширим қисмларидан иборат.

Бу жозибали ашула йўли кишида нозик лирик кайфиятлар қўзғайди, эзгу хаёлларга чўмдиради. Ўзининг куй тузилиши билан бош ашула йўлидан анчагина фарқ этади. Зебо пари авжидаги эса Ироқ билан ҳамоҳанг бўлиб қолади. Пиравард қисмида яна ўзгача шакл олади.

<sup>1</sup> Матёқубов “Оғзаки анъанадаги профессионал музика асосларига кириш” “Ўқитувчи” Т.: 1983 йил.

<sup>2</sup> Ражабов И. Мақомлар. – “Санъат” нашриёти. Т.: 2006 йил. 18-б.

"Соқийнома Ироқ" асосида "Сувора" ашуласи ва шу номли икки қисмдан иборат кўйлар юзага келган. Сувора кўйлари Соқийнома ва Уфар усусларида чалиниб авжидаги Зебо пари қисми тушириб қолдирилган.

Талқинчай Наврӯзи Сабо. Мақом қонуниятiga кўра барча талқинлар ва насрлар ўзига ҳос тароналари билан ижро этилади. Наврӯзи Сабода эса тарона ўрнига талқинча келади. Бунинг устига бу талқинча аслида Чапандоз усулидадир. Лекин мақом қонуниятiga кўра биринчи гурӯҳ шўъбаларида Чапандоз номининг берилиши ман этилади. Шунинг учун бу шўъбани талқинча деб номлашган. Бу ашуланинг ҳар бир хатдан кейинги оҳанглари жуда гўзал янграйди. Наврӯзи Сабода Сегоҳ ва Наво намудлари учраган бўлса, бунда Зебо Пари авжи учрайди. Наврӯзи Сабодан Талқинчай Наврӯзи Сабонинг фарқи ҳам шунда. Бу қисмда Зебо Пари авжнинг қўлланилиши унга жило беради<sup>1</sup>.

"Рост" мақомининг иккинчи гурӯҳига кирган шўъбалардан бири "Савти Сабо"дир. Савти Сабонинг лад асоси "Рост" мақомининг асосий товушқаторига мос келади. Савти Сабо Ростнинг биринчи гурӯҳ шўъбаларидан Наврӯзи Сабо асосида юзага келган. Уларнинг орасида баъзи тағовутлар бўлиши табиий бир ҳолдир. Чунки «Савти Сабо» "Наврӯзи Сабога" тақлид қилиниб ишланган ва қисқартириб олинган. Савти Сабода Наврӯзи Сабодаги кўйнинг погона-погона силлиқ ҳаракати сакрама ҳаракатга алмашинган. Уларнинг дастлабки 3 хати оҳанглари деярли бир хил бўлиб, Савти Сабода Наврӯзи Сабодаги "Сегоҳ", "Наво" ҳамда "Ораз" намудлари ўрнига "Зебо пари" авжидан моҳирона фойдаланилган. Савти Сабо ва унинг Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфар дейилган шоҳобчаларида бир хил куй қисмлари мавжуд, яъни биринчи хат икки марта тақрорланадиган даромад қисми, иккинчи хат ўрта пардаларда айтиладиган Миёнхат, учинчи ва тўртинчи хатлар Зебо пари авжи ва охирги хат тушиrim қисмларидан ташкил топган<sup>2</sup>, Савти Сабо йўллари улар асосида юзага келган ашула йўллари орқали ҳам машҳур бўлган.

Хулоса шуки, мумтоз мусиқий меросимизни таълим жараёнида ўргатишда унинг энг сермаҳсул қисмини мақом ижодиёти ташкил этиши ҳисобга олиниши, уни ўргатишга бугунги замонавий таълим методлари жорий қилиниши керак. Унинг таркибига турли даврларда бастакорлар томонидан ижод этилган ҳар ҳил хажмли муқаммал намуналар киритилганлиги боис, таълимнинг интерфаол усусларини қўллаб, халқ мусиқасининг мураккаб жанри бўлмиш мақомларни ижро этишга қодир профессионал малакали мутахассисларни тайёрлаш зарур. Бунга эришиш учун таълимга кўп йиллар давомида мақом билимдонлари бўлиб келган устоз ҳофиз ва созандалар билан мастер-класс дарсларини ташкил этиш зарур. Мақомларни маълум даражада тушуниб етишга, уларнинг барча ички хусусиятларини ўрганишда, албатта, мақомларнинг лад таркибини, ритмик асосларини амалий ўзлаштириш даркор. Бундан ташҳари мақомлар ижросида хонандалик ва созандалиқда мавжуд барча мусиқий безаклар ва характерли оҳанг-сайқаллардан хабардор бўлиш керак. Умуман, барча анъанавий ижрочилик асосларини ўзлаштириш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир анъанавий ижрочи профессионал класик мусиқанинг ички лад хусусиятлари, товушқаторлари, барча таркибий қисмлари, усул жиҳатлари, бадиий томонлари тўғрисида маълум тасаввурга эга бўлиш билан бирга, мақомларда мавжуд хилма-хил варианtlарни тушуниб етмоқлари керак. Айнан мана шунинг учун ҳам мақомлар борасида илмий изланишлар олиб бориш жуда мухим деб ҳисоблайман.

### **МУСИҚАЛИ ТЕАТР АКТЁРИ ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ ИЖРОЧИЛИК АНЪАНАЛАРИНИНГ ЎРНИ**

**Худоёрова З. Р. – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўқитувчиси**

**Аннотация.** Мазкур мақолада “Устоз-шогирд” мактаби анъаналари асосида илк марта 1920 йил Карл Маркс труппасида Маннон Уйғур томонидан саҳналаштирилган “Ҳалима” мусиқали драмаси ҳамда унда иштирок этган театр дарғалари ижоди ҳақида сўз боради. Ушбу анъанани давом эттирган

<sup>1</sup>Ш.Матёқубов “Анъанавий ижрочилик тарихи”. Т.: 2015 йил. 24-66

<sup>2</sup> Ражабов И. Мақомлар. – “ Санъат ” нашриёти. Т.: 2006 йил. 51-6.

ҳолда “Дийдор” театр студиясида Б.Йўлдошев томонидан саҳналаштирилган “Ҳалима” спектакли ва унда иштирок этган талабалар ижро талқини таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** тажассум, экспериментал, сўзана, мажнунтол, “ўлан” яъни “ёр-ёр”, достон, афсона, ривоятлар

## МЕСТО НАЦИОНАЛЬНО – ИСПОЛНИТЕЛЬСКИХ ТРАДИЦИЙ В ВОСПИТАНИИ АКТЁРОВ МУЗЫКАЛЬНОГО ТЕАТРА

**Худоёрова З. Р.– преподаватель Государственного института искусств и культуры Узбекистона**

**Аннотация.** В данной статье ведется речь об известных театральных актёрах, исполнявших роль в музыкально-драматическом спектакле “Халима”, впервые поставленном Манноном Уйгуром в труппе имени Карла Маркса в 1920 году на основе традиции “Устоз-шогирд”, а также об исполнительской интерпретация этого спектакля студентами, поставленного на сцену Б.Юлдашевым в театральной студии “Дийдор”, продолжая вышеуказанную традицию.

**Ключевые слова:** интерпретация, экспериментальный, сюзане, ива, гроб, “ёр-ёр”, дастан, легенда, миф, “условность”.

### PLACE OF NATIONAL - PERFORMING TRADITIONS IN EDUCATION OF ACTORS OF MUSICAL THEATRE

**Khudoyorova Z. R.–Teacher of State institute of arts and culture of Uzbekistan**

**Annotation.** In given article speech about the known theatrical actors playing role in musical-drama performance “Khalima”, for the first time was perfomed by Mannon Uygur in troupe named after Karl Marx in 1920 on the basis of tradition "Ustoz-shogird", and also about performing interpretation this performance by students put on a scene of B.Juldashevym in a drama school “Diydor” is conducted, continuing the above-stated tradition.

**Key words:** interpretation, experimental, suzane, willow, coffin, "yor-yor", doston, legend, myth, "convention".

Истиқлол шарофати билан миллий-маънавий қадриятларимизга бўлган диққат-эътибор, унугулаётган анъаналаримизнинг тарихан қисқа муддат ичida қайта тикланиши, янгиланиш ҳолатларини ислоҳ этиш жараёнларида устуворлик касб этмоқда. Бугун театр реапертуари анъанавий рұҳдаги саҳна асарлари билан бойимоқда, десак қайсиdir маънода тўғри бўлади.

Ушбу спектакллар томошабинга тарбия, инсон садоқати, ватанни севиш, эл-юрга, ёрга бўлган муҳаббат, содиқлик ва бошқа кўпгина инсоний фазилатларни сингдириши лозим. Театрга бориб ижод қилишни бошлаган актёр ўзи шу фазилатлар эгаси бўлиши керак. Ўзи тарбия кўрмаган ижодкор томошабинга қандай тарбия ҳақида гапириши мумкин, инсоний ҳислатлар ҳақида ҳам гапириши ноўрин ҳисобланади.

“Саҳнада роль ижро қилас эканмиз,- деб хотирлайди Наима Пўлатова “Устоз – шогирд” анъанаси ҳамда саҳнадаги устози ва умр йўлдоши Суръат Пўлатов ҳақида, – “улар битта кўз қарашлари орқали қаёққа ўтишимизни кўрсатиб турар эдилар. Улар нима демоқчи эканликларини кўзларидан илғаб олар эдик. Албатта, устозларимиз бизни ҳар доим қўллаб-қувватлаб туришган. Саҳнада уялиб қолмаслигимиз учун улар бизга доим йўл-йўриқлар кўрсатиб боришган. Демоқчиманки, ёш актёрлар кўпроқ устозлар анъанасига риоя қилишлари, уларнинг анъанасини буғунги кун саҳна асарларида қўллаши зарур<sup>1</sup>”, - деган гаплари айни ҳақиқатdir.

Саҳнада “Устоз-шогирд” анъаналарини давом эттирган ҳолда 2013 йилда “Дийдор” театр-студиясида Ғулом Зафарийнинг машҳур “Ҳалима” асари саҳналаштирилди.

<sup>1</sup> Пўлатова Н. билан бўлган сұхбатдан. 12 март, 2015 й.

Илк маротаба “Ҳалима” мусиқали драмаси 1920 йили Карл Маркс труппасида Маннон Уйғур томонидан саҳналаштирилган. “Эски шаҳар “Роҳат” боғчасида 1920 йил 14 сентябрь сешанба куни Ўзбек артистлари – биринчи ҳуқумат труппаси томонидан 5 пардали “Ҳалима” отли опера ўйналди. Ёзувчиси: Гулом Зафарий. Бу асар ерли турмушдан олинниб ёзилғон фожиадир. Ҳаволари ўзбекча бўлғони билан бирга музика (чолғу) да ўзбек чолғуладиридир. Ўйин бошланур соат 7 яримда. Кеча бошқарувчи: К.Маҳзумов. Режиссёр: Уйғур<sup>1</sup>. Саҳнада Ҳалима ва Неъмат образларини ilk маротаба Маҳсума Қориева ва Аброр Ҳидоятовлар ижро этишган. Аёл актрисанинг саҳнада ўз дардуғамларини томошабинлар билан ўртоқлашиши, очиқ ифода этиши янгилик эди. “Ўзбек қизининг ўз истагини юзага чиқара олмаслик орқасида оққан кўз ёшлари, севмаганига сотилиш хўрлигига чидай олмай ўзига ўлимни афзалроқ кўрганлиги Маъсумахонимда тугал акс этди. Аброр камбағаллик орқасида ўз севгани бўлган бойнинг қизига эриша олмай ўлган қашшоқ йигитнинг ноилож кўринишларини шундай тажассум этардиким, шунинг таъсири остида йиғлаганлар йўқ эмас эди”<sup>2</sup>. Ўзбек театр мунаққидларидан Чўлпон бу ижродан таъсиранланган ҳолда мана шундай мисраларни актисага бағишлиайди:

Эй, йўқсуллар саҳнасинда энг қимматли санъаткор,  
Эй, занг босган кўнгилларни оқартгучи малика.  
Бу куни сени кўнглим бутун борлиғи-ла олқишилар  
Фақат қанча олқиши, ҳурмат қилса-да оз сенга!  
Эй, пардалар, чимматларнинг остидаги қайғуни –  
Тирик, жонли шакл билан эл кўзига кўрсатган.  
Эй, деворлар орасида йиғлағучи чолғуни –  
Қулоқларга эшитириб, шафқат ҳисси уйғотган!

Чўлпоннинг мазкур мисраларида синфий муносабатлар ҳукмронлиги даврида ўзбек қизининг ҳур ҳаётга бўлган интилишини, жасоратини, ишончини, шу орзу йўлидаги аламли ҳаётини ва изтиробларини қўрқмасдан, жонли равишда саҳнада ижро қилган актриса Маъсумахонимнинг довюраклиги таърифланган. F.Зафарийнинг ўтмишдаги жаҳолатга ботган хотин-қизларга нисбатан қилинаётган зулмга қарши қалбидаги исёни билан вулқондек отилиб чиққанлигини кузатишимиз мумкин.

Муаллиф ўзбек хотин-қизларининг фожиали қисмати, уларнинг оиласида ҳам, жамиятда ҳам чекланган ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида, психологияк образлар воситасида реал ҳаётий манзара яратиб берганлиги спектаклда намоён бўлади. Асарнинг якунида актриса тобеълик руҳида тарбия кўрган қизнинг тақдирга таслим бўлишдан кўра ўлимни афзал кўрганини ўз ижроси билан исботлайди. “Ҳалима” асари мустақиллик даврига келиб янгича кўринишда, ёшлар ижросида ўз талқинини топди. Баҳодир Йўлдошев “Ҳалима” асарига қўл урди. Мен айнан мана шу асарда Бодом бека образини яратишга муваффақ бўлдим. Биз биринчи маротаба “Дийдор” номли театр-студиясига ташриф буюрганимизда, кўп томошабинга мўлжалланмаган кичкина саҳнада ишлаш бироз қийинчлилк туғдирди. Бу театр - студия дунёқараш кенг, ижодий фантазияси бой ёш санъаткорлар, санъат мухлисларини ўзида жамлаган бўлиб, янги услубий йўналиш яратишга интилаётган иқтидорли ёшларнинг экспериментал ижодий устахонасиadir. Маҳоратли режиссёр Б.Йўлдошев қобилиятили, салоҳиятли ёшларга юксак санъат яратиш борасидаги тажрибаларни ўргатар экан. Устоз талабалар билан ишлаш мобайнида асар моҳияти, даври, шарт-шароити, ҳолати билан танишириб, ҳар бир талабанинг имкониятини ўрганиб, психологик таҳлил қилиб борди. Саҳна асари орқали Б.Йўлдошев шогирдларга саҳна маҳоратини ўргатиш билан бирга, асар ва саҳна катта ижод мактаби эканлиги ҳамда ёшларимизга таълим ва тарбия малакаларини сингдирадиган маскан эканлигини доим таъкидлаб борди. Айниқса, илгари саҳналаштирилган асарларга янгича ёндашув, ноанъянавий талқин, кутилмаган эстетик воситалар топиш тажрибалари нафақат санъатга қизиқувчан ёшларни ўзига жалб этди, балки соҳадан йироқ кишиларнинг ҳам театрга бўлган қизиқишини кучайтирди ва эътиборини оширди.

<sup>1</sup> “Иштирокионъ”, 14 сентябрь 1920 й.

<sup>2</sup> Тўлқин. “Ҳалима”. “Кизил Ўзбекистон”, 4 март, 1925 й.

Баҳодир Йўлдошев диплом спектакли устида ишлар экан, спектакль жараёнини қўйидаги босқич ва услубларда ҳал этдилар. Биринчи навбатда муаллиф билан танишув, кейин асарнинг яратилиш тарихи ва сабабларини аниқлаш, пъесани ўқиш ва ўрганиш, роллар таснифи, актёрларнинг ижро жараёнидаги бир-бирига муносабати, ариялар устида ишлаш усуллари, кийим танлаш ва кийим билан машқ қилиш, чироқ билан ишлаш, прогон, асар яхлитлигига эришиш. Ана шундан кейингина актёрлар саҳнага чиқишиди. Бу спектакль барчамиз учун катта ҳаётий тажриба мактаби бўлди ва ёшларимиз кичик саҳнадан катта саҳна сари парвоз қилдилар.

Томошабин саҳнада парда очилиши билан спектакль нима ҳақида эканлигидан хабар берувчи декорацияларни кўради ва спектакль нима ҳақида эканлигини тушуна бошлайди, англаб етади. Чунки, унда биз истаган, уйғотмоқчи бўлган ўй-фирклар уйғона бошлайди. Демак, саҳна либослари, анжомлари гапира бошлайди. Улар мажозий тимсоллар, ўхшатишлардан иборат бўлиб, спектаклни “ўқиши”га ёрдам бериши шарт. “Ҳалима” асарида сўзана, мажнунтол, тобут рамз сифатида ишлатилади. Мажнунтоллар Неъмат ва Ҳалиманинг севги рамзи.

Ҳалима 16-18 ёшли қиз. Ортиқ бойнинг уйида яшовчи, аввал корандада, сўнг дўкондорга айланган Муслимнинг қизи. У чиройли қўшиқ куйлаб, рақсга тушади. Ҳалима акаси Зокирнинг дўсти, ҳам қўшни йигит Неъматни танбур чертиб қўшиқ айтгани учун ҳам ёқтиради. Улар доимо боғ четига экилган тут дарахти остида учрашиб, сухбатлашадилар. Ҳалима образи бир гапириб ўн куладиган беғубор қиз сиймосида гавдаланади. Қиз севгисига содик, мақсади Неъмат билан баҳтли бўлиш. Қиз ҳеч нарсадан хавфисирамай, Неъматни кутиб яшаб юраверади.

Ушбу образни битирувчи курс талабаси Фаёза Валиева ижро қиласди. Актриса ушбу ролни ижро қилишда кўп қийинчиликларга дуч келди. Сабаби, драматик ҳолатга кириш, образ ички-кечинмаларини очиб беришга ижро маҳорати етишмади. Б.Йўлдошев Ҳалима образи устида ишлар экан, актисага “образнинг моҳиятини тушунмаяпсан, уни тушуниш учун образда яшашинг керак. Ҳалима шўх-шодон, қувноқ қиз. Сен кампир бўлиб қолаяпсан”, - деган танбеҳларни кўп бора эшитар эди. В.Фаёзова ариялар ижросида ҳам овоз имкониятини тўлиқ кўрсатиб бера олмаган. Авж пардаларида хириллаш ва зўриқишини сезиш мумкин. Саҳна эркинликни талаб этади, томошабин Ҳалима образида сиқиқликни кўриши билан, образга ишончсизлиги ошади. Актриса режиссёренинг бу танбеҳларидан хулоса чиқарган ҳолда ўз устида тинмай изланди. Ижродаги нуқсонларга барҳам берилди ҳамда спектаклнинг мудавфақиятига ўз ҳиссасини қўшди.

Асарнинг бош қаҳрамонларидан яна бири бу Неъматжон образидир. У Ортиқбойга тегишли корандада Раҳимнинг ёлғиз ўғли. Унинг отаси танбур, соз устаси бўлиб, ҳунарини ўғли Неъматжонга ҳам ўргатган. Неъмат ҳам Ҳалимани севади. Мардикорликда уни эслаб яшайди, ҳатто оғир сил касалига учраб ўлмай қайтишига ҳам шу қизнинг ишқи сабаб бўлади. У содда, пок, ростгўй, ўта итоаткор йигиттир. У ўз орзуларига, аҳд-у паймонига, ота-онаси ва катталар олдидаги бурчларига ўта содик – вафодор. Бу образ режиссёр Б.Йўлдошев томонидан талаба Азизбек Исроиловга топширилди. А.Исройловнинг овоз имконияти ҳақида алоҳида тўхталашиб бўлсак, у куйлаган ариялар томошабин кўнглига етиб боради. Ижро этаётган арияларидағи овоз имкониятларининг кенглиги билан ҳам ушбу ролни тўлиқ акс эттира олган.

Асарнинг салбий қаҳрамонига кирувчи Ортиқбой образи бирорларни ишлатиб, ҳақини бермайдиган, ўзини дўст деб кўрсатиб, Муслим ва Раҳимларнинг оиласи, бола-чақаси билан ўз хизматига солиб қўйган бойдир. У қўллаб-қувватласин деб бойваччаларнинг қизларига севгисиз ўйланган, ишнинг кўзини биладиган, золимдир. Унинг Ҳалимага ишқи тушади ва шу ишқ сабабли ҳар куйга, ҳар ҳолга тушиб шайтон йўлига киради. Бой ролини Эминов Нурулло талқин қилган. Ушбу образ тўғри танланган бўлиб, хатти-ҳаракатлари орқали бойнинг фазилатларини кўрсатиб бера олган. Шу боис ҳам у ўзига хос, қалбida ҳасад қалашган, қора ният ва баҳил инсон сифатида кўзга ташланади. Унинг юрагига ин қурган ёвузлик, актёр Н.Эминовнинг совуқ боқувчи қўзлари, илондек чақиб олувчи аччиқ ва кескир сўзларида ҳам сезилади. Унинг ижро техникасининг маҳсули бўлмиш бой роли томошабин кўз ўнгидаги персонажнинг аниқ тасвирини гавдалантириди, десак муболаға бўлмайди. Шу боис ҳам унинг совуқ ва қаҳрли боқувчи нигоҳлари дилларга титроқ солса, овозидаги қатъият, кесатиқлар, ундаги оҳангларнинг вазият ва гап мазмунига мос жаранглости қаҳрамоннинг қандай кимса эканлигини англашиб мумкин.

Режиссёр кўрсатмаларига мос ҳолда Ортиқбой роли Н.Эминов талқинида ижобий натижага эришилди.

Саҳна асарларидағи салбий қаҳрамонлар ҳам томошабинни тўғри йўлга чорлашга ундаиди. “Ўша ёмон деб билган одамнинг ҳам ўзи таянган ҳақиқатлари бор. Адашганларнинг қисмати ҳам одамзотни яшашга ўргатади, ўз қадрини сақлашга, шаънини улуғлашга, курашиб яшашга ундаиди<sup>1</sup>”. Шундай экан саҳнада қандай образ яратилишидан қатъи назар томошабинни тарбиялаши, огоҳликка чорлаши ва ўзига тегишли хулосани чиқара олиши зарур.

Асарда Бодомбеканинг арияси йўқ эди, аммо режиссёр Б.Йўлдошев бу образга қўшиқлар киритди. Мусиқани зўрма-зўраки ҳолда матнга киритиш ҳолатлари кузатилмайди. Мусиқа қаҳрамонларнинг ҳиссий кечинмалари, ҳолатларини тўлақонли очишга хизмат қиласди.

Ов милтиғин осмонга отган отам ёр, ёр

Ўз қизини арzon сотган отам ёр, ёр

Ўз қизини ўрнига бодом эксин ёр, ёр

Бодом шоҳи эгилса, болам десин.

Актёр-талабалар яратадиган образнинг ҳолатини, шарт-шароитини, ички кечинмаларини ижро этишда нафакат сўз орқали, балки ария ва дуэтлар орқали ҳам ўз ифодасини топган. Улар асардаги матн билан ишлашда эҳтиёткорона ёндашган. Сўздан арияга ўтилганида ички динамиканинг ўсиб бориши ҳамда ўз ролларини изчиллик асосида қуриб, тўғри ижро эта олишлари режиссёрдан катта маҳорат талаб қиласди.

Асарнинг хусусиятларни сақлаган ҳолда Баҳодир Йўлдошев асар услуби, йўналишига қараб, томошабинга тақдим этиш нуқтаи назарини “шартлилик” деб белгилади. Чунки талабани грим қилиб, ёши, ҳолати, табақаларини кўрсатиш учун соқол-мўйлов, ҳасса, ашёлар шарт эмас деб билди. Биз ўзимизнинг ўшимизга хос образ яратганимиз. Томошабин талабаларнинг муносабатлари орқали ким эканликлари ва нима иш қилаётганликларидан, нима истаётганликларини англаб олади.

АЗалдан мазмун-моҳияти миллат руҳиятига таъсир кўрсатиш, унинг онгу шуурига ёруғлик улашишдан иборат бўлган санъат олдига бугунги даври томонидан янада катта масъулият юкланаётгани табиий. Қолаверса, бу улуғ аждодлар қолдирган улкан маънавий бойликни асрлаб авайлаш, келгуси авлодга етказиб беришга бугунги кун кишилари масъулдир.

Ёшларни маънавий баркамолликка етаклаб, истеъододли, интеллектуал салоҳияти кенг, иқтидорлиларни кашф этишда уларни бирлаштириб турувчи ижодий бирлашмаларнинг аҳамияти беқиёс. Иқтидорли ёшларни тарбиялаш ҳамда қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рӯёбга чиқаришда театр санъати мұхим воситалардан бири бўлиши мумкин. Зоро, умидли ёш ижодкорларни иқтидорининг рӯёбга чиқаришга имкон бериш орқали театр-студиялар томошабинлари санъат оламининг беқиёс бойликларидан баҳраманд бўлишга, маънавий озуқа олишига хизмат қиласди.

Хозирда мусиқали театр саҳнасида кўпроқ майший мавзудаги ёки ҳозирги замонда долзарб ҳисобланган ҳозиржавоб асарлар қўйилмоқда. Бундай майший асарлар авваламбор мусиқали театр мақомига жавоб бермайди (сабаби, мусиқа алоҳида ёзилади, матн алоҳида), иккиласми чи ўш актёрларга – бу хоҳ талаба, хоҳ энди театр бўсағасига борган актёр бўлсин, жиддий ўз устида ишлаш имкониятини бермайди. Шу сабабли баъзи бир ёшларда ролга бўлган маъсулият камайганлиги сабабли саҳнада ишончсизлик ҳолатларини кузатиш мумкин.

Илгарилари саҳнада бирор бир актёрнинг мабодо сўзи эсдан чиқиб қолгудек бўлса, тамом, сўз қўшиб гапира олмасди, чунки мумкин эмасди. Бу фазилат битта театрнинг комик актёри Сойиб Хўжаев ярашар эди, холос. Чунки, улар туғма талант эдилар”. Н.Пўлатованинг ушбу сўзларида жон бордек назаримизда<sup>2</sup>. Шундай экан, шоҳ асарлар “Тоҳир ва Зуҳра”, “Фарҳод ва Ширин”, “Равшан ва Зулхумор” каби мусиқали драмалар, драматик кечинмалар билан бирга, малакали овоз

<sup>1</sup>“Театр” журнали. Пўлатова Н. билан сұхбатдан 2015 й., март, 28-б.

<sup>2</sup>.Пўлатова Н. билан сұхбатдан 12 март, 2015 й.

имкониятларини очишни талаб этади. Шу каби классик асарларимиздаги анъаналарни ёш авлод ижросига сингдириш зарур.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мусиқали театр актёри тарбиясида халқ ижодиёти намуналари – достон, афсона, ривоятлар асосида саҳна асарига айлантирилган спектаклар саҳналаштирилса, актёрларнинг ролга бўлган муносабати, овоз устида ишлаши, масъулияти ошади. “Ҳалима” асарида ҳам айнан ария, дуэтлар жуда чиройли ишланганлиги сабабли актёрнинг овозини тарбиялади. Ҳар бир образ устида ишлаш эса ижро маҳоратини юксалтиради. Асарнинг тарбиявий жиҳатлари шундаки, томошабин ўзига керакли хулосани чиқариши мумкин.

### **БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАТЕМАТИК ТАФАККУРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДЛАРИ**

**Рахматова Ф. А. – Жizzах давлат педагогика институти ўқитувчиси**

**Аннотация.** Мазкур маколада бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларининг математик тафаккурини такомиллаштиришда қўлланиладиган интерфаол усуслардан фойдаланишнинг метод ва йўллари кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** математик тафаккур, бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари, восита, метод, интерактив ўқитиш методлари, муаммоли ўқитиш, муаммоли вазият методи, ақлий ҳужум, кластер, муаммоли маъруза, муаммоли ишбилармонлик ўйини, тадқиқотчилик, изланиш-тадқиқотчилик методлари.

### **МЕТОДЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МАТЕМАТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ**

**Рахматова Ф. А. - преподаватель Джизакского государственного педагогического института**

**Аннотация.** В данной статье указаны методы и способы использования интерактивных методов, применяемых при совершенствовании математического мышления будущих учителей начальных классов.

**Ключевые слова:** математическое мышление, интерактивные методы обучения, проблемное обучение, метод проблемных ситуаций, мозговой штурм, Кластер, проблемная деловая игра, соискательско-исследовательские методы.

### **METHODS OF PERFECTION OF MATHEMATICAL THINKING IN FUTURE TEACHERS OF THE ELEMENTARY EDUCATION**

**Rahmatova F. A - Teacher of Dzhizak state pedagogical institute**

**Аннотация.** This article describes the methods and ways of using interactive methods used to improve the mathematical thinking of future primary school teachers.

**Key words:** mathematical thinking, interactive methods of training, problem training, method of problem situations, Brain storm, claster, problem business game, research methods.

Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида математик тафаккурни такомиллаштиришнинг муҳим механизми ва воситаси бўлиб ўқув фаолиятида интерактив ўқитиш методларидан яъни, муаммоли ўқитиш (муаммоли вазият методи, ақлий ҳужум методи, муаммоли маъруза, муаммоли ишбилармонлик ўйини ва бошқалар), тадқиқотчилик (кластер методи, фокал объектлар методи ва бошқалар), изланиш-тадқиқотчилик (тадқиқотчилик масалаларини қўйиш ва ечиш, изланиш-тадқиқотчилик фаолиятни ташкил этиш ва бошқалар) методларидан фойдаланиш ҳисобланиши,

шунингдек, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида математик тафаккурни фаоллаштириш, унинг эмоционаллигини ошириш, диалог шаклдаги мулоқотни ташкил этиш, рефлексия, тескари алоқа учун ўқитишнинг эвристик методидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқлиги асосланди<sup>1</sup>. Ушбу методларни қўллаш жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида математик тафаккурни такомиллаштиришда ўқув фаолиятини ташкил этишнинг қўйидаги ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратилди: ўқитувчи тайёр материал бермайди, хуросалар чиқармайди, у муаммоли вазият яратади, талабалар эса муаммони ҳал этиш йўллари ва воситаларини қидиради, бу эса талабаларни математик тафаккур қилишга ундейди; фаол ҳаракат, ўқитувчи томонидан ташкил этиладиган, йўналтириладиган ва назорат қилинадиган билиш масалаларини ечиш учун вазият яратилади ва математик тафаккур аста-секин ижодий жараёнга айланади; материални таҳлил қилиш, муаммони ва масалани шакллантириш, мустақил ўрганиш, кузатиш ва ўлчашни амалга ошириш, қидириш ва тадқиқотчилик характеристидаги ҳаракатларни бажариш учун вазият ташкил этилади. Бу методлар орасида муаммоли метод алоҳида ўринга эга.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг математик тафаккурини ривожлантириш имкониятини таъминловчи қўйидаги интерфаол методлар такомиллаштирилди ва тажрибасиновидан ўтказилди:

“Интеллектуал биатлон” методи. Ушбу метод талабаларда фикрни жамлай олиш, фикрий операцияларни тезкор бажариш, фикрлашда эгилувчанликка эришиш, тезкор вазиятда ҳам топшириқни мукаммал, тўғри бажаришга эришиш малакаларини ҳосил қилиш, ўқув-билиш фаоллигини оширишга ёрдам беради<sup>2</sup>. Метод мусобақа характеристига эга бўлиб, талабаларга жуфтлиқда, кичик гуруҳларда ва академик жамоада ишлаш учун имконият яратади. Талабалар жуфтлик, кичик гуруҳ ёки ўқув материалининг характеристи, топшириқнинг мураккаблик даражасидан келиб чиқсан ҳолда белгиланган вақт оралиғида икки турдаги ўқув топшириқларини бажарилари керак. Икки турдаги ўқув топшириғи сифатида: 1) “Блиц-сўров” – ижодий иш (лойиҳа, схема, диаграмма, тасвир); 2) таянч тушунчалар тавсифи – тест; 3) оғзаки савол-жавоб – эссе; 4) сұхбат – ёзма иш шаклларида берилади.

“Бажарилган топшириқлар эстафетаси” методи. Ушбу метод талабаларда тезкор фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, ўқув топшириғининг моҳиятини тўла англаш орқали “муаммо-ечим” ўртасидаги мантиқий боғлиқликни тушуниш асосида жамоада таълимий ютуқга эга бўлиш имкониятини яратишга хизмат қиласи. Унга кўра тўрт кишидан иборат жамоа мазмунан тўрт хил бўлган (тўртта шаклдаги) ўқув топшириғини бажаради.

Методнинг моҳияти шундан иборат, жамоадаги ҳар бир аъзо (талаба) фақат биргина топшириқни бажаради ва навбатдаги топшириқни бажариш учун эстафетани ўз жамоадошига узатади. Беллашув характеристидаги ушбу метод ҳам аввалдан белгиланган вақт оралиғида қўлланилади. Ҳар бир аъзо томонидан қандай шаклдаги топшириқнинг бажариши жамоадошлар томонидан аниқланиши мумкин. Масала тортишувларга сабаб бўладиган бўлса, у ҳолда ҳар бир аъзо учун ўқув топшириғининг шакли қўръа ташлаш йўли билан аниқланади.

“Тизимлаштирилган тушунчалар кросси” методи. Методнинг мақсади талабаларни фаоллаштириш, уларда тезкор фикрлаш қобилиятини ривожлантиришдан иборат. Унга кўра талабалар жамоада, кичик гуруҳларда ўрганилган ёки ўрганилаётган мавзу бўйича таянч тушунчаларни тезкор, қисқа муддатларда тизимлаштира олишлари зарур. “Тизимлаштирилган тушунчалар кросси” методининг “Ақлий ҳужум” методидан фарқли равишда талабалар жуфтлик ёки кичик гуруҳларда белгиланган вақт ичida таҳлил қилинаётган муаммо (масала) юзасидан имкон қадар таянч тушунча (ёки мавзунинг характеристи жиҳат)ларни тизимлаштира олишлари зарур.

Такомиллаштирилган мазкур методларнинг амалий қийматини қўйидагилар билан асослаш мумкин:

<sup>1</sup>Джураев Р.Х. Таълимда интерфаол технологиялар. Тошкент: Истеъодод, 2010, 87-б.

<sup>2</sup>Ишмуҳамедов Р. ва б. Таълимда инновацион технологиялар. - Тошкент: Истеъодод, 2008. - 180 б.

1) талабаларга кичик гурухларда, жуфтликларда биргаликда, ўзаро ҳамкорлик асосида ўқув топшириқларини бажариш имкониятини яратади;

2) методларни қўллашда “тengдош-тengдошга” тамойили амал қилиниши натижасида мавзу ёки топшириқ моҳиятини етарлича тушунмаган талаба tengdoшларидан улар тўғрисида маълумот олиш имкониятига эга бўлади;

3) кичик гурухлар ёки жуфтликларда ишлаш талабаларда ўрганилаётган мавзуга, ўқув материалига бўлган қизиқишини кучайтиради;

4) кичик гурух ёки жуфтликларда ишлашда талабалар, табиийки, гуруҳдоши, шеригини қўллаб-қувватлаш, тинглаш, унга ёрдам бериш имкониятига эга бўладики, натижада талабаларнинг ижтимоийлашуви содир бўлади. Бу эса таълим жараёнини ташкил этишда муҳим аҳамиятта эга.

Таълимнинг ахборотлашуви шароитида талабаларнинг математик тафаккурини кучайтириш, ўқитиши сифатини ошириш ва самарадорлигини яхшилаш мақсадида шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг самарали имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда талабалар математик тафаккурини такомиллаштириш, уларда ўқув-билиш фаоллигини таъминлашда қўйидагиларни шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг самарали имкониятларга эга турлари сифатида эътироф этиш мумкин: 1. Интерфаол таълим. 2. Муаммоли таълим. 3. Ҳамкорлик таълими. 4. Лойиҳа таълими технологиялари.

Интерфаол таълим технологиялари таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул технологиялари сифатида эътироф этилади. Интерфаол таълим технологиялари ўқитиши жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, талаба ва талабалар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиб имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккilanмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – талаба – талабалар гуруҳи” нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади<sup>1</sup>.

Интерфаол таълим технологияларини қўллашда талабалар қўйидаги самарали имкониятларга эга бўлади:

- гурух ёки жамоа билан ҳамкорликада ишлаш асосида ўзининг техник қобилият ва ижодкорликка эгалигини намойиш қилиш;

- tengdoшлари орасида ўзининг математика ўқитиши методикаси фанига оид инновацион ғояларини эркин баён қилиш, бу борадаги билимларини ҳеч қандай руҳий тўсиқларсиз намойиш этиш;

- математика ўқитиши методикаси фанига оид ҳар қандай муаммони ҳал қилишга ижодий ёндашиш;

- математика ўқитиши методикаси фани мавзуларидан истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга доир мунозараларда гурух ёки жамоадошлари билан руҳий яқинликка эришиш;

- математика ўқитиши методикаси фанидаги муаммоларни ҳал қилишда ўз ички имконият ва қобилиятларини тўлиқ намоён қила олиш;

- “Математика” ва “Математика ўқитиши методикаси” каби фанларни пухта ўзлаштиришда ўз фаолиятини назорат қилиш ва мустақил баҳолаш.

Интерфаол таълим технологияларини амалиётда қўллаш жараёнида талабалар томонидан қўйидаги топшириқлар бажарилади: I. Ижодий топшириқни бажариш. II. Муаммоли вазиятларни ҳал қилиш. III. Ижтимоий лойиҳа (мусобақа, кўргазма)ни ташкил этиш.

Шу билан бир қаторда тажриба-синов ишларини олиб бориша музаммоли таълим технологиясидан самарали фойдаланилди. Унинг вазифаси фаол билиш жараёнига ундаш ва тафаккурда илмий-тадқиқот услубини шакллантиришdir. Музаммоли таълим технологияси ижодий

<sup>1</sup>Раҳматова Ф. А. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг математик тафаккурини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари // Монография-Тошкент: Фан ва технология, 2017.-145 бет

фаол шахс тарбияси мақсадларига мос келади. Ўз моҳияти ва дидактик имкониятларига кўра муаммоли таълим – талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хуносаларга келиш каби қўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилади.

Муаммо характеристидаги барча турдаги ўқув машғулотларини ташкил этишда талабаларга: индивидуал; жуфтлиқда; кичик групда ишлашлари учун самарали имкониятлар яратилди. Тажриба-синов ишлари амалиётида: билимларни муаммоли баён қилиш (муаммоли маъруза); муаммоли топшириқларни ҳал қилиш (муаммоли амалий машғулот); кичик илмий тадқиқотларни олиб бориш (муаммоли тажриба) шаклларидан кенг фойдаланилди.

Ҳамкорлик таълими технологияларининг қўйидаги самарали имкониятларга эга эканлиги очиб берилди. Улар: талаба шахси, индивидуаллигига эътибор қаратиш; тайёр билимларни ўзлаштириш ва уларни қайта ишлаб чиқишини инкор қилиш; талабаларда мустақил ва танқидий тафаккурни ривожлантириш; педагогга ва тенгдошларга нисбатан ижобий муносабатнинг юзага келишини таъминлаш; талабаларда маданий мулоқот қўникмаларини ривожлантириш; ҳамкорлик ва ўзаро тенгликка асосланган муҳитни яратиш; ижодий муҳитни яратиш.

Талабаларнинг математик тафаккурини такомиллаштиришда уларни ўқув, илмий ва ижодий лойиҳаларни тайёрлашга жалб қилиш ҳам кутилаётган самарали натижаларни кафолатлай олади. Лойиҳалар билан ишлаш олий таълим тизимида алоҳида ўрин тутиб, талабага анъанавий ўқитиш методлари орқали эришиб бўлмайдиган билимларни эгаллаш имконини яратади. Тажриба-синов натижалари асосида муаллиф томонидан лойиҳа таълими технологияларининг қўйидаги самарали имкониятлари тавсия этилади: лойиҳа моҳиятини ёритиш; лойиҳа устида ишлаш талабарини тушунтириш; ишни баҳоловчи мезонлар билан танишириш; лойиҳага раҳбарлик қилувчи педагоглар тўғрисидаги маълумотлар (уларнинг иш тажрибалари, академик йўналганлиги, таянч маълумоти) ни тақдим этиш; лойиҳа устида ишлаш шакллари (бевосита ишлаш, лабораторияда ишлаш, кутубхонада тадқиқотни олиб бориш, бирор-бир соҳани ўрганиш, лойиҳалаш ва тузиш-қуриш (конструкциялаш) га оид лойиҳаларни тайёрлаш) ни кўрсатиш.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда илм-фан асосларини ўрганиш билан бир қаторда олинган билимларни фаолият жараёнида юзага келган масалаларга ечим топишга татбиқ қилиш, турли муаммоли вазиятларни бартараф этиш, билим олиш методлари ва методикасига эга бўлиш устувор тус олмоқда. Бундан “Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш” йўналиши талабаларининг касбий тайёргарлигининг янги мақсадлари келиб чиқади. Улар биринчи навбатда, инсон маданияти компоненти сифатида математиканинг аҳамияти ҳақида тасавурлар, фикрлаш методлари ва унинг сифати (ўзгарувчанлиги, кенглиги, танқидийлиги ва бошқалар) ни шакллантиришга қаратилган.

Математик масала бу боғлиқли ихчам ҳикоя бўлиб, унда баъзи катталикларнинг қийматлари киритилган бўлиб, уларга боғлиқ ва масала шартида катталиклар билан маълум муносабатлар орқали боғланган бошқа катталикларнинг қийматлари изланади. Аммо, ўқитувчilar масаланинг бошқа таърифини ҳам биладилар: масала — бу сўзлар билан ифодаланган савол бўлиб, унинг жавоби арифметик амаллар ёрдамида олиниши мумкин. Шуни таъкидлаймизки, бу таъриф фақат арифметик масалаларга тааллуқлидир.

Масала тушунчасини тор маънода қараб, унда қўйидаги таркибий элементларни ажратиш мумкин: а) масаланинг шарти - сюжетнинг сўзлар билан баёни бўлиб, унда сон қийматлари масала таркибига киравчи катталиклар орасидаги функционал боғланиш ошкор (сонлар ёрдамида) ҳолда ёки ошкормас шаклда (сўзлар ёрдамида) кўрсатилган бўлади; б) масаланинг саволи — бунда бир ёки бир неча катталиктин номаълум қийматларини билиш таклиф қилинади.

Ҳар қандай арифметик масалада номаълум (изланаётган) сон (ёки бир нечта изланаётган сон) ва берилган сонлар (улар иккитадан кам бўлмаслиги керак) дан иборат элементлар албатта бўлиши керак экан.

Масала устида ишлаш унинг мазмунини ўзлаштиришдан бошланади.

Шарт ва савол — масаланинг асосий элементлари. Сонли (ёки ҳарфий) маълумотлар масала шартида берилган; изланаётган миқдор ҳар доим масала саволига кирган бўлади. Аммо баъзи

ҳолларда масала шундай ифодаланган бўлиши мумкинки, унда савол шартнинг бир қисмини олади ёки бутун масала савол шаклида баён қилинади.

Матнли масалаларнинг асосий хусусияти шундан иборатки, уларда изланаётган сонни топиш учун берилган сонлар устида қандай амал (ёки амаллар)ни бажариш кераклиги тўғридан-тўғри кўрсатилмайди. Шу сабабли масала текстида берилган сонлар билан изланаётган сон орасидаги боғланишни кўрсатувчи бирор билвосита кўрсатмалар бўлиши ва бу боғланиш керакли арифметик амалларни танлаш ва улар тартибини аниқлаши керак.

Масаланинг тўла ечими қўйидагилардан иборат бўлади: шартнинг анализидан (таҳлилидан); амалларнинг бажарилиш тартибини кўрсатувчи режадан; катталикнинг у ёки бу қиймати қандай амал билан топилиши ва нега шу амал билан топилишини тушунтиришдан; арифметик амалларни бажариш ва жавобдан иборат бўлади. Шунингдек, масала ечилишига текшириш ва олинган жавобнинг яроқли ёки яроқсиз эканини аниқлаш ҳам киритилади.

Масалаларни ечиш бу математиканинг қандайдир бир имтиёзи эмас. Барча инсон билимлари - бу янги вазифалар, муаммолар, муаммолар ўрнатиш ва ҳал қилиш жараёнининг давоми. Ва фақат у ҳолда, у киши фақатгина эслаб қолиш керак бўлган ибораларни эмас, балки биринчи навбатда турмушга оид саволларга, табиий равишда ҳаётдан чиқиб кетадиган саволларга қийин жавобларни кўрганда, илмий формулалар ва қоидаларни ўрганади. Назарий формулада ўзини қизиқтирган саволга, муаммога, шунингдек дуч келган қийинчлиликни бартараф этишга аниқ жавоб топган киши уни унутмайди ва узоқ вақт хотирасида сақланиб қолади. Шу сабабли, анъанавий ўқитишдан фарқли ўлароқ, замонавий ўқитиш бошланғич синф ўқитувчиларининг математик тафаккурини бошқариладиган жараёнга айлантиришга интилиш билан ажralиб туради.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида тафаккур фаоллиги, шунингдек бир хил масалани турли хил усуllар билан ечишга ҳоҳишда ҳам намоён бўлади.

Математик тафаккурнинг барча қайд этилган хусусиятлари бир-бири билан ўзаро боғлик ва математика ҳамда математика ўқитиш методикаси фанларини ўқитиш жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ўқув математик фаолиятида яққол намоён бўлади. Математик тафаккурнинг шакл ва хусусиятларининг намоён бўлиш имкониятларини биз математика фанида сюжетли масалаларга оид бир неча мисоллар орқали қараб чиқамиз.

1-масала. Учта синфда 76 ўқувчи бор. Биринчи ва иккинчи синфларда биргаликда 51 та, иккинчи ва учинчи синфларда биргаликда 52 та ўқувчи бор. Ҳар бир синфда нечта ўқувчи бор?

1-усул.

- 1)  $76 - 52 = 24$  (ўқувчи) биринчи синфда.
- 2)  $51 - 24 = 27$  (ўқувчи) иккинчи синфда.
- 3)  $52 - 27 = 25$  (ўқувчи) учинчи синфда.

2-усул

- 1)  $76 - 52 = 24$  (ўқувчи) биринчи синфда.
- 2)  $76 - 51 = 25$  (ўқувчи) биринчи синфда.
- 3)  $24 + 25 = 49$  (ўқувчи) биринчи синфда.
- 4)  $76 - 49 = 27$  (ўқувчи) биринчи синфда.

3-усул.

- 1)  $76 - 52 = 24$  (ўқувчи) биринчи синфда.
- 2)  $76 - 51 = 25$  (ўқувчи) биринчи синфда.
- 3)  $51 - 24 = 27$  (ўқувчи) биринчи синфда.

2-масала. Агар битта суғориш қурилмаси билан г радиусли доирани суғориш мумкин бўлса, у ҳолда суғориш қурилмалари орасидаги масофа д қандай бўлганда бутун майдонни суғориш мумкин?

Бу масаланинг ечими “тадқиқот” шаклида олиб бориш мумкин.

Бундай ҳолда ечимни топади, бошқа томондан эса фазодаги фигуранларни алмаштириш билан боғлиқ тушунчаларни кундалик ҳаётда қўллаш имкониятини кўради. Талабага шу вақтга қадар абстракт бўлган геометрик тушунчча шахсий аҳамиятли тушунчага айланади.


Доираларни суғориладиган майдонга айлантириб, талаба бир-биридан маълум масофада жойлашган, бир-бирига уринадиган ва кесишадиган турли хил схемаларга эга бўлади.

Үқитувчи: Ҳар бир схемадаги суғориш қурилмаларининг жойлашишининг мақсадга мувофиқлиги ҳақида нима дейиш мумкин?

Талаба: Биринчи расмда бири-биридан анча олис масофада жойлашган суғориш қурилмалари келтирилган. Шунинг учун ҳам суғориладиган майдоннинг катта қисми суғорилмай қолади. Доиралар бир-бирига уринган чизмадан суғорилмайдиган майдонлар қолади.

Үқитувчи: охирги схеманинг асосида қандай математик модел ётади?

Талаба: суғориш қурилмалари ўртасида иккита кичик масофа катетлари  $d$ , катта масофа  $2r$  эса гипотенузаси бўлган тўғри бурчакли учбурчак ташкил этади. Демак  $d$  ни Пифагор теормаси орқали топиш мумкин.




**3-масала. Расм ёрдамида математик модел бўйича масала тузинг.**




**a**

**б**  $(4+5) \cdot 236$

**в**



**4-масала. Расм ёрдамида математик модел бўйича масала тузинг.**



а) ечими  $(2 + (2+1)) \times 450$  сонли ифодага мос келган мактаб жиҳозлари ҳақида масала тузинг.

б) Уй, қурилиш, хонадон каби сўзлардан фойдаланиб, ечими  $(2 + (2+1)) \times 450$  сонли ифодага мос келувчи масала тузинг.

Шундай қилиб, интерфаол таълим, муаммоли ўқитиш, ҳамкорлик таълими ва лойиҳавий таълим технологиялари таълимнинг ахборотлашуви шароитида талабалар математик тафаккурини такомиллаштиришга хизмат қиласди.

### **ОДАМ ОРГАНИЗМИДА КИМЁВИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИННИГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Темиров Н.О. – Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчиси**

**Алимова Ф.А. – Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчиси**

**Миркомилов Ш.М. – Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчиси**

**Аннотация.** Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида “Анорганик кимё” курсида кимёвий элементлар ва уларнинг биологик аҳамиятини ёритиш орқали интерфаол методлар асосида ўқитиш

методикасини такомиллаштириш масалалари ёритилган. Бунда элементларнинг инсон организмига тарқалиши ва аҳамиятига кенг тўхталиб ўтилган. Мавзуни мустаҳкамлаш учун "Нилуфар гули" методидан фойдаланиш йўллари ўз аксини топган.

**Калит сўзлар:** Кимёвий элементлар, биологик аҳамият, анорганик кимё, ўқитиш методикаси, инновацион технологиялар, "Нилуфар гули" методи.

### **ОСОБЕННОСТИ МЕТОДИКИ ОБУЧЕНИЯ ТЕМЫ “ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ХИМИЧЕСКИХ ЭЛЕМЕНТОВ ДЛЯ ОРГАНИЗМА ЧЕЛОВЕКА”**

**Темиров Н.О.** – преподаватель Ташкентского государственного педагогического университета

**Алимова Ф.А.** – преподаватель Ташкентского государственного педагогического университета

**Миркомилов Ш.М.** – преподаватель Ташкентского государственного педагогического университета

**Аннотация.** В данной статье освещены вопросы совершенствования методики преподавания в высших учебных заведениях курса “Неорганическая химия” на основе интерактивных методов путем освещения химических элементов и их биологической значимости. При этом большое внимание уделяется распространению и значению элементов в организме человека. Для запрепления темы нашли свое отражение применение метода “цветок Лотоса”.

**Ключевые слова:** химические элементы, биологическое значение, неорганическая химия, методика обучения, инновационные технологии, метод “Цветок Лотоса”.

### **CHARACTERISTICS OF THE USE OF PRACTICAL DURATION OF THE CHEMICAL ELEMENTS IN THE PUBLIC ORGANIZATION**

**Temirova N. O. – Teacher of Tashkent state Pedagogical University**

**Alimova F.A. – Teacher of Tashkent state Pedagogical University**

**Mirkomilov Sh. M. – Teacher of Tashkent state Pedagogical University**

**Annotation.** This article highlights the issues of improving teaching methods in higher educational institutions of the course “Inorganic chemistry” on the basis of interactive methods by lighting the chemical elements and their biological significance. At the same time, much attention is paid to the distribution and importance of elements in the human body. To strengthen the theme reflected the use of the method of “Lotus flower”.

**Key words:** chemical elements, biological significance, inorganic chemistry, teaching methods, innovative technologies, the “Lotus Flower” method.

Ҳозирги кунда республикамизда таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи-талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларнинг эгаллаётган билимларини мустаҳкамлаш, салоҳиятини ошириш ва эътироф этиш учун керакли материалларни ўzlари қидириб топишини, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишини, хулосаларни ҳам ўzlари келтириб чиқариши, амалиётга татбиқ этишни ўргатади ва дунёқарашларини кенгайтиради.

Ўз навбатида, ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш педагогдан ижодий ишлашни талаб этади. Педагог ўзида унга ёрдам берувчи ташқи имқониятлар, яъни, назарий-амалий, ўқув қуроллари ва воситалари мавжудлиги ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлиши керак. Педагог ўзидаги мавжуд маълумотлар ва имқониятлар асосида қаралаётган таълим йўналиши бўйича маълумотлар ва илғор ўқитиш услубларини кўзлаган мақсадга йўналтириш қобилиятига эга бўлиши лозим. Педагогда шаклланган билим, кўникма, малака ўқитиш воситалари, замонавий педагогик технологиялар имкониятларини мақсадга мувофиқ йўналтира олиш

қобилиятлари мавжуд бўлиб, у давлат таълим стандартлари асосида таълим олувчига аниқ мақсадни белгилаб беради.

Кимё фанини ўрганишга бўлган қизиқишини ортириш фаннинг нимани ўрганишини ёки ўргатишини, мақсад ва вазифасини ўрганишдан бошланади. Талабаларга амалий аҳамиятини тўлиқ ёритиб бериш орқали, эшитган маълумотлари асосида жавоб олиши кимёвий дунё қарашини кенгайтириш мумкин.

Талабаларнинг кимёвий тафаккурини кенгайтиришда моддаларнинг амалий аҳамиятини тушунтириш орқали моддаларнинг флора ва фауна ҳамда инсонлар ҳаётидаги аҳамиятининг нечоғлик беқиёс эканлигини эътироф этган ҳолда ҳар бир талабани қизиқишини ортириш ва уларсиз ҳаётни тасаввур этиш қийинлигини ўқувчиларга етказиб бериш ҳозирги кун педагогининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Даврий системада жойлашган элементлар ўсимлик ва ҳайвонлар ҳамда инсонлар ҳаётидаги аҳамияти жуда юқори ҳисобланади.

Кимёвий элементларнинг одам организмида тарқалиши ва унинг амалий аҳамияти ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз<sup>1</sup>.

Одам организммининг тўқималарида ва аъзоларида макро ва микроэлементлар турли микдорда тўпланади. Кўпчилик микроэлементлар суяк, жигар ва мускул тўқималарида йиғилади. Бу аъзолар организмнинг микроэлементлар сақловчи захиралари ҳисобланади.

Элементлар маълум аъзога нисбатан мойиллик кўрсатади ва уларнинг концентрацияси юкори бўлади. Маълумки, рух - ошкозон ости безида, йод қалқонсимон безда, фтор тиш эмалида, алюминий, мишақ, ваннадий соч ва тирноқларда, симоб, буйракда, калай ичак тўқималарида бром, марганец, хром гипофиз безида йиғилади.

Организмда микроэлементлар боғланган ҳолда ҳам эркин ион холида ҳам учрайди. Кремний, алюминий, мис ва титан бош мия тўқималарида оқсил комплекслари таркибида, марганец эса ион шаклида бўлиши аникланган.

Водород ва кислород макроэлементлардир. Улар одам организмидаги ўртача 65% ни ташкил қиладиган сув таркибида киради. Сув киши танасида турлича тақсимланган. Углерод, водород ва кислород углеводлар таркибида ҳам киради. Лекин углеводларнинг организмдаги микдори кўп эмас, тахминан 2 % га яқин. Бу элементлар липидлар (ёғлар) таркибида киради. Фосфолипидлар таркибида фосфор бўлади.

Фосфорнинг асосий қисми суяк тўқималарида тўпланган. Бу одам организмидаги барча фосфорнинг 85 % ини ташкил этади. Калций асосан суяк ва тиш тўқималарида бўлади. Натрий ва хлор асосан ташки хужайравий суюқлиқда йиғилади. Фторидлар олатида натрий ва калий суяк ва тиш тўқималари таркибида киради. Магний эса фосфат ҳолатида тишнинг қаттиқ тўқималари таркибида кириши аникланган.

Баъзи макроэлементлар (Mg, Ca) ва кўпчилик микроэлементлар организмдаги биолигандлар-аминокислоталар, оқсиллар, нуклеин кислоталар, гормонлар, витаминалар билан комплекс бирикмалар ҳосил килади. Масалан, Fe<sup>2+</sup> комплекс ҳосил қилувчи сифатида гемоглобин таркибида, Co<sup>2+</sup> витамин B<sub>12</sub> таркибида, Mg<sup>2+</sup> хлорофилл таркибида бўлади. Бошқа элементларнинг (Cu, Zn, Mo ва бошқалар) ҳам биокомплекслари организмда муҳим роль ўйнайди.

Турли хил касалликлар кимёвий элементларнинг организмдаги микдорига таъсир кўрсатади. Масалан, рапахит касаллигига фосфор-калций алмашиниш жараёни бузилиб, организмда калцийнинг микдори камаяди. Нефрит касаллигига электролит алмашинув жараёни бузилиб, организмда калций, натрий ва хлорнинг микдори камайиб, магний ва калийларнинг микдори ортиб кетади. Организмда макро ва микроэлементларнинг микдорини маълум меъёрда ушлаб туришда гормонлар ҳам қатнашади[2].

<sup>1</sup> Темиров Н.О., Бердиқулов Р.Ш., Алимова Ф.А., Миркомилов Ш.М. Галогенларнинг биологик аҳамиятини кимё курсида ўрганиш масалалари. ЎзМУ ХАБАРЛАРИ. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети илмий журнали №3/1. Тошкент Б. 264-268

Темир барча ўсимлик ва ҳайвон организмлари учун зарур элементдир. Одам организмидаги темир гемоглобин, жигар, талоқ, орқа мия, буйрак, қон плазмалари таркибида учрайди. Турли тўқималарда темирнинг миқдори 4-5 г га етади. Ўсимликларда темир нафас олишни таъминловчи ферментлар таркибига кириб, хлорофилл синтезида иштирок этади. Темир бирикмалари тирик организмда тўқималарга кислород етказиб бериш, оксидланиш-қайтарилиш жараёнларига катализаторлик қилиш, электрон ташиш каби муҳим вазифаларни бажаради. Гемоглобин ва миоглобин тўқималарнинг нафас олишини таъминлайди. Улар таркибида темир (II) бирикмалари бўлади. Гемоглобин икки вазифани бажаради: у кислородни ўпкадан тўқималарга ташийди, CO<sub>2</sub> ни бўлса тўқималардан ўпкага ташийди. Темирнинг қолган бирикмалари организмдаги турли хил оксидланиш-қайтарилиш каби биокимёвий жараёнларда иштирок этади. Организмга темир етишмаса, камқонлик касаллиги бошланади, одамнинг мадори қуриб, ўзини бехуш сезади, кайфияти бузилади. Бунда организмга қайтарилиган темир берилади. Масалан, ферамид. Ферамид бу темир ҳамда никотин кислотаси амидининг комплекс бирикмаси бўлиб, бу модда Тошкент фармацевтика институтида проф. М.А.АЗИЗОВ раҳбарлигига институтнинг, марказий илмий текшириш лабораториясида ишлаб чиқарилган ва тиббиётга жорий этилган. Бундан ташқари, тиббиётда FeCl<sub>3</sub> қон тўхтатувчи модда сифатида ҳам ишлатилиши маълум. Ортиқча темир юрак-қон томирлари, жигар ва ўпка фаолиятининг бузилишига сабаб бўлади.


Биотизимларда кобальт бирикмаларининг, айниқса, B<sub>12</sub> витаминининг(C<sub>63</sub>H<sub>90</sub>N<sub>14</sub>PCo) аҳамиятикатта. B<sub>12</sub> комплекс бирикма бўлиб, унинг таркибида кобальт(III) бўлади. B<sub>12</sub> витамин организмда ўсиш, қон айланиши, қоннинг ивиши, углевод ва липидлар алмашинувини бошқаради. Одам организмидаги B<sub>12</sub> витамин етишмаса, хуруж килувчи камқонлик зўрайди, организмнинг турли юкумли касалликларга бардоши сусаяди. Ҳайвон ва одам организмни ичак деворлари B<sub>12</sub> витаминини ишлаб чиқаради. Никел ҳам биокимёвий жараёнларда қатнашиб, ферментлар фаолиятига таъсир синтез қиласида. Таркибида олтингугурт тутган аминокислоталар синтезини фаоллаштиради. Қолган VIII В гурӯҳ элементлари ичидаги платинанинг комплекс бирикмалари организмда оксидланиш жараёнларини бошқаришда қатнашиши аниқланган. Цис ҳолатдаги тузилишига эга бўлган платина(II) ва (IV) ларнинг комплекс бирикмалари хавфли ўсмаларга(саратон) қарши самарали воситалиги топилган. Тиббиётда анемияга қарши темир, темир (II) сульфат, темир (III) сульфат, темир(II) хлорид, темир(III) оксид, темир (II) лактат ва бошқа темир бирикмаларини тутган моддалар дори сифатида кенг қўлланилади. Масалан: қайтарилиган темир, темир глицерифоафат, гемоцумулин, фитоферролактол, ферроплекс, конферон, ферум-лек, ферросен, ферамид ва бошқалар. Анемияга қарши самарали воситалардан бири витамин B<sub>12</sub> ҳисобланади. Бу витамин бошқа касалликларда ҳам самаралидир. Мисферментлар, гормонлар, витаминлар билан боғланган бўлгани учун ҳаётий муҳим жараёнларга анчагина таъсир этади: бужараёнлар кўпайиш, қоннинг қуюлиши, пигментация, организмнинг ўсиши ва ривожланиши, оксидлаш-қайтарилиш жараёнлари ва алмашинишdir.

Тиббиёт амалиётида CuSO<sub>4</sub> · 5H<sub>2</sub>O ишлатилиши маълум. Бу модда антисептик хоссага эга. Кумушнинг колларгол (70% гача кумуш бор) ва протаргол (8,3% гача кумуш) деган доривор турлари маълум. Кумуш нитрат жуда захарли бўлиб, ташқаридан эррозия, яра, трахома ва бошқа тери касалликларида буюрилади.

Одам организмидаги кумушга энг бой мия қисобланади. Бир суткада одам организмига 0,1 мг атрофида кумуш киради. Кумуш кўпроқ тухум сарифида кўплиги аниқланган (100г да 0,2 мг кумуш).

Олтин бирикмалари организмнинг чидамлилигини ошириши маълум. Ин витро тажрибаларида олтин бирикмаларининг сил касаллиги чақирувчиларига фаоллиги маълум бўлган. Олтиннинг комплекс бирикмаси  $\text{AuNaS}_2\text{O}_3$  волчанка касаллигида ишлатилади. Олтиннинг кризолган, трифталь деган органик бирикмалари ҳам шу мақсадда ишлатилади.

Кризанол  $[\text{Au-S-CH}_2\text{-CH}_2\text{-OH-CH}_2\text{SO}_3]_2\text{Ca}$  волчанка, сил ва мохов касаллигида самарали дори воситаси сифатида ишлатилиши маълум. Шунингдек, кризанол ревматоидли артритда антибиотиклар ва кортикоцероидлардан анча самарали эканлиги аниқланган.



**1-расм. "Нилуфар гули" методи**

Рұх энг мұхим микроэлементлар қаторига киради. Катта одам учун рұхни суткалик дозаси 10-15 мг ни ташкил этади. Рұх металлоферментлар қаторига киради. Уларнинг ичидә карбонгидраза ва карбоксипептидаза күпроқ ўрганилган. Карбонгидрараза қизил қон танаачалари таркибиға кириб, гидратация ва  $\text{CO}_2$  нинг дегидратация жараёнларига таъсир этади. Карбоксипептидаза ошқозон ости бези таркибиға киради. У пептидларнинг гидролизланишини тезлаштиради. Бу жараён иньсулин синтези билан боғланган. Ана шу ҳолат диабетни даволашда ишлатилади. Ҳозирги пайтда бу мақсадда рұх сақловчи препаратлар тавсоя этилади. Уларнинг таъсир қилиш мүддати узоқ бўлиб, уларга рұх инсулин, протамин -зинк иньсулин, инсулинкрідез киради. Анорганик кимё курсида элементларининг одам организмидә тарқалиши ва амалий аҳамиятини ўрганиш талабаларнинг фанга бўлган қизиқишлигини оширади. Бу таълимнинг асосий мақсадларидан биридир. Бу мақсадларни амалга оширишда педагогик технологияларнинг роли катта<sup>1</sup>. Педагогик технологиянинг асосий мөҳияти таълимда талабаларни қизиқтириб ўқитиш ва билимларни тўлиқ ўзлаштиришга эришишdir. Таълимда берилётган билимларни талабаларнинг аксарият кўпчилик қисми пухта ўзлаштириши педагогик технология жорий этилишининг асосий мақсади ҳисобланади. Педагогик технология асосида дарс ўтишда энг асосий талаб талабанинг ҳаётий тажрибаси аввал ўзлаштирган билимлари ва қизиқишлиари асосида билим беришни кўзда тутади. Инновацион технологияларнинг ўзига хос ҳусусиятлари қўйидагилардан иборат:

- Инновацион технологиялар ҳар доим талабаларнинг фанга бўлган қизиқишини ортиради;
- Инновацион технологияларни қўллаш жараёнида талабаларнинг мулоқот маданияти ривожланади;

<sup>1</sup> Темиров Н.О., Миркомилов Ш.М. Ишқорий ер металларининг амалий аҳамиятини ўқитишда инновацион методларнинг қўлланилиши. Ўзбекистонда аналитик кимёнинг ривожланиш истиқболлари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент-2018. 189-191 б.

- Инновацион технологиилар қўлланганда талабалар ўз иқтидори, билимини намоён этади;
- Талабаларнинг ижобий хислат ва фазилатларини шакллантиради.

Инновацион технологиилардан “Нилуфар гули” методи кимё фанининг “Кимёвий элементларнинг амалий аҳамиятлари” мавзусини ўқитишида қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Кимёвий элементларнинг одам организмида тарқалиши ва уларнинг амалий аҳамиятини тушунтириб бўлгандан сўнг мустаҳкамлаш учун “Нилуфар гули” методидан фойдаланилади.

“Нилуфар гули” методини қўллаганда гурӯҳ талабаларининг сонидан келиб чиқиб гурӯҳчаларга тармоқлаш мумкин. Гурӯҳчаларга топшириқ қилиб берилган гурӯҳ элементларининг амалий аҳамиятини гурӯҳ билан маслаҳатлашиб ёзади ва ёзиб бўлгандан сўнг бир гурӯҳдан бир нафардан талаба ёки гурӯҳ билан тушунтириб беради (1- расм).

Хулоса қилиб айтганда, анорганик кимё дарсларида шу мавзунинг кимёвий элементлар ва уларнинг амалий аҳамиятини тўлиқ ёритиб бериш жараёнида инновацион методларнинг қўлланилиши таълимнинг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қиласди. Тавсия этилаётган технология талабаларнинг ўрганилаётган соҳа бўйича билимларини эсга тушириш, жонлантириш, янги билимни ўзлаштиришга асос бўлади. Билимлар ва тайёргарликни аниқлаш, талабани фаоллаштириш ва билим ўзлаштиришига ижобий мотивни келтириб чиқаради. Мавзуни ўрганишга киришишда эркин сұхбат, мунозара, ақлий ҳужум ва бошқа шаклларда жонлантиришга кўмаклашади. Шу билан бирга, фанлараро масалаларни тизимли равишда муаммоли вазият, амалий топшириқлар шаклида қўллаш талабалар учун турли фанлар ўртасидаги боғлиқликни ўрганишда ва эгаллашда ёрдам беради. Ўқитувчи кимё фанини ўқитиши жараёнида фанлараро боғлиқликни амалга оширгач, талабалар билимларининг, таълимни ташкил этиш шаклларининг комплекс шаклларига йўналтирилган ўқитиши методларини фаол қўллаган ҳолда нафақат тизимли бўлишига шароит яратади, балки кимёвий элементларнинг амалий аҳамиятини янада чуқурроқ ўрганишига шароит яратади, бу эса ўз навбатида талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларида ўз аксини топади. Шундан келиб чиқсан ҳолда, кимё дарсларида мавзунинг амалий аҳамиятини тўлиқ ёритиб бериш жараёнида интерфаол методларнинг қўлланилиши таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қиласди. Бундай машғулотларда талабалар кимё фанидан назарий билимлардан ташқари кундалик ҳаётда уларни амалда қўллай олиш кўникмаларига ҳам эга бўладилар.

## **ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**Фарсаҳонова Д. Р. – Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси**

**Аннотация.** Мазкур мақолада педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш механизmlари, хусусан талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мақсади, мазмuni, жараёни, баҳоловчи мезонлари тўғрисида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** талаба, ахлоқ, тарбия, маънавий-ахлоқий тарбия, маънавий-ахлоқий тарбиялаш механизmlари, маънавий-ахлоқий тарбия мақсади, мазмuni, жараёни, баҳоловчи мезонлари.

## **ПУТИ ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ СТУДЕНТОВ ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ**

**Фарсаҳонова Д. Р. – преподаватель Джиззакского государственного педагогического института**

**Аннотация.** В данной статье описываются механизм духовно-нравственного воспитания студентов педагогических высших образовательных учреждений, в том числе цели, содержание и критерии оценки духовно-нравственного воспитания студентов.

**Ключевые слова:** студент, нравственность, воспитание, духовно-нравственное воспитание, механизм духовно-нравственного воспитания, цели, содержание и критерии оценки духовно-нравственного воспитания.

## WAYS OF SPIRITUAL AND MORAL EDUCATION OF STUDENTS OF PEDAGOGICAL HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

**Farsakhanova D. R. - Teacher of Dzhizak state pedagogical institute**

**Annotation.** This article discusses the mechanisms of spiritual and moral upbringing of students of pedagogical higher education institutions, in particular the purpose, content, process and evolution criteria of spiritual and moral education of students.

**Key words:** student, morals, education, spiritual and moral upbringing, mechanisms of spiritual and moral upbringing, in particular the purpose, content, process and evolution criteria of spiritual and moral education.

Ҳар қандай даврда ҳам давлат ва жамият ривожи учун аввало маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, баркамол шахсни тарбиялаш масаласига асосий эътибор қаратилиши лозим ва шунинг билан бирга ёшларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбияланганлик дараражасини ошириш даркор. Яъни, ахлоқий жиҳатдан тарбияланган шахсларсиз жамият тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди. Жамият тараққиётида тарбия жараёнининг аҳамияти беқиёс. Бунда инсонни тарбиялаш, уни билим олишга, меҳнат қилишга ундаш ва бу хатти-ҳаракатини секин-аста кўникмага айлантириб, таянч компетенцияларни шакллантириб бориш лозим. Бугунги кунда замонавий таълим модели жамиятда эркин фикрловчи шахсни шакллантиришга олиб келади. Бу эса ҳаётий мақсадларига эга ва иродали, ўз қадрини биладиган инсонларни тарбиялаш имкониятини беради. Таълим ва тарбия мунтазам равишда замон талабларига мос ҳолда ривожланиб, янгиланиб бораверади. Шу ўринда узлуксиз таълим шароитида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ўзлигини намоён қила оладиган компетент кадрларни тайёрлаш вазифаси устуворлик касб этади. Замонавий таълим моделига асосланган ҳолда Давлат Таълим стандартлари қайтадан кўриб чиқилди. Такомиллаштирилган Давлат Таълим стандартларида таълим олувчиларда таянч ва предметга оид умумий компетенцияларни шакллантириш кўзда тутилган.

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялашда қўйидаги таянч компетенцияларни шакллантиришга эътибор қаратилади: шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси – доимий равишда ўз-ўзини жисмоний, маънавий, руҳий, интеллектуал ва креатив ривожлантириш, камолотга интилиш, ҳаёт давомида мустақил ўқиб-ўрганиш, ўз хатти-ҳаракатини муқобил баҳолаш ва мустақил қарор қабул қила олиш кўникмаларини эгаллаши ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси – жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодиса ва жараёнларга даҳлдорликни ҳис этиш, уларда фаол иштирок этиш, ўзининг фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиш, унга риоя қилиш, меҳнат ва фуқаролик муносабатларида муюмала ҳамда ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантириш; миллий ва умуммаданий компетенция – ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш, ораста кийиниш, маданий қоидаларга ҳамда соғлом турмуш тарзига амал қилиш лаёқатларини шакллантириш муҳим ҳисобланади.

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялашда шахсга йўналтирилган таълим-тарбия технологияларини амалга ошириб бориш ижобий натижа беради. Шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнида маънавий-ахлоқий тарбия тузилмаси алоҳида ўрин тутади. Чунки, маънавий-ахлоқий тарбия тузилмасининг барча компонентлари бевосита шахсга йўналтирилган бўлиб, унинг марказида талаба шахси туради.

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш механизмининг компонентлари қўйидагилар:

1. Муносабатлар тизимини шакллантириш. Инсоннинг маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражаси муносабатларда намоён бўлади. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнида уларнинг қўйидагича муносабатларга киришиши муҳим аҳамият касб этади: талабаларнинг ўз Ватанига бўлган муносабати, бунда уларни ватанпарварлик, Ватан туйғуси, Ватан соғинчи, Ватан қайғуси руҳида тарбиялаш; талабаларнинг ўз оиласига бўлган муносабати, бунда уларни авваламбор ота-онасини ҳурмат қилишга, оила аъзоларига нисбатан доимо ҳурмат кўрсатишига ўргатиш, ота-онасининг берган тарбияси, уларнинг фарзандини ўқиши, таълим олишига бўлган эътибори туфайлигина ўзининг шу даражага етганлиги, талабалик баҳтига муяссар бўлганлигини, бунинг учун ота-онасидан бир умр миннатдор бўлиб, унинг хизматида бўлишликни ўқтириш; талабаларнинг жамиятга бўлган муносабати, бунда уларнинг атрофдаги ижтимоий муҳитга бўлган муносабатини тўғри йўлга қўйиш лозим (жамоат жойларида ўзини тута билиши, доимо атрофдагиларга ҳурмат билан қарashi, ўз ватандошларига доимо яхшиликни соғиниб яшashi кабилар); талабаларнинг ўқув масканига бўлган муносабати, бунда аввало, уларда ўзлари таҳсил олаётган ўқув масканига меҳр қўйиш, уни астойдил ҳурмат қилиш ҳис-туйғуларини юксалтириш, олий таълим муассасаси одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этишига ўргатиш лозим; талабаларнинг ўзаро муносабати, бунда уларнинг ўз гуруҳдошларига бўлган тўғри муносабатини, ўзаро ҳурматни шакллантириш (бирор масалани сўраганда тўғри маслаҳат бериш, бир-бирига ёрдам бериш ва шу кабилар) зарур.


2. Маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбияланган педагогика олий таълим муассасалари талабаси баҳт, виждон, бурч, адолат, ор-номус, муҳаббат, эзгулик, садоқат, шон-шараф, эътиқод, садоқат каби бир қанча ахлоқий категорияларни тўғри тушуниб етиши ва ўзида мужассамлаштириши лозим

3. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш учун уларга турлича маънавий ва маърифий таъсир йўлларини излаб топиш зарур. Бунда талабаларга миллий қадриятларни чуқурроқ ўргатиш орқали, буюк шахсларнинг ҳаёт йўлини ибрат-намуна қилиб кўрсатиши орқали ҳам эришиш мумкин. Маънавий таъсир – миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналар, халқ оғзаки ижоди, Ватанимиз қаҳрамонларининг ҳаёт фаолиятлари, шоирлар, ёзувчилар ва тарихчилар ижодидан намуналар, маънавий-ахлоқий мавзудаги суҳбатлар, учрашув ва баҳс-мунозаралар, танловлар ва оммавий-тарбиявий тадбирлар ва ҳ.к.

4. Маърифий таъсир – таълим жараёнига тегишли бўлган меъёрий ҳужжатлар, бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида ўтиладиган ўқув фанлари блокидаги умумий педагогика фанига доир материаллар. Масалан, илм-фанга ҳисса қўшган алломаларнинг ҳаёти, ижоди, педагогик қарашлари тўғрисидаги маълумотлар. Масалан, Абдулла Авлоний; Абдулла Қодирий; Абдулҳамид Чўлпон; Абдураззоқ Самарқандий ва ҳ.к. ҳамда маънавий-ахлоқий тарбиянинг тараққиёт босқичлари ҳақидаги маълумотлар. Маърифий таъсир дарс машғулотлари, мустақил таълим ва тўғарак машғулотларида амалга оширилади. Тўғарак ва клубларда олиб бориладиган машғулотлар мазмунни ҳам педагогика олий таълим муассасалари талабалари маънавий-ахлоқий тарбиясини такомиллаштиришда ижобий самара беради.

5. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларидаги ахлоқнинг шаклланиши қўйидагиларда намоён бўлади: талабанинг хатти-ҳаракатларида; талабанинг хулқ-авторида; талабанинг одобида. Булар талабанинг юриш-туришида, ўзини тутишида, фанларни ўзлаштиришида, кийиниши, сўзлашиши, саломлашиши кабиларда кўринади.

Мунтазам олиб бориладиган мураккаб ва изчил давом этадиган жараён натижасида ёшларда бир қанча маънавий-ахлоқий фазилатлар шаклланади. Фазилатлар инсоннинг ижобий ахлоқий сифатлари мажмуидан иборат. Олиб борилган маънавий-ахлоқий тарбия натижасида педагогика олий таълим муассасалари талабаларида қўйидаги бир қанча ижобий фазилатлар ривожлантирилади: инсонпарварлик, эркпарварлик, ватанпарварлик, миллатпарварлик, тинчликсеварлик, адолатлилик, ҳалоллик, ростгўйлик, хушмуомалалик, боодоблик, камтарлик, босиқлик, хушфеъллилик, камсукумлик, шириңсуханлик ва бошқалар.



4-расм. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш механизмини такомиллаштириш модели

Булар асосида педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиши ва етук мутахассис бўлиб Она Ватанга хизмат қилиши учун улар олдига бир қанча вазифалар қўйилади. Агар улар: ўз-ўзига талабчан бўлишса; ўзини назорат қила олишса; ўзгаларни ҳурмат қила олишни ўрганса; доимо камтарлик йўлини тута олса; ўзига бўлган ишончи юқори бўлса; иболи-ҳаёли бўлишса; ҳалол ва адолатпарвар бўлишса; самимий ва беғараз бўлишса; ўзгалар меҳнатини қадрлай олишса; касбий ва маънавий билимларни доимо эгаллаб боришса; ўз

манфаатларини Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўра олса; камолга эришишга интилса; барча ахлоқ қоидаларига бўйсунса; интеллектуал салоҳиятли баркамол шахс, етук мутахассис бўлишга астойдил интилса, ҳаракат қиласа улар маънавий-ахлоқий етук касбий компетентли мутахассис бўлиб камол топади.

Бўлажак педагог мутахассисларни тайёрлаш жараёнида ҳар бир фанни ўқитиш мобайнида педагогика олий таълим муассасалари талабаларига таълим бериш билан бирга уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаб бориш мұхим ҳисобланади. Чунки, бугунги педагогика олий таълим муассасалари талабаси келгусида ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук қилиб тарбиялашлари учун айни вақтда бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини такомиллаштириб, маънавий-касбий баркамол шахс қилиб тарбиялаш лозим. Бунинг учун эса ушбу соҳада шахсга йўналтирилган таълим-тарбия методларини ва замонавий фан-техника ютуқларини кенг қўллаш, хусусан, ахборот-коммуникацион технологиялардан ҳамда тарбиянинг самарали усул ва воситаларидан, маънавий-ахлоқий мавзудаги сұхбатлар, учрашувлар ва баҳс-мунозаралар уюштириш, танловлар ва тарбиявий тадбирлар ўтказишдан унумли фойдаланиш ўзининг ижобий педагогик самарасини беради.

Маънавий-ахлоқий тарбияни ёшлар турмуш тарзида намоён эттириш учун унинг таълим-тарбия жараёнларида узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаш мобайнида уларда бунёдкорлик ғояларининг шаклланиши кафолатланади. Педагогика олий таълим муассасалари ўқув режасининг умумкасбий фанлар блокидаги умумий педагогика фанида таълим қоидаларидан энг асосийси таълимнинг тарбияловчилик қоидасидир.

Шунга кўра, ҳар бир фанни ўқитиш жараёнида талабаларга таълим бериш билан бирга уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаб бориш мұхим ҳисобланади. Чунки, келажакда улар ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук қилиб тарбиялашлари керак бўлади. Айнан шу сабабли ҳам педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-касбий етук мутахассис қилиб тарбиялаш зарур. Зеро, талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда уларда хулқ-одоб меъёrlарига мос келувчи ижобий фазилатларни юксалтириш мұхим саналади. Бу ўринда аввало, педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш механизмини ҳисобга олган ҳолда иш юритиш мақсадга мувофиқ. Шахсга йўналтирилган таълим-тарбия талабага ўқув материалининг мазмунини, вазифа ёки топширикларни, фаолият усуллари ҳамда үслубларини танлаш имтиёзини беради. Танлаш имқонияти талабани қарор қабул қилиш, мустақил изланиш ва жавобгарликни ҳис қилишга ундейди. Шу боис ўқув фаолиятининг мұқобил моделларини ишлаб чиқиш ва уларни талабага таклиф этиш мақсадга мувофиқ<sup>1</sup>. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялашда муаммоли тавсифдаги сұхбат, тренинглар, ўз-ўзини тарбиялаш каби методлардан фойдаланиш ижобий самара беради.

Талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий камолотини таъминлашда мунозаралар ҳам мұхим аҳамият касб этади. Маънавий-ахлоқий мавзулардаги мунозаралар талабаларда мұайян ҳолат, ҳодисаларга нисбатан тўғри баҳо беришга, бу борада фикр юритишга ўргатиш ҳамда эътиқодни шакллантиришга хизмат қиласиди<sup>2</sup>. Мунозара ўй-фикрларни тартибга солади, талабаларни мустақил фикрлашга, баҳс юритишни ташкил этишга, ўртоғини тинглашга, ўз фикрини илгари суриш ва уни образли тарзда ҳимоя қилишга, айни чоғда ўз хатоларини тан олишга ўргатади. Педагогика олий таълим муассасалари талабалари ўртасида “Маънавий-ахлоқий тарбияда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли”; “Мустақиллик ва таълим-тарбия”; “Ёшлиарнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси”; “Ёшлиарнинг китобхонликка муносабати”; “Замонавий урф-одатларда маданият ва маънавият”; “Табиат ва инсон” мавзуларида баҳс-мунозаралар олиб борилди.

<sup>1</sup> Фарсанова Д.Р. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларига маънавий-ахлоқий тарбия бериш технологияси (ўқув-услубий қўлланма). – Тошкент: Fan va texnologiyalar. 2009. – 104 б.

<sup>2</sup> Асадов Ю.Н. ва бошк. Ўқувчиларда компетенцияларнинг шаклланғанлигини ташхислаш ва коррекциялаш методикалари // Тошкент: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎПФТИ, 2016. – 160 б. (4-5-6).

Педагогика олий таълим муассасалари талабалари ўртасида “Бўлажак ўқитувчининг маънавий-ахлоқий қиёфаси” мавзусида ижодий ишлар танлови ўтказилди. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялашда тарбиявий тадбирларни ташкил этиш катта аҳмиятга эга. Бунда тарихий шахсларнинг таваллуд кунлари, байрамлар ва муҳим саналар ҳамда маънавий-ахлоқий мавзуларга бағишилаб “Конституция – бахтимиз қомуси！”, “Она тили – миллат руҳидир！”, “Биз ОИТСга қаршимиз！”, “Наврӯз – яшариш байрами！”, “Назм гулшанидаги ёғду”, “Она – улуғ зот！”, “Хотира муқаддас！”, “Меҳнати элда азиз устозим！” мавзуларида тарбиявий тадбирлар ташкил этилди. Ушбу тарбиявий тадбирларда педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг ўзлари иштирокчи сифатида қатнашиб, ўзларига тўғри хулоса чиқардилар. Бу орқали уларнинг маънавияти юксалтирилди ҳамда маънавий-ахлоқий сифатлари ривожлантирилди.

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялашни давр талабига мос, жамият тараққиётига хос олиб бориш учун, яъни педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштириш учун бу соҳада илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиш лозим бўлади. Бунда ахборот-коммуникацион технологияларнинг хизмати бекиёс. Бунинг учун педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялашни таъминлаш мақсадида «Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш» йўналишида умумий педагогика фанини ўқитиши жараёнида фойдаланиш учун маълумотлар базаси тўпланган ҳамда «Ахлоқ» номли электрон ўқув қўлланма тайёрланган. Электрон ўқув қўлланмани ишлаб чиқишидан мақсад кам вақт сарфлаб катта ҳажмдаги маълумотларга эга бўлиш, муаммога мос маълумотларни оператив ҳолатда қўлга киритиш ва энг асосийси талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг оптималь вариантини ташкил этишдан иборатdir.

### **ЁНФИН ХАВФСИЗЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА“АТОМ ФИЗИКАСИ. ЁНФИН-ТЕХНИК ЭКСПЕРТИЗАДА СПЕКТРАЛ АНАЛИЗНИНГ ЎРНИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Насриддинов Д.К. - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институти ўқитувчиси**

**Аннотация.** Ушбу мақолада ёнғин хавфсизлиги мутахассисларини тайёрлашда “Атом физикаси. Ёнғин-техник экспертиза спектрал анализнинг ўрни” мавзусини ўқитишининг аҳамияти хусусида сўз юритилган.

**Калит сўзлар.** Ёнғин хавфсизлиги, атом физикаси, ёнғин-техник экспертиза, спектрал анализ, Бор постулатлари, энергетик сатҳлар, атом тузилиши ва ядроси.

### **ЗНАЧЕНИЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ТЕМЫ “АТОМНАЯ ФИЗИКА. РОЛЬ СПЕКТРАЛЬНОГО АНАЛИЗА В ПОЖАРНО-ТЕХНИЧЕСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЕ” ПРИ ПОДГОТОВКЕ СПЕЦИАЛИСТОВ ПО ПОЖАРНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ**

**Насриддинов Д.К. - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институти ўқитувчиси**

**Аннотация.** В данной статье освещено значение преподавания темы “Атомная физика. Роль спектрального анализа в пожарно-технической экспертизе” для подготовки специалистов по пожарной безопасности.

**Ключевые слова:** пожарная безопасность, атомная физика, пожарно-техническая экспертиза, спектральный анализ, постулаты Бора, энергетический уровень, строение атома и ядра.

### **THE VALUE OF TEACHING THE TOPIC “ATOMIC PHYSICS. THE ROLE OF SPECTRAL ANALYSIS IN FIRE AND TECHNICAL EXPERTISE ”IN THE TRAINING OF SPECIALISTS IN FIRE SAFETY**

**Nasriddinov D.K. - Преподаватель института пожарной безопасности Министерства внутренних дел Республики Узбекистан**

**Annotation.** In this article was described the importance of teaching the topic "Atomic Physics. The role of spectral analysis in fire and technical expertise.

**Key words:** fire safety, atomic physics, fire-technical expertise, spectral analysis, Bora postulates, energy level, atomic and nucleus structure.

Ушбу "Атом физикаси. Ёнғин-техник экспертиза спектрал анализнинг ўрни" мавзуси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин ҳавфсизлиги институтида физика фанининг "Оптика. Атом ва ядро физикаси" бўлимига янги мавзу сифатида киритилиши режалаштирилмоқда. Ҳозирги кунда ушбу мавзунинг ўрнида курсантларга "Атомнинг тузилиши ва ядроси" мавзуси ўтиб келинмоқда. Бу ўз навбатида курсантларда ёнғин ҳавфсизлиги соҳасида физик қонуниятларнинг ўрнини етарлича англамасликка олиб келади. "Атом физикаси. Ёнғин-техник экспертиза спектрал анализнинг ўрни" мавзусининг курсантлар учун нақадар муҳимлигини билдиради.

Ёнғин-техник экспертиза спектрал анализ деганда ёнаётган модданинг кимёвий таркибини аниқлашнинг физик усули тушунилади ва бу усул молекула ва атомларнинг нур ютиш ва нур чиқариш спекторларини тадқиқ қилишга асосланган.

Ёнғин содир бўлганда қизиган ёки ёнаётган модда ўзидан электромагнит тўлқинлар чиқаради. Бу электромагнит тўлқинлар мажмуси нурланиш спектри дейилади. Ёнган модданинг ҳолатига ва нурланиш механизмига қараб нурланиш спекторлари турлича бўлади. Агар қизиган ёки ёнаётган қаттиқ жисмдан чиқаётган ёруғлик призма орқали ўтказилса, экранда яхлит узлуксиз нурланиш спектори ҳосил бўлади<sup>1</sup>.


Ёнғин даврида ёнаётган моддадан чиқаётган буғ ёки тутун (газ) ёруғлик манбаи бўлиб хизмат қилса, спектор манзараси кескин ўзгаради. Ёнаётган моддадан ажralиб чиқаётган турли хил газлар спекторларининг кўриниши газнинг кимёвий табиатига боғлиқ бўлади. Ҳар бир газ ўзига хос бўлган спекторларга эга бўлади. Шунинг учун ёнаётган моддадан ажralиб чиқаётган газнинг спекторига қараб унинг таркибини аниқлаш мумкин.

Ёнган моддаларнинг таркибини нафақат нурланиш спекторлари, балки ютилиш спекторлари ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин. Ушбу жараён қўйидагича ҳосил қилинади. Оқ нур текширилаётган буюм ёки моддадан ўтказилади ва аниқлайдиган асбобга йўналтирилади. Бунда яхлит спекторда маълум тартибда жойлашган қора чизиклар пайдо бўлади. Бу чизикларнинг сони ва жойлашуви текширилаётган модданинг таркиби тўғрисида мулоҳаза юритишга имкон беради. Мисол учун, оқ ёруғликнинг йўлида натрий буғлари турган бўлса, у ҳолда нурланиш спекторида сариқ чизиклар турган жойда, ютилиш спекторида қора йўл ҳосил бўлади.

Интеллектуал инсон қўйидаги хислатларга эга бўлиши керак: а) турли хил тизимили билимларга эгалик; б) уддабуронлик; в) тезкорлик, зарур вазиятларда билимларини тез ишга sola билиш; г) назарий қоидаларни амалиётга татбиқ этиш шакллари ва воситалари; д) таянч элементларни ажратади.

Интеллектуал компетентликда шахсда билим орттириш фаолияти устун туришини, максимал даражада билим тўплашга интилишини англатувчи “эрudit маданияти”ни алоҳида таъкидлаб ўтилади. Лекин, А. Мольнинг ёзишича, “икки хил эрудицияни бир-биридан фарқлаш зарур: шунчаки маданий дунёкараш майдонини кенгайтириш, бошқача қилиб айтганда, акл хазинасидаги мавжуд элементлар сонини кўпайтириш бир томонда ва ассоциациялар қатламишнинг қалинлиги ва чўқурлиги билан белгиланадиган, ижтимоий ёки индивидуал организм томонидан таффаккур жараёнида барпо қилинадиган ва кейинчалик хотирада сақлаб қолинадиган маълумотлар бошқа томондадир”<sup>3</sup>.

Касбий ташаббус инсоннинг янги ахборотларни излаш, у ёки бу ғояларни кўтариб чиқиш, бошқа турдаги фаолият соҳаларини ўзлаштириш, маълум бўлган доирадан четга чиқиш ва ташқаридан рағбатлантирилмайдиган интеллектуал фаолиятга киришиб кетиш иштиёқи сифатида намоён бўлади. Интеллектуал ташаббусни яхлит хусусият деб билмоқ лозим.

Таълимни модернизациялаш муаммоларини кўриб чиқиша олий таълим муассасаларининг битирувчиларига қўйиладиган талабларни белгилашда “касбий компетентлик” атамаси кенг қўлланилади. Т.Ю. Базаров “касбий компетентлик” тоифасини мутахассиснинг касбий фаолиятини амалга ошириш жараёнида самарали қарорларни қабул қилишга тайёрлиги ва қодирлиги деб ҳисоблайди<sup>4</sup>. Касбий компетентилик “умуман олганда билим, кўникма ва тажрибанинг, шунингдек шахсий сифатларнинг бир бутун, яхлит йиғиндиси бўлиб, инсонга касбий фаолиятини атроф олам билан ўзаро боғлиқлиқда, самарали лойиҳалаштириш ва амалга ошириш имконини беради”<sup>5</sup>.

Касбий компетенцияларни кўриб чиқиб, кўпчилик тадқиқотчилар<sup>6</sup> қўйидагиларни алоҳида таъкидлайдилар:

<sup>1</sup> Исаева Т.Е. Классификация профессионально-личностных компетенций вузовского преподавателя. – М.: Педагогика. – 2005.

<sup>2</sup> Исаева Т.Е. Классификация профессионально-личностных компетенций вузовского преподавателя. – М.: Педагогика. – 2005.

<sup>3</sup> Моль А. Социодинамика культуры. – М.: 1993. с.51.

<sup>4</sup> Базаров Т.Ю. Компетенция будущего: Квалификация? Компетентность (критерии качества).

<sup>5</sup> Зимняя И.Л. Ключевые компетентности как результативно-целевая основа компетентностного подхода в образовании. Авторская версия. - М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов. -2004. 13-6.

<sup>6</sup> Алмазова Н.И. Когнитивные аспекты формирования межкультурной компетентности при обучении иностранному языку в неязыковом вузе. Авт. дисс. на соискание ученой степени док.пед.наук. Санкт-Петербург, 2003. – 47 стр.;

1) оддий (базавий) компетенциялар (фаолиятнинг муайян турларида намоён бўладиган ва осон мустаҳкамланадиган билим, кўнирма ва қобилиятларга асосланган ҳолда шакллантириладиган);

2) таянч компетенциялар ҳисобга олиш ва ўлчаш учун ўта қийин бўлиб, фаолиятнинг барча турларида, шахснинг атроф олам билан барча муносабатларида намоён бўлади, шахснинг маънавий дунёсини ва унинг фаолияти мазмунини акс эттиради.

Баъзи тадқиқотларда бошқача таърифлар мавжуд: стандарт компетенциялар – буларсиз шахснинг ёки ташкилотнинг нормал фаолияти мумкин эмас; таянч компетенциялар – ижтимоий-иқтисодий бозорда уларни турдош вакилларга нисбатан юқорироқ поғоналарга кўтариб, рақобатбардошлигини таъминлайди; етакчи компетенциялар – бу келажакни “яратиш”, инновацияларда, креативликда, илгарига интилувчанликда, муросакорликда намоён бўлади.

Энг самарали ишлаётган педагогларнинг фаолиятини кузатиш ва келажакдаги эҳтиёжларни моделлаштириш натижасида компетенциянинг педагог фаолиятининг ва шахсининг “бўлмоқ, бажармоқ, эга бўлмоқ” деган уч асосий бўғинига асосланган бир қатор турлари аниқланган<sup>1</sup>. Шундан бошлаб ўқитувчининг шахсий сифатларининг унинг касбий компетенлигига таъсири барча тадқиқотчилар томонидан эътироф этилиб келмоқда. Ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигига компетентлик ёндошувларни ишлаб чиқишига И.Л. Зимняя катта ҳисса қўшган. У педагог шахсининг барча сифатларини объектив ва субъектив сифатларга ажратган: объектив сифатлари – бу ўқитувчининг ўз фанини билиш даражаси, фан методологиясини эгаллаганлик даражаси ва илмий билимларининг чуқурлиги, умумий дидактик ва хусусий методик тамойилларни эгаллаганлиги, болалар психологиясини яхши билиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ қабул қилиши; субъективлари: педагогик санъати, педагогик истеъдод, ижодкорлик ва ҳ.к.<sup>2</sup>. Н.И. Алмазова педагогнинг касбий компетенциясини ўрганишда ўқитишининг самарадорлигини ошириш имконини берадиган кўникмаларни ва педагогнинг шахсий сифатларини гуруҳларга бўлиб чиқди ва шундай хулоса чиқарди: “Педагогнинг касбий компетенцияси – бу педагогнинг меҳнати бўлиб, унда педагогик фаолият, педагогик мулоқот етарлича юқори даражада амалга оширилади, ўқитувчининг шахси намоён бўлади, ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш бўйича яхши натижаларга эришилади”<sup>3</sup>.

XXI аср ўқитувчисининг касбий-шахсий компетенциясининг мазмуни Т.Е. Исаева томонидан батафсил таърифланган ва асослаб берилган. Муаллиф компетенцияларни қўйидаги гуруҳлаган: мослашувчан-замонавий компетенциялар; ижтимоий компетенциялар; ижтимоий-ташкилий компетенциялар; касбий (маҳсус фанлар ҳамда хусусий методика бўйича) компетенциялар – ўқитиладиган фаннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ва ўқитувчининг ўзига хос бўлган педагогик тизимига мослаб танланадиган билим, кўникмалар, ўқитиш методлари, касбий-корпоратив тажрибани узатиш усуllibарининг мажмуи; коммуникатив компетенциялар қадриятларга асосланган ҳар қандай шароитда ҳам инсоннинг “ўзлигини” сақлаб қолишини таъминлайдиган<sup>4</sup>.

Замонавий тадқиқотчилар олий таълим муассасалари битирувчисининг компетенциясини таснифлашга катта эътибор қаратмоқдалар. Масалан, Т.Е. Исаева ўзининг “XXI аср менеджерининг таянч компетенциялари” курсида қўйидаги таянч компетенцияларни ажратиб кўрсатади: стратегик; ижтимоий; функционал; бошқариш; касбий<sup>5</sup>.

Базаров Т.Ю. Компетенция будущего: Квалификация? Компетентность (критерии качества).;

Зимняя И.Л. Ключевые компетентности как результативно-целевая основа компетентностного подхода в образовании.

Авторская версия. - М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов. -2004.;

Моль А. Социодинамика культуры. – М.: 1993. с.51.

<sup>1</sup> Базаров Т.Ю. Компетенция будущего: Квалификация? Компетентность (критерии качества). 157-б.

<sup>2</sup> Зимняя И.Л. Ключевые компетентности как результативно-целевая основа компетентностного подхода в образовании. Авторская версия. - М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов. -2004.

<sup>3</sup> Алмазова Н.И. Когнитивные аспекты формирования межкультурной компетентности при обучении иностранному языку в неязыковом вузе. Авт. дисс. на соискание ученой степени док.пед.наук. Санкт-Петербург, 2003. – 47 стр.

<sup>4</sup> Исаева Т.Е. Классификация профессионально-личностных компетенций вузовского преподавателя. – М.: Педагогика. – 2005.

<sup>5</sup> Исаева Т.Е. Классификация профессионально-личностных компетенций вузовского преподавателя. – М.: Педагогика. – 2005.

Замонавий педагогик амалиётда “компетентлик” ва “компетенция” тушунчалари вужудга келишининг асосий жиҳатларини таърифлашнинг имкони бўлмагани каби, мазкур мақола доирасида ҳам уларни таснифлашнинг батафсил таҳлилини бериб бўлмайди. Бироқ, бунда асосий йўналишни аниқлаб олиш муҳимдир: а) олий таълим муассасалари битирувчилари учун энг муҳим деб эътироф этилган компетенциянинг мазмунини аниқлаштириш; б) замонавий олий таълимда касбий компетентликни ривожлантиришнинг асосий йўллари ва воситалари, уларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- талабаларнинг касбий йўналтирилганлик даражасини, касбий йўналтирилганлигини ва тайёргарлигини, индивидуал хусусиятларини, шахсий қизиқишилари ва имкониятларини эътиборга олган ҳолда танлаб олиш учун таклиф этиладиган муаммоли-вазиятли топшириқларнинг вариативлиги (мураккаблик ва мустақиллик даражасига кўра вариативлик);
- ишни бажаришнинг жамоавий (талабалар гурӯҳи) ва индивидуал шаклларини ўйғунлаштириш асосида талабаларнинг мустақиллигини ривожлантириш;
- талабаларнинг бажарган ишларини ва касбий тайёргарлик даражаларини ўзаро текширишларини, ўз-ўзини назорат этишларини ва таҳлил этишларини рағбатлантириш;
- талабаларни ижодий фаолиятнинг турли шаклларига ва ўз-ўзини бошқаришга кенг жалб этиш;
- талабаларнинг республика ва олий таълим муассасаси миқёсида ташкил этилаётган маънавий ва маданий тадбирларда фаол иштирок этишлари.

Олий таълим муассасаси ахборот манбаи сифатида эмас, балки маънавий-маданий қадриятларнинг миллий ва умуминсоний тамойиллари билан талаба орасидаги воситачи вазифасини бажарган тақдирдагина, биринчидан, талабанинг шахсий қизиқиши, ижодкорлик, мулоқот, ўқиш ва билимлар ортириш фаолиятларини ўз ичига ҳаёт фаолияти сифатидаги, иккинчидан, маданиятнинг бугунги кундаги ҳолати ва тарихий ривожланишини эгаллашнинг усули сифатидаги ўқув жараёни мутахассиснинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг реал шарт-шароитларига айланиши мумкин.

“Компетенция” ва “компетентлик” тушунчаларининг ўзи педагогик фанларда нафақат мустақам жой эгаллади, балки педагог-амалиётчиларнинг кенг доиралари томонидан ҳам тобора чукурроқ ўрганилмоқда.

Касбий компетентликни тадқиқ этишда касбий компетенцияларнинг қўйидаги гурӯҳлари бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш учун зарур деб ҳисобланади:

- гностик – ишлаб чиқаришга оид янги билимларни эгаллай олиш, ўз шахсий тажрибасини ҳамда ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари тажрибасини умумлаштириш ва тизимлаштира олиш;
- лойиҳалаштириш – техник ва технологик тизимларни, тикув буюмлари обьектларини яратиш, касбий фаолиятни жорий ва истиқболли режалаштириш, технологик жараёнларни бошқариш ва назорат қилиш тизимини лойиҳалаштириш;
- ташкилотчилик – муҳандислик ғояларини амалиётга жорий эта билиш, жамоага етакчилик қила олиш;
- технологик – технологик жараёнларни ташкил этиш, чизмалар ва технологик хариталарни ўқий олиш, қўйилган вазифаларни бажариш учун зарур бўладиган имкониятлар ва шароитларни, асбоб-ускуна ва жихозларнинг техник тавсифларини аниқлай билиш;
- конструкторлик – буюмларни тайёрлаш бўйича ҳисоблаш график ишларни бажара олиш, эскизлар ва чизмаларни бажара олиш, техник шартларга мос равишда технологик жараённи йўлга қўя билиш, носозликларни бартараф этиш учун тадбирлар тизимини аниқлай олиш.

## БОШЛАНГИЧ СИНФ СУРДОПЕДАГОГИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Якубжанова Д.Б. - Тошкент давлат педагогика университети докторанти

**Аннотация.** Мақолада бошлангич синф сурдопедагоги касбий фаолиятининг муҳим жиҳатлари, сурдопедагогни тайёрлашнинг мазмуни, сурдопедагонинг маҳсус ва ўзига хос малакалари ўз ифодасини топган.

**Калит сўзлар:** маҳсус таълим, сурдопедагог, талаблар, олий таълим, касбий билимлар, ривожланишида камчилиги бўлган болалар.

## ВАЖНЫЕ АСПЕКТЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СУРДОПЕДАГОГА НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ

Якубжанова Д.Б. - Тошкент давлат педагогика университети докторанти

**Аннотация.** В статье освещаются важные аспекты профессиональной деятельности сурдопедагога в начальной школе, содержание обучения сурдопедагога, а также специфические навыки сурдопедагога.

**Ключевые слова:** специальное образование, сурдопедагог, требования, высшее образование, профессиональные знания, дети с нарушениями развития.

## IMPORTANT ASPECTS OF THE PROFESSIONAL ACTIVITY OF THE PRIMARY DEAF AND DUMB TEACHER

Yakubjanova D. B.– Tashkent state Pedagogical University, doctoral student

**Annotation.** In article professional work prominent aspects сурдопедагога in an elementary school, training maintenance deaf and dumb teacher, and also specific skills of deaf and dumb teacher are given.

**Key words:** special education, deaf-and-dumb pedagogue, requirements, higher education, professional knowledge, children with developmental disabilities.

Республикамида таълим соҳасида олиб борилаётган сиёсатнинг устувор вазифаларидан бири ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган педагог кадрларни шакллантиришдан иборат. Мустақиллик йилларида республикамида ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болаларнинг мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-ҳунар, олий таълим ва мактабдан ташқари таълим тизими ҳамда замонавий талабларга жавоб берадиган дефектолог-мутахассисларни тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Ногирон болани илк ёшидан ташхис қилиш, коррекцион-педагогик амалий ёрдам кўрсатиш ишларини самарали амалга ошириш учун маҳсус таълимнинг йўналишлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва фармонларида<sup>1</sup>, жумладан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожланириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ногирон, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожланириш ва такомиллаштириш”<sup>2</sup>каби вазифалар белгиланиб, бугунги кунда эшлишида нуқсони бўлган ўқувчиларни бошлангич синфларда ўқитиш ва тарбиялаш долзарб аҳамият касб

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакалимутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожланириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожланириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 2909-сон Қарори, 2017 йил 1 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-5006 Фармони

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожланириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – Б.70-71.

этмоқда. Тадқиқотларни ўрганиш ва уларни таҳлил этиш натижасида эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларни бошланғич синфларда ўқитиш жараёни тизимли ёндашишни талаб қиласидиган ўта мураккаб, кўп қиррали ижтимоий-педагогик муаммодир, деган хуносага келдик.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар сони ўсиб бораётган бугунги кун шароитида таълим муассасалари учун бундай болаларга ўз вақтида коррекцион-педагогик ва ижтимоий-психологик ёрдам кўрсата оладиган маҳсус кадрларни – педагог-дефектологларни тайёрлаш зарурати ҳам ортиб бормоқда.

Илмий-педагогик адабиётларда педагог касбининг моҳияти ва мазмуни ҳақида гап юритилар экан, олимлар педагогнинг таълим олувчи билан психологияк жиҳатдан мақсадга мувофиқ ўзаро муносабатларни ўrnata олиш қобилиятига (коммуникатив компетентликка) алоҳида тўхталиб ўтадилар<sup>1</sup>.

Педагог-дефектологнинг ривожланишида камчилиги бор бола билан ўзаро муносабатларини ўrнатиш малакаси алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, касбий фаолиятнинг муваффақиятини белгилайдиган муҳим таркибий компонент сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари, изланишлар шуни кўрсатдики, олий таълим муассасасидаги анъанавий таълим бўлажак педагог-дефектологни ривожланишида камчиликлари бўлган бола билан мулоқот ўrнатишга тайёрлаш масаласини ҳамма вақт ҳам етарли даражада ҳал қилмайди. Битиравчи педагог-дефектологлар ўrtасида ўtkazilgan сўров натижаларидан шу нарса аён бўлди, ёш мутахассисларнинг кўпчилиги мустақил касбий фаолиятнинг бошида ривожланишида камчиликлари бўлган бола билан ўз муносабатларини режалаштиришда, у билан мулоқот ўrнатишда жиддий қийинчиликларга дуч келадилар, болалар билан ўзаро муносабатлар жараёнида психологик ноқулайликлар сезадилар.

Республикамизда ҳозирги замон маҳсус педагогик таълим ўз йўналишлари ва талабларига мос қўйидаги педагогик мутахассисликларни эгаллаш имконини беради: тифлопедагогика – кўр ва заиф кўрадиганлар учун педагог ихтисоси (тифлопедагог); сурдопедагогика – кар ва заиф эши тувшилар учун педагог ихтисоси (сурдопедагог); олигофренопедагогика – ақлий ривожланишида ҳар хил турдаги ва шаклдаги енгил ва оғир камчиликлар кузатилган болалар ва ўсмирлар билан ишлаш учун педагог ихтисоси (олигофренопедагог); логопедия – ҳар хил генездаги нутқ бузилишларига эга бўлганлар билан ишлаш учун педагог ихтисоси (логопед, фониатр); мактабгача маҳсус педагогика – ривожланиши орқада қолган мактабгача ёшдаги болалар билан ишлаш учун педагог ихтисоси; маҳсус психология – жисмоний ва интеллектуал имкониятлари чекланган кишилар учун психологик ёрдам кўrsatiш ва уларга ҳамроҳлик қилиш учун психолог ихтисоси.

Педагогик колледжларда алоҳида таълимий ўxтиёжларга эга болалар учун мўлжалланган маҳсус мактабгача ёки мактаб (мактаб-интернат) муассасасининг тарбиячиси ихтисосини олиш мумкин.

Юқорида келтириб ўтилган педагогик ихтисосликларни эгаллаган мутахассис муайян типологик гурӯҳ доирасида ривожланишида камчилиги бўлган ҳар хил ёшдаги (илк ва мактабгача ёшдан бошлаб) шахслар билан иш олиб боради. У ёки бу мутахассислик доирасидаги кўплаб ихтисослар мураккаб бузилишларга эга болалар ва катталар билан малакали коррекцион-педагогик иш олиб бориш имконини беради.

Сурдопедагог чуқур ва ҳар томонлама таълим олади. Бунда антропологик тамойил зарурӣ илмий ва амалий билимлар мажмунини ташкил қилувчи мезон бўлиб хизмат қиласиди. Бу тамойил ривожланиши меъёрда кечеётган ва ривожланишида у ёки бу бузилиш кузатилган шахслар ва уларнинг ижтимоийлашуви ҳақидаги билимларнинг танлаб олиниши ва интеграциясини белгилайди. Ривожланишида камчилиги бўлган шахслар ҳақидаги билимлар камчилик тури ва хусусиятига қараб маҳсус педагогика нуқтаи назаридан у ёки бу маҳсус соҳа бўйича ҳам дифференциаллашади. Сурдопедагог кадрларни тайёрлаш таълим мазмунини ҳозирги замонда қуйидаги муҳим жиҳатлар

<sup>1</sup> <http://www.kaicc.ru/content/agroturizm-v-evrope>.

Карчевская Е. Что такое агротуризм// Научный сборник. – Гомель. ГГТУ, 2005. – С. 20-24.

Якубжонова Ш. Агротуризмнинг назарий жиҳатлари// АгроИлм. –Тошкент, 2007. -№3. –Б. 53-54.

белгилайди: фундаменталлаштириш, инсонпарварлаштириш ва стандартлаштириш, шунингдек, касб өгаллашнинг дедуктив йўли.

Фундаменталлаштириш деганда касбий таълимнинг шундай қурилганлиги кўзда тутиладики, бунда талабалар касбий тайёргарликни кенг умумий илмий билимларни өгаллашдан бошлаб, астасекин муайян билим соҳасига (масалан, сурдопедагогикага) ўтадилар, кейин эса шу соҳага оид илмий тадқиқотлар методологияси ва методларини ўзлаштирадилар.

Инсонпарварлаштириш ҳозирги замон таълим тизимининг педагог олдида турган вазифаларни ўзига хос тарзда йўналтирадиган ижтимоий-педагогик тамойили сифатида олиб қаралади. Маълумки, яқин-яқингача таълимда ўқувчининг (талабанинг) зарур билимларни ўзлаштиришга эришиши бош ўринга қўйилган. Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш ўқитувчидан таълим олувланинг ҳар томонлами ривожланиши ва ўзини ўзи ривожлантириши, унинг ижтимоийлашуви ва ижтимоий мослашувига ҳар жиҳатдан ёрдам беришни талаб қиласиди. Сурдопедагогнинг касбий таълими бўлажак мутахассисни танланган йўналишдаги касбий фаолиятининг ўзига хос жиҳатларига тайёрлашга қаратилади.

Хуллас, сурдопедагогнинг касбий фаолияти пировард натижада инсоннинг ижтимоий мослашуви ва жамоага интеграциясига, унга ривожланишидаги камчилик характеристини ҳисобга олган ҳолда жамиятда муносиб ва мустақил ҳаёт кечириш имкониятига эришишда ёрдам беришга қаратилади. Ривожланишида камчилиги бўлган шахсларнинг маҳсус таълимга бўлган эҳтиёжлари, улардаги камчилик тури, даражаси, клиник ва психолого-хусусиятлари, педагогик таъсир кўрсатиш ўсувлари га кўра ниҳоятда турли-туман бўлиб, айнан мана шу жиҳатлар сурдопедагог касбий фаолиятининг юқорида баён этилган характеристини белгилайди, яъни бу фаолиятнинг айтиб ўтилган эҳтиёжларга мос бўлиши ва уларни қониқтиришини талаб қиласиди.

Олий касбий таълимда юз берган ислоҳотлар миллий олий педагогик таълимнинг, шу жумладан, маҳсус педагогика таълим мининг стандартлашувига ҳамда унинг жаҳон таълим стандартларига яқинлашувига асос бўлди.

Таълим стандартларининг вазифаси миллий таълимда маҳсус таълим чегараларини аниқ белгилаб олишга, республикамизнинг олий таълими жаҳон маданий-таълимий маконига уйғун сингишига, таълим тўғрисидаги миллий ҳужжатларнинг халқаро тан олиниш механизмларига кириш учун зарур ҳуқуқий воситаларга эги бўлишга ва шу йўл билан олий таълим ҳақидаги дипломлар қонвертацияси масаласининг ҳал қилинишига эришишдан иборат.

Таълим мазмуни ва уни ўзлаштириш кетма-кетлиги шундай қурилганки, аввал ривожланиши меъёрда кечаётган шахснинг ижтимоийлашув жараёни ва механизмини тушуниш учун зарур бўлган фундаментал илмий билимларга оид фанлар ўтилади. Улар кейинги таълим босқичларида имконияти чекланган шахснинг тарбияси, таълими, ижтимоийлашуви муаммолари билан боғлиқ бўлган амалий жиҳатларни касб этиб боради. Бошқа педагогик ихтисослардан фарқли ўлароқ сурдопедагог бир қатор маҳсус ва ўзига хос малакаларни өгаллаган бўлиши лозим. Маҳсус малакалар умуман имконияти чекланган болаларга тегишли бўлса, ўзига хос малакалар бундай болаларнинг муайян тоифасига тегишилдири. Бу малакаларнинг айримлари (масалан, кичик ёшдаги кар болаларнинг оғзаки нутқини тушуниш, нутқ камчиликларини эшишиб фарқлаш кўниумаси ва ҳ.к.) узоқ вақт давомида шаклланади ва натижада имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг ёки бу тоифаси билан бевосита ва муттасил амалий фаолият давомида талабдаги касбий маҳорат даражаси таъминланиб боради. Буларнинг ҳаммаси тарбияланувчилар билан узоқ ва муттасил давом этадиган педагогик таъсирни талаб қиласиди. Ўзига хос таълимий эҳтиёжларга эга бўлган болалар ва ўсмирлар билан олиб бориладиган тарбиявий иш кўниумаларининг шаклланиш жараёни ҳам худди шундай узоқ муддат ва меҳнатни талаб қиласиди.

Педагог-дефектологларнинг касбий тайёргарлиги тизимида амалий компетентликка (чуқур ва асосли билимларга эга бўлишлик) таълимнинг турли босқичларида ҳар хил мақсад ва вазифаларни кўзлаган ва маҳсус ташкил этилган педагогик амалиёт шароитида ҳам, шунингдек, замонавий техник воситалар – тегишли компьютер дастурлари, аудио ва видеотехника, тренажерлар ёрдамида ҳам эришилади. Бунда замонавий техник воситалар у ёки бу маҳсус малакаларни моделлаштирилган шароитда мустаҳкамлаш имконини беради.

Назарий ва амалий характер касб этган зарур касбий компетенцияга эга бўлишликнинг ўзи сурдопедагог касбий фаолиятининг муваффақиятини тўла белгилаб бермайди. Бунинг учун шахсга ва мутахассисга хос ахлоқий тарбия, билим, маданият талаб қилинади.

Сурдопедагогнинг касбий билимлари қаторига ривожланишида камчилиги бўлган болаларнинг ота-оналари ва яқинлари билан жиддий муносабат ўрнатиш кўникумлари ҳам киради. Ижтимоий-педагогик тайёргарлик ҳам дефектологнинг касбий тайёргарлигига муҳим ўрин эгаллайди, чунки боланинг ўзи ва унинг оила аъзолари яшаб турган экологик мақбул ижтимоий микро ва макромуҳит яратишда биринчи навбатда дефектолог масъулдир.

Сурдопедагогнинг касбий фаолияти, унинг шахсига қўйиладиган талаблар махсус таълимнинг юқорида келтирилган ўзига хос хусусиятлари ва унга давлат стандарти талабларидан келиб чиқади.

Алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар, оддий болалар каби, малакали педагогик ёрдам олишга ҳақли ва бу ёрдамни уларга махсус тайёргарлик кўрган педагог тақдим этиши мумкин. Махсус таълим тизимида самарали таълим-тарбия фаолиятини олиб бориш учун одатдаги педагогик тайёргарлик етарли эмас.

Сурдопедагогнинг касбий фаолияти ўқитувчи ишининг анъанавий доирасидан четга чиқади. У ҳар хил турдаги ижтимоий-педагогик, реабилитацион, консультатив-ташхисий, бевосита коррекцион ва бошқа турдаги фаолиятлар билан ўзаро яқин алоқага киришиб, боғланиб кетади. Бу фаолият турларининг ҳаммаси битта муҳим мақсадга – жисмоний ва ақлий имкониятлари чекланган шахсга унинг ижтимоий мослашиши ва интеграциясига махсус таълим воситалари билан ёрдам беришга қаратилган.

Сурдопедагогнинг касбий тажрибаси унинг касбий тайёргарлиги мазмунига teng эмас, балки анча кенг ва чуқур. Сурдопедагог махсус таълим соҳасида педагогик маданиятнинг ҳамма томонлари ва туб маъносини ўзининг бутун ҳаёти мобайнида ўзлаштириб боради. У тинимсиз интиладиган мақсад – педагогик маҳорат. Педагогик маҳоратнинг асосини эса ижодкорлик ва касбий қобилият ташкил қиласди.

У ёки бу дефектологик мутахассислик бўйича тайёргарлик ўтаган педагогика олий таълим муассасасининг битирувчиси қўйидаги касбий фаолият турларини бажаришда етарли билимга эга бўлиши лозим: ўқитувчилик; қонструктив-ташкилий; ташхисий-таҳлилий; консультатив; лойиҳалаш; гностик; психопрофилактик; коррекцион-ривожлантирувчи; маърифий; илмий-тадқиқот; тарбиявий; мувофиқлаштириш.

Бу дегани, шаклланган дефектолог-мутахассис қўйидаги билим ва малакалар эгаси бўлиши лозим:

- болаларнинг ривожланишида ўзига хос жиҳатларни англаб этиши, уларнинг билим олишдаги мавжуд имкониятларини аниқлаш мақсадида педагогик тадқиқот ўtkазиш малакасига эга бўлиши;
- бузилиш турини аниқлаш учун (клиник ва психологик ташхис қўйиш ҳуқуқисиз) дифференциал ташхислаш методларини эгаллаган бўлиши;
- тарбияланувчиларнинг таълими, тарбияси, ҳаётда ўз ўрнини топиши, касб танлаши билан боғлиқ муаммолар бўйича болаларга, уларнинг ота-оналарига, шунингдек, умумий таълим муассасалари педагогларига қонсультатив-педагогик ёрдам кўрсатиш малакасига эга бўлиши;
- ўқув ва дидактик материалларни ишлаб чиқиш ва таълим шароитларини ривожлантиришда бузилишлар ва чекинишлар бўлган болалар ва ўсмиirlарнинг имкониятлари ва эҳтиёжларига мослаштириш йўллари ва усуllарини ўзлаштирган бўлиши;
- махсус таълим муҳитини яратиш ва ундан самарали фойдаланиш малакасини эгаллаган бўлиши;
- махсус таълим жараёнининг ҳар хил ташкилий шаклларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар ва ўсмиirlарнинг таълим-тарбия технологиялари ва методларини эгаллаган бўлиши;
- махсус таълим тизимининг ҳамма тузилмаларида, тарбияланувчиларнинг яшаш тарзида экологик жиҳатдан мақбул, психологик ва эмоционал жиҳатдан қулай муҳитни таъминлаш кўникумларига эга бўлиши;
- болалар соғлигига зарар етказадиган одатларнинг олдини олиш ва коррекциялаш, шунингдек, ижтимоий муҳитнинг номақбул таъсиридан ҳимоя қилиш усуllарига оид билимлар

билин қуролланган бўлиши;

- табиий, техноген ва ижтимоий келиб чиқишга эга фавқулодда ва хавфли вазиятларда психологик ёрдам кўрсатиш усулларини эгаллаган бўлиши;

- ота-оналарнинг психологик маданиятини ошириш мақсадида улар билан муносабат ўрнатиш ва ҳамкорлик қилиш борасида ташкилотчилик малакалари илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ва олиб бориш кўникмаларини ўзлаштирган бўлиши.

Бакалавр-дефектолог ривожланишида у ёки бу камчилиги бўлган боланинг психологик-педагогик текширувни ташкил қила олиши керак: боладаги камчилик ҳолати ва даражасини, шу билан боғлиқ ҳолда нутқининг, билиш фаолиятининг ривожланганлик даражасини, хулқ-автори ва эмоционал-иродавий соҳадаги ўзига хос жиҳатларни, бола характеристига хос хусусиятларни аниқлашмана шундай текширув доирасига киради. Дефектологнинг ривожлантирувчи, коррекцион иш методлари ва усулларини қай даражада эгаллаганлиги муҳим аҳамиятга эга. Масалан, сурдопедагог учун нутқни шакллантириш, эшичув идрокини ривожлантириш, талаффузга ўргатишнинг маҳсус методикаларини билиш ва, айниқса, улардан болалар билан ишлаш малакаларига эга бўлиш ғоят муҳим. Шунингдек, жамоавий фойдаланишга мўлжалланган товушни кучайтирувчи аппаратлардан ва индивидуал эшитиш аппаратларидан, техник ўқитиш воситаларидан, шу жумладан компьютер дастурларидан (ҳозирда болаларнинг ҳам умумий ва нутқий ривожланишига, ҳам талаффузи устида олиб бориладиган маҳсус ишда фойдаланишга мўлжалланган дастурлар маълум) фойдаланиш малакасига эга бўлмаган мутахассисни тасаввур қилиб бўлмайди.

Бу вазифаларни талаб даражасида адо этиш сурдопедагогдан бу соҳадаги янги илмий-методик адабиётлардан муттасил воқиф бўлиб туришни талаб қиласди. Бўлажак дефектолог ўз ишида тибиёт ва техника янгиликларидан ҳам хабардор бўлиши кераклигини ўқиш давриданоқ билиши лозим.

Шундай қилиб, ривожланишида камчилиги бўлган болаларнинг тарбияси ва таълим мининг муваффақиятли кечиши дефектологнинг касбий компетенцияси ва шахсий сифатларига, шунингдек, унинг ўз ишига ёндошувида намоён бўладиган ижодий қобилиятига боғлиқ. Дефектолог-мутахассис ўз касбий бурчини психик-жисмоний ривожланиши орқада қолган болаларга ҳар томонлама коррекцион-педагогик ёрдам кўрсатишда деб билиши ва ушбу бурчни дилдан ҳис қилиши шарт. Фақат шундагина бундай болаларнинг юқори даражадаги реабилитациясига ва келажакда ривожланиши меъёрда кечәётган кишилар жамоасига интеграциясига эришиш мумкин. Дефектолог-педагогнинг шахсига хос сифатлар унинг болалар ҳамда уларнинг ота-оналари билан муносабат тарзини, мутахассис сифатидаги нуфузини белгилашда, айтиш мумкинки, касбий билимлар билан тенг, балки уларга қараганда ҳам муҳимроқ ўрин эгаллади. Дефектолог-мутахассиснинг энг муҳим шахсий сифатлари қаторида, албатта, болаларга нисбатан муҳаббат ва уларга ёрдам бериш истаги, бемор боланинг ота-онасига нисбатан ҳамдардлик ҳислари, уларга нафақат касбий ёрдам кўрсатиш малакаси ва истаги, балки уларни қўллаб-қувватлаш, инсонпарварварлик ва меҳрибонлик кўрсатишга интилиш ҳисларини кўрсатиб ўтиш лозим.

Бироқ юқорида билдирилган фикрлар дефектолог эгаллаши лозим бўлган юқори даражадаги касбий тайёргарликнинг аҳамиятини пасайтирумайди. Шунинг учун дефектолог шахсини тавсифлашда илмий абадиётларда шахсий-касбий тайёргарлик ҳақида гап боради.

Ҳар битта дефектологик мутахассисликка нисбатан қўлланадиган бўлса, ушбу умумий компетенциялар у ёки бу ногиронлик категориясидаги болалар билан олиб бориладиган касбий фаолиятнинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб янада аниқроқ ўзига хос компетенциялар билан тўлдириб борилади. Бунинг ёнига яна педагогнинг бутун касбий фаолияти давомида эгаллаб бориладиган бетакрор ва ўзига хос индивидуал касбий тажрибаси қўшилиб бораверади.

Педагог-дефектологлар меҳнат фаолиятини маҳсус таълим муассасаларида (мактабларда, мактабгача ва маҳсус таълим муассасаларида), психологик-тиббий-ижтимоий, реабилитацион, консультатив-ташхисий марказларда, психологик-тиббий-педагогик қонсультацияларда, логопедик пунктларда, шунингдек, умумий таълим муассасаларида, меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларда олиб борадилар ҳамда ҳар хил тоифадаги таълим олувчилар ва тарбияланувчилар билан коррекцион-педагогик ишни амалга оширадилар. Улар ривожланишида камчилиги бўлган болаларнинг индивидуал таълими ва тарбиясини уй шароитида ҳам олиб боришлари лозим.

Шундай қилиб, дефектолог мутахассиснинг касбий компетенциясини белгилайдиган асосий хусусиятлар ҳозирги замон педагогикаси ва маҳсус педагогиканинг методологик асослари ва категорияларини, маҳсус таълимий эҳтиёжга эга бўлган болалар ривожланишининг умумий қонуниятлари ва хусусиятларини, шунингдек, ривожланиши орқада қолган шахслар билан коррекцион иш олиб бориш ва камчиликларини компенсация қилиш йўлларини билиш, коррекцион-ривожлантирувчи таълим ва ижтимоий реабилитация шакллари ва методларини чуқур тушуниб этишдан иборат.

Бироқ юқорида таъкидлаб ўтилганидек, билимларнинг ўзи, улар қанчалик кенг бўлмасин, агар дефектолог-ўқитувчи ёки тарбиячи ногирон болаларга нисбатан шахсий-касбий муносабатни белгиловчи сифатларга эга бўлмас экан, сезиларли натижка бермайди ва коррекцион-тарбиявий ишнинг муваффақиятини белгиламайди. Педагог-дефектолог касбини танлашга қарор қилган одам аввал жиддий ва чуқур ўйлаб олиши керак, чунки бу касб ўз эгасига катта масъулият юклайди. У атрофдагиларга “ўхшамаган”, ўзининг ташқи кўриниши, нутқи, хатти-харакатлари, тафаккур ва ўзаро муносабат усуслари ва имкониятлари билан ажralиб турадиган кишилар билан муттасил ва самарали мулоқотда бўлиши лозимлигини аниқ англаб етиши керак. Бунда нафақат унга нисбатан толерант муносабат, балки у билан тенг эканлик ҳақидаги ички ҳиссият ва эътироф ҳам талаб қилинади.

Педагог-дефектолог – алоҳида қалб эгаси бўлган, ҳаракатчан, ташаббускор, ғайратли, ўз фаолиятининг муваффақиятли кечишига ишонган, хайриҳоҳ ва андишли шахс, у инсоннинг, шу жумладан, имкониятлари чекланган инсоннинг ҳозирги замондаги ролига инсонпарварларча баҳо берадиган шахс.

Педагог-дефектологнинг касбий дунёқараши ижтимоий ва маънавий оламда юз бераётган ва таълимда алоҳида эҳтиёжларга эга кишиларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва вазифасига таъсир кўрсатадиган жараёнларни англаш ва уларга ўз баҳосини бериш натижаси ўлароқ шаклланади. Сабртоқат, вазминлик, бағрикенглик – педагог-дефектологнинг энг муҳим касбий сифатлари. Унинг касбий фаолиятининг натижалари одатда вақтда чўзилган, шунинг учун фақат ўз ишининг мақбул натижаларига ишонч меҳнатини давом эттиришга ва кундалик кичик муваффақиятдан ҳам қониқишига куч бағишлийди. Сабр-тоқат унга ҳар қадамда – кар ёки ҳар хил нутқий ёки ақлий бузилишларга эга болаларнинг гапини осойишта ва хайриҳоҳлик билан эшитиш ҳамда уларнинг аниқ талафуз қилишига эришиш учун ҳам, БЦФЛИ болаларнинг ҳаракатланишдаги имкониятларини кенгайтиришга эришиш учун ҳам, ривожланиши орқада қолган чақалоқ оиласининг ишончини қозониш ва оила аъзоларини бундай бола тарбияси билан шуғулланишга ўргатиш учун ҳам керак.

Сурдопедагогнинг касбий малакасини, ўз касбида компетентлигини белгилайдиган асосий омиллар қаторига ҳозирги замон педагогикаси ва сурдопедагогикасининг методологик асослари ва категорияларини, таълимда алоҳида эҳтиёжларга эга бўлган боланинг умумий ривожланиш қонуниятлари ва хусусиятларини, шунингдек, ҳар хил ёш босқичи учун хос бўлган индивидуал психологияк сифатларни, кар ва заиф эшитадиган болаларнинг ривожланишидаги бузилишларни коррекция қилиш ва ўрнини босиш йўлларини билиш, бундай шахсларнинг коррекцион-ривожлантирувчи таълими ва ижтимоий реабилитациясининг тамойиллари, мақсадлари, вазифалари, шакллари ва методларини чуқур англаб етиш каби хислатлар киради. Бу билимлар сурдопедагогнинг шахсий-касбий компетентлиги, эрудициясининг ўзига хос жиҳатларини ташкил қиласи.

Касбий билимлардан ташқари ўқитувчи-дефектологнинг шахсий сифатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айнан улар келажакда ногирон болалар, уларнинг ота-оналари, меҳнат жамоасидаги ҳамкаслари билан ўзаро муносабатларининг характерини белгилайди. Ўқитувчи-дефектолог шахсига хос энг муҳим сифатлар қаторида болаларга бўлган муҳаббат ва уларга ёрдам бериш истагини, уларнинг ота-оналарига нисбатан ҳамдардлик туйғусини, уларга нафақат касбий ёрдам кўрсатиш, балки уларни қўллаб-қувватлашга интилишни айтиб ўтиш лозим.

Дефектолог-мутахассиснинг касбий бурчи ўзининг шахсий-касбий сифатларини такомиллаштириш, ижодий қобилиятини ривожлантиришдан иборат бўлиб, бу унинг касбий компетентлигини таъминлайдиган муҳим омиллардир. Касбий маҳорат асослари олий таълим муассасасида ўқиш йилларидаёт қашлланади. Дефектологнинг келгусида ўз ишининг моҳир устаси

бўлиб шаклланиши унинг олий ўқув муассасасида ўтаган амалиёти, олиб борган мустақил илмий изланишлари, айниқса, мустақил иш жараёнида, ўз ишининг илмий асосларини, янги, илғор педагогик тажрибани ўзлаштириб бориши давомида содир бўлади. Умумий ва маҳсус педагогика ва психология, тилшунослик, маҳсус методика соҳаларида билимларни чуқур эгаллаб бориш – дефектолог фаолиятини янада такомиллаштириш ўқув-тарбия ишининг самарадорлигини оширишнинг муҳим шартидир. Фақат шу йўл билан ривожланишида камчилиги бўлган бола шахсининг ўйғун ривожланишига ҳамда унинг жамиятга муваффақиятли интеграциясига эришиш мумкин.

## **БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИННИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИДА РЕФЛЕКСИВ ТАҲЛИЛНИНГ МАЗМУНИ**

**Отажонов Ж.М. – Тошкент давлат педагогика университети докторанти**

**Аннотация.** Ушбу мақолада бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларининг педагогик фаолиятида рефлексив таҳлил мазмуни ёритиб берилган ҳамда рефлексив таҳлилни бўлажак педагогнинг касбий тайёргарлиги тизимида педагогик фаолият функционал мажбурияти орқали ўрганиш жараёни кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** рефлексия, фаолият, таҳлил, тажриба, мустақил таълим, психологик тайёргарлик, ижодкорлик, рефлексив ёндашув, рефлексив таҳлил, назария, амалиёт.

## **СОДЕРЖАНИЕ РЕФЛЕКСИВНОГО АНАЛИЗА В ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ**

**Отажонов Ж.М. – докторант Ташкентского государственного университета**

**Аннотация.** В данной статье освещены содержание рефлексивного анализа в педагогической деятельности будущих учителей начальных классов, а также показан процесс изучения рефлексивного анализа через функциональные обязанности педагогической деятельности в системе профессиональной подготовки будущего педагога.

**Ключевые слова:** рефлексия, деятельность, анализ, опыт, самостоятельное образование, психологическая подготовка, творчество, рефлексивный подход, рефлексивный анализ, теория, практика.

## **THE CONTENT OF REFLEXIVE ANALYSIS IN THE PEDAGOGICAL ACTIVITY OF THE FUTURE PRIMARY SCHOOL TEACHER**

**Otajonov J.M. – Tashkent state Pedagogical University, doctoral student**

**Annotation.** This article highlights the content of reflexive analysis in the pedagogical activity of future primary school teachers, as well as the process of studying the reflexive analysis through the functional responsibilities of pedagogical activity in the system of professional training of the future teacher.

**Key words:** reflection, activity, analysis, experience, independent education, psychological preparation, creativity, reflexive approach, reflexive analysis, theory, practice

Замонавий жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий йўналишларидаги ислоҳотлар жамият томонидан бўлажак бошлангич синф ўқитувчисига, унинг тайёргарлик даражасига янги талабларнинг қўйилишига олиб келди.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник, таълимий ва маънавий ривожланиш

суръати Ўзбекистон Республикасининг таълим тизимини ислоҳ қилиш шароитларида профессионал ҳаракат қилишга қодир бўлган янги замон талабидаги мутахассисга эҳтиёжни янада кучайтириди. Кучли рақобатли бозор иқтисодиёти ижодий меҳнатга қобилиятли, юқори маҳоратли, мобил, ўз фаолиятининг янги, самарали ёндашувларини излаш ва амалга оширишга тайёр мутахассисларни талаб этади. Таълим парадигмаларининг ўзгаришлари бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида вариативлик, субъективлик, ижодий индивидуаллик, касбий маҳорат, педагогик зийраклик ва педагогик мулоқот маданияти, шахсий имкониятларига йўналтирилган янги таълим технологияларига ўтишни назарда тутади.

Юз бераётган ўзгаришлар бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий тайёргарликлари мавжуд тизимларини ўзgartириш заруратини белгилайди ва у таълим-тарбия жараёнида ўзгаришларнинг ислоҳотчиси бўлиб хизмат қилиши керак.

Замонавий таълимнинг мақсади ўзлигини англашга, мустақил таълимга, ўз-ўзини ривожлантиришга қодир бўлган шахсни тарбиялаш ҳисобланади. Мазмун-моҳияти эса шахснинг ўзини такомиллаштириш, ўзини намоён этиш шароитлар яратиш, ўзини таълим жараёнининг субъекти сифатида англашга йўналтирилади. Бу бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш муаммосида устуворликни белгилаш, етакчи мақсад сифатида – профессионалликнинг юқори даражасига эга шахсни ривожлантиришни илгари суришни талаб этади. Бу нафақат билимлар тизимини, балки касбий функцияларни самарали бажариш қобилиятини таъминловчи кўникмалар тизимини эгаллашни таъминлайди. Шунга кўра, ўзи тўғрисида, ўз фаолияти тўғрисида шахсий фикр ва атрофдаги инсонларнинг муносабатини аниқлаш ва таҳлил қилиш зарурияти бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришни талаб қиласди.

“Рефлексия” атамаси лотин тилидаги “reflexio” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “орқага назар, акс эттириш” деган маъноларни англатади, (“reflexio” - орқага қайтиш) – ҳар томонлама баркамол ривожланган инсоннинг ўз хатти- ҳаракатлари ва уларнинг қонуниятларини англашга қаратилган назарий фаолият шакли бўлиб, инсон маънавий дунёсининг ўзига хос яширин хислатларини очиб берадиган ўз-ўзини билишга ва англашга қаратилган фаолият ҳисобланади.

Илк бор рефлексия тушунчаси қадимги Юнон фалсафасида юзага келган ва инсоннинг ўз онгидა кечеётган мулоҳазалари ҳақида, фикр юритиши жараёни, фикрлари мазмунини таҳлил қилишга эътиборни жалб қилишни англашган.

Сократ, Платон ва бошқа Юнон файласуфлари рефлексияни инсоннинг ўз-ўзини билишга, нималарга қодир эканлигини эътироф этишга қаратилган фаолияти эканлигини таъкидлашади.

Кант, Гегел, Фихте, Шеллинг каби Европа файласуфлари эса рефлексияга инсоннинг билиш қобилиятларини ривожлантириш асоси сифатида қарашган. Лейбниц концепциясига мувофиқ рефлексия инсоннинг апперцепцияга (идрокнинг инсон ўтмишидаги тажрибасига ва индивидуал хусусиятларига боғлиқлиги) қодирлик хусусияти сифатида тилга олинади.

Рефлексив кўникмалар наслдан наслга ўтмайди, улар инсоннинг ёши, таълими, интеллектуал даражасининг ўсиши, ижтимоий-иқтисодий мавқеи билан такомиллашиб боради.

Рефлексив кўникмаларни ривожлантириш мурakkab ва узоқ давом этувчи жараён, шунинг учун уни бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида касбий таълимни олий таълим муассасасининг бошланғич босқичларидан бошлаб ўқитилиши лозим.

Педагогик тадқиқотларда «рефлексия» - бу нафақат инсоннинг ўзини билиши ва тушуниши, балки унинг шахсий хусусиятлари, эмоционал таъсиrlанишлари ва когнитив тасаввурларини бошқалар қандай тушуниши ва қабул қилишини аниқлашдир<sup>1</sup>.

Педагогик рефлексия – бу интеллектнинг ўз психик жараёнини обьективлаштириш, ўз фаолиятини идрок этиш ва таҳлил қилиш қобилияти, шунингдек, ўзини таҳлил қилиш механизми ҳисобланиб, ўз фаолиятини назорат қилиш, англаш, масъулиятли хулқ-автор воситасига айланади, шахсий дунёсида сабаб-оқибат муносабатларини кузатиш имконини беради. Мазкур хусусиятлар педагогик рефлексиянинг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини ташкил этади.

<sup>1</sup> Моделирование педагогических ситуаций: Проблемы повышения эффективности общепедагогической подготовки учителя. Под ред. Ю.Н. Кулюткина, Г.С. Сухобской. - М.: Педагогика, 1991, - 120с.

Педагогик рефлексия предмети сифатида индивиднинг ички тажрибасида мавжуд бўлган билимлар, тасаввурлар, тушунчалар, ҳиссиётлар, кечинмалар, муносабатлар, истаклар, қадриятлар намоён бўлади.

Агар бўлажак ўқитувчида педагогик рефлексия шаклланмаган бўлса, унда унинг ички дунёси касбий фаолиятидан ажратилган, маънавий юксалишдан чекинганини англатади. Педагогик рефлексиянинг хусусияти ижтимоий-маънавий жиҳатдан ўз-ўзини таҳлил қилишга йўналганлик ҳисобланади. Педагогик рефлексия ташқаридан кимdir билан тўлдирилиши ёки компенсацияланиши мумкин эмас.

Педагогик рефлексиянинг мавжуд эмаслиги ёки етарлича шаклланмаганини ўқитувчини тўлиқ ташқи омилларга – рағбатларга, шароитларга, таъсирларга боғлиқ қилиб қўяди, уни бегона ироданинг ижрочисига айлантиради.

Бўлажак ўқитувчида педагогик рефлексияни ривожлантириш ижодий касбий ривожланиш имконияти ва қобилиятини таъминлайди.

Педагогик рефлексия шароитида педагогик фаолиятнинг ҳар қандай кўринишлари онги, мазкур фаолият мақсадини, мотивларини англаш билан амалга оширилади.

Ўз касбий фаолиятини ўз иродаси ва ўз қадриятининг предметига айлантириш учун талаба ҳаёт фаолияти тажрибасига нисбатан рефлексив вазиятни ҳосил қилиши керак, бу эса олимларнинг фикрларига кўра, фақатгина ўзлигини англаш орқали амалга оширилиши мумкин. Унга эришишнинг мақсадлари, мотивлари, натижаси ва воситаларини билмаслигини англаш – шахснинг эркин фаолияти шаклланиши ва ривожланиши учун бошланғич шартдир<sup>1</sup>.

Тадқиқотчилар стереотип ҳаракатларни мактаб ва ОТМдаги педагогик рефлексиянинг ривожланишига тўсиқ деб ҳисоблайдилар.

Педагогик рефлексиянинг асосий хусусияти педагогик жараён ичидаги эркинлик принципини амалга ошириш ҳисобланади. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, бўлажак педагогларни тайёрловчи аксарият ОТМ лар таълимий фаолиятида талаба df тингловчиларнинг шахс моделини такомиллаштиришга эътибор қаратмайди. Натижада шахснинг, аниқроғи, бўлажак педагог ахлоқий ривожланишдан орқада қолади.

Ахлоқий жараёнларни бошқариш имконияти рефлексив фаолиятни, эркин танлов жараёнини ва қарор қабул қилишни, мақсад қўйиш, дунёни тушунишнинг у ёки бу усулини танлаш ва унга ахлоқий муносабатни амалга оширишда номоён бўлади. Шахснинг эркин, ахлоқий фаолияти шакли сифатида берилаётган рефлексия мотивацияси учун фақатгина жараёнларни, яъни ўзи бирор-бир тарзда ҳаракатланувчини бошқариши назарда тутилади . Фақатгина жараёнларни, яъни ўзи бирор-бир тарзда ҳаракатланувчини бошқариш мумкин.

Педагогик рефлексия педагогнинг касбий фаолияти структурасига киради. Мазкур структурада биз томонимиздан рефлексиянинг икки тури ажратилади: ташқи ва ички. Рефлексия турлари рефлексиялашга мақсадлар ва ёндашувлар билан аниқланади. Педагогик рефлексия – бу, таълимнинг инсонпарварлик парадигмасини амалга ошириш йўли – яъни, унинг асосий хусусияти саналади. Таълимнинг инсонпарварлик парадигмаси ўз моҳиятига кўра рефлексивдир, чунки унинг асосида жамиятнинг ижтимоий тажрибаси ётади.

Рефлексия мажбурий таъсир воситасида амалга оширилмайди. Рефлексия ўз табиатига кўра мустақил ҳисобланади. У эркин фаолият хусусиятини эгалланишига кўмаклашади. Рефлексияда ўзини тушуниш ва ўзида содир бўлаётгандарни англаш эҳтиёжи мавжуд.

Бўлажак педагогларда педагогик рефлексияни ривожлантириш ularни ижодга ва болалар билан ҳамкорликка интилишга йўналтиради. Педагогик рефлексияга ўзаро ҳамкорлик сифатлари хосдир – бу, айнан, педагогик рефлексиянинг хусусияти саналади.

Академик В.А. Сластенин ўз тадқиқотларида замонавий педагогга анъанавийлардан ташқари, аналитик-рефлексив, конструктив-прогностик, ташкилий-фаолиятли, баҳолаш-ахборот, коррекцион-

<sup>1</sup> Анисимов О.С. Педагогическое мышление как средство управления и развития педагогической деятельности. -Самарканд, 1986. -43с.

тартибга солувчи каби долзарб ва мураккаб масалаларни ечиш зарурати қўйилганлигини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Кўриб турганимиздек, уларнинг асосий эътибори ва бош мақсади яхлит педагогик жараённинг таҳлили ва рефлексияси, юзага келувчи қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш, натижаларни башоратлаш, намунавий педагогик технологиялардан, креатив, ижодий, шахсий-йўналтирилганларига ўтишдадир. Бундай турдаги технологияларда асосий ролни педагогик рефлексия ўйнайди.

Сластенин В.А. ва Мажор Н.Е. фикрига кўра педагогик фаолиятга тайёрлик – педагогик яроқлилик тушунчасидан кўра кенгроқ ва мураккаброқ тушунчадир. Ўқитувчининг иш фаолиятига тайёрлик даражаси ўз ичига шахснинг касбий яроқлилиги (муваффақиятли касбий таълим ва фаолият учун аҳамиятли инсоннинг индивидуал хусусиятлари, қобилиятлари ва характер сифатлари бирлиги) ни қамраб олади.

В.А.Сластенин педагогик рефлексиянинг касбий педагогик фаолиятдаги қўйидаги хусусиятларини ажратади:

1) психологияк тайёрлик – турли фаолият кўринишларига тайёрлик ҳолати;

2) илмий-назарий тайёрлик (рефлексив фаолият учун зарур бўлган илмий-назарий, психологик-педагогик, махсус билимларнинг мавжудлиги);

3) амалий фаолиятга тайёрлик<sup>2</sup>

Мазкур хусусиятларни амалиётда жорий этиш учун биз бошланғич синф ўқитувчисининг фаолиятини унда рефлексив компонентни, унинг шаклланишида психологик-педагогик шароитларни аниқлашни кўриб чиқишимиз керак.

Талабаларнинг педагогик фаолиятга тайёрликлари тавсифига М.И.Дьяченко ва Л.Н.Кандибович ёндашувлари шубҳасиз қизиқиш уйғотади. Муаллифлар томонидан педагогик фаолиятга тайёрликнинг қўйидаги компонентлари ажратилган:

1) мотивацион компонент (касбга ижобий муносабат, қизиқиш);

2) йўнатириувчи компонент (мулоқот хусусиятлари тўғрисида билимлар ва тасаввурлар);

3) иродавий компонент (ўз -ўзини назорат қилиш, ўз ҳаракатларини бошқаришни билиш);

4) баҳолаш компонент (рефлексия).

Кўриб турганимиздек, мазкур компонент-хусусиятлар бир-бирига нисбатан индивидуал ҳисобланади. Бунда шахсий қараш, нуқтаи назар йўқолади. Улар ўртасида маълум бир фаолиятлар такрорлаши ҳосил бўлади.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, рефлексия инсоннинг шахсий онги ва фаолияти ҳодисаларини англаш ва таҳлил қилиш принципига асосланган эвристик методлардан бири сифатида қаралиши мумкин. У ўз фаолияти предмети билан алоқага ҳамда инсон ўзининг шахсий сифатларини ва қобилиятларини, ўзининг меҳнатга муносабатини, ўзининг маҳсулотида кўра олишига асосланган Таълим-тарбияда педагогик рефлексияни фаол қўллаш шароитларида биз педагогик фаолиятнинг моҳиятини, педагогик рефлексияни ривожлантириш шароитлари структурасини тушунишни яширувчи қатор муҳим назарий масалаларни ўрганишимиз керак.

Педагогик рефлексия муаммоси янги ҳодиса саналади. Педагогик рефлексияни ривожлантириш шароитларига ўтишдан аввал биз психологик ва педагогик рефлексиянинг боғлиқлиги муаммосига мурожаат этиш мақсадга мувофиқ, деб топдик. Бизга маълум бўлганидек, мазкур ҳодисаларда умумий жиҳатлар кўп бўлиб, улар ўртасидаги асосий боғловчи бўғин, бизга маълум бўлганидек, инсоннинг ўзи ҳисобланади. У педагогика ва психологиянинг ўрганиш обьекти ҳисобланади. Рефлексиянинг психологик асослари педагогик рефлексия асосини ташкил этади.

Педагогика инсонни қайта ўзgartириш, такомиллаштириш, инсонни ва унинг психикасини ижтимоий томонлари билан бирлиқда ягона яхлит тизим сифатида қарайди. Шунга асосан, инсон тўғрисидаги билимларга педагогика инсонни ўқитиш, тарбиялаш воситалари ва шароитлари тўғрисидаги билимларни киритади. Психологияда эса инсоннинг психик фаолияти, психиканинг

<sup>1</sup> Сластенин В.А., Подымова Л.С. Педагогика: Инновационная деятельность. -М.: изд-во «Магистр», 1997. -224с.

<sup>2</sup> Моделирование педагогических ситуаций: Проблемы повышения эффективности общепедагогической подготовки учителя. Под ред. Ю.Н. Кулюткина, Г.С. Сухобской. - М.: Педагогика, 1991. - 120с.

ривожланиш қонуниятларига катта аҳамият берилади. Мазкур билимларга таяниб, биз педагогика инсон онгини бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтказиш “қуроли” ва шароити ҳисобланади, деб тахмин қилишимиз мумкин. Мазкур шароит, бизнинг фикримизча, бир вақтнинг ўзида ҳам ўхашашлик ва фарқлилик ҳисобланади, шунингдек педагогик рефлексиялаш кўникмасида ҳам сақланади. Талабаларда рефлексиялаш қобилиятини меъёrlаштириш мазкур шароитларга таянади, шу тариқа педагогик жараён самарадорлигини ортиради.

Таълимни инсонпарварлаштириш муаммосини ечиш, айниқса шахсни шакллантириш аспектида маҳоратли ўқитувчини тайёрлашнинг янги йўлларини талаб этади.

Инсон ривожланиши ички захираларни аниқлаш учун биз мазкур қобилиятларни педагогик рефлексиянинг компонентлари сифатида ажратишни мақсадга мувофиқ деб билдиқ. Мұхим компонент сифатида эмпатия хизмат қилади. Эмпатия деганда биз бошқа инсоннинг психологияк ҳолатини тушуниш қобилиятини, ҳамдардлик, ҳиссий жавоб, бошқаларнинг ҳис-туйғулари билан ҳисобга олиб мулоқотга киришишни тушунамиз.

Замонавий педагогик ОТМларда, педагогик дунёқараш кенглигини ва ўзгарувчи педагогик воқеликда билимларни эркин узатиш, турли фан маълумотларидан тизимили фойдаланишни таъминлайдиган фундаментал илмий манбани етказиш керак. Шунинг учун бўлажак ўқитувчига рефлексив қобилиятни эгаллашга ёрдам берадиган методлар ва технологияларнинг алоҳида тизими зарур. Талабада рефлексив қобилияtlар ривожланадиган фаолиятни яратиш зарур: таҳлил, вазиятни кўра олиш, ўз оламини англаш, бошқанинг фикрларини имитациялаш кўникмалари.

Рефлексив-педагогик тайёргарлик ўқув фаолиятидан касбийга ўтиш билан амалга оширилиши керак, яъни педагогик фаолиятга нисбатан шахсий қарашларнинг ўзгариши кузатилади. Бунда ижтимоий онгнинг барча бошқа шаклларидан фарқли равишда “ақл ва юракка” комплекс таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўлган санъат воситалари катта ёрдам кўрсатиши мумкин. Буларнинг барчаси биргаликда шахсни яхлит ривожлантиришда мұхим асос ҳисобланади. Санъатдаги ҳамдардлик туйғуси юқорида таъкидланганидек, инсоннинг рефлексив қобилияти ҳисобланади.

Э.Т. Ардаширова муаллифлиги остидаги илмий қарашларда олий мактаб мутахассисини тайёрлаш воситаси сифатида фойдаланишнинг илмий концепцияси юзага келган бўлиб, муаллиф педагог ва ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш муаммосини алоҳида аҳамиятга эга, деб ҳисоблади<sup>1</sup>.

Рефлексив қобилияtlар кўпинча ўйин фаолияти орқали шакллантирилади. Тадқиқотчилар ўйинни амалий меҳнат фаолияти аналоги сифатида тушунадилар. Таълим назариясида рефлексив қобилиятларни ривожлантиришда ўйиндан фойдаланиш А.А. Вербицкий томонидан ишлаб чиқилган. Таълимий ва тарбиявий ўйинлардан фойдаланиш предмети ҳаракат-моделлар ҳисобланган ўйинни инсон фаолияти сифатида тушунишга асосланади, меҳнат моделлари билан ишбилармонлик ўйинларини ва ўзини намоён этиш моделлари билан (психодрамалар) – мулоқот билан ролли ўйинлар (социодрамалар) ҳосил қиласди.

Педагогик рефлексия таълимий-тарбиявий ҳодиса сифатида икки соҳага тегишли: онтологик яъни предметли билимлар, хусусан педагогика мазмунига тегишли соҳа; психологик, фаолият субъектига ва фаолиятнинг ўзига тегишли соҳа саналади.

Шахсий ижодий фаолиятни англаб, талаба эътиборини ўзининг бўлажак педагогик фаолиятини намоён бўлишига ҳамда мазкур фаолиятни амалга ошириш бўйича ички тажрибасига қаратади. Касбий педагогик фаолиятни ўзлаштириш унга йўналтириладиган рефлексия киритилганида содир бўлиб, унинг ҳисобига фаолият схемалари – масалаларни ечиш үсуллари ёки мулоқазалар ажралади. Ўзлаштириш бундай рефлексив жараённинг тўғридан-тўғри маҳсулоти бўлиб хизмат қиласди.

Талабаларни тайёрлашни такомиллаштириш, таълим жараёнини ташкил этишнинг энг оптимал йўлларини излаш мазкур жараёнга чуқурроқ, этномаданий даражада рефлексив механизми киритишни талаб этади. Таълимнинг замонавий концепциялари ҳозирги вақтда қандай ўқитувчини тайёрлашимиз кераклигини белгилаб берди. Жойларда муқобил концепцияларни кенг

<sup>1</sup> Ардаширова Э.Г. Основы культуры и этики учителя. - М.: Просвещение, 1997. -231с.

муҳокама қилиш натижасида биз бугун педагогика фанидан нимани кутаётганлигимиз, бугунги янгиланаётган мактабга, ОТМга қандай истиқболли ғоялар ва аниқ технологиялар кераклигини тўлиқ маънода тушунишга ёрдам берди.

Сўнгги ўн йиллик ишларини англаш бир нуқтаи назарга, яъни инсонпарварлик мактабда ишлашнинг асосий принципига айланиши лозимлигига ишонч ҳосил қилинди. Айнан шунинг учун ҳозирги вақтда педагогларнинг бир қисми авторитар педагогик жараёндан воз кечган. Жойлардаги педагогик ҳаракат, Ўзбекситон халқ таълим мини инсонпарварлаштириш вазифасини бажаришга тайёр илмий ва педагогик кучлар мавжудлигини кўрсатди. Мамлакатимизда фойдалари фаолиятнинг юқори коэффициенти билан ҳам илмий, ҳам педагогик жамоаларни ташкил этишнинг янги шакллари аниқланган ва топилган.

Ҳозир мактаб ва педагогик ОТМдаги ўқув-тарбия жараёни ижодкорликни уйғотишга кўмаклашиши; бўлажак педагогни нимага ва қандай йўналтириши; унга унинг бўлажак амалий фаолиятида мослашишига қандай ёрдам бериши; унга янги турдаги мактабда қандай йўллар ва истиқболларни очиши кабилар бугунги вазиятни аниқлашни талаб этади.

Педагогларнинг рефлексия муаммосига ўсиб борувчи қизиқишлари мазкур муаммога турлича ёндашувлар, замонавий таълим ва тарбиянинг жумладан, профессионал педагогик таълимнинг турли концепцияларида рефлексияни амалга ошириш тўғрисида гапиришга имкон беради. Педагогик рефлексиянинг хусусияти рефлексив механизминг икки даражали ташкил этиш ҳисобланади: предметли ва шахсий. Предметли даражажа ҳаракатлар, ҳаракатлар образини назарда тутади. Шахсий даражажа эса ижтимоий-психологик соҳани, психологияда олий даражажа сифатида ажратилади. Қонуний равища “рефлексиянинг олий даражасини эгаллаш фақатгина қўйи даражаларни эгаллаганидагина кўринади, шу билан бирга олий даражага эришиш аввалга энг яхши натижаларни таъминлади”<sup>1</sup>.

Олимлар таъкидлаганларидек, рефлексиянинг ривожланиши энг содда даражадан энг мураккаб даражага томон кечади. Чуқурроқ, шахсий, этномаданиятнинг маънавий даражасига ва инсоннинг индивидуал-миллий-психологик хусусиятларини аниқлашга олиб чиқувчи психологик соҳа билан аниқланадиган рефлексия, табиийки, рефлексиянинг олий даражасига тегишилдири. Рефлексив механизминг мазмуни мазкур даражани фаоллаштиради. Рефлексив механизминг педагогик жараёнда рефлексиянинг олий даражасини фаоллашишига эътибор турли даражаларининг ривожланишига, яъни бўлажак ўқитувчини тайёрлаш масаласини ҳал этишга сезиларли таъсир кўрсатади.

Рефлексия тушунчаси сўнгги вақтларда профессионал педагогик атамаларда кўпроқ қўлланилмоқда. Рефлексия тушунчасидан фойдаланишдаги маънолар кўлами анча кенг: ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўз-ўзини билиш, мулоҳаза юритиш, ўз ҳаракатларини ўйлаш ва б.к.

Педагогикада рефлексия субъектнинг ўз фаолиятини ҳосил қилишни англаш фикрий-фаолиятли ёки ҳиссий жараёни хамdir. У инсонга олинадиган натижаларни ифодалаш, келгуси ишларни аввалдан белгилашга, ўз фаолиятини тузатишга ёрдам беради. Рефлексия инсоннинг ўз фаолиятини англаш ва билиш қобилияти намоён бўладиган кенг доирадаги ҳодисаларни ажратишга ёрдам беради.

Етарлича ўз-ўзидан кечувчи ва шу билан бирга онгли ташкил этилувчи рефлексия умуман таълим жараёнининг атрофлича мазмунли ўзгаришларини таъминлади.

“Педагогик рефлексия - бу педагогик вазиятнинг юзага келган ҳолатини фикран тасаввур этиш ва бу асосда ўзи тўғрисидаги тасаввурни аниқлаш, педагог онгининг ўз-ўзига қаратилганлиги, тарбияланувчининг педагог бола фаолиятини қандай тушуниши тўғрисидаги тасаввурларини инобатга олиш қобилияти” деб таъкидлайди А.К. Маркова<sup>2</sup>.

Г.М.Коджаспирова педагогик рефлексия педагогнинг ўз-ўзига муносабатини касбий фаолияти субъекти сифатида таърифлайди.“Рефлексия – бу субъектнинг нафақат касбий фаолият ва ўз-ўзини

<sup>1</sup> Лобанова Ю.И. Исследование влияния особенностей рефлексивного механизма на успешность профессиональной подготовки современного специалиста: Автореф. дис. ... канд. психол. наук. — СПб., 1998. -20с.

<sup>2</sup> Маркова А.К. Психология труда учителя. - М.: Просвещение, 1993-80с

билиши ва тушуниши, балки бошқалар (болалар, ҳамкаслар, ота-оналар) “рефлексияни амалга оширувчи»ни, унинг шахсий хусусиятлари, ҳиссий таъсиrlанишлари ва когнитив тасаввурларини қанчалик билишлари ва тушунишлари ҳамдир”.

В.А. Сластенин рефлексив кўникумалар педагогнинг ўзига йўналтирилган назорат-баҳолаш фаолиятини амалга оширишда мавжуд бўлади деб ҳисоблайди. Уни одатда профессионал масалани ечишнинг якунний босқичи, касбий фаолият якунларини ясаш бўйича ўзига хос процедура сифатида тушуниш билан боғлайди.

Сўнгги йилларда олимлар эътиборларини рефлексиянинг даражали структурасини қуриш, унинг ички механизмларини ўрганиш, унинг компонентли тузилишини аниқлаш муаммосига жалб этмоқда.

М. Ван Манен, К.Цейхнер ва Д.Листон томонидан таклиф этилган педагогик рефлексиянинг даражали модели концептуал асосини ўқитувчининг рефлексив таҳлили предмети ҳисобланган профессионал фикрлашнинг муаммолилиги, муаммоларнинг мазмuni ва чуқурлиги ташкил этади.[8] Педагогик рефлексиянинг бошланғич даражасини ифодаловчи профессионал фикрлашнинг регламентлилиги ва режалаштирилганлиги фаолият мақсадига эришиш учун тайёргарлик жараёнида олинган билимларни самарали ва амалий қўллашга йўналганлигига кўринади. Мазкур даражада груп, синф, мактаб, умуман жамият мазмунидаги қўриладиган ўқитиш мақсадлари ва ўқув вазияти муаммоли ҳисобланмайди. Педагог ўз таҳлилини асосий мазмуни унинг амалий ҳаракатлари, самарадорлиги, яъни ўқувчининг бирор-бир ўқув материалини ўзлаштиришининг дарҳол намоён бўлиши ҳисобланади. Бунда амалий ҳаракатлар уларнинг маълум касбий билимларга мослиги даражасига кўра “тўғри” ва “нотўғри” сифатида таҳлил этилади ва баҳоланади. Рефлексивликнинг иккинчи даражаси – бу сабабли даражада ҳисобланиб, ўқитувчининг ўз ҳаракатлари ва уларнинг оқибатларининг сабабли асосларини англаши билан боғлиқ. Таҳлил мазмуни ўз тасаввурлари ва вазияти шароитларни амалга оширилган ҳаракатларнинг самарасини белгилаб беради.

Рефлексив таҳлилнинг мазкур даражасида педагог маълум педагогик вазиятни умумий психологияк ва педагогик қонуниятлар сифатида қарайди. Рефлексивликнинг учинчи даражаси – танқидий даражада бўлиб, бунда таҳлил маънавий ва ахлоқий мезонларни киритишга асосланган. Мазкур даражада бош масала қўйидаги муаммо ҳисобланади: таълимнинг қайси мақсадлари, шакллари, методлари, унинг қандай мазмуни ижтимоий ҳаётнинг ҳаққоний ва илғор шаклларини тасдиқлашга олиб келади. Бунда ўқитиш жараёни (мақсад ва воситалар) ва умумий ўқув вазияти (ўқитиш мазмуни) муаммоли ҳолат сифатида қаралади.

Шу тариқа, мазкур педагогик рефлексиянинг даражали модели педагог касбий рефлексив тафаккурининг режалилилк, техник рационал тафаккур даражасидан ўзига хос эволюцион кесимини ифодалайди. Унинг операцион режаси педагогик вазиятни баҳолашнинг касбий, маънавий-ахлоқий ва кенг ижтимоий мезонларини ҳисобга олувчи касбий фикрлаш даражасигача, “ҳозир ва шу ерда” мезони билан чекланган.

## **УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КРЕАТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**Умаралиева М.- ЎзПФИТИ мустақил изланувчиси**

**Аннотация.** Мақолада муаллиф ўқитувчининг ижодий қобилиягини ўрганиш, уни шакллантиришнинг амалий муаммоларини ҳал қилиш ҳақида фикр юритган. Шунингдек, ўқитувчилик маҳоратининг турлари, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг касбий компетентлилилк ва илмий-профессионал маҳоратнинг ижодий жиҳатларини очиб берган.

**Калит сўзлар:** ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги, ривожлантириш, креатив, технология, маҳорат, жиҳат, креативлик.

## **КРЕАТИВНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ УЧИТЕЛЕЙ СРЕДНИХ ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛА**

Умаралиева М. - соискатель УзНИИПД

**Аннотация.** В статье рассматривается способность изучать творческие способности учителя, решать практические проблемы его формирования. Также объясняются виды педагогических навыков, художественные аспекты профессиональной компетентности, а также научные и профессиональные навыки учителей средней школы.

**Ключевые слова:** профессиональная компетентность учителей, развитие, творчество, технология, мастерство, аспект, креативность.

### CREATIVE TECHNOLOGIES OF DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCE OF TEACHERS IN SECONDARY SCHOOLS

Umaraliyeva M. - independent aspirant

**Annotation.** In the article was given ability to study the creative abilities of the teacher, to solve practical problems of its formation. It also explains the types of pedagogical skills, artistic aspects of professional competence, and the scientific and professional skills of secondary school teachers.

**Key words:** Professional competence of teachers, development, creativity, technology, skill, aspect, creativity

Дунёда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник ўзгаришлар таълим тизимига янги мураккаб талабларни қўймоқда. Бундай талаблар касбий, психологик ва ижтимоий зарур шахс сифатларини үйғунлаштирувчи “компетентлик” тушунчаси билан аниқланади. Таълимнинг мақсад ва вазифаларини янгидан англаниши, меҳнатбозорини “билимли” битирувчидан компетентли битирувчи томон ўзгарганлиги кўплаб илғор хорижий давлатларнинг, яъни АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германия, Хитой, Сингапур, Жанубий Корея таълим тизимларини компетентлик йўналишида ислоҳ қилишнинг асосий сабаблари ҳисобланади. Ислоҳотлар таълимнинг мақсад ва мазмунини, ўқитиш усуслари ва технологияларини, ўқиш натижаларини компетентлик талабларига асосан қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Жаҳонда компетентлик – бу касбий фаолият моҳиятини ташкил этувчи функционал вазифаларни муваффақиятли ҳал этадиган билимлар, малака, қўникума ва шахсий сифатларнинг тизимили равишда намоён бўлиши, ўқувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда мотивлаштиришни такомиллаштиришда ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги, яъни уларнинг профессионаллиги, компетентли бўлиши алоҳида эътироф этилади. Бунда илғор илмий-техник тараққиёт талабларига мос ҳолда умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг касбий компетентлилик борасидаги билимларини такомиллаштириш орқали касбий компетентлигини ривожлантириш технологиясини яратиш педагогик йўналишдаги тадқиқотлар орасида алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда узлуксиз таълим тизимининг инновацион характери, унинг юқори билим даражаси, битирувчиларни тайёрлаш масалаларининг аҳамияти педагогга бўлган талабларнинг ўзгаришига ва юқори малака ҳамда касбга бўлган ижодий ёндашувнинг аҳамиятини оширишга олиб келмоқда. Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва таълимни тижоратлаштиришнинг ортиб бориши ўқитувчиларнинг касбий компетентлилигини ривожлантиришга бўлган муносабатларини ўзгартиришда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган “жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содик ёшларни тарбиялаш” масалалари умумий ўрта таълим муассасаларида устувор вазифа сифатида белгиланди.

Илмий ва педагогик адабиётларда “компетентлик” тушунчаси инсоннинг шахсий малакаси мажмууси сифатида устунликка эга.

Тадқиқотлар бизга “компетентлик” тушунчасини комплекс сифат тариқасида кўриб чиқишига имқон беради. Бу алоҳида шахс хусусиятларининг ўзаро алоқаси ва таъсирини ўз ичига олади: тадқиқот, илмий ва профессионал, ижтимоий-иктисодий, маънавий ва мафкуравий. Шахснинг ҳар бир сифати, таркиби ва мазмуни профессионал фаолият йўналишига боғлиқ бўлган ўзгарувчан қисмлар билан тавсифланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун педагогнинг ўзи юқоридаги хусусиятларга эга бўлиши керак. Шу муносабат билан, таълим-тарбия психологияси учун амалий вазифа сифатида педагогик фаолиятда ижодий қобилиятларни ва ўқитувчининг ижодий компетентлилигини шакллантириш масаласи туради. Касбий компетенликда ижодкорлик хусусияти педагог томонидан бажарилган ишларнинг сарҳисобини берувчи ҳамда янги касбий маҳсулотлар яратиш учун восита ва шахснинг ижодий қобилиятини ишга соглан ҳолда юқори натижаларга эришиш замирини яратувчи тизим сифатида характерланади. Умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси ва мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси касбий фаолиятининг ижодий маҳсулоти ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, қабул қилинган қарорларнинг фойдалилиги, шунингдек, педагогик фаолиятнинг умумий самарадорлиги ҳамда энергия сарфини минималлаштиришни ҳисобга олган ҳолда фаолиятни мақбул ташкил этишда ифодаланади. Бу эса умумий ўрта таълим ўқитувчисининг креатив компетентлилиги ҳисобланади.

Креатив компетентлик – педагогик фаолиятга нисбатан танқидий ва ижодий ёндашиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгалигини намойиш эта олишdir.

Умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчисининг касбий ижодкорлик муаммоси деярли ўрганилмаган. Гарчи педагогик фаолият соҳасидаги психолог-мутахассисларнинг кўпчилиги – ижодкорликни педагогик фаолиятнинг моҳияти деб ҳисобласада (Н.В. Кузмина, Г.С. Сухобская, Ю.Н. Кулюткин, В.В. Загвязинский, В.А. Кан-Калик, Л.М. Митина, М.М. Кашапов ва бошқалар) профессионал ижодкорлик назарий ва амалий жиҳатдан етарлича ўрганилмаган муаммо ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш меҳнат бозорида катта ўзгаришларга олиб келди. Мутахассисликни ўзгартиришни талаб қилувчи шартлар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Касб-хунар рўйхатлари ҳар 5-7 йил ичida 50 фоиздан кўпроғига янгиланади, улар сезиларли даражада ўзгарган.

Бундан кўриниб турибдики, касбий фаолият самарадорлиги бир умрга берилган маҳсус маълумотларга эмас, балки педагогнинг бугунги кун маълумотлар оқимида керакли мэррани кўзлай олиш қобилияти, муаммоларга ечим топа олиши ҳамда қўйилган мақсадга эришиш йўлида зарур бўлаётган янги маълумотларни топа олиш ва уларни амалиётда қўллаш қобилиятига боғлиқдир. Ўқитувчининг ижодий қобилиятини ўрганиш, уни шакллантиришнинг амалий муаммоларини ҳал қилиш учун ушбу ёндашувнинг талаб ва чегараларини, унинг ўзига хослигини педагогика ва психология соҳасида ишлаб чиқилган бошқа илмий ёндашувларни аниқроқ тушуниш керак. Биринчи навбатда, психологик ва ўқув адабиётларда энг кўпайтиб ўтилганидек, қобилиятга асосланган ва шахсиятга йўналтирилган ёндашувни солишириш керак. Ушбу иккита методологик ҳолатдаги асосий фарқлар қандай? Биринчидан, компетенция таълим натижалари сифатида – бу субъектнинг қобилиятларини ривожлантириш учун давлат, иш берувчи ёки ота-оналарнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда буюртмачи томонидан ишлаб чиқилган субъектга бўлган ташқи талаблар мажмуасидир. Иккинчидан, таълим жараёнининг ҳар бир босқичи давомида шаклланниб борувчи компетенциялар инсоннинг келажакда омадли шахс бўлиб етишишининг мұхим омилidir. Бундай компетенциялар шаклланмас экан шахснинг омадли бўлиш имконияти йўқ.

Ўқитувчининг ўзи ўқувчиларга ўргатмоқчи бўлаётган барча компетенцияларга эга бўлиши лозим. Бунда, педагог учун зарурий бўлган таянч компетенция бу – педагогнинг ижодий қобилиятидир. Демак, шахсга йўналтирилган ва компетентли ёндашувларни таққослаш бизга педагогларнинг ижодкорлик маҳоратларини шакллантириш учун қатор асосий қоидаларни ишлаб чиқиш имконини беради.

- Педагогик ижодкорлик – бу ҳашамат эмас, балки, мактабгача таълимдан бошлаб, то олий таълимгача бўлган бўғинга рақобатбардош кадрларни етказиб бериш учун мұхим омил.

• Ўқитувчи креатив қобилиятининг касбий фаолияти таркибида ўқитувчилик мұваффақиятининг күрсаткычларидан бири – бу ўқитувчи ўз ўқувчиларини талаб даражасида таълим олишларини таъминлаши учун зарур шарт.

• Ижодий баркамолликни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратылған курслар университетларда ўқитувчиларни тайёрлаш дастурларида, мажбурий курслар сифатида киритилиши керак.

Шу нүқтаи назардан, биз ижодкорликнинг икки босқичини ажратамиз: потенциал (ўқитувчининг янги ғоялар, ёндашувлар, иш үсуллари ва уларни ишлаб чиқиш зарурияты хусусияти) ва долзарбилиги (юқорида айтиб ўтилған эҳтиёжни рүёбга чиқариш ва тегишли ҳаракат үсуллари ва күнімаларга ега бўлишга тайёрлигини тавсифлаш).

Хулоса шуки, замонавий ўқитувчининг малака қобилиятлари унинг профессионал қирраларини шакллантиришига асос бўлади.

### **ЧЕТ ТИЛИ БЎЙИЧА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИК ВА ХОРИЖИЙ ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИ САМАРАДОРЛИГИ МЕЗОНЛАРИ**

**Жаббаров У. А. - Тошкент давлат педагогика университети докторанти**

**Аннотация.** Мақолада турли илмий нүқтаи назарлар асосида чет тили бўйича касбий компетентлик мезонлари ва даражалари ҳамда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашнинг сифатини оширишда Буюк Британия тажрибасининг устувор йўналишлари ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** чет тили касбий компетентлиги, хорижий педагогик тажриба, мезонлар, даражалар, белгилар, самарадорлик.

### **КРИТЕРИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОЦЕССА ФОРМИРОВАНИЯ ЭЛЕМЕНТОВ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ И ЗАРУБЕЖНОГО ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ОПЫТА ПО ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ**

**Жаббаров У. А. – докторант Ташкентского государственного педагогического университета**

**Аннотация.** В статье определены критерии и уровни профессиональной компетентности по иностранному языку на основе различных научных точек зрения, а также приоритетные направления опыта Великобритании в повышении качества подготовки будущих учителей английского языка.

**Ключевые слова:** Иноязычная профессиональная компетентность, зарубежный педагогический опыт, критерии, степени, оценка, эффективность.

### **CRITERIA OF EFFICIENCY OF THE PROCESS OF FORMATION OF FOREIGN LANGUAGE PROFESSIONAL COMPETENCE AND ELEMENTS OF FOREIGN PEDAGOGICAL EXPERIENCE**

**Jabbarov U. A. –Tashkent State Pedagogical University, doctoral student**

**Annotation.** This article is about determining criteria and degrees of foreign language professional competences from scientific point of view and basic trends of Great Britain experience in the development of the quality of future English teachers.

**Key words:** Foreign language professional competence, foreign pedagogical experience, criteria, degrees, assessments, efficiency.

Хозирги вақтда чет тиллар бошқа мамлакатлар халқлари билан реал мулоқот воситаси сифатида турли инсон фаолияти соҳаларида энг муҳим профессионал воситалардан бири ҳисобланади.

Тили ўрганилаётган мамлакат педагогик тажрибаси чет тили ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида катта аҳамиятга эга.

Буюк Британия педагогик тажрибасидан фойдаланиш бўйича амалий экспериментал ишни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш унинг мақсадлари ва вазифаларига мос мезонларнинг асосланишини талаб қиласди. Бундай мезонларга қўйидагилар киради:

- чет тили бўйича касбий компетентликнинг шаклланганлик даражаси кўрсаткичлари;

- Англия педагогик тажрибаси қадриятлари кўрсаткичлари, улар асосида талабаларнинг чет тили бўйича касбий компетенцияси даражасини оширувчи йўналишлари аниқланади ва амалий текширилади.

Чет тили бўйича компетенликка нисбатан қарашларнинг ўтказилган таҳлили шуни кўрсатадики, кўпгина олимлар (И.А. Зимняя, В. Ф. Аитов, М.Ю. Крапивина, С.Г. Иванова, Е.А.Локтюшина, Ф.М. Ахмедов) унинг тузилмасини мезонлар сифатида ҳам кўриб чиқилиши мумкин бўлган когнитив, мотивациявий (мотивациявий йўналтирилган), эмоционал-иродавий, ҳулқ-атворга оид ва баҳоловчи таркибий қисмларни ажратади<sup>1</sup>.

Олимлар М.Ю. Крапивина, А.В. Хуторской, И.Е. Пассов, Л.И.Невирко ва б. ушбу мезонларни ривожлантирилиши керак бўлган шахсий хислатлар жамланмаси сифатида тақдим қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди:

1) **когнитив** (билишга оид) хислатлар – чет тили бўйича касбий мұхитни ҳис қила олиш, саволлар бера олиш, муаммолар қўйиш ва ечими йўлларини таклиф қилиш, ҳодисалар сабабларини излаб топиш, саволни тушуниш ва тушунилмаганликни аниқлаш ва б.;

2) **креатив (ижодий)** хислатлар – руҳланиш, фантазия, ақл мослашувчанлиги, зиддиятларни сеза олиш; мамлакат ва хориж педагогик тизимларнинг ўхшашлиги ва фарқланишини тушуниш ва билиб ишлатиш, фикр, ҳиссиёт, ҳаракатларнинг эркинлиги; олдиндан айта олишлик; танқидийлик; ўз фикрининг мавжудлиги ва б.;

3) **ташкилий-фаолиятли (методологик)** хислатлар – ўқув фаолияти мақсадларини англай олиш ва уларни тушунтира олиш; мақсадни қўя олиш ва эришилишини ташкил қилиш; рефлексив фикрлаш; ўзига ўзи баҳо бериш ва б.;

4) **касбий-коммуникатив** хислатлар- бошқа инсонлар, хорижий касбдошлар, ахборот оқимлари билан ўзаро таъсирда бўлиш заруриятини аниқлайди; ахборотни топа олиш, қайта ишлаш ва узатиш қобилияти; замонавий телекоммуникацион технологиялардан фойдаланиш (электрон почта, интернет), гуруҳ ва жамоада турли социал ролларни бажариш ва б.;

5) **дунёқарашли хислатлар**- бўлажак ўқитувчи эмоционал-қадриятли кўрсатмалари, мустақил билиш ва мустақил ҳаракатланиш қобилияти, атрофдаги оламда ўз ўрни ва ролини аниқлай олиш; жаҳон таълим жараёнларига кира олиш, ўз давлатида хорижий касбдошлари билан тажриба алмашиш, миллий ва умуминсоний интилишлар, шахснинг ватанпарварлик ва толерант хислатлари ва бошқаларни аниқлайди.

И.В.Нужа, Н.А. Игнатенко, В.В. Сафонова, В.Ф. Тенищева ишларида бошқа фикрлар ҳам мавжуд.

Уларнинг фикрича, бўлажак инглиз тили ўқитувчиси касбий компетенцияси қўйидаги мезонлар билан аниқланади:

- **когнитив-функционал** – таълим ва тарбия педагогик муаммолари бўйича ахборотни тўплаш ва таҳлил қилиш, касбий луғат бойликни шакллантириш, вербал ва новербал ҳулқ-атворда зарурий ифодалаш воситаларини ўзлаштириш ҳамда касбий функцияларни бажариш учун зарурий малакаларни ривожлантириш ва кўниқмаларни шакллантириш; касбий муроқот, услубий йиғилишларда қатнашиш, очиқ маърузалар ва машғулотларга кириш, интервью, ўзгариб турадиган вазиятларда тезкор қарорларни қабул қилиш ва ҳ.

- **мотивациявий** – касбий компетентлик даражасининг аста-секин ортиши билан ўзаро боғлиқлика шахснинг коммуникатив-билиш эҳтиёжини қониқтириш;

<sup>1</sup> Зимняя И. А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования// Высшее образование сегодня. – 2003. - №5 – С.34 – 42.

- **рефлексив** – тахсил олувчилар томонидан ўз таълими жараёнининг баҳоланиши, бу умуман таълим жараёни сифатига эришишнинг мұхим шарти ҳисобланади;

- **социал-** аниқ мұлоқот шартлари ва мақсадларига кўра касбий коммуникацияни амалга оширишнинг мос усулини танлаш, ўрганувчиларнинг тайёрлиги ва қобилияти сифатида бошқарилиши кўриб чиқиласди чет тилини ўрганувчилари томонидан толерантлик, ўзга маданият вакилини қабул қилиш каби хислатлар эгалланади.

- **интерфаол-**шахснинг ҳамкорликдаги фаолияти билан ўзаро таъсиридаги қобилияти сифатида тушунилади<sup>1</sup>.

Мезонларга кўра талабаларда уларнинг намоён бўлиш даражаларини ўрнатиш зарур. Шунинг учун қўйидаги даражаларни асосланган деб ажратиб олдик.

**Биринчи даража.** Репродуктив даража учун, мұлоқотга тайёрлов босқичи сифатида бир қадамли нутқий ҳаракатлар, билимларни қайта ҳосил қилишда қайта ҳосил қилинувчи фаоллик, уларни намунаға кўра қўллаш усулини эгаллаш, жонли касбий мұлоқотга тайёрланиш .

**Иккинчи даража** (репродуктив-продуктив) – изоҳлаб берувчи фаоллик (маҳсулот белгилари билан репродукция) муаммоли вазиятни ҳал этиш, сабаб-оқибатли алоқаларни ўрнатишга имкон берадиган коммуникатив-касбий мотивацияга эга мұлоқот.

**Учинчи даража** – продуктив (ижодий, изланувчи) – янги вазиятда билимларни қўллаш, диалог иштирокчиси қизиқишилари, фаоллиги ва мустақиллигини акс этувчи мустақил иродавий интилишлар ва нутқий ҳаракатларни кўзда тутувчи тадқиқот вазифаларини қўйиш. Мустақил изланувчи, ижодий талабалар фаолияти.

Юқорида кўрсатилган маълумотларнинг таҳлили ва үмумлаштирилиши, бўлажак инглиз тили ўқитувчиси касбий тайёргарлигининг ҳозирги қундаги ҳолати ва муаммолари асосида, мезонлари ва кўрсаткичлари ажратилган (1-жадвал).

#### *Педагогик олий таълим муассасалари чет тил касбий компетентлиги ўлчови мезонлари ва даражалари*

1-жадвал

МЕЗОНЛАР		ДАРАЖАЛАР
1.	когнитив-функционал	<i>Репродуктив</i>
2.	Мотивацийий	<i>репродуктив-продуктив</i>
3.	социал-маданий	<i>продуктив (ижодий, изланувчилик)</i>
4.	касбий-коммуникатив	

Кейинчалик Англия педагогик тажрибасининг айнан қандай белгилари инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш амалиётида мұхим, қўлласа бўладиган ва инновацион-самарали ҳисобланишини аниқлаш зарур.

Педагогик тажриба самарадорлиги даражасини кўрсатиш учун қўйидагилар аниқланиши керак: обьект белгилари, шу обьектда у ёки бу белги қай даражада ифодаланганлигини аниқлаш учун ўлчам ва ҳисоб нуқтаси (ниманидир ўлчаш учун шундай нуқтага эга бўлиш зарур). Бу таркибий қисмларсиз ишончли мезон мавжуд әмас ва, демак, педагогик тажрибани обьектив баҳолашнинг имқони йўқ. Илғор педагогик тажриба қўйидаги кўрсаткичларга кўра аниқланади:

а) асосий кўрсаткичлар бўйича ўқув-тарбиявий жараённинг юқори миқдорий ва сифатий кўрсаткичлари:

- жамоатчилик ва ижтимоий фаоллик белгиларида намоён бўладиган таҳсил олувчининг ижтимоий йўналганлигининг шаклланганлиги;

- ўқувчиларнинг ўқиганлиги (билимларнинг тўлиқлиги ва мустаҳкамлиги, билимлар тизими, билимларни янги вазиятга кўчира олиш, мувофиқ малака ва кўнижмаларнинг мавжудлиги, билишга қизиқишилар ва эҳтиёжлар, мустақил таълимга интилиш, ўқув фаолиятида ижтимоий мұхим мотивлар ва йўналганликнинг мавжудлиги);

<sup>1</sup> Нужа И. В. Иноязычная профессиональная коммуникативная компетентность как основная цель обучения профессионально ориентированному иностранному языку в вузе / И. В. Нужа. М., 2010. - 123 с.

- ўқувчиларнинг тарбияланганлиги, уларда ижтимоий мухим йўналганлик, социал мулоқот ва ҳулқ-атвор мотивлари, фаол ҳаётй позиция, мустақил тарбияланишга эҳтиёжнинг шаклланганлиги;

- меҳнат тажрибаси, яъни турли фаолиятда интилиш ва зарурий малакаларнинг мавжудлиги;

б) педагогик тажрибанинг оптималлиги (педагог ва ўқувчилар кучи ва вақтининг энг минимал даражада сарфланишида ўқув-тарбиявий ишда энг яхши натижаларга эришиш ва шу билан бирга мазкур тажриба бошқа мухим таълимий ва тарбиявий вазифаларни ҳал этишга ҳам зарар келтирмаслиги керак);

в) тажрибанинг мустаҳкамлиги-барқарорлиги, узоқ фаолият юритиши. Ҳатто қисқа вақт давом этган ва кейинчалик тақрорланмаган ўқув-тарбиявий ишларда ҳам педагогнинг катта ютуқларини илғор тажрибага киритиш;

г) бир педагог тажрибасининг бошқалар томонидан тақрорланиши ва ижодий фойдаланилиш имконияти, бу тажрибанинг оммавийлашиши;

д) тажрибанинг истиқболли эканлиги. Илғор тажриба ҳар доим келажакка эга, истиқболи ривожланиши муқаррар;

е) тажрибанинг илмий асосланганлиги. Илғор тажриба педагогнинг ижодий назарий изланишлари натижаси ёки синовлар ва хатолар жараёни топилмаси бўлиши мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам бундай тажриба ҳар доим илмий асосга эга бўлади. Илғор педагогик тажрибани умумлаштириш вазифаларидан бири унга илмий изоҳ беришдан иборат.

Буюк Британия олий педагогик таълими тизими хусусиятлари ва мазмунини таҳлил қилиб, юқорида айтилган талабалар тайёрланганлиги мезонлари, ўқитувчиларнинг тайёрланганлиги ва Англияning педагогик тажрибаси белгилари сифатида чет тил касбий компетентлигини шакллантиришнинг замонавий муаммоларини ҳисобга олган ҳолда қўйидагиларни ажратган эдик:

- педагогик таълим узлуксизлиги (касбий ва шахсий такомиллашув);

- талабаларнинг касбий тайёргарлиги (шу билан бирга чет тил-касбий) амалий қисмини кучайтириш;

- бўлажак ўқитувчиларни ўқитиш жараёнини қўллаб-қувватланишни кўрсатиш.

Шундай қилиб, мамлакат мутахассислари учун чет тили бўйича хорижий педагогик тажрибанинг ўрганилиши хорижий чет тили назарияси ва амалиётида тўпланган мухим ютуқларни аниқлаш ва долзарблаштириш, мавжуд методик маълумотларни бойитиш, охир оқибатда, таълим соҳасида маданиятларнинг ўзаро бойишига ёрдам бериб, чет тили таълими долзарб муаммолари ечимини таъминлашга қодир.

Хорижий педагогик тажриба моҳиятини тушунтириш учун ишлаб чиқилган назарий қоидалар хорижий педагогик тажрибанинг турли белгиларини танлаб олиш, таҳлил қилиш, ўрганиш ва ишлатиш жараёнларини чет тили таълими назарияси ва амалиётида янада жадаллаштиришга ёрдам беришга қаратилган.

## ГЕОГРАФИЯ ФАНИДАН МАСАЛА ВА МАШҚЛАРНИ ЕЧИШ. (5-СИНФ МИСОЛИДА)

**Собиров Э. - Тошкент давлат педагогика университети докторанти**

**Аннотация.** Мазкур мақолада үмумтаълим мактабларининг 5-синф ўқувчилари география фанини ўқитишида оддийдан-мураккабга томон бериб бориладиган географик масала-машқлар, назарий берилган билимларни амалиётда қўллаш, географик ҳодиса ва жараёнларнинг рақамли кўрсаткичлари билан ишлаш ва математика фанидан олган билимларини қўллаш ҳамда берилган савол ва топшириқларни мустақил равишда таҳлил (анализ ва синтез) қилиш кўникмаларига эга бўлиши таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** Назарий билимлар, амалий билимлар, географик ҳодиса ва жараёнлар, географик масала ва машқлар, рақамли кўрсаткичлар, параллел ва меридиан чизиқлар, ҳарита ва глобуслар, атлас, экватор, географик кенглик ва узунлик, географик объект, дунё океани, кўникма ва малакалар.

**ВЫПОЛНЕНИЕ ЗАДАЧ И УПРАЖНЕНИЙ ПО ПРЕДМЕТУ ГЕОГРАФИЯ (НА ПРИМЕРЕ 5-КЛАССА)**

**Собиров Э. – докторант Ташкентского государственного педагогического университета**

**Аннотация.** Эта статья анализирует вопросы преподавания географии для учащихся 5-классов общеобразовательных школ, применение теоретических знаний на практике, которые восходят от простого к сложному, использование математических знаний для работы с цифровыми показателями географических явлений и процессов

**Ключевые слова:** теоретические знания, практические знания, географические явления и процессы, географические задания и упражнения, цифровые указатели, параллельные и меридианные линии, карта и глобус, атлас, экватор, географическая широта и долгота, географический объект, мировой океан, навыки и умения.

**PERFORMANCE OF TASKS AND EXERCISES ON THE SUBJECT OF GEOGRAPHY (ON THE BASE OF EXAMPLE OF THE 5-CLASS)**

**Sobirov E. - Doctoral student of Tashkent pedagogical University**

**Annotation.** This article analyzes geographic issues that go from simple to complex, the application of theoretical knowledge in practice, geographical subjects for pupils of the 5th grade of general education schools, the application of knowledge about geographical phenomena and processes in Mathematics, as well as independent analysis of questions and tasks (analysis and synthesis) and the acquisition of these skills.

**Key words:** Theoretical knowledge, practical knowledge, geographical phenomena and processes, geographical tasks and exercises, digital pointers, parallel and meridian lines, map and globe, atlas, equator, geographical latitude and longitude, geographical object, world ocean, skills and abilities.

Ҳозирги кунда умумий таълим мактабларида география фанини ўқитиш мазмуни ўзгариб, бойиб бормоқда. Уни чуқур ўрганиш учун кенг имкониятлар яратилди. Фанни чуқур ва атрофлича ўрганиш, мукаммал эгаллаш, уларнинг асосий тушунча ва тамоилиларини англаб етиш учун фақат назарий билимларни бойитиш камлик қиласи. Назарий билимларни мустаҳкамлаш учун ўз-ўзида айрим географик ҳодиса ва жараёнларга оид машқ ҳамда масалалар ечиш зарурати пайдо бўлади. Бу эса, ўқитувчидан нафақат фанни чуқур билиши, балки ўқувчиларнинг руҳияти, ёш хусусиятига асосланиб дарсни модернизациялаши, барча фанлар билан боғлаши, уларнинг алоқадорлигини кўрсатиб бера олиши лозим.

**Муаммо:** География фани ўқув дастурида амалий машғулотлар учун кам вақт ажратилганлигидадир.

Бу муаммони ҳал қилишда ўқитувчи ҳар бир назарий билимдан сўнг, ўқувчиларга қисқа масала ва машқлар бериб, уларда олган назарий билимларни амалиётда қўллай олиш кўникмалари ҳосил қилиб бориши лозим.

**Мақсад:** Ўқувчиларнинг ўзлаштирган материалини амалда қўллаш йўли билан билимларини мустаҳкамлаш, масала ва машқлар бажариш орқали фанга хос бўлган рақамли кўрсаткичлар билан ишлаш.

**Вазифа:** Ўқувчиларда ДТС ва ўқув дастурида талаб этилган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;

- ўқувчиларнинг билиш қобилиятларини ривожлантириш;
- ўқувчиларни мустақил ишлашга, олдига қўйган мақсадларга эришишга одатлантириш;
- дарслик ва ўқув қўлланмалардан унумли фойдаланиб, ижодий ишлаш малакаларини шакллантириш;
- ўқувчиларнинг математика фанидан олган билимларини масалалар ечишда қўллаш.

**Кутинган натижада:** Ўқувчилар географик машқ ва масалаларни ечиш усуllibарини эгаллаганларидан кейин, топшириқларни мустақил бажарыш имконияти вужудга келади;


- географик машқ ва масалалар ўқувчиларнинг фикрлаш салоҳиятини, малакасини, мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради;
- муайян географик объект, ҳодиса ва жараёнлар кўламини аниқлашга доир ҳисоблаш малакалари такомиллашади;
- илмий дунёқараш ва абстракт тафаккурлай олиш малакалари шаклланади;
- тегишли мавзуларни қисқа муддатда, мукаммал эгаллашга эришилади;
- билимлар беллашуви, фан олимпиадаси бўйича ўқувчилар билимида бўшлиқларга чек қўйилади.

**Амалга оширишда қўлланиладиган методлар:** “Оддийдан мураккабга”, “Хазинани ким яширди”, “Қароқчилар хазинаси қаерда...?” ўйини.

**География фанида масала ва машқларни ечиш усуllibари.** 5-синф география дарслигидаги машқ ва масалаларни ўрганишга унча кўп соатлар ажратилмаган. (Дарсликнинг 12-29 -дарсларида амалий иш берилган). Шунингдек, географик масалалар бўйича методик қўлланмалар ҳам етарли даражада эмас. Шуни инобатга олиб, география дарсларини, синфдан ташқари машғулотларни ташкил этишда ҳеч шубҳасиз географик масалалар бажаришга кўпроқ эътибор қаратилса, бу ижобий самара беради деб ҳисоблайман. Географик машқ ва масалалар ўқувчиларнинг билимларини кенгайтиришга, амалий кўниммаларининг ошишига хизмат қилиши билан бир қаторда, уларнинг фанга бўлган қизиқишиларини янада оширади.

Географик машқ ва масалаларга дарс жараёнида “Оддийдан мураккабга” усулини қўллаган ҳолда оддий ишлардан секинлик билан мураккаб топшириқларга ўргатиб бориш зарур. Мисол учун: географик машқ ва масалаларни янги мавзуни тушунтириш, билимларни мустаҳкамлаш ёки алоҳида олинган бутун дарс давомида ҳам ўтказиш мумкин<sup>1</sup>.

Ёки ўқитувчи томонидан қўйидаги **мураккаб усул ёрдамида** Тошкент шаҳрининг географик



координатаси аниқлаб кўрсатилади.

Ўқитувчи дарсликнинг “Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши ва катталиги” мавзуси материалларини ўқувчиларга тушунтириш жараёнида “Қайси бирингиз шахмат ўйнашни биласиз?” саволи орқали мурожаат қилиб, (Ўқувчи жавоби - шахмат тахтаси 6 та катакка бўлинганини, вертикал қаторлар лотинча ҳарфлар билан, горизонтал қаторлар рақамлар билан белгиланганлигини, ҳар бир дона қайси катакда эканини айтиш мумкин, фарзин 3 катакда турибди дейишса, демак фарзин бўйлама биринчи қатор билан кўндаланг учинчи қатор кесишган катакда жойлашган бўлади) ўқитувчи географик кенглик ва географик узунликни аниқлашни **оддий усул ёрдамида** тушунтириши мумкин. Мисол учун, ярим шарлар харитасига назар ташласак, параллел ва меридиан чизиқлар кесиб ўтганини кўриш мумкин. Бу чизиқларнинг ҳаммаси ўз белгиларига эга. Масалан, харита ва глобусларда экватор  $0^{\circ}$  ни, экватордан шимолдаги  $1$ -параллел  $10^{\circ}$  ни,  $2$ -параллел  $20^{\circ}$  ни

<sup>1</sup>. Рафиқов А., Ваҳобов Ҳ., Қаюмов А., Азимов Ш. „Амалий география”. Тошкент. „Шарқ” -2010. 87-б

билдиради ва ҳ.к. Экватордан жанубдан ўтказилган параллеллар ҳам шундай градуслар билан белгиланган. Бу рақамлар жойнинг географик кенглигини билдиради. Бош меридиандан берилган нуқтагача бўлган параллел ёйининг даража ҳисобидаги узунлиги географик узунлик деб аталади. Ўқувчида юқорида қайд қилинган маълумотлардан фойдаланиб, Тошкент шаҳрининг  $41^{\circ}$  параллелда ва  $69^{\circ}$  меридианда жойлашганигини аниқлайди ва бошқа географик кенглик ва узунликка оид топшириқларни мустақил еча олиш кўникмаси шаклланади.

$$33\text{мм} - 20^{\circ}$$

$$3\text{мм} - X$$

$$X = \frac{3\text{мм} \times 20^{\circ}}{33} = 1.8^{\circ}$$

$$1^{\circ} - 60^{\circ}$$

$$0.8^{\circ} - X$$

$$X = \frac{0.8^{\circ} \times 60^{\circ}}{1^{\circ}} = 48^{\circ} X = \frac{0.5^{\circ} \times 60^{\circ}}{1^{\circ}} = 30^{\circ}$$

$$\text{Демак, } 40^{\circ} + 1.48 = 41^{\circ} 48^{\circ} \text{ ш.к}$$

$$21\text{мм} - 20^{\circ}$$

$$10 \text{мм} - X$$

$$X = \frac{10 \text{мм} \times 20^{\circ}}{21} = 9.5^{\circ}$$

$$1^{\circ} - 60^{\circ}$$

$$0.5^{\circ} - X$$

$$60^{\circ} + 9.30 = 69^{\circ} 30^{\circ} \text{ ш.у.}$$

Географик координатага оид масалани “Қароқчилар хазинаси қаерда...?” ўйини орқали ўқитувчи томонидан берилган географик координатани ( $51.5^{\circ}$  ш.к. ва  $0.1^{\circ}$  ф.у.) харита ёки атлас ёрдамида қайси объект (Лондон) эканлигини аниқлаб топадилар.

“Масштаб” мавзууси бўйича ўқувчилар синф хонасида ўтирган жойида синфдошларига нисбатан азимутни аниқлашни ўрганса, азимут бўйича берилган топшириқни ҳам бажара олиш имконияти пайдо бўлади. Синф хонасида ёки ташқарида “Хазинани ким яширди” ўйини орқали амалга ошириш эса машғулотнинг қизиқарли ўтишига хизмат қиласди.

Мисол учун:

а) Ўқувчилар китоб дўконига бориш учун  $180^{\circ}$  ли азимут бўйича  $1200$  м, сўнгра  $270^{\circ}$  ли азимут бўйича  $1000$  м,  $45^{\circ}$  ли азимут билан  $600$  м юрди. Ўқувчилар юрган йўлни 1:40000 масштаб билан дафтарга чизиш топширилди.

Ечими:

$$1 : 40000 \text{ см} = 400 \text{ м}$$

$$1200 : 400 = 3 \text{ см}$$

$$1000 : 400 = 2.5 \text{ см}$$

$$600 : 400 = 1.5 \text{ см}$$

Мазкур маълумотни чизмада акс эттирамиз.

б) Ёки шу мавзу бўйича харитада икки шаҳар орасидаги масофани аниқлашга доир масалани бажаришда математикадан олган билимлари ёрдам беради.

**Биринчи масала.**

Масштаби 1 : 40000000 см бўлган харитада Москва билан Тошкент шаҳарлари орасидаги масофа 7 см га teng бўлса, бу шаҳарлар орасидаги ҳақиқий масофани аниқланг.

Ечиш:

$$1 : 40000000 \text{ см} - 400 \text{ км}$$

$$1 \text{ см} - 400 \text{ км}$$

$$7 \text{ см} - X$$

$$X = \frac{7 \times 400}{1} = 2800 \text{ км}$$

**Иккинчи масала.**  
Масштаби 1 : 40000000 см бўлган ҳаритада Москва билан Тошкент шаҳарлари орасидаги ҳақиқий масофа 2800 км. га teng. Харитадаги масофани аниқланг.

Ечиш:

$$1 \text{ см} - 400 \text{ км}$$

$$X - 2800 \text{ км}$$

$$X = \frac{1 \times 2800}{400} = 7 \text{ см}$$

**Учинчи масала.**

Москва билан Тошкент шаҳарлари орасидаги ҳақиқий масофа 2800 км., худди шу масофа ҳаритада 7 см.га teng. Харита масштабини аниқланг.

Ечиш:

$$7 \text{ см} = 2800 \text{ км}$$

$$1 \text{ см} = X$$

$$X = \frac{1 \times 2800}{7} = 400 \text{ км}$$

$$400 \text{ км.} = 40000000 \text{ см}$$

**“Дунё океани” мавзусини ўтишда дарсликда берилган эхолот расмини кўриб, океан туби чуқурлигини аниқлашга доир масала бажарилса, ўқувчида географик объект ва ҳодисаларни таҳлил эта олиш каби кўнкима ва малакалар ҳосил бўлади.**

Масала: Эхолот асбобидан фойдаланиб, океан тагига юборилган сигнал 4 сониядан кейин кемага қайтиб келса, океан туби чуқурлиги неча метрга teng бўлади?

Ечиш:

Товушнинг сувдаги тарқалиш тезлиги 1500 м/с ga teng.

Демак, товуш 4 сонияда  $1500 \times 4 = 6000$  м. масофани босиб ўтади. Товуш масофани 2 марта босиб ўтиши учун  $6000 : 2 = 3000$  м, яъни океан туби чуқурлиги 3000 м.

**“Океан сувининг хусусиятлари” мавзусида** океан сувининг шўрлик даражасини аниқлашга доир масалани бажариб кўрсатиш ўқувчиларнинг билимларини янада чуқурлаштиришга хизмат қиласди.

Қизил денгиз шўрлиги 41 фоиз (1 литр денгиз сувида 4 гр туз бор). Қора ва Болтиқ денгизларининг ҳар 100 гр да 1,8 ва 0,3 гр туз бўлса, бу денгизларнинг шўрлигини аниқланг.

Ечиш:

$$1) 1 \text{ литр} - 1000 \text{ гр}$$

$$1000 \text{ гр} : 100 \text{ гр} = 10 \text{ гр}$$

$$10 \text{ гр} \times 1,8 = 18$$

$$2) 1 \text{ литр} - 1000 \text{ гр.}$$

$$1000 \text{ гр} : 100 \text{ гр} = 10 \text{ гр}$$

$$10 \text{ гр} \times 0,3 = 3$$

Мавзулар бўйича бундай машқ ва масалаларни кўплаб келтириш мумкин. Ана шундай машқ ва масалаларни бажариш йўллари дарсликларда кўрсатилса, ўқувчилар эгаллаган назарий билимларига таяниб, у ёки бу масалани бажариш тартибини намойиш этиши, у ёки бу масалани ечишда ўз йўлларини излаши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтганда дарс- бу фақат ўқитувчи учун эмас, балки ўқувчи учун ҳам ижодкорликдир. Ўқувчиларни ижодкорликка ўргатишда олган назарий билимларини амалда қўллашларига имконият яратишда қизиқарли, вазиятли масалалар бериш мақсадга мувофиқ.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, ўқитувчининг методикаси, ижодкорлиги, қўллаётган усууллари, шакл ва воситалари, ўқувчилар билан ҳамкорлиқда ишлаши, энг муҳими бераётган билимига болаларга бўлган муҳаббатини қўша олса, албатта, ўқитувчи ўз мақсадига эришади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Мақоладаги мавзулар ва масалалар қуйидаги адабиётлардан олинган:

1. Рафиқов А., Ваҳобов Ҳ., Қаюмов А., Азимов Ш. „Амалий география“. Тошкент. „Шарқ“ -2010

2. Баратов П. “Табиий география (Ўрта Осиё табиий географиясидан амалий ишлар)” Тошкент. “Тошкент давлат педагогика университети” 2014.

3. Миракмалов М.Т., Авезов М.М., Назаралиева Э. “Табиий географиядан амалий машғулотлар” Тошкент, “Фан ва технология” нашриёти, 2015. Ўқув-услубий қўлланма.

**YOSH AVLODNI MA'NAVIY-AXLOQIY TARBIYALASHDA TOPISHMOQLARNING TUTGAN O'RNI**

**Ibragimova F. - Jizzax davlat pedagogika instituti o`qituvchisi, filologiya fanlari nomzodi  
Sulaymonova T. - Jizzax davlat pedagogika instituti talabasi**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada yosh avlodni har tomonlama barkamol shaxs sifatida tarbiyalashda ma'naviy-axloqiy tarbiyaning o'rni va bunda xalq og'zaki ijodining kichik janri bo'lgan topishmoqlar hamda ularning ahamiyati haqida fikr yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** Xalq og'zaki ijodi, ma'naviy- axloqiy tarbiya, topishmoq, bola.

**МЕСТО ЗАГАДОК В ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОМ ВОСПИТАНИИ МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ**

**Ибрагимова Ф. – Преподаватель Джизакского государственного педагогического института, к.ф.н.  
Сулаймонова Т. – студент Джизакского государственного педагогического института**

**Аннотация.** В данной статье рассказывается о роли духовно-нравственного воспитания в воспитании молодого поколения как гармонично развитой личности, а также о загадках, представляющих собой небольшой жанр устного народного творчества, и их значении.

**Ключевые слова:** устное народное творчество, духовно-нравственное воспитание, пословица, ребенок, фольклор, жанр, загадка.

**RIDDLES AND THEIR IMPORTANCE IN EDUCATING YOUNG GENERATION MORALLY AND SPIRITUALLY**

**Ibragimova F. – Teacher of Jizzakh State Pedagogical Institute  
Sulaymonova T.- Student of Djizakh State Pedagogical University**

**Annotation.** This article describes the role of spiritual and moral education in the education of the young generation as a harmoniously developed person, as well as the mysteries that represent a small genre of oral folk art, and their significance.

**Key words:** folklore, moral-spiritual, education, riddle, child.

Insonning insonligi, jamiyatda tutgan o'rni uning qay darajada tarbiyalanganlik darajasi bilan belgilanadi. "Folklor" birinchi marta XIX asr tadqiqotchisi Uilyam Tomas tomonidan 1864-yilda qo'llangan bo'lib, u ikki so'zdan iborat: "folk" – xalq, "lor" (lore) – bilim, donolik, donishmandlik, ya'ni "xalq bilimi", "xalq donishmandligi" demakdir<sup>1</sup>.

Xalq og'zaki ijodi deganda, bevosita ko'z o'ngimizda ota-bobolarimizdan bizga meros bo'lib kelayotgan, millatimizning tarixi, buguni va kelajagini o'zida mujassam etgan dostonlar-u purma'no ertaklar, maqol-matallar, xassos va o'ynoqi xalq qo'shiqlari, afsona-yu rivoyatlar namoyon bo'ladi. Avloddan-avlodga o'tgan sayin o'sib rivojlanib borayotgan bu tafakkur durdonalari milliy ma'naviyatimiz va madaniyatimizning ajralmas qismi bo'lgan holda o'sib kelayotgan yosh avlodni ma'nani yetuk, jismonan barkamol , ajdodlarga munosib avlod, kelajak yoshlariga namuna bo'ladi shaxs sifatida tarbiyalashda asos vazifasini bajaradi desak mubolag'a bo'lmaydi. Xalq og'zaki ijodi namunalari janr jihatidan farqlansa-da, ularning har birida bir g'oya - yosh avlodni har tomonlama yetuk, barkamol shaxs sifatida tarbiyalash g'oyasi ilgari suriladi. Shunday bir ulkan g'oyalarni ko'zlagan xalq og'zaki janrlaridan biri topishmoqlar hisoblanadi. Hayotni o'ziga xos badiiy idrok etish shakli bo'lgan topishmoqlar o'zbek folklorining ommaviy janrlaridan biridir.

Shakli, vazifasi, ish-harakati va holati jihatidan bir-biriga o'xhash ikki predmet, narsa va hodisani jumboqlab , ikkinchisiga xos o'xhash belgilari asosida uni topishga mo'ljalab she'riy yoki nasriy tuzilishda berilgan savol yoki topshiriq topishmoq deb yuritiladi. Topishmoqlar o'zbek xalq og'zaki ijodining kichik

<sup>1</sup> Imomov K., Mirzayev T va b. O'zbek xalq og'zaki poetik ijodi. Toshkent: "O'qituvchi", 1990, 105- b.

turiga mansub janrdir. "Topishmoq" termini "top" buyruq fe'liga – "ish" yasovchi qo'shimchasini qo'shish orqali yasalgan va unga "-moq" formasini qo'shish bilan janr atamasi yuzaga kelgan. Topishmoqning o'ziga xos bo'lgan jihatlari borki, ular janrning mazmun-mohiyatini tubdan o'zgartirib yuboradi. Janrning bunday xususiyatini Abdurauf Fitrat shunday ta'riflaydi: "Ba'zi narsalarning otini aytmasdan sifatlarini, belgilarini aytib, boshqalarga toptirishga "topishma" deyiladir. El orasida adabiy o'yinlardan sanalur". Topishmoqlar yashiringan biron-bir narsa-hodisaning belgisini o'xshatish, qiyoslash yo'li bilan uning nimaligini topishni talab qildigan kichik hajmli, she'riy yoki nasriy janrdir.<sup>1</sup>

Topishmoqlar respublikamizning turli viloyatlarida o'sha joylarning lokal xususiyatlari va shevasiga ko'ra, jumboq, jummoq, jumoq, topmacha, topar cho'pchak, top-top, top-top cho'pchak, matal, masala, ushuk kabi xilma-xil so'zlar bilan ham ifodalanadi. Ammo hozirgi paytda "topishmoq" yagona ilmiy-adabiy termin sifatida to'la o'zlashdi, qolganlari esa, tor doiralarda va ayrim keksa kishilar nutqida ishlataladigan bo'lib qoldi<sup>2</sup>.

Barchamizga ma'lumki, qadim zamonalardan barcha xalqlar qatori o'zbek xalqi ham o'z farzandlarini jismonan barkamol shaxs sifatida tarbiyalash maqsadida turli xalq o'yinlariga murojaat qilgan bo'lsa, ularning ma'nani yetukligini ta'minlash maqsadida topishmoqlarni o'ylab topgan. Yuzaki qaraganda, topishmoqlarga shunchaki vaqt o'tkazish, zerikishning oldini olish vositasi sifatida qaraladi, ammo, masalaning bu tomoni ham borki, topishmoq aytish hamda ularni eshitish orqali bolalarda obrazli va mantiqiy fikrlash, narsalar va hodisalarning yashirin belgilariga bo'lgan sinchkovlik qobiliyati oshganligining guvohi bo'lganligimiz uchun ham fikr qayrovi hisoblanadi. Topishmoq eshitgan bola, albatta, uning javobini topish maqsadida fikrlashga, tafakkur yuritishga topishmoqda berilgan o'xshatish va sifatlashlarni hayot bilan bog'lashga majbur bo'ladi va natijada ma'lum miqdorda bolada atrof-muhitga nisbatan e'tibor kuchayib sergak tortadi. Topishmoqlar shunday bir ajoyib janrki, ular inson hayotining hech bir sohasini chetlab o'tmaydi ular o'z ichiga borliqdagi hamma narsa va hodisalarni, ularning turli-tuman ko'rinishlarini qamrab oladi. Osmon, quyosh, oy, yulduzlar, tabiat hodisalari; odam, uning a'zolari; hayvonot dunyosi; qushlar, hasharotlar; daraxt, turli xil o'simliklar, meva, sabzavotlar; uy-ro'zg'or buyumlari; mehnat qurollari, umuman, hamma narsalar haqida yaratiladi.

Topishmoqlarda savol tarzida aytildigan fikrlar ma'lum bir badiiy shaklga tushgan bo'ladi. Ular xuddi maqollar kabi ixcham, quyma, ta'sirchan, shaklda yaratiladi. Topishmoqlar og'zaki ijodning ommaviy janrlaridan biri sifatida xizmat qilib, ularning uslubi metafora (istiora) ko'chim, kinoya, qochiriq yo'li bilan so'zlarni ko'chma ma'noda ishlatib, yashirilgan narsa-hodisalarning belgilarini qiyoslash, imo-ishora qismidan iborat. Topishmoqlarning shu xususiyatlari haqida Aristotel "Juda yaxshi metafora tuzish yo'li", deyishi bejiz emas<sup>3</sup>. Qadimda topishmoqlar hoziridan o'zgacha ahamiyatga ega bo'lgan. Topishmoqlarning yaratilishi, uning obrazlari ko'pgina hollarda mifologiya, qadimiy hayot tarzi bilan bog'liq, ko'p asrlik tarixga ega bo'lgan. Xalq topishmoqlarining ildizlari insoniyat, jamiyat taraqqiyotining ilk bosqichlariga borib taqaladi. Qadimiy topishmoqlarning asosida insonning dunyonи bilishga, tabiat sirlarini bilishga bo'lgan intilishlari yotadi. Keyinchalik topishmoqlar vazifasi o'zgarib, u ko'proq so'z o'yinining badiiy shakliga aylangan. Ularning ko'ngilxushlik xususiyatlari quyidagi o'zbek topishmog'ida shunday ifodalangan:

O'yin, o'yin, o'yinim

Ko'ngil ochar to'yinim. (Topishmoq)<sup>4</sup>.

Topishmoqlar tuzilishi jihatidan nasriy yoki she'riy shaklga ega. Nasriy topishmoqlar she'riy topishmoqlarga nisbatan ozchilikni tashkil etadi. She'riy topishmoqlarda she'r shakliga xos turoq, vazn, qofiya, radif kabi barcha jihatlarga to'la amal qilinadi. Masalan:

To'rt oyoqli,

Temir tuyoqli.(Ot)

<sup>1</sup> Abdurauf Fitrat. Adabiyot qoidalari. Toshkent:" O'qituvchi". 1995. 82-b.

<sup>2</sup> Imomov K, Mirzayev T. va b. O'zbek xalq og'zaki poetik ijodi. Toshkent :"O'qituvchi", 1990, 308- b.

<sup>3</sup> Abduraximov I. O'zbek topishmoqlari. – Toshkent:"O'qituvchi" 1991. – 23 b.

<sup>4</sup> www.ziyouz.com kutubxonasi Abduraximov I. M. – Toshkent: 1991. – 2b.

To'rtdir uning oyogi,  
 Temir mixli tuyog'i,  
 Manzilga etishtirar,  
 Toshdan qattiq tuyog'i. (Ot)

Topishmoqlar savol hamda javob qismi bir komponentli ( bir savol-javobli, bir predmetli) yoki ko'p komponentli ( ko'p savol-javobli, ko'p predmetli) bo'lishi mumkin.

Topishmoqlar, shuningdek bolani mustaqil fikrlashga undagani, idrokini, zehnini charxlashga xizmat qilishi bilan ham ahamiyatli bo'lganligi uchun aynan kichik maktab yoshida yetarlicha o'rganiladi. Topishmoq eshitib, javobini topishga harakat qilgan har bir bola undagi belgilarni hayot bilan bog'lashga harakat qilishi orqali mantiqiy fikrlash darajasi ham ortib boradi. Boshlang'ich sinflarda berilgan topishmoqlar mavsumga moslangan va biror bir matn yoki she'r dan keyin kelsa, shu she'r yoki matn mazmuniga mos bo'lgan topishmoqlar hisoblanadi.

Shuni aytish joizki, boshlang'ish sinf o'quvchilari sinfdan-sinfga o'tgan sayin topishmoqlar soni, mavzusi hamda qiyinlik darajasi ham ortib boradi. Yuqorida aytib o'tganimizdek, 1-sinfda 40 ta topishmoq berilgan bo'lsa, 2-sinfga kelib topishmoqlar soni 49 taga, sinfdagi matnlar so'ngida ham mavzu mazmuniga mos topishmoqlarni uchratamiz. Masalan: bu sinfdagi Hamid Jalolovning "Karim chumolining tilini bilarkan" deb nomlangan matnidan keyin topishmog'i berilgan. Qolaversa, biz boshlang'ich sinflarda javobi bir xil, ammo savoli har xil bo'lgan topishmoqlarga ham duch kelamiz.

Misol uchun: Tipratikan haqida 1-sinfda quyidagi topishmoqni uchratsak:

Burni tugma,  
 Ko'zi munchoq,  
 Bag'ri yumshoq.

2-sinfda ushbu topishmoqqa duch kelamiz.

Xavf bo'lsa, koptok bo'lib,

Igna ko'rpa yopadi.

Zumda ko'z ochib turib,

Ilgarilab chopadi.

Bundan tashqari 1-sinfda javobi kitob bo'lgan ushbu topishmoqlar bilan tanishamiz:

1.Tinmay o'qisang agar,

Ko'p narsani o'rgatar.

Bilsang, uka, o'ylab top,

Bilim koni u ...

2.Qat-qat qatlama,

Aqling bo'lsa, tashlama.

Birinchi topishmoq matni bilan tanishgan o'quvchi topishmoq mazmunidan, qolaversa, topishmoq oxiridagi uch nuqta o'rniغا oldingi satrdagi top so'ziga qofiyadosh bo'lgan topishmoqning javobi kitob so'zini tez topib oladi.

2-sinfga kelib, o'quvchilar bu mavzudagi ushbu topishmoq bilan tanishadilar.

Ertak, she'r-u matnlar

Yashar bir mamlakatda.

Dunyoni o'rganishda

Uning xizmati katta.

Oqdir dalasi, qoradir urug'i,

Qo'l bilan ekiladi, ko'z bilan o'rildi<sup>1</sup>.

Bunda 1- topishmoqdan ko'rinish turibdiki, kitobni bir mamlakatga, undagi turli xil she'r, ertak va matnlar shu mamlakatda istiqomat qiluvchi fuqarolarga metafora, ya'ni o'xshatish san'ati orqali bog'lamoqda. Bu turdag'i topishmoqlar orqali o'quvchilarda obrazli fikrlash, narsa va hodisalarni bir-biriga o'xshash belgilari orqali birlashtirish ko'nikmasini hosil qiladi. 2-topishmoqqa e'tibor qaratadigan bo'lsak, bu topishmoqda ham o'xshatish va tazod, ya'ni qarshilantirish san'atlaridan mohirona foydalaniqagini

<sup>1</sup> G'afforova T., Nurullayeva Sh., Mirzahakimova Z. 2-sinf O'qish kitobi. Toshkent: "SHarq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyyati, 2016, 88- b.

ko'rishimiz mumkin. Negaki, ko'pchilik kitoblarning foni oq bo'ladi, ana shu fon oq dalaga o'xshatilsa, kitobning qora yozuvlari oq dalaning qora urug'iga tazod san'ati orqali bog'lanyapti. Ayniqsa, kitobning yozuvlari qo'l bilan yozilishi va o'quvchi bu yozuvlarni ko'z bilan o'qishi e'tibordan chetda qoldirilmaganini ham alohida aytib o'tish lozim.

3-sinfda javobi kitob bo'lgan quyidagi topishmoq bilan tanishish orqali o'quvchilar hayotda kitobning o'rni naqadar ahamiyatli ekanini yana bir marta anglab etadi:

Ilmga kon,  
Mazmunga makon,  
So'zi serhikmat,  
Bizga do'st-ulfat,  
O'rgatar odob,  
Bu nima Ozod<sup>1</sup>?

Bu topishmoqning yuqoridagi topishmoqlardan yana bir o'zgacha jihat borki, u ham bo'lsa, bu topishmoqning so'roq ohangi va so'roq (?) belgisi bilan tugashidir. Topishmoqning bu jihat o'quvchuni topishmoqning javobini tez va to'g'ri topishiga turki beradi. Negaki topishmoqning ism bilan tugashi va javobning ham shu ismga ohangdosh ekanligi o'quvchini sergaklantirsa ajab emas.

Yuqoridagi misollardan ko'rinish turibdiki, biz tahlil qilgan boshlang'ich sinf o'qish kitoblari<sup>2</sup> bo'yicha 1-sinfdag'i topishmoqlar birmuncha osonroq bo'lib, bundan maqsad bir tarafdan o'quvchining o'qishga bo'lgan qiziqishi qiyin topshiriqlar berib so'ndirib qo'ymaslik bo'lsa, ikkinchi tarafdan bosqichma-bosqich, izchillik prinispiga asoslangan holda narsa-hodisalarining belgilari bilan tanishtirib borish desak mubolag'a bo'lmaydi.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, topishmoqlar bolaning so'z boyligini oshirish, hayot va uning hodisalari haqidagi tushuncha va tasavvurlarini, idroki va mulohaza qilish qobiliyatlarini kengaytirish asosida uning ma'naviy-axloqiy tarbiyasiga ta'sir etishning bir shakli sifatida o'z ahamiyati va o'rnini saqlab qolaveradi.

### **КИЧИК ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА АЖДОДЛАР ИБРАТ-НАМУНАСИ**

**Тўрабоева Б. - Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўқитувчиси**

**Собиров Н. - Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўқитувчиси**

**Умарова С. – Жиззах давлат педагогика институти талабаси**

**Аннотация.** Ушбу мақолада буюк боболаримизнинг жаҳон илм-у фани ривожига қўшган ҳиссаси, ибратли ҳаёт йўлларини намуна қилиб кўрсатиш орқали кичик макtab ёшидаги ўқувчиларни маънавий-ахлоқий ҳамда маърифий тарбиялаш масалалари ҳақидаги мулоҳазалар баён этилган.

**Калит сўзлар:** тарбия, маънавият, маърифат, ахлоқ, ибрат, намуна, буюк аждодлар, кичик ёшдаги ўқувчилар.

### **НАЗИДАНИЕ - ПРИМЕР ПРЕДКОВ В ВОСПИТАНИИ УЧАЩИХСЯ МЛАДШЕГО ШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА**

**Турабоева Б. – преподаватель государственного института искусств и культуры Узбекистона**

**Собиров Н. – преподаватель государственного института искусств и культуры Узбекистона**

**Умарова С. – студент Джизакского государственного педагогического института**

<sup>1</sup> Umarova M., Hamroqulova X., Tojiboyeva R. 3-sinf O'qish kitobi. Toshkent: "O'qituvchi" nashriyot-matbaa ijodiy uyi. 2016, 93- b.

<sup>2</sup> G'afforova T., ShodmonovE., EshturdiyevaG. 1-sinf o'qish kitobi. Toshkent: "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati. 2017, 127 b.

G'afforova T., Nurullayeva Sh., Mirzahakimova Z. 2-sinf O'qish kitobi. Toshkent: "SHarq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2016, 174 b.

Umarova M., Hamroqulova X., Tojiboyeva R. 3-sinf O'qish kitobi. Toshkent: "O'qituvchi" nashriyot-matbaa ijodiy uyi. 2016, 216 b.

**Аннотация.** В этой статье описаны вклад наших великих предков в развитие мировой науки, вопросы духовно-нравственного и просветительского воспитания учащихся младшего школьного возраста путем демонстрации образцового образа жизни.

**Ключевые слова:** воспитание, духовность, просвещение, нравственность, пример, назидание, великие предки, учащиеся младшего школьного возраста.

### AN EXAMPLE OF ANCESTORS EDUCATING (UPBRINGING) OF YOUNGER PUPILS

Turaboeva B. –Teacher of State institute of arts and culture of Uzbekistan

Sobirov N. - –Teacher of State institute of arts and culture of Uzbekistan

Umarova S. - Student of Djizakh State Pedagogical university

**Annotation.** This article describes the contribution of our great ancestors to the development of world science, issues of spiritual, moral and educational education of primary school students by demonstrating an exemplary lifestyle.

**Key words:** Uprising, sprit, tradition, morality, sacredan cestors, preliminary schol children.

Ота-она бола тарбиясига масъул биринчи инсонлардир. Улар фарзандига ҳалол едириши, меъёрида кийдириши, гўзалликларни кўрсатиб, эзгу нарсаларни эшиттириши даркор. Имом Фаззолий таъкидлаганидек, болага бугун берилган неъмат ҳеч вақт ўтмай сайқалланиб, тугал ҳолда эгасига қайтади. Демак, ёшлар - меросчўр ҳаётий вазифаларни эгалловчи ўринбосарлардир. Шу ўринда айтиш мумкинки, устоз – бу ота-онадан кейинги ўринда турадиган тарбияга масъул шахс ҳисобланади. Ҳозирги ахборотлашган технологияларга бой замонда фарзандларимиз, ўқувчи-шогирдларимиз тарбиясида жуда ҳам эҳтиёткор бўлмоғимиз шарт ва зарур.

Ҳозирги шароитда тарбияга оид инсониятнинг бой маънавий хазинасидан муносаб ўрин олган тарихий, миллий, маънавий, маданий меросимиз, урф-одатларимиз ва қадриятларимиздан таълим жараёнида самарали фойдаланиш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарвар, фидокор, юксак маданиятли ва маънавиятли қилиб тарбиялашнинг асосий омилларидан биридир.

Ўзбекистон мустақил давлатга айланган бир шароитда маънавий ва ахлоқий тарбия қатор омиллар таъсирида амалга оширилади. Ахлоқий сифат шахснинг барча мухим хусусиятларини яхлит ҳолга келтиради. Ўзбек ҳалқининг моддий ва маданий даражасининг кўтарилиши янги ахлоқнинг келажақдаги ривожланиши ва мустаҳкамланишининг базасини кенгайтиради, шахс эҳтиёжларининг янги даражаси ва ундан оқилона фойдаланиши шакллантиради. Бу муқаддас вазифани, яъни ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларни Ватан корига ярайдиган, уни янада юксалтирадиган интеллектуал жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш, албатта, педагог-ходимлар, ўқитувчи-мураббийлар зиммасидадир.

Айни дамда тарбия беришнинг ҳам турли хил йўллари, усуllibari бор эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳар бир педагог бу усуllibardan турли хил вазиятларда, турли даражада фойдаланиши мумкин. Бу унинг педагогик мақсадига, касбий маҳоратига боғлиқ. Маълумки, ўқитиш жараёни айни пайтда тарбия жараёни ҳамдир.

Тарбия жараёнида заминимизнинг мутафаккирлари, аҳли донишлари ва уларнинг кашфиётлари, маърифат, илм-у фан, маданият каби соҳалар ривожига қўшган ҳиссасини, ибратли ҳаёт йўлларини ёш авлодга намуна қилиб кўрсатиш педагогикада янгилик эмас, лекин уни ўргатишни такомиллаштириш, ибрат намунасининг янги усуllibarini излаб топиш долзарб вазифадир.

Таълимнинг пойдевори – бошланғич таълимда тарбиянинг бу усулидан жуда унумли фойдаланиш мумкин. Буюк алломаларнинг жаҳон илм-у фани ривожига қўшган ҳиссаси, ибратли ҳаёт йўлларини намуна қилиб кўрсатиш алоҳида педагогик қимматга эга.

Абу Райхон Беруний, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларни намуна қилиб кўрсатиш орқали ўқувчиларни нафақат маънавий –ахлоқий тарбиялаймиз, балки илм-

маърифатга меҳр уйғотиб, ўз ватанидан, унинг буюк инсонларидан ғуурланиш, уларга муносиб ворис бўлиш ҳиссини ҳам шакллантириб борамиз. Бунда ижтимоий бурч билан белгиланадиган хатти-ҳаракатнинг энг юқори асослари ўз аксини топади. Фуқаролик бурчи инсон ҳаётий фаолиятининг барча соҳаларидағи ижтимоий фаолликни кучайтиради. Ватан манфаатларини ҳимоя қилишда, меҳнатда, ижтимоий фаолиятда ўзининг фуқаролик мажбурияtlарини сидқидилдан бажаришга рағбатлантиради.

Айни пайтда бошланғич синф дарсликлари<sup>1</sup>га мурожаат қилиб, юқорида таъкидланган мавзулар ва матнларни кўздан кечирсак:

З - синф ўқиш дарслигида “Ўтмишни ўрганиш –бурчимииз” бобидаги Тоҳир Маликнинг “Китоб” ривояти, Ойбекнинг “Бола Алишер” қиссаси, “Алпомишнинг болалиги” эртаги, Миркарим Осимнинг “Ёш ҳаким”, “Жалолиддин Мангуберди” ҳикоялари, “Чўпон ва Широқ” ривояти кичик ёшдаги ўқувчиларни юксак маънавий-ахлоқий тарбиялашга, ўз тарихини ўрганишга, ундан фахрланишга ундейди.

З-синф ўқиш дарслигида “Ўтмишни ўрганиш –бурчимииздир” бобидаги Миркарим Осимнинг “Жалолиддин Мангуберди” ҳикоясини ўқитиш орқали кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда мардлик, ватанпарварлик, жасорат ва матонат каби юксак маънавий туйғуларни тарбиялашимиз мумкин бўлади.

Ҳикояда воқелар ривожи қўйдагича акс этган: Чингизхон ҳарбий куч билан Урганчни босиб ололмагач, ҳийла ишлатишга ўтди. Мўғуллар Жайхуннинг тошқинидан сақлаб турадиган тўғонни очиб юбордилар. Шаҳарни сув босди. Ҳамма иморатлар қулаб, сув остида қолди. Кўплаб аҳоли ҳалок бўлди.

Чингизхон учун қулай вақт етди. У Ҳинд дарёси соҳилида Жалолиддинга қарши юриш бошлади. Жангда сон жиҳатдан кўп бўлган мўғуллар ғалаба қозонди.

Жалолиддин душман қўлида банди бўлишини истамади. Ўз онаси, хотини ва болаларини (ўз истакларига кўра) Чингизхон қўлига тушмасин деб, ноилож дарёning тезоқар ерига ташлади. Ўзи эса содик навкарлари билан от солиб, дарёning нариги қирғоғига ўтиб олди. Чингизхон Жалолиддиннинг орқасидан қувмоқчи бўлган аскарларини тўхтатди. У лашкарбошиларини узоқдан ўзига мушт кўрсатиб кетаётган Хоразмшоҳ ўғлидан ўрнак олишга чақирди.

Жалолиддин бу жангдан сўнг яна ўн йил давомида мўғулларга қарши қураш орзусида куч тўплади. Душман билан бўлган жангда гоҳ енгди, гоҳ енгилди. Саркарда 1231 йилда ҳалок бўлди.

Тарихчи ёзувчи Миркарим Осимнинг “Жалолиддин Мангуберди” ҳикоясини ўқитишда кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини тарихий манбаларда берилган маълумотлар билан ҳам танишириб борсак мақсадга мувофиқ бўлади. Энг аввало, Биринчи Президентимиз И.А. Каримовнинг “...бор йўғи ўттиз икки йилгина умр кўрган бу баҳодир зотнинг мўътабар номи ўз замонасида дунё бўйлаб қанчалар довруғ таратган бўлса, орадан кўп-кўп асрлар ўтгач ҳам, мардлик ва озодлик учун қураш, эл-юрга фидойилик тимсоли сифатида яшаб келмоқда. Унинг қаҳрамонлиги келажак авлодларга, биринчи ўринда, сиз билан бизга тарихий хотира олдида бошимизни мағрур тутиб яшамоғимиз учун тўла ҳуқук беради”<sup>2</sup> деган гапларини эслатмоғимиз, етарли.

Жалолиддин Мангубердининг шахсий фазилатлари ва хусусиятлари ҳақида тарихий манбаларда шундай маълумотлар келтирилади: “У турк бўлиб, қора мағиз юзли, бурни олдида қора холи бор, ўрта бўйли йигит эди. Форс тилида ҳам бемалол сўзлаша олар эди. Жалолиддин довюраклиқда тенги йўқ шерларнинг шери эди. У камтарин, жиддий одам бўлиб, ҳеч қачон бақирмас, сўкинмас, атрофидаги кишилар олдида ўзини жуда яхши тутар эди. У кўп гапирмас, хоҳолаб кулмас, аҳён-аҳёнда жилмайиб қўяр эди. У адолатни ҳурмат қилар, доим адолатли иш юритишига интилар эди. Жалолиддин ўз халқининг мушкул аҳволини енгиллаширишни хоҳлар эди.

<sup>1</sup> G'afforova T., ShodmonovE., EshturdiyevaG. 1-sinf o'qish kitobi. Toshkent: “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririati. 2017, 127 b.

G'afforova T., Nurullayeva Sh., Mirzahakimova Z. 2-sinf O'qish kitobi. Toshkent: “SHarq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririati, 2016, 174 b.

Umarova M., Hamroqulova X., Tojiboyeva R. 3-sinf O'qish kitobi. Toshkent: “O'qituvchi” nashriyor-matbaa ijodiy uyi. 2016, 216 b.

<sup>2</sup> Каримов И.А. “Хотира ва қадрлаш кунидаги нутқидан”. www.ziyonet.com

Бироқ у яшаган тұс-тұполон давр унга бундай хайрли, савоб ишни амалға оширишга имкон бермади. У ҳұмронлик қылған даврдаги суронли йилларда уни зўравонлик қилишга мажбур этиб табиатини маълум даражада ўзгартырди. Жалолиддин энг оғир, мураккаб шароитларда ҳам фикрида қатый тұра олувчи, энг қийин синовлардан ҳам сира қўрқмайдиган, уларга бефарқ қаровчи одам эди” [8].

Бундан кўриниб турибдик, таҳликалар ичидә ҳам ўзини тута олган, мардликни қўлдан бермаган, мўғил босқинчиларига қарши мардона курашган, ватанига содиқ қолган саркардага муносиб ворисларни тарбиялашимизда бу буюк аждодимизнинг ҳаёт йўллари ибрату намунаидир.

Тарихдан маълумки, шўролар тузумида аждодларимизга нисбатан қораловчи турли бўхтонлар ёғдириб, тарихдан уларнинг муборак номларини ўчириб юбормоқчи бўлишди. Машҳур олим ва шоир Мақсад Шайхзода “Жалолиддин Мангуберди” пьесасини ёзганлиги учун таъқиб остига олинган эди.

Шукрлар бўлсинки, мустақилликка эришганимиздан сўнг Жалолиддин Мангуберди мўғул босқинчиларига қарши курашда кўрсатган мислсиз жасорати, ватанга ва ўз халқига садоқат ва чексиз муҳаббатини қадрлаш ва унинг руҳини абадийлаштириш мақсадида “Жалолиддин Мангуберди тавалудининг 800 йиллигини нишонлаш” ҳақидаги қарор қабул қилинди ва “Жалолиддин Мангуберди” ордени таъсис этилди.

Дарсликда берилган ҳикоя ўқитувчи томонидан ифодали ўқиб берилиши, сўнгра ўқувчиларга қайта ҳикоялаш асосида ўқитилиши лозим. Шунингдек, турли педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиш орқали Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ҳақида ўқувчиларда тўла тасаввур ҳосил қилинади. Хусусан, Мақсад Шайхзоданинг “Жалолиддин Мангуберди” драмаси асосида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Озодбек Назарбеков томонидан куйланган “Мендуруман ўша” қўшиғи ва унга олинган клипини намойиш этиш мақсадга мувофиқ.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун “БББ”, “Вен диаграммаси”, “Зинама-зина”, “Балиқ склети” каби педагогик технологиялардан фойдаланиш мумкин. Бу технологияларни қўллаш орқали ўқитувчи кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда Жалолиддин Мангуберди бобомиз ҳақидаги билимнинг шаклланишига, у кишидаги инсоний фазилатларнинг, белгиланган мақсадга эришиш йўлида учрайдиган қийинчиллик ва тўсиқларни енгиги ўтишда сабр-тоқат, сабот ва бардош билан қилинган хатти-ҳаракат ва шахс хулқ-атворига хос бўлган кучли иродани ифода этувчи хислатларнинг ўқувчига яхши маънода “юқиши”га эришади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ватанимиз тарихида қалбида ана шундай жасорат, улкан матонат ҳисси ниҳоятда кучли бўлган инсонлар ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам адолат ва ҳақиқат йўлида ўзини аямай, эл-юрт учун қандай ибратли ишларни амалға оширганини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам аждодлар ибрати асосида ёшларни маънавий –ахлоқий тарбиялаш алоҳида педагогик қимматга эга.

## ТЕЗКОР РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНИДА ТАРБИЯГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР ТАҲЛИЛИ

**Нурумбекова Я.А. - Гулистон давлат университети катта ўқитувчиси**

**Аннотация.** Ушбу мақолада жамият қачонки комилликка интилиб яшайдиган инсонлардангина таркиб топса, ҳар хил иллатларга ўрин қолмаслиги ҳақида фикр юритилган. Тарбия мураккаб ва серқирра жараён бўлиб, тарбиячи ва ўқитувчининг тили, дили, руҳияти, ақл-идроқи, кўнгли ва тасаввурда ҳам акс этмоғи лозимлиги ҳақида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** технология, фазилат, инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳр, дил, идрок, тасаввур, кўнгил, феъл-атвор.

## АНАЛИЗ НОВЫХ ПОДХОДОВ К ВОСПИТАНИЮ В ПРОЦЕССЕ БЫСТРОГО РАЗВИТИЯ

**Нурумбекова Я.А. - старший преподаватель Гулистанского государственного университета**

**Аннотация.** В статье освещается вопрос если в обществе будут жить люди, которые стремятся к гармоничному развитию, то не останется место различным недостаткам. Технология воспитания является сложным процессом, в котором должны отражаться язык, душа, психика, сознание и представления воспитателя и учителя.

**Ключевые слова:** технология воспитания, качество, гуманизм, патриотизм, душа, психика, сознание, характер.

## ANALYSIS OF NEW APPROACHES TO EDUCATION IN THE PROCESS OF RAPID DEVELOPMENT

Nurumbekova Ya.A. - Senior teacher of Gulistan State University

**Annotation.** The article highlights the question if the society will live people who strive for harmonious development, there will be no place for various shortcomings. The technology of education is a complex process, which should reflect the language, soul, psyche, consciousness and ideas of the teacher and the teacher.

**Key words:** upbringing, technology of educating, quality, humanism, patriotism

Бугунги глобаллашув, тезкор замон ўқитувчи-тарбиячидан доимо сергак ва хүшёр бўлишни талаб этади. Зоро, турли хил ахборот воситалари орқали тарқалаётган маънавий таҳдидлар асосан ёшлар онги ва қалбини эгаллашга қаратилаётган соҳа эгаларини тезкор метод ва усуllibардан мақсадли фойдаланиб, тезкор хуносалар чиқаришга ундумоқда. Бундай мураккаб муаммоли вазиятда энг муҳим вазифа ёшларга тўғри йўл кўрсатиш, ёт мафкура ва ғоялардан асрашда муаммоли вазиятлар ечимини топиш ҳамда унга муносабат билдиришга, муаммоларнинг мураккаб тус олишини олдини олишда аниқ қарорлар қабул қилишни талаб этади. Мақола мазмуни тарбия технологиясининг хусусиятларини таҳлил қилиш, муаммо ва ечимларини ёритишга қаратилган.

Педагогик жараён катта қониқиши ҳамда дўстона муносабатларга асосланган чоғдагина таълимда кўзбўямачилик, ўзлаштировчилик, дарсдан ва билим олишда чалғиши ҳамда безиш ҳоллари кузатилмайди.

Ҳамма нарса қизиқиш, ҳайратланиш ва шу асосидаги билишдан бошланади. Тадқиқотлар билишнинг асосий омиллари тўртта эканлигини кўрсатди. Булар:

1. Сезгилар асосидаги қизиқиш ҳамда ҳайрат (фаол билишга ундейди).
2. Фикрлаш (ҳақиқат ойдинлашади).
3. Машқ, такрорлаш (билим ва тажриба хотирада мустаҳкамланади).
4. Тафаккур (мантиқий хуносаси чиқаришга олиб келинади.)

Бу ўринда тарбия технологиясининг (бундан кейин ТТ) моҳиятига амал қилиш ўз эътирофини топади. Яъниким, тарбия назарияси амалий ва тажрибадагина тан олинади. Шунга мувофиқ, амалиётга оид принцип, метод, усул ва воситаларни педагогик-психологик билим, кўникума ва малакалар билан бойитиш технологик жараённинг такомиллашувига олиб келади. Инсондаги барча ҳис-туйғу тарбия амалиётининг озуқаси бўлиб хизмат қиласи.

Она тили, дини, қадриятлари, анъаналарига содиқликдан келиб чиқадиган инсонийлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, гўзалликка интилиб яшаш ва ундан завқланиш, жисмоний, руҳий ҳамда ақлий баркамолликка эришиш, касбий камолотга интилиш, барча миллат ва элатларга хос бўлиб, шахс тарбиясида ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Ўз навбатида тарбиянинг алифбоси меҳр ва яхшиликдан бошланар экан, яхшилик ерда қолмайди. Айнан ёмонлик ҳам жазосиз қолмайди. ТТ нуқтаи назаридан, бирон-бир иллатга эга бўлишнинг ўзиёқ жазо. Доно файласуфлар энг гўзал нарса одам дейди. Чунки одам Тангрининг маҳсули. Шунга кўра:

- инсон табиатнинг бир қисми сифатида ҳаётни севади;
- умид билан яшайди;
- фикрлашни ўрганади;
- билим, касб-ҳунар эгаллайди;

- бахтли бўлишга интилади;
- хатоларни тузатади;
- ўзини ва ўзлигини англайди;
- адолатни истайди;
- баъзан тақдирга тан беради;
- ўзидаги мавжуд қобилиятни касб-ҳунари асосида такомиллаштиради;
- тарбия туфайли қалбидаги хасталикка даво топади;
- бир умр эркинлик ва озодликни истайди;
- Ватанини севади, ардоқлайди;
- яхши яшашни истайди;
- вақтдан унумли фойдаланиш, самарали меҳнат қилиш ва обрў-эътиборли бўлишга интилади;
- содик дўст орттириш ва донишманд бўлишни истайди;
- севиб ва севилиб яшаш, мустаҳкам оила қуриб, комил фарзандларни тарбиялаш орзузида умргузаронлик қиласди;
- кексаликка замин тайёрлашга интилади, ўлимнинг мұқаррарлигини тан олади;
- ўргатиш асносида ўрганади;
- ҳамдард, ҳамфикр ва дўстона муносабатларни қарор топтиришга интилади;
- хатолик, адашиш, янгилишларни маънавий-ахлоқий тарбия асосида тўғрилашга, хато қилмасликка, виждан ва ирода кучини сафарбар этишга ҳаётини бағишлайди, ҳалоллик, поклик ва адолатни ҳар нарсадан устун қўяди, ўз эътиқоди ва имонига содик қолишга ҳаракат қиласди;
- журъатсизликдан қочади;
- шукроналик ва ҳамдардликка интилади;
- мулоҳазали бўлиш, кечиримлилик, раҳмдиллик, холислик, эгалик қилиш ҳуқуқи доимо олға интилиш ва раҳбарга итоат каби хусусиятларни феъл-авторида шакллантиради;
- тарбияли бўлишнинг ўзи етарли эмаслигини англаган ҳолда уни эзгулик йўлида қўллай олишга, давр билан ҳамнафас бўлишга интилади;
- ўз навбатида ёмон тарбияга хос хусусиятларга: ғийбат, қўпоплик, ишёқмаслик, дағаллик, пасткашлик, масхарабозлик, эҳтирос, худбинлик, бефарқлик, будъат ва мунофиқлик кабилар киради.

Бу ўринда миллий ва умуминсоний тарбияга хос хусусиятлар тарбия технологиясининг ички механизмини, яъни рефлексив моҳиятини очишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

ТТ давр талабидан келиб чиқиб, инсонга мажбурият юклайди, мажбурият тўғри фикр юритишига ундейди ва у одат тусига киради, одат эса динамик стереотипга айланади. Бу жараёнда инсон ўз фаолиятининг мазмун-моҳиятига этиш йўлларини излайди ва ниҳоят эътиқод қарор топади. Иш амалларини тўғри ва муваффақиятли бажариб борган эътиқодли инсон комиллик сари интилиб тескари натижани бериши ҳам мумкин. Шунга кўра, ҳар бир фаолият турининг максад ва вазифасининг қўйилиши тартибига кўра меъёрини вақт тақсимотига мувофиқ аниқлаб олиш талаб этилади. Демак, ҳаддан ортиқ тиришқоқлик зўриқишига олиб келиши ва муваффақият келтирмаслиги мумкин. Шунга кўра инсон ўз табиатида (характерида) мавжуд ва мавжуд бўлмаган нарсаларни ажратиб олиши лозим. Аммо шуни унутмаслик лозимки, яхшилик каби ёмонлик ҳам инсон табиатида мавжуд. Кишиларнинг табиати ўз эҳтиёжларини қондирилишини талаб этади. Эҳтиёж қондириш йўлида одамлар бир-биридан фарқ қиласди. Фарқ кўпроқ шахсий ва касбий ўз-ўзини тарбияланганлик даражасида кўринади.

Ҳар бир шахснинг ўзига қараб таъриф қилинса, қилган ишига, яъни меҳнат фаолиятига қараб тавсифлайди, яъни рағбатлантиради ёки аксинча. Аммо охират баҳонасидағина яхшилик қилинмайди. ТТда меҳр, ғамхўрлик, яхшилик ва ҳалоллик ҳар қандай фазилатнинг алифбоси ҳисобланади.

Луқмони Ҳаким тўртта сўзни алоҳида таъкидлаб кўрсатган. Бу тўрт сўздан иккитасини доим ёдда тутиш, қолган иккитасини унтутиш лозим деган. Доим ёдда тутиш керак бўлган иккита сўздан биттаси ўзининг қилган ёмонлиги, иккинчиси бошқанинг қилган яхшилигидир. Унтулиши керак бўлган

иккита сўздан бири ўзининг қилган яхшилиги, иккинчиси бошқанинг қилган ёмонлигидир. Луқмони Ҳаким тарихий шахс бўлмасада, афсонавий донишманд бўлган<sup>1</sup>.

Юқорида бирордан хафа бўлган шахс унинг айбини унутмаслиги кўрсатиб ўтилди. Бу ўринда ТТда олқиши ва қарғишининг, тўғри ва ёлғоннинг ўрнига алоҳида эътибор қаратилган.

Гап шундаки, олқиши, дуо олиш, қарғиши ва ёлғон педагогика фанида алоҳида тадқиқот обьекти кўринишида тўла-тўқис ўрганилмаган. Айниқса, олқишининг тарбиявий таъсири, унинг самарадорлик даражаси аниқланмаган. Жумладан, қарғиши ва унинг таъсир кучи ҳам алоҳида моделлаштирилмаган. Тарбия назариясининг таркибий қисми ўлароқ, ТТда шахсга хос барча ижобий ва салбий хусусиятлар, жумладан ижобий хусусиятлар асосида шаклланадиган фазилатлар фанлар интеграциясида, аниқроғи педагогика, психология, физиология, физика ва информатика фанларининг ўзаро учрашув нуқтасида таҳлил этилиб, руҳий таъсир кучи, частотаси, динамикаси ва уларни ўз-ўзини тарбиялашга бўлган таъсири, кафолатли натижаси таҳлил этилиб, ёш, жинс ва индивидуал хусусиятлар ривожида кўриб чиқилмаган. Шунга кўра ТТга хос қонуниятлар, принцип ва методларга мувофиқ ҳар бир фазилатнинг шаклланиши динамикаси нанотехнология асосида тадқиқ ва тадбиқ этилиши зарур.

Маълумки, туркий халқлар ҳамма замонларда ҳам сўзга бир илоҳий неъмат сифатида ёндашганлар. Сўз кетидан, албатта, амал келишини билганлар. Шу боис, инсонга зарари тегиши мумкин бўлган нарсаларнинг номлари айтилмаган. Аждодларимиз яқингача ҳам хаста бўлиб қолишиша, “касалман” дейишмаган. Бу сўз чиндан ҳам жиддий хасталикни бошлаб келишига ишонган. Улар ўз хасталикларини “тобим қочди”, “мазам йўқ”, “тобим келишмай турибди” сингари иборалар билан ифодалаганлар. Кенг тарқалиши мумкин бўлган юқумли касалликларнинг номлари ҳам айтилмаган: қизамиқ – “қизил кўйлак”, ичак – “гул” тарзида ифодаланган.<sup>2</sup>

Демак, юқорида такрорланганидек, аждодларимиз сўз қудрати, масъулияти ва унинг таъсирига жиддий муносабатда бўлиб келганлар. “Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир” нақли ҳар доим сўзга эътиборли бўлиши лозимлигини ўқтиради<sup>3</sup>.

Миллий тарбиянинг ривожланиши ўлароқ инсондаги фазилатларнинг ўсишида “олқиши”, “дуо” олиш тобора руҳий-педагогик эҳтиёжга айланиб бормоқда. Кўпинча омин орқали дуо олиш, инсонга билдирилган тилаклар Яратган эгамдан сўраш орқали амалга ошади. Бу жараёнда инсон ўз руҳиятида тетиклик, бардамлик ва мусаффоликни ҳис этади, кучига куч қўшилади. Қалбидаги поклик туйғуси касб-корига барака келтиради<sup>4</sup>.

Жамият қачонки комилликка интилиб яшайдиган инсонлардангина таркиб топса, ҳар хил иллатларга ўрин қолмайди. Шунга кўра ҳозирда қабоҳатнинг бутунлай барҳам топиши мумкин эмас.

ТТнинг рефлексив хусусияти ҳар бир шахснинг аниқ мақсад ва вазифаларга эга бўлиши унинг фуқаролик бурчи эканлигини таҳлил этиб, комилликка интилиб яшаш мақсадига мувофиқ қўйидаги **вазифаларни** белгилайди:

- 1) ўз олдидаги;
- 2) оиласи ва қариндош-уруғлари олдидаги;
- 3) давлат олдидаги;
- 4) жамоаси ва бошқалар олдидаги.

Санаб ўтилган вазифаларни адо этишда қўйидаги бурчлар етакчилик қилади, яъни: инсонийлик, ватанпарварлик ва фидойилик. Санаб ўтилган бурчлар айни пайтда йўналишига қараб фазилатлар қаторига ҳам киради.

Шахс ўзини ва ўзлигини англағани сари тараққиёт бўлаверади. Бу жараён энг юксак фазилатлар саналиши инсонпарварлик, ватанпарварлик ва фидойиликнинг таркибий қисмига киради. Демак

<sup>1</sup> Абдукаримов Ҳ, Сувонов О. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Ўқув – методик кўлланма. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – 76 б.

<sup>2</sup> Абдукаримов Ҳ. Касбий педагогик фаолият. – Тошкент: Ўқитувчи, 2010. – 160 б. 115-бет.

<sup>3</sup> Ишмуҳаммедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (тадълим мұассасалари тарбиячи-ўқитувчилари ва гуруҳ раҳбарлари учун амалий тавсиялар) – Тошкент: Истеъдод, 2010. – 141 б.

<sup>4</sup> Абдукаримов Ҳ. Касбий педагогик фаолият. – Тошкент: Ўқитувчи, 2010. – 160 б.

шахс қанчалик ўзини англагани сари, инсонпарварлик, ватанпарварлик ва фидойилик фазилат сифатида мазмунан бойиб бораверади.

Белгиланган вазифалар уйғунлигини ТТда тармоқли маркетингга қиёслаш мүмкін. Ҳар бир вазифанинг ривожи ўзига хос илмий-амалий ёндашувни талаб этади. Чунки вазифалар мазмунида тарбия турибди. Ўқувчи ўзининг тарбиявий имкониятидан келиб чиқиб, фаолият жараённан ижтимоий фаоллик күрсатади. Тарбиячи-ўқитувчи эса ўқувчининг савиясига мослашишига эмас, балки уларнинг диди ва тафаккур эхтиёжини күтаришга, давр нафасини илғайдыган даражага күтаришга эришиш лозим.

Ўқувчи ва талабани эгалламоқчи бўлган касбига қизиқтирувчи, соҳани мукаммал эгаллаш сари турткি бўлувчи фанлар бўлади. Ана шу фанлар мазмунидаги шахснинг мақсад ва вазифалари ечими ўзининг тарбия технологиясини ифода этади.

Аниқ фанлардаги таърифлар, қоидалар, формулалар ва даврий системадаги элементлар, улардаги тартиб ўқувчи-талабани қатъиятли, тўғри сўз, ҳозиржавоб, мантиқли, фикр юритадиган, ўз сўзини исботлай оладиган ҳамда аниқ хуносалар чиқара оладиган бўлишга ўргатади, шунинг учун ҳар бир мавзунинг таълими, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадида технологик жараённинг кафолатли натижаси нимага олиб келиши мумкинлигини ўқитувчи олдиндан башорат қилиши талаб этилади.

Ижтимоий-гуманитар фанларда ўрганилаётган давр ёки фан мазмунини ёритувчи мавзулар алоҳида модуллаштирилиб, қўйилган мақсад ва вазифа асосида ўқувчи-талаба жараённинг мазмун-моҳиятини таҳлил этади, интерфаол методлар ечими ўлароқ тегишли хулоса ва тавсияларга эга бўлади. Айтайлик, адабиёт дарсларида асар қаҳрамонининг ҳаёти тарбия оловчи ҳавас ва тақлид тарбиясини майдонга чиқаради. Фанлар интеграцияси нұқтаи назаридан фаолият мазмунига эътибор қаратиладиган бўлса, педагогик ёндашувларга кўра, асар қаҳрамонидаги ҳар бир фазилатни илғаш, уни тезкор методлар асосида ажратиб олиб ўрганиш ўқувчини юксак туйғулар сари етаклайди.

Жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларидаги ижтимоий рақобат, рақибнинг қарши ҳужумига бардош бериш ва уни тезкор енгib ўтиш ўқувчи-талабадан кучли руҳий жисмоний тайёргарлик кўриш билан бир вақтда, кучли ирода кучини ҳамда ҳозиржавобликни ҳам талаб этади. Бунга бардош бера олмаган, курашда енгилган шахс ўзини ўзи таҳлил этиб, ўз фаолиятига ўзи объектив баҳо бера олса, кейинги фаолият турига киришиб кетишига йўл очилади.

Демак, ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусияти ТТни мазмунан бойитишга оид инновацион характердаги материалларни интерфаол методлар асосида ўрганиш имкони кенг эканлигини ўрганувчи ўқувчи, талаба ёки тадқиқотчи айни пайтда ўзининг ички овозини, яъни “Мен” хусусиятини намойиш этади.


Технологик жараён моҳиятини ўрганишда: “ўқитувчи-метод-ўқувчи” ва “тарбиячи-метод-тарбия оловчи” ҳамда “ўқитувчи-технология-ўқувчи”, “ўқитувчи-методика-натижа” тизими асосида фаолият олиб бориши мақсадга мувофиқ. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тизим ичидаги кўп нарса яшириниб ётганлигини соҳа мутахассиси олдиндан башорат қила олиши ва уни очиш йўлларини излаши лозим. ТТда бир хил натижа ва бир хил самара берадиган методиканинг ўзи йўқ. Кўриб ўтилган тизим яхлит ҳолида олингани билан натижа ва самара нисбий характерга эга. Чунки ТТда таълим технологиясидагидек кафолатли натижа бирданига кўзга кўринмаслиги мумкин. Барча касалликларни енгишга қаратилган алоҳида дори ишлаб чиқилмаганидек, универсал характердаги метод ва методика ҳам кашф этилмаган.

Шу нарса аёнки, бугунги кунда тарбия ва таълим жараённанда мақсад, мазмун, метод ва технологиянинг модернизациялашуви бўлажак мутахассиснинг маънавий-касбий сифат ҳамда фазилатларининг ҳам модернизациялашувига олиб келмоқда. Бу жараёнда нафақат ўқувчи ва талабанинг, балки ўқитувчи-мураббийнинг ҳам индивидуал руҳий ҳамда касбий хусусиятларида ўзгаришлар, янгиланишлар, содир бўлиши кузатилмоқда.

ТТга оид олиб борилаётган кузатувлар ва изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, инсоннинг ҳар бир хусусияти ва фазилатига хос қобилиятини ўрганиш ҳамда унинг амал-оқибатини таҳлил қилиш нонотехнологиянинг вазифасига айланиб бормоқда. Тарбия бўғинининг начор ҳалқасининг қай ҳолатда эканлигини англаш ўқитувчи-мураббийдан катта маҳорат талаб қиласиди. Унга тўғри муносабат

билдириб, муаммоли вазиятлар ечимини топишда алоҳида шахсий сифат ҳамда фазилатлар ўрганиб чиқлади. Ана шунда ечим пайдо бўлади.

ТТ моҳиятини белгиловчи ўз-ўзини тарбиялаш асосида ўз-ўзини ислоҳ этишга қодир ўқитувчи-мураббий ўзининг фаолияти натижсини ўқувчи ва талабаларда кўра олади. Касбий фаолият тақозоси нуқтаи назаридан аксар ўқитувчи-мураббий ўзидағи сифат ва фазилатларни бошқаларда қанчалик бор-йўқлигини ҳам билади. Шунга қараб ижтимоий фаолликнинг янги турини ва янгича фаолият режасини ишлаб чиқади. Бу режа шартли равишдаги горизонтал устундаги технологик ёндашувда ўз ифодасини топиб,



ўзаро ҳамкорликдаги интерфаол муносабатни қарор топтиради.

Демак, шахс фаолиятида янгиланиш сезилмаса, шахс тузилмасига мувофиқ ривожланиш бўлмайди. Янгиланиш инновацион ёндашувга кўра интерфаол методлар асосида ўқитувчи фаолияти тизимили ва мақсадли равишда амалга ошмаса, ўқувчи фаолиятидаги ижтимоий фаоллик ўз ечимини топмайди. Шунга кўра “устоз-шогирд” муносабатидаги анъанавий инновацион ва илмий-ижодий ёндашувлар тизимили равишда амал қўймоғи мақсадга мувофиқ.

Ўқитувчи-мураббийда кишини ўзига тортувчи жозиба бўлиши керак. Маънавияти улуғ ўқитувчининг ҳар бир хатти-ҳаракати бошқаларда ўзига нисбатан ҳурмат туғдиради. Устозлик мақомига эга ўқитувчининг илми-одоби, сахиyllиги, ахлоқий фазилатларидан атрофидагилар, яъни шогирдлар наф олса ва уни устоз сезса, унда сабр-қаноат, ўз-ўзига талабчан бўлиш, ўзидағи бор фазилатларни янада ўстириш ва қатъиятлилик ортади ҳамда бу фазилатлар устозга обрў ва манфаат келтиради.

Алишер Навоий “Маҳбуб үл-қулуб” асарида “Агар шогирд үлғайгач, подшоҳлик мартабасига эришса ҳам, ўз муаллимига қуллик қилса арзийди. Бинобарин, шогирд шайх үл-ислом ёки қозилик даражасига кўтарилиганда ҳам устози ундан рози бўлса, Тангри ҳам рози бўлади”, деб ёзади<sup>1</sup>.

Ҳамма нарса ўзгаришга маҳкум. Жумладан инсон ҳам оладиган тарбиясига қараб ўзгариб боради. Ундаги онг ва дунёқараш унинг инсонийлик фазилатларини ўстиради ёки аксинча камайтиради. Бу ўринда қулай мұхит, тегишли шарт-шароит, устознинг таъсири тарбия жараёни билан үйғунлаша олса, инсон камолот сари интилади.

Илм даргоҳида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, минглаб шогирдларга устозлик қилган мұаллим шуни унутмаслиги лозимки, сиз фаолият юритган таълим-тробия жараёни аввал ҳам бўлган ва сиздан кейин ҳам давом этади. Инсоният борки, бу жараён мангу тақрорланади, гап сизнинг ўрнингизда кимлар ва қандай меҳнат қилаётганида.

Устоз доимо қалбига қулоқ соглани ва шогирдлар хизматига ҳамиша шай тургани билан алоҳида эъзозга лойик. Ўз навбатида шогирд манманликка берилса, устоз ўғитидан ўзини четга олса, билингки, бундай шогирдни нафс балоси ўз домига тортган бўлади.

Устозга муносабат қилиб, ундан нимадир олдингми, демак, олға босган ҳар бир қадамингдан мамнун бўл. Устоз олдинга қандай вазифа қўйган бўлса, уни шараф билан бажариш шогирдлик бурчи. Устозга ҳар доим ҳавас ва тақлид кўзи билан қараган шогирд кун келиб, ўзи ҳам устозни тақрорлашга интилади. Демак, ТТ нуқтаи назаридан “ўлимдан сўнг ҳамма нарса барҳам топади” дегани ёлғон.

Бу жараёнда тақлид тарбиясига кўра бола, ўқувчи, талаба тарбиячисига, устоз-муаллимга ўхшашга, ундан андоза олишга, устоздай бўлишга интилади. Ҳар жиҳатдан ўқитувчи-тарбиячини

<sup>1</sup> А. Холиков. Педагогик маҳорат. Дарслик – Тошкент: Ўқитувчи, 2011. – 308 б.

УДК: 378.1

ҳалол, билимдан инсон деб тан олади. Бу ўқитувчи-тарбиячи учун катта баҳт ва омад ҳисобланиб, ўз ўрнида ўқитувчи-тарбиячи касб бурчи ва масъулиятини доимо шараф билан бажариши лозим.

Мухтасар қилиб айтганда, янги аср педагогикаси олдида турган глобал муаммолардан бири педагогик жараённи инсонпарварлаштириш ҳамда айни пайтда миллий тарбия талабларига мувофиқ келувчи ТТ ва ахборот технологияларини татбиқ этишдир. ТТда қайтар алоқа принципи етакчилик қиласи. Тарбияда кафолатли натижага бирданига кўзга ташланмаслиги муқаррар. Болани яхши ҳулқли қилиб тарбиялашга қараганда билимдан қилиб тарбиялаш осонроқ. Аммо ТТда бу жараённинг механизмлари энди шакллантирилмоқда.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ТТда шахсий сифатларнинг касбий эҳтиёжларга мос келиши, уларни тўлдириши, синкретлиги касбий педагогик фаолият самарадорлигини таъминлайди. Тарбиячи, ўқитувчининг билим, кўникма, малакаси унинг компетентлиги, шахсий тажрибаси ва касбий маҳоратида ўз ифодасини топади.

#### **. TALABALARDA SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISH**

**Xolmatova M. F- Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti katta o'qituvchisi  
Xasanova B. J. - Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti talabasi**

**Annotation.** Ushbu maqolada talaba-yoshlarimiz orasida sog'lom turmush tarziga rioya qilish, erta turmush qurish va qarindosh urug'lar orasidagi nikohnning salbiy oqibatlari haqida to'xtalib o'tilgan.

**Kalit so'zlar:** Ta'lif tizimi, sog'lom turmush tarzi, erta turmush, oila, talaba-yoshlar.

#### **ФОРМИРОВАНИЕ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ У СТУДЕНТОВ**

**Холматова М.Ф. -старший преподаватель Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы**

**Хасанова Б.Ж. – студент Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы**

**Аннотация.** В данной статье освещаются вопросы здорового образа жизни, негативные последствия ранних браков и браков между родственниками.

**Ключевые слова:** Система образования, здоровый образ жизни, ранний брак, семья, студенты.

#### **FORMATION OF A HEALTHY LIFESTYLE AMONG STUDENTS**

**Xolmatova M.F- Senior teacher of Tashkent State University of Uzbek language and literature  
Xasanova B.J. - Student of Tashkent State University of Uzbek language and literature**

**Annotation.** In this article was described the negative effects of a healthy lifestyle, early marriages and marriages between relatives.

**Key words:** Educational system, healthy lifestyle, early marriage, family, students.

Jamiyatimiz taraqqiyotining ma'naviy va jismoniy sog'lom avlodni tarbiyalash masalasi har bir kishidan ma'naviy sog'lomlik va ma'rifiy yetuklikni talab qiladi. Sog'lom turmush tarzini shakllantirish mustaqillikning zarur shartlaridan biri deb hisoblanadi. Ma'naviyat bo'lmagan joyda baxt-saodat ham, iymon-e'tiqod ham, Vatan va erk tuyg'usi ham, adolat ham bo'lmaydi. Ma'naviyati rivojlangan millat o'z-o'zini qadrlaydi, o'tmishi bilan faxrlanadi, kelajakka umidvorlik bilan qaraydi<sup>1</sup>.

Yangi jamiyatning zamonaviy konsepsiysi inson shaxsini, ya'ni barkamol, yetuk, qo'yilgan maqsadga erkin va o'z kuchi bilan erisha oladigan yoshlarni shakllantirishga qaratilgandir. Bu bir tomonidan,

<sup>1</sup> D.Sharipova, S.T.Tursunov. Qizlarni oilaviy hayotga tayyorlashda reproduktiv salomatligini mustahkamlash va sog'lom turmush tarzini shakllantirish. T.: Fan va texnologiya- 2014. 32-b.

shaxsnинг har tomonlama rivojlanishini, ikkinchi tomondan, uning butun rivojlanishi jarayonida ruhiy, jismoniy, ma’naviy sog’lom o’sishini ta’minlashni o’z ichiga oladi.

Inson hayoti, sog’ligi eng katta ijtimoiy boylikdir. Bu oila, maktab va inson tarbiyasi, kamoloti bilan shug’ullanuvchi maskanlar oldiga sog’lom turmush tarzini shakllantirish masalasini qo’yadi. Millat sog’ligi ham, tabiiy ravishda, sog’lom turmush tarzi orqali hal etiladi. Hozirgi vaqtida el sog’ligini mustahkamlash muhim vazifalardan biriga aylanib bormoqda<sup>1</sup>. Sog’lom turmush tarzini shakllantirish va rivojlanishda ta’lim va tarbiya ishlarining ahamiyati kattadir. Insonning sog’ligini mustahkamlash va umrini uzaytirishda jamiyatimizning har bir a’zosining sog’lom turmush tarziga rioya qilishi muhim ahamiyatga ega. Sog’lom turmush tarzni tushunchasi kishi xulq-atvorining hamma tomonlarini o’z ichiga oladi. Har kimning mas’uliyatlari vazifasi hisoblangan o’z-o’zini bilish tushunchasi buning bir qismidir. Shuningdek, qizlarni oilaviy hayotga tayyorlash, reproduktiv salomatligini mustahkamlash va sog’lom turmush tarzini shakllantirishga bag’ishlangan bir qator o’quv fanlari, jumladan, odam sog’ligiga salbiy ta’sir etadigan omillar, gigienik va jinsiy tarbiya, zararli odatlar, yoshlarni bo’lg’usi oilaviy hayotga tayyorlash kabi masalalar atroficha yoritildi. Darhaqiqat, bugungi kunda mamlakatimizda qizlarni oilaviy hayotga tayyorlash, reproduktiv salomatligini mustahkamlashda sog’lom turmush tarzini targ’ib qilish, sohaga oid tibbiy va gigienik bilimlar berish, ularda sog’lom turmush tarzni organizm rivojiga qanday ta’sir etishi haqidagi tasavvurlar paydo qilish, o’zining va yon atrofdagilarning sog’ligini asrashni kundalik odatga aylantirish ko’nikmasini shakllantirish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Bu jarayonda oliy ta’lim tizimi yoshlarni sog’lom turmush tarzi ruhida tarbiyalash, ularda sog’lom turmush madaniyatini shakllantirishda jamiyatning eng mas’ul bo’g’ini hisoblanadi.

Mamlakatimizda mustaqil jamiyatni qurishdek oliy maqsadga erishishda tibbiyot sohasida ham xalqimizning sog’ligini saqlashga, ularga o’z vaqtida tibbiy yordam ko’rsatishga qaratilgan yangi vazifalar belgilab berilmoqda. Unda kundalik hayotimizda jismoniy tarbiya va sportni joriy etish tadbirlari, hozirgi zamon talablari, erta oila qurish, qarindosh urug’lar o’rtasida nikohlarning oldini olish chora – tadbirlari yo’iga qo’yilmoqda.

Erta oila qurish salbiy oqibatlarga olib keladi. Asosan qizlar 18 yoshda, o’g’il bolalar esa 19 yoshda oila qurishga haqlidirlar. Qarindosh-urug’lar o’rtasidagi nikoh ham jamiyatimizda sog’lom avlodni dunyoga keltirish muammosini tug’dirib kelmoqda.

Yoshlarning tibbiy madaniyat darajasini oshirish, sog’lom turmush tarziga, sog’lom oila qurishga intilishini shakllantirish maqsadida hozirgi vaqtida talabalar o’rtasida turli xil tadbirlar o’tkazilmoqda. “Oila va nikoh” maslahatxonalarida va genetik markazlarda maslahat olishlari kerak. Sog’lom farzandlar o’rtasidagi nikoh mustahkam bo’ladi bu esa sog’lom avlodni tarbiyalashning mustahkam poydevori hisoblanadi. Bugungi kunda respublikamizning barcha tibbiyot muassalarida tug’ish yoshdagi ayollarimizning salomatligini aniqlash ular o’rtasidagi turli xil ekstrogenital kasalliklarni ertaroq aniqlash va uning oldini olish, istalmagan homiladorlikdan saqlash bo’yicha katta amaliy ishlar olib borilmoqda, homiladorlikga moneligi kam bo’lgan tug’ish yoshdagi ayollarining homilador bo’lib qolishi ona organizmi uchun va bola salomatligi uchun jiddiy xavf tug’diradi<sup>2</sup>.

Shu va boshqa masalalarni hisobga oilb, oliy o’quv yurtlari va boshqa ta’lim muassasalarida targ’ibot ishlarini olib borishning yangi ilmiy usullarini taklif etmoqchimiz. Bunga ko’ra, balog’at yoshidagi qizlar bilan “Oila - muqaddas”, “Sog’lomlik sari”, “Buyuk kelajakni sog’lom insonlar barpo etadi” mavzularidagi ko’p bosqichli seminar- treninglarning yangi ko’rinishi ishlab chiqiladi. Bunda qatnashuvchilar qiziqlichlari va hayotiy faoliyatlari bo’yichas guruhlarga ajratiladi. Har bir guruh sharoitidan kelib chiqib, tegishli mutaxassislar, psixologlar taklif etiladi. Suhbat, anketa, savol-javoblarning hammasi mutlaqo ixtiyoriy tarzda o’tkaziladi.

Homiladorlik 18 yoshgacha yoki 30 yoshdan so’ng bo’lsa ona va bola uchun xavflidir. Deyarli har yili homilador bo’lish ona organizmini holdan toydiradi, homilani normal rivojlanishiga imkon bermaydi. Sog’lom nasl qoldirishning biologik ahamiyati jihatidan erkaklar avvalgi o’rinda turadi. Shu sabali erkaklarda

<sup>1</sup> D.Sharipova, S.T.Tursunov. Qizlarni oilaviy hayotga tayyorlashda reproduktiv salomatligini mustahkamlash va sog’lom turmush tarzini shakllantirish. T.: Fan va texnologiya- 2014. 63-b.

<sup>2</sup> Safarova D.D., G’ulomov N.G’. Valeologiya muammolari. Qarindoshlar orasidagi nikoh. T.: //Fan va sport, 2006, №2.

ko'p uchraydigan tamaki chekish, alkogol ichimliklaridan ichish, ayniqsa narkotik moddalarini iste'mol qilish bo'lajak naslga salbiy ta'sir ko'rsatadi, ya'ni tug'ma nuqsonlarga ega bo'lgan bola tug'ilishiga sabab bo'ladi. Tamaki va narkotik tarkibidagi zararli unsurlar ayol organizmida to'planadi va uzoq vaqt davomida homilaga zarar etkazishi mumkin. Ona qornida bolaning rivojlanishi 3 davrga bo'linadi:

1-davr: Urug'lar uchrashgandan keyingi ya'ni homiladorlikning dastlabki 2 haftasini o'z ichiga oladi. Bu davrda turli xil tashqi ta'sirlar: oilaviy notinchliklar, ona organizmidagi kasalliklar, jismoniy rivojlanmaganlik va turli xil zararli odatlar homila rivojlanishiga salbiy ta'sir ko'rsatadi.

2-davr: Homiladorlikning 2 haftaligidan 12-haftasigacha bo'lgan davr to'g'ri keladi va bu davrda bola anatomik jihatdan yetiladi va uning ichki a'zolari shakllanadi, ya'ni homila jajji odam shakliga kiradi.

3-davr: Homiladorlikning 12-haftasidan homila tug'ilgungacha bo'lgan davrni o'z ichiga oladi. Barcha tizimlari yetiladi va og'irligi oshib o'rtacha 3,2-3,8 kg ni tashkil qiladi. Homilador ayol homilani yaxshi rivojlanishi uchun homiladorlik gigienasiga e'tibor qilishi kerak. Bunda:

- Zarali odatlardan uzoq bo'lishi;
- Ovqatlanish tartibiga rioya qilish;
- Harakatlanish tartibini bilishi va jismoniy zo'riqmaslik;
- Ruhiy asab tizimini taranglanishdan asrashi va boshqalar<sup>1</sup>.

Ma'lumki, oila sog'lom bo'lishi uchun turmush qurayotgan yosh avlod sog'lom bo'lishi kerak. Chunki sog'lom avlodni yaratuvchilari sog'lom ota-onalar hisoblanadi. Agarda ota-onasi sog'lom bo'lsagina, ulardan dunyoga keladigan farzandlar ham sog'lom bo'lishi mumkin. Shu maqsadda hozirgi vaqtida yangi oila qurayotgan yoshlarni albatta tibbiy ko'rikdan o'tishsdi. Yoshlarga shu jarayonda yuqorida keltirilgan ma'lumotlarni o'rgatish, rejali mashg'ulotlar tashkil qilish maqsadga muvofiq.

Ota-onalar va bolalar sog'ligini shakllantirishda sog'liqni saqlash xodimlari bilan bir qatorda, ta'lim xodimlari ham katta hissa qo'shishlari zarur. Bolalarni to'g'ri ovqatlanishini, to'g'ri dam olishini ota-onalar bolalar ongiga tarbiya orqali singdirishlari lozim. Bu ham ma'naviy tarbiyaning bir qismidir.

Men shu o'rinda Abdulla Avloniying "Tarbiya biz uchun yo hayot – yo mamot, yo najot – yo halokat, yo saodat – yo falokat masalasidir", - degan fikrlarini keltirib o'tishni lozim deb topdim. Buyuk ma'rifatparvarning bu so'zlari asrimiz boshida millatimiz uchun qanchalar muhim va dolzarb bo'lsa, hozirgi kunda biz uchun ham shunchalik, balki undan ham ko'ra muhim va dolzarbdir. Bu so'zlarni oilaviy tarbiya jarayoniga ham tatbiq qilish vaqtini keldi.

Agar biz milliy qadriyatlarimizni to'g'ri targ'ib qilsak, farzandlarimizni shaxsiy va umumiyligi gigiena qoidalarga, to'g'ri ovqatlanish tartibi va kun tartibiga amal qilishlariga katta hissa qo'shgan bo'lar edik. Talaba-yoshlarni tafakkuriga, ularning ongiga, ma'naviyatiga sog'lom turmush tarzini olib kirishimiz, ularga salbiy ta'sir etuvchi har qanday yovuz g'oyalarga ta'lim-tarbiya jarayonida talaba-yoshlarni ularga qarshi qurollantirishimiz, mafkuraviy immunitetni kuchaytirishimiz shart. Talaba-yoshlarni yurtga sadoqat, milliy-ma'naviy tariximizga, qadriyatlarimizga sadoqat ruhida tarbiyalashimiz lozim. Ana shundagina talaba-yoshlarni o'zligini anglab, milliy g'urur va iftixon tuyg'ularini ongiga singdirib, millat ravnaqiga samarali hissa qo'sha oladigan fidoiy farzandlar bo'lib yetishadi<sup>2</sup>. Sog'lom turmush tarzi uchun kurashish hozirgi avlodning manfaatlari uchungina emas, balki kelgusi avlod uchun ham zarurdir.

#### KOMPYUTER GRAFIKASINING INFORMATSION JAMIYATDAGI O'RNI VA AHAMYATI VA UNI O'QITISH METODLARI

**Tojiboev J.Z. - Toshkent davlat pedagogika universiteti talabasi**

**Annotatsiya.** Mamlakatimizda yaqinda amalga oshirilayotgan iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanish barcha zamonaviy talablarga javob beradigan mahsulot va xizmatlarni xalqaro standartlarga muvofiq yaratishni talab qiladi. Kompyuter grafikalari esa yangi va rivojlanayotgan axborot texnologiyalari tarmoqlaridan

<sup>1</sup> Safarova D.D. Sport morfologiysi. Darslik. T.: "Sharq" – 2015, 52-b.

<sup>2</sup> Safarova D.D., G'ulomov N.G'. Valeologiya muammolari. Qarindoshlar orasidagi nikohlar. T.: //Fan sporta, 2006, №2.

biridir.Ushbu maqolada kompyuter grafikasining turlari, turkumlar va uning bugungi informatsiyon jamiyatdagi o'rni haqida, mazkur sohadagi mavjud grafik dasturiy paketlar to'g'risida so'z boradi.

**Kalit so'zlar:** Kompyuter grafikasi, mashina grafikasi, rastrli grafika, vektorli grafika, va fractal grafika.

## **РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ КОМПЬЮТЕРНОЙ ГРАФИКИ В ИНФОРМАЦИОННОМ ОБЩЕСТВЕ И МЕТОДЫ ИХ ОБУЧЕНИЯ**

**Тожибоев Ж.З. – студент Ташкентского педагогического университета**

**Аннотация.** В статье рассматриваются типы компьютерной графики, их семейства и роль, которую они играют в современном информационном обществе, в частности, области применения и существующие графические приложения. Недавнее экономическое и социальное развитие в нашей стране требует создания продуктов и услуг, которые отвечают всем современным требованиям в соответствии с мировыми стандартами. Компьютерная графика также является одним из новых и появляющихся секторов информационных технологий.

**Ключевые слова:** Компьютерная графика, автомобильная графика, растровая графика, векторная графика, фрактальная графика.

## **THE ROLE AND IMPORTANCE OF COMPUTER GRAPHICS IN INFORMATION SOCIETY AND WAYS AND MEANS OF MODERN INTERACTIVE METHODS OF TRAINING OF SCHOOL GRADUATES.**

**Tojiboev J.Z. - Tashkent State Pedagogical University, student**

**Annotation.** Recent economic and social development in our country requires the creation of products and services that meet all modern requirements in accordance with international standards. Computer graphics is one of the new and developing networks of information technologies. This article describes the types of computer graphics, categories and its role in the modern information society, the existing graphic software packages in this area.

**Key words:** Computer graphics, machine graphics, dotted graphics, vector graphics, fractal graphics.

The use of computer graphics is one of the new and rapidly developing trends of today 's information society .The study of the types and categories of the company' s graphics and its use is one of the most important tasks .Computer graphics are divided into three types: raster graphics, vector graphics and fractal graphics. They differ from each other on the monitor screen and printed on paper.

Raster graphics. In a raster graphic, the image points (on paper) are created using pixels (called dots on the screen). Naturally, the higher the number of points, the more intense they are, the more clearly the image, the shape, the graphic, and so on.<sup>1</sup> In this regard, the concept of screen resolution is included in which the number of vertical and horizontal points is significant and is allowed by the screen resolution. By default, such a display is 640×480, 800×600, 1024×768 or higher resolution pixels. The ability to control the image size depends. This parameter is measured by dpi (dots per inch). Given the use of 3 bytes of memory to display each color point, the average size of the image itself is about 4 million bytes in the memory.<sup>2</sup> Such information should be taken into account especially when creating web pages. Therefore, it is desirable to use computers with at least 512 MB of RAM and, accordingly, higher speeds to create better multimedia software, video clips. This means that a rugged graphics work with modern high-tech and efficient PCs.As part of a raster graphic, we can say that as a result of the magnification of the image, magnification of the image may deteriorate, and the image may even change unnoticed.

Also, the image quality depends on the number of dots and requires a large amount of memory.Random graphics are widely used in electronic (multimedia) and print media. When creating various illustrations in the publications, a typical digital photo or video camera (currently used by cameras

---

<sup>1</sup> T.Rixsiboyev Kompyuter grafikasi T.: NMK Sharq-instar 2012

<sup>2</sup> S.I.Rahmonqulova (IBM PC shasiy kompyuterlarda ishlash) T.:NMK Sharq-instar 1996

and video cameras), or images prepared by the artist, is used by the designer. This is why graphic editing tools are widely used in raster graphics. These programs usually provide a clearer look.

The line is viewed as an element of a vector graphic. A straight line or curve can be drawn as a line. In a raster graphic, such lines are created using dots (pixels), while the vector graphic uses more common point-point lines when creating images so that the images look more vividly. Also, the image quality depends on the number of dots and requires a large amount of memory. Random graphics are widely used in electronic (multimedia) and print media. When creating various illustrations in the publications, a typical digital photo or video camera, or used by the designer. This is why graphic editing tools are widely used in raster graphics. These programs usually provide a clearer look.

Examples of graphics-enabled applications include Adobe Illustrator 7.0, Macromedia Freehand 8.0, and Corel Draw 8.0. The latest graphic tour is called fractal graphics. The vector graphics have to be taken into account, but it is important to note that the vector graphics can only be seen by special software only. Additionally, the image quality should not be too high.

Fractal graphics are graphs that are different from vector graphics, so no objects are stored in the computer memory. Because images are equations or formulas and their systems. Therefore, only the equations are stored in memory. Different images are generated as a result of changing the equation parameters.

Fractal graphics are used to automatically create images based on mathematical calculations.<sup>1</sup> Therefore, the basis of the program was chosen as the basis for drawing, form and image. This graphic is commonly used to model, analyze and analyze various processes. When using a fractal chart, it is important not to overlook one important thing: the created images are based on a specific formula and often have repetitive or growth functions.

You can highlight the following categories of PC graphics:

- commercial;
- Demonstrations;
- engineering;
- scientific;
- publicity;
- animation.

Commercial graphics serve to reflect information in spreadsheets or database. This information can be displayed on the PC monitor screen graphics, graphics, diagrams and other images. At the same time, graphs are provided with commentary and commentary in specific locations. Commercial graphics are designed to quickly and easily depict the image as the merchant's main objective is to quickly debate the changes in information processing and make appropriate decisions. To enhance the imagination, these packages have the ability to display images in different graphics. This, in turn, enhances the ability to analyze all types of images on-screen. The most important aspect of these packages is that they allow you to analyze the graphics other than giving them different shapes. So different mathematical analysis of these packages methods, including statistical analysis, theory of probability, economic forecasting, allowing them to analyze the set of information. This process is especially effective when working with economic indicators.

Demonstration graphics - serves to prepare a machine image of documents such as text, scheme, sketch, and preparation for demonstration. The main task here is to produce high-quality and beautiful images. The advantage of this type of graphic is that it can quickly change the appearance and appearance of the image.

Engineering graphics - this kind of graphics is widely used in automation of drawing, design and construction works. Engineering graphics involves all stages of automation, such as analysis, synthesis, modeling, drawing, management and so on. Nowadays special software is used mainly in machine building and other manufacturing processes.

---

<sup>1</sup> Livingston B. Ешё о секретах Windows V 1995.

Scientific graphics - serves for scientific research and is used to study geographical, physical, biological and other processes. The main purpose of the scientific graphic is to visualize the information generated in the scientific research - in an apparent way. Particularly, this direction is widely used in the study of nuclear energy sources, cosmonautics, aircraft engineering, geography and oceanography - widely used in the study of fast-moving processes.<sup>1</sup> Also, scientific The results can be used to describe the results in the form of diagrams, maps, tables and various mathematical formulas. These conveniences show that this category is useful for almost all spheres.

Visual graphics are the evolution of demonstration and commercial graphics that make up the sum of both graphics capabilities. This graphic creates some graphics as a slideshow sequence, and then displays it in a series of consecutive displays on the screen. Each slide's screen image can be combined with audio and visual effects. There is also a possibility to edit ready graphics.

Especially recently, these demonstrations have the potential to increase efficiency by simply adding simple slides, including audio and video, to various formats.

In an animated graphic, the success of the color combination is combined with the success of modeling on three objects in the engineering graphics (for example, inserting an ad and an image on a TV commercial). Or it displays a variety of additional images and photographs and others.

Machine Graphics is a part of a computer graphic that serves to create and store object shapes, model models using this computer. Different graphic images can be created on the computer, but they are different, because modern computers have systems that can be explicitly depicted in the 1990s and expanded with special programs. Interactive graphics - this is the graph of the car.

Interactive graphics are one of the most important aspects of computer graphics, in which the user has the ability to control the image dynamically, the shape, resolution and color of the monitor on the monitor (keyboard or mouse).

In conclusion, it can be said that this division of information plays a major role in the process of globalization and the transformation of society into fast and high-profile information societies.

### **СУРАТ БИЛАН СИЙРАТ УЙГУНЛИГИ**

**Булатов С. – Тошкент давлат педагогика университети профессори, педагогика фанлари доктори**

**Аннотация.** Ушбу мақолада тасвирий санъатни ўқувчи ва талаба – ёшларимизга ўргатишдаги муаммолар, яъни тасвирий санъат асарларини китоб сингари ўқиб, асарнинг мантифини англаш ва ундан керакли хуросалар чиқариш ҳамда улардан таълим ва тарбия жараёнида фойдаланиш методикаси баён этилган. Мақола мазмуни таълим тизимида тасвирий санъат дарсларининг сифат ва самародорлигини оширишга ҳамда ёшларимиз маънавиятининг юксалишига қаратилган.

**Калит сўзлар:** тасвир, манзара, ғоя, хуржун, доира, технология, китобат санъати, донишманд, хаёл жараёни, шакл, чизик, мантиқ, рамзийлик тили, воқелик, ғижжак, бадиий таҳдил, рамз, тимсол, тасвирий санъат, графика.

### **ГАРМОНИЯ ДУШИ ЧЕЛОВЕКА С ЕГО ВНЕШНОСТЬЮ**

**Булатов С. –Профессор Ташкентского государственного педагогического университета, доктор педагогических наук**

**Аннотация.** В данной статье описаны проблемы, связанные с преподаванием изобразительного искусства, а именно: изучение произведений изобразительного искусства как

---

<sup>1</sup> Sh.I. Razzoqov ,Sh.S.Yo'ldoshev,U.M.Ibragimov Kompyuter grafikasi T.:Noshir 2013

книги, а также понимание логики произведения и делать из него необходимые выводы, а также методика использования их в жизни в образовательном и воспитательном процессе. Кроме того, статья посвящена повышению качества и эффективности уроков изобразительного искусства в системе образования и повышению духовности студентов.

**Ключевые слова:** образ, пейзаж, идея, декорирование, круг, технология, книжное искусство, мудрость, воображение, форма, линия, логика, символический язык, реальность, гиджак, художественный анализ, графика, символы, изобразительное искусство, графика.

### HARMONY OF THE HUMAN SOUL WITH HIS APPEARANCE

Bulatov S. – Tashkent State Pedagogical University, professor, doctor of pedagogics


**Annotation.** This article describes the problems associated with the teaching of fine arts to students, namely: the study of works of fine art as a book, as well as understanding the logic of the work and make the necessary conclusions from it, as well as the method of their use in life in the educational process. In addition, the article is devoted to improving the quality and effectiveness of fine art lessons in the education system and to improving the spirituality of our young people.

**Key words:** image, landscape, idea, decoration, circle, technology, book art, wisdom, imagination, form, line, logic, symbolic language, reality, gidzhak, artistic analysis, graphics, symbols, visual arts, graphics.

Ҳар бир тасвирий санъат асари бир катта мантиққа әга. Асарни ўқиши үчүн тасвирини ўқиши алифбосини билиш керак бўлади. Чет эл музейларида инсонларнинг асарлар қаршисида соатлаб турганини кўрасиз. Чунки улар асардаги воқеликларни китоб ўқигандай ўқий оладилар ва ўзларига тегишли хulosалар чиқариб, ўз ҳаётларида фойдаланадилар. Бизнинг ота боболаримиз тасвирий санъат асарларини ўқий олганларку! Нега ҳозирдаги ўқувчи – ёшларимиз тасвирий санъат асарларини китоб ўқигандай ўқий олмайдилар. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун бир кичкина график асар тасвирини китоб сингари ўқиб, ўзимизга тегишли хulosалар чиқариб оламиз.

Ушбу доира шаклидаги хошияли график тасвир 1931 йилда “Халқ таълими” журнал муқовасида берилган бўлиб, сўқмоқда кетаётган бир мўйсафида отахон йўлда бир зўм тепаликда тўхтаб, майса устида ўтириб, ғижжак чолғу асбобида хаёлга чўмган ҳолда берилиб куй чалаётгани тасвиrlанган. (1-расм).

График асарга назар солиб қарасангиз, мусаввир чизган расм мантиққа, ғоялар тизимиға ва рамзлар асосида ёзилган фалсафий ва тарбиявий ҳикоятга ўхшайди. Мусаввир ҳинд рассомларининг уч планли композиция усулида ишлаган бўлиб, ҳар бир план ўз мантиғига ва ечимиға әга. Ҳар бир пландаги воқеликлар бир- бири билан уйғун ишланган бўлиб, донишманднинг куйлаётган ҳаёт фалсафаси ноласида ўз аксини топган. Қуйидаги воқеликлар тасвир орқали бирма-бир ўз аксини топган. Бу тасвиirlар рамз, белги ва тимсоллар орқали чизилган (2-расм). Асадаги ҳар бир чизик, шакл ва ранглар орқали тасвирдаги воқеликни тасвир тили орқали ўқиб, керакли мантиқий хulosага келиш мумкин. Мусаввирнинг асари ўша пайтларда инсон тафаккурининг теранлигини, юксаклик даражасини, илмга ва динига бўлган эътиборини ва тафаккурининг юқори даражада бўлганлигидан далолат беради.




## 1-расм. Тасвирнинг қисмлари

№	Қисмлари	Мазмуни
1	<b>Инсон</b>	Йўловчи (муслим)
2	<b>Хуржун</b>	Инсоннинг умр сафари
3	<b>Салла</b>	Бу дунё ўткинчилиги, ҳар бир инсоннинг бошида ўлим борлиги муқаррарлiği
4	<b>Соқол</b>	Донолик, улуғлик
5	<b>Фижжак</b>	Ҳар бир инсоннинг ўз ҳаёт куйини чалиб ўтиш рамзи.
6	<b>Қиёфа</b>	Инсоннинг сурат ва сийрати
7	<b>Учта дараҳт</b>	Оила, ватан
8	<b>Дарё</b>	Умр, умрнинг қисқалиги, бир лақзалиги
9	<b>Оқ сарой</b>	Шахрисабз она шахри, она юрти, ватани
10	<b>Қишлоқ</b>	Түғилган қишлоғи, болалиги
11	<b>Тоғлар</b>	Инсоннинг умри давомидаги довонлар
12	<b>Доира</b>	Оlam чархпалаги
13	<b>Мехроб</b>	Иккинчи оламга ўтиш дарвозаси
14	<b>Ҳаёл жараёни</b>	Умр ҳисоботи


## 2-расм. Тасвирдаги ҳар бир қисмларнинг рамзий маънолари

График асарда донишманднинг ҳаёт йўлида бир зум тўхтаб, ўтган умри ва умри давомида қолдирган изларини ўйлаб, қўлига фижжак созини олиб ҳаёт фалсафаси ҳақида кўйлаётгани ва ҳаёл уммонига ғарқ бўлгани тасвирланган. Донишманднинг ҳаёл жараёнида кўйлаётган воқеликларнинг ҳаммаси тасвирда ўз ўрнида аксини топганлиги кўзга ташланади.

**Доира шаклида тасвирнинг ишланиши** — ҳаёт чархпалаги тимсолида берилган бўлиб, инсон умри ўткинчилигини англатади. Бутун дунё айланиб туришини, ҳаёт чархпалаги айланар экан, турфа тақдирлар, турли инсонлар ҳаётини учратиш мумкинлигини, тун билан кундуз, туғилиш ва ўлим алмасиб туришини, инсон умри ўткинчилигини билдиради. Умр бир лаҳза эканлигини Умар Ҳайём таъбири билан айтганда: “Инсон ҳаёти бамисоли карvonсаройга ўхшайди, унинг икки эшиги бўлиб, бир эшиқдан инсонлар кириб турсалар, иккинчи эшиқдан чиқиб турадилар” дейди.




3-расм.Донишманд



4-расм.Хаёл жараёни

**Асардаги ҳаёл жараёнининг психологик холати.** Ҳаёл – инсон томонидан идрок этилган тасаввур ва ҳаёлий ҳолатларнинг вужудга келишидан иборат психик фаолиятдир (4-расм). Ҳаёл инсон онгида вужудга келиб борлиқнинг қиёфасини ўзгартиришга йўналган бўлади. Ҳаёлнинг тасаввур ҳаёли, ижодий ҳаёл, ихтиёрий ҳаёл каби турлари мавжуд.



5-расм. Фижжак



6-расм. Хуржун

Ихтиёрий хаёл нима ўзи? “Ихтиёрий ҳаёл олдиндан белгиланған мақсадға йўналған бўлади, муйян образни яратиш учун зарур бўлган материални танлаш, ирода кучини ишлатиш йўли билан вужудга келади”.

**Донишманд** қиёфаси чуқур ҳаёлга чўмган, боши ерга қараган эгик психологик холатда Оллоҳга тасаннолар айтиб, ҳаёл оғушида берилиб куй чалаётган қиёфада акс этган, яъни инсон умри бир зумда ўтганлигини тушкунлик ҳолатида қалбдаги дард билан куйлаётгани акс эттирилган. Бу билан донишманднинг статик ҳолатдаги шакл-шамойилига қараб унинг ниҳоятда билимли, доно, маърифатли, илм- ҳикматларни эгаллаган, баъзи воқеа-ҳодисалар ҳақида олдиндан башорат қила оладиган, ўзлигини анлаган донишмандни кўриш мумкин. Асар турғун ҳолатда тасвирланған бўлсада, у кучли динамик кучга эга. Донишманд ёши кекса бўлса-да, кўзидан ўт чақнаб тургани ва ҳаёт сўқмоқларига тик кўз билан қараши ўз ифодасини топган. Унинг қошлари донишманднинг раҳмдил ҳокисорлигини ҳамда илми ўткирлигини билдиради. Донишманд бошидаги **салла** — унинг иймонли, инсофли, диёнатли бўлганини билдиради. Оқ салла эса руҳий покликни билдиради. Салла ўлим рамзи бўлиб, ҳар бир инсон вақти келиб ўлим шарбатини ичкувчилигини билдиради. Ушбу ўткинчи дунёда ҳар бир инсон фақат яхшилик қилишга шошилиш кераклигини уқтиради. **Оппоқ соқоли** эса улуғлик ва донишмандлигидан далолатдир. Донишманд қўлидаги **ғижжак** — бу фоний дунёда ҳар бир инсон Оллоҳ берган нота бўйича куйлаб, ўз куйини чалиб ўтишини ва ўз тақдир китобини келажак авлодга мерос сифатида қолдиришини, яъни ҳар бир инсон ўзидан келажак авлодга эзгулик амаллар хазинасини қолдиришини англатади (5-расм). Унинг елкасидаги осилган **хуржун** — ҳаётнинг абадий эмас, бу ўткинчи дунёда ҳар бир инсон мусофири, яъни меҳмон эканлигини билдиради (6-расм). Хуржун орқали донишманд инсонларга умр қисқалигини ва у бир лаҳзадек ўтиб кетишини билдиради. Расмда донишманднинг Шахрисабз тоғ бағрида жойлашган ва ёнида дарё қирғоғидаги қишлоқда туғилганлигини билдиради. Мусаввир усталик билан Шахрисабздаги Оқ сарой кўк гумбази ва бошқаларни кичкина элемент чизиқлар орқали акс эттирилган. Орқа пландаги тоғ бағрида қишлоқ борлиги уйлар ва дараҳтлар орқали акс эттирилган. Она юрти Шахрисабзнинг атрофи тоғ билан ўралганлиги, тоғ улуғлик тимсолини ҳам англатади, унинг авлодлари улуғ темурийлар авлоди эканлигини анлатади. Тоғларни кетма — кет берилиши даврларни билдиради. Қишлоғи ёнидаги дарё эса ҳаётни ва ҳаёт сув каби тез ўтиб кетганлигидан далолат беради. Биринчи планда **учта дараҳт** берилишининг сабаби шундаки, дараҳт авлод рамзини яъни илдиз авлодларимиз бўлса танаси эса биз, унинг мевалари эса фарзандларимиз. Ҳар бир дараҳтнинг ширин мева беришининг ўзига боғлиқлигини билдирса, учта дараҳт оилани билдиради. Бу билан рассом бу дунёда ҳар бир жонзор жуфти билан яратилганлиги ва оила қуриб ўзидан насл қолдиришини билдиради.

Дараҳтнинг сояси эса инсоннинг ёмон томонлари бўлиши табиий эканлигини билдиради. Тасвирдаги баланд - пастликлар инсонлар ҳаёти нотекис эканлигига ишорадир. Тасвирдаги **оқаётган сув** — инсоннинг умри бир лаҳзалигини билдиради, яъни умр инсониятга берилган энг бебаҳо неъматдир, шу боис ўтаётган вақтни беҳуда ўтказмасдан, ундан унумли фойдаланиб, вақтни ғанимат билишдан далолатдир. Инсонлар синов дунёсида яшаётганлигини ҳис қилиб яшashi

кераклигини англаади. **Тоғлар эса** — оламнинг юксак, мукаммал яратилганлигини ва ҳаётнинг паст-баландликлардан иборатлигини билдиради.

Доира эса олам, коинот, дунё образи рамзидир. Доира қадимий форсийзабон халқларда “до” – Ой, “Ра” эса қуёш, яъни ой ва қуёш деган маъноларни англаади. Доира қадимги олтой ва ҳозирги корейс тилларида “Тунгра”, яъни “Тун”кеча (ой), “Ра” эса кундуз (қуёш)маъноларини ифодалайди. Шунинг учун мусаввир доира ҳошиясида тун билан кечани яъни қуёш билан ойни алмашиб туришида ҳикмат аломатлари борлигини билдиради.

Мусаввир бу билан инсонларни бу ўткинчи синов дунёсида ҳар бир кунни ғанимат билгин, демоқчи.

Хулоса қилиб айтганда, бу ўткинчи дунёда ҳар бир инсон меҳмон экан, бир дақиқа тўхтаб ҳаётида қолдирган изларига қараб нима эзгулик қилдим, нимаси тўғри-ю, нимаси нотўғри, энди нима қилишим керак? Деган- саволларга жавоб бериш орқали ўз-ўзига ҳисобот бериш, тегишли хулосалар чиқариш ва ҳаёт сафарини давом эттириш кераклиги уқтирилади. Яъни ҳар бир инсон кеча, бугун ва эртага шиорида яшами керак. Бу билан мусаввир ёшларимизни ҳаётда тўғри йўлда адашмасдан юриш кераклигини, ҳар – бир дақиқани ғанимат билиб, фақат эзгулик йўлидан юриш кераклиги хақида донишманд куйи орқали инсон қалбларига етказади. Инсон тасвирдаги воқеликлардаги ғояни қалбдан ҳис қила олса, беихтиёр кўз ёшлари сатрларга тушганини билмай қолади<sup>1</sup>.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Сулаймонов А. Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари. - Тошкент, “BAYOZ”, 2017-136 б.
- 2.Сулаймонов А. Абдуллаев Н. Тасвирий санъат. - Тошкент, “Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2002,-57 б.
- 4.Халқ таълими журнали.” Қозон”, 1931 йил, 1-бет
- 5.Раҳимова.М.Психология курсида кўрсатмалилик. –Т.: Ўқитувчи, 1981, 72-б.
- 6.Иванов.П.И. Умумий психология. Т.: Ўқитувчи, 1967. 223-б.
7. Сирожиддинов М. Мирзо Улуғбек дунёси. Шарқ наш, Т., 2015, 36-бет.
- 8.Булатов С., Саипова М., Халилова Ф. Миллий тимсоллар ва рамзлар Энциклопедия. Тошкент, “Таълим нашриёти”, 2018 йил, 57-бет.
9. Азизов С. Марказий Осиёда астрономия ва Улуғбек мактаби. “Ўзбекистон”нашриёти. Т., 2009, 29-бет.
10. Педагогика. Энциклопедия. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат нашриёти. –Т.: 2015, 1-том, 8-бет.

#### **ЎСМИР ШАХСИ ШАКЛЛАНИШИДА СПОРТ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТНИНГ ИЖТИМОИЙ – ПСИХОЛОГИК АҲАМИЯТИ**

**Арзикулов Д.Н. - Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ўқитувчisi,  
психол.ф.н., доцент**

**Жаниев Ш.Э. – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия Ҳарбий-техника институти доценти**

**Аннотация.** Ушбу мақолада спорт ва педагогик фаолиятнинг психологик хусусиятлари педагогнинг ижодий қобилиятларига боғлиқлиги, кўзланган мақсадга эришиш учун спортчиларни мустақил танлаш ва тайёрлашнинг янги, ностандарт үсуllibарини яратиш имкониятлари тўғрисида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** жисмоний маданият, спорт-педагогик фаолият, мураббий-ўқитувчи, спорт ютуқлари, спорт натижалари.

**СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ СПОРТИВНОЙ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ФОРМИРОВАНИИ ЛИЧНОСТИ ПОДРОСТКА**

**Арзикулов Д.Н. - преподаватель Узбекского государственного университета физической культуры и спорта, к.п.н, доцент**

**Жаниев Ш.Э. – доцент Военно-Технический Институт Национальной Гвардии Республики Узбекистан**

**Аннотация.** Психологические особенности спортивной и педагогической деятельности заключается в том, что эффективный преподаватель имеет творческий характер, который проявляется в возможности самостоятельного выбора и создания новых, нестандартных способов подготовки спортсменов для достижения желаемой цели. В статье представлены суждения по этим вопросам.

**Ключевые слова:** физическая культура, спортивно-педагогическая деятельность, тренер-педагог, спортивные достижения, спортивные результаты.

**SOCIO-PSYCHOLOGICAL SIGNIFICANCE OF SPORTS PEDAGOGICAL ACTIVITY IN THE FORMATION  
OF THE PERSONALITY OF A TEENAGER**

**Arzikulov D. N. - Teacher of the Uzbek state University of physical culture and sports, PhD,  
associate Professor**

**Janiyev Sh.E. –Military Technical Institute of the National Guard of the Republic of Uzbekistan associate  
professor**

**Annotation.** The psychological peculiarity of sports and pedagogical activity lies in the fact that an effective teacher has a creative character, which is manifested in the possibility of independent choice and creation of new, non-standard ways of training athletes to achieve the desired goal. The article presents judgments on these issues.

**Key words:** physical culture, sports and pedagogical activity, trainer-teacher, sports achievements, sports results.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни камол топтиришда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, миллий ўйинларни қайта тиклаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, замонавий спорт турлари бўйича иқтидорли спортчиларни тайёрлаш ва уларнинг маҳоратларини оширишда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирда ўсиб келаётган ёш авлодни спортга жалб қилиш, ривожланган соҳалар сингари спортни ҳам юқори даражага кўтариш долзарб масалалардан бири десак муболаға бўлмайди.

Ўсмир шахсининг шаклланишида спортнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилганда ўсмир болаларни спортга йўналтириш ва уларнинг мослашувини таъминлашда икки хил омилини кўриб чиқиши мумкин.

Булар психологик ва физиологик омиллар бўлиб, ҳар иккаласи меъёрий ва ижобий жиҳатдан бир хилда кечмаса, ўсмирнинг спорт турига мослашув жараёни меъёрий ҳолатдан четга чиқиши мумкин. Ўсмир спорт билан шуғулланиши учун энг аввало физиологик жиҳатдан маълум спорт турига яроқли бўлиши керак, акс ҳолда, бу спорт тури унинг соғлигига салбий таъсир қилиши ва ҳар хил касалликларга сабаб бўлиши мумкин<sup>1</sup>. Шунинг учун спорт билан шуғулланувчи шахс танлаган спорт турига қараб, унинг физиологияси ҳар томонлама соғлом бўлиши талаб этилади.

Шахснинг қайси спорт турига мослигини аниқлаштиришда спорт турининг унинг хулқ – авторига ижобий ва салбий таъсир этиш механизmlарини ҳисобга олиш муҳим.

---

<sup>1</sup> Гаппаров З.Г. Спорт психологияси. Т.: " Мехридарё" – 2011, 115-6.

Ўсмир болаларнинг спортга мослашуви жисмоний машғулотларга чидамлилиги ва уларни сабот ва матонат билан енгишга бўлган психологияк куч ўсмирнинг танлаган спорт турига мослашув жараёнини ижобийлаштиради. Жисмоний машғулот ўсмирга таъсир этувчи табиий омиллардир. Табиат юзага келтирган ернинг тортиш куки одамзодга ҳамма вақт таъсир кўрсатган. Ўсмир ёшидаги болаларнинг спорт фаолиятидаги мослашуви ўзининг кўп босқичлилиги билан кишининг соҳа фаолиятига мослашувидан бироз фарқ қиласди. Чунки, спорт фаолиятида тобора мураккаблашиб борадиган машқлар шароитга мослашади<sup>1</sup>. Бундай мослашув ўсмир организми олдига алоҳида талаблар кўяди. Маълумки, жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш ҳаракат аппаратининг функционал имкониятларини аста-секин ошириб боради. Куч билан бажариладиган ишлар учун адаптация жараёнида мускул толаларининг вазни ортади, яъни гипертрофияланади<sup>2</sup>.

Келтирилган турли омиллар ҳаммаси бир хилдаги носпецифик ҳимоя вазифасини юзага келтиради, яъни мослашувнинг носпецифик механизми ишга туширилади. Бу механизм гомеостатик бошқарилиш, организмнинг ҳимоя кучларининг сафарбар этилиши ва айни вазиятда ҳаёт фаолиятини таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлмаган функциялар тўхташини таъминлайди.

Спорт машқларини ниҳоятда юқори усталик билан бажаришга эришиш учун жисмоний машқларнинг турларини, уларнинг физиологик ва психологияк хусусиятларини билиш зарур бўлади, бу ҳол жисмоний машқлар таснифи билан чуқур танишиш заруриятини келтириб чиқаради. Жисмоний машқларнинг таснифи билан бир қанча олимлар шуғулланиб кўрганлигига қарамасдан, ҳанузгача ҳар жиҳатдан тўла тушунча берадиган тасниф юзага келмаган. Спортнинг ҳар хил турларидаги жисмоний машқларнинг таснифи уларнинг бажарилишида юзага келадиган қатор структураларини ҳисобга олиш билан боғлиқ бўлиб, машқнинг бажарилишида содир бўладиган физиологик жараёнлар ҳар доим ҳам муайян кўрсаткичларга эга бўлмайди. Шу сабабли жисмоний машқларни тасниф қилишда ҳар қайси муаллиф ўзича асосий деб ҳисоблаган омилларни (албатта, ўз тадқиқотининг мақсад ва вазифасидан келиб чиқсан ҳолда) кўрсаткич сифатида олади ва шу кўрсаткич бўйича уларни ҳар хил гуруҳларга ажратади. Бироқ, уларнинг ҳеч қайсиси юқорида кўрсатилганидек, жисмоний машқларни тўлиқ характеристлайдиган таснифни юзага келтира олмаган.

Ўсмир ёшидаги болаларнинг психик олами бетўхтов ҳаракатлар мажмуасидан иборат бўлиб, бири иккинчисини такрорламайди ва улар узлуксиз занжир тизимига ўхшаш тарзда ҳукм суради. Шу боис, ўсмир психикасида ташқи атроф-муҳит тўғрисидаги таассуротлар, ўтмиш хотиралари, келажак юзасидан ижобий хаёллар, эзгу ниятлар, хоҳиш-истаклар, мақсад ва тилаклар, мулоҳаза, фикр ва муаммо, ҳиссий кечинмалар, иродавий сифатлар узлуксиз тарзда ўзаро ўрин алманиб туриши эвазига онтогенетик дунёга мустаҳкам негиз ҳозирланади. Маълумки, психик оламнинг кечиши, унинг суръати, мазмуни, шакли қўлами, хусусияти, хислати, сифати, механизми ҳар бир шахсда турли тарзда намоён бўлиши кузатилади. Шунинг учун бўлса керак, инсонлар табиат ҳодисаларига, омилларига, таъсир кучларига тез ёки секин, енгил ёки мушкулрок жавоб қайтаришга мойиллик кўрсатадилар.

Ўсмир ёшидаги болаларга оид бўлган бу психологияк хусусиятлар конкрет шароитда намоён бўлади. Конкрет шароит ҳар бир жамиятнинг тараққиётiga қараб характеристланади.

Спорт фаолияти одам ёшининг маълум даврида катта аҳамиятга эга. Анатомия, физиология ва психология фанларидан маълумки, шахснинг ўсмирлик ва ёшлик даври жисмоний қобилиятни намоён қилиш учун айни пайти ҳисобланади. Шу билан бирга у ёки бу даврда шахснинг психологик хусусиятларини тарбиялаш учун ҳам кенг имконият туғилади. Чунки, психологик хусусият ва сифатлар жисмоний ривожланиш билан боғлиқ ҳолда кечади.

Бу даврда ёшларни спортнинг у ёки бу тури билан шуғуллантиришнинг моҳияти шундаки, агар ўсмир ёши спорт билан шуғулланиш даврини яхши ўтказса, унда юксак жисмоний қобилият, ирода ва характер тарбияланади, шунингдек, мантиқий дунёқараш яхши шаклланади. Аксинча, ўсмир, ўсишнинг бу муҳим даврида жисмоний ҳаракатли ўйинларидан маҳрум бўлар экан ёки спорт билан

<sup>1</sup> Умаров М.Н. Гимнастика. Т.: "Турон-иқбол"-2015. 62-б.

<sup>2</sup> Родионов А.В. Практика психологии спорта. Ташкент.: "Lider Press" – 2008. 84-б.

шүғулланмас экан, ҳаёт жараёнида у ҳар томонлама етук шахс даражасига кўтарилиши қийин кечади. Демак, ўсиш жараёни муйян даврида жисмоний тарбия ва спорт фаолияти билан шүғулланиш ўсмирда келгуси ҳаёт учун энг муҳим бўлган жисмоний тўлиқ; чаққонлик, эпчилик, ботирлик, жисмоний гўзаллик, нафислик ва бошқа муҳим сифатларни тарбиялади. Ўсмир спортнинг у ёки бу тури билан шүғулланар экан, у доимо юқори натижаларга эришишни мақсад қилиб қўяди. Бу эса ўсмир ёшидаги спортчидан:

- узоқ вақт давомида машқ қилиш натижасида умумий жисмоний тараққиётни, организмнинг физиологик функцияларни юксак даражада ривожланганлигини талаб қиласди. Спорт фаолияти доимий равишда ҳар бир ҳаракатга ижобий қарашни талаб қиласди. Бу ҳол гимнастика, бадиий гимнастикада, бокс, футбол, кураш, сакровчи ва бошқаларда яққол кўринади;

- тафаккур юритиш операциясининг юксак ўсишини талаб қиласди. Чунки, спортда дарҳол ечилишни талаб қиласдиган усул (приём)га, тактикага оид масалалар тез-тез учраб туради. Бу зарурият спортда тафаккур қилиш қобилиятини ўстиради. Бундан ташқари спортда эмоция, идрок ва бошқа психик жараёнлар ҳам камол топади;

- жисмоний тарбия ва спорт билан шүғулланиш ўсмир болаларнинг индивидуал хусусиятларини, темпераменти ва характерини тарбиялашда ҳам аҳамиятга эга. Илмий текширишлар шуни қўрсатадики, кўп йиллик тажрибага эга бўлган тренер ва спортчилар текширилганда улар орасида бўш асаб тизимиға эга бўлганлари кам учрайди.

- Жисмоний тарбия ва спорт мақсадга интилиш, интизомлилик, ўз кучига ишонч, ташаббускорлик, мустақиллик, мардлик, қатъиятлилик, дадиллик, ўзини тута билиш, чидамлилик каби иродавий сифатларни шакллантиришга таъсир қўрсатади. Ўсмирда бундай ижобий сифатлар режали ва тизимли тренировканинг, тренер меҳнатининг натижасида ҳосил бўлади<sup>1</sup>.

Юқоридагилардан кўриниб турибдик, ҳар бир ўсмир ёшидаги спортчиларнинг шахсини баркамол бўлиб шаклланишида унинг индивидуал-типологик хусусияти катта аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ўсмир шахсининг шаклланиш жараёнида танланган спорт тури билан шүғулланадиган ўсмирга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ.

Ўсмир ёшидаги спортчиларнинг жисмоний тарбия ва спорт фаолиятига ижобий мослашувида ўсмирнинг оиласиий шароити, маҳалла, атрофидаги ўртоқларининг асосий фаолияти, оиласдаги тарбия, у машғулотларга қатнаётган спорт залининг узоқ – яқинлиги, спорт залининг мавқеи, мураббийнинг ўзига хослиги ва қай даражада психологик, физиологик билимларга эга эканлиги, ўзи танлаган спорт соҳасини чин дилдан севиши керак бўлади.

Ўсмир ёшидаги болаларнинг жисмоний тарбия ва спорт фаолияти орқали баркамол шаклланишида ўсмирга ижтимоий омиллар таъсири ва индивидуал психологик хусусиятлари, таълим – тарбиянинг узвийлиги ва уни ўраб турган атроф-муҳит жуда катта аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қўйидагиларни муҳим деб ҳисоблаш мумкин:

- жисмоний тарбия ва спорт ўсмир ёшидаги болаларнинг психик жараёнлари сезги, идрок, тасаввур, хотира, диққат, хаёл, тафаккур, нутқ ва шахсни баркамол ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга;

- ўсмир ёшидаги болаларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шүғулланиши уларнинг хулқ – атвори, ахлоқи ва онгидга эзгулик, поклик, масъулият ҳисининг мустаҳкам қарор топишига, ҳис – туйғу, эътиқоди, ҳамда иродавий – ғоявий сифатларнинг юксак даражада ўсишида асосий манба ролини ўйнайди;

- ўсмир ёшидаги болаларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шүғулланиши уларнинг индивидуал психологик хусусиятларини характер, темперемент, қобилият, билим кўникма ва малакаларини барқарор ижобий шаклланишида асосий олмиллардан ҳисобланади.

<sup>1</sup> Марищук В., Блудов Ю., Плахтиенко В., Серова Л. Методики психоdiagностики в спорте. М.: “Физкультура и спорт”-1990.

## ШАРТНОМАДАГИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Равшанов Л.У. - Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти ўқитувчиси

**Аннотация.** Мазкур мақола шартномадаги ҳарбий хизматчи ва унинг ижтимоий-психологик хусусиятлари мавзусига бағишиланган. Мақолада шартномавий ҳарбий фаолият, шартномадаги ҳарбий хизматчи шахси, шартномавий хизмат талаби, ушбу ҳарбий хизмат турини танлаш ёки танламасликнинг барча ижтимоий-психологик сабалари ҳам кенг ёритилган. Келтирилган мулоҳазалар, таҳлиллар адабиётлар руйхатида келтирилган манбалар асосида амалга оширилган.

**Калит сўзлар:** ҳарбий фаолият, шартномадаги хизмат, номзод, армия, касб, давогарлик мотиви, психологик танлов, психологик тайёргарлик, ёшлар, ҳарбий комиссия, ҳарбий обрӯ, қаҳрамон, мудофаа, бошлиқ, қўмондон, ҳарбий имиж.

### SUPPLIERS OF MILITARY SERVICE AND SOCIAL PSYCHOLOGICAL PROPERTIES

Ravshanov L.U. - Teacher of the Higher Military Aviation School

**Annotation.** This article deals with a contract on military service and its social and psychological characteristics. The article covers a wide range of contractual military activities, contract servicemen, conditional military service, as well as all the socio-psychological aspects of the choice or refusal of military service. These analyzes and analyzes are based on sources listed in the literature.

**Key words:** military activity, contract service, candidate, army, profession, cognitive motive, psychological choice, psychological preparation, youth, military command, military reputation, hero, defense, captain, commander, military image.

## ПОСТАВЩИКИ ВОЕННОЙ СЛУЖБЫ И СОЦИАЛЬНЫЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА

Равшанов Л.У. - преподаватель Высшего военного авиационного училища

**Аннотация.** В данной статье рассматривается контракт о прохождении военной службы и его социально-психологические особенности. Статья охватывает широкий спектр контрактной военной деятельности, контрактников, условную военную службу, а также все социально-психологические аспекты выбора или отказа от военной службы. Эти анализы и анализы основаны на источниках, перечисленных в литературе.

**Ключевые слова:** военная деятельность, контрактная служба, кандидат, армия, профессия, когнитивный мотив, психологический выбор, психологическая подготовка, молодежь, военное командование, военная репутация, герой, защита, капитан, командир, военный имидж.

Ҳозирги кунда мудофаа тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва унинг модернизацион моделини янада такомиллаштиришнинг ягона усули бу шартномавий ҳарбий хизмат саналиб, унинг куч-құдрати ва обрўси энг сара ҳарбий хизматчилар фаолияти билан белгиланиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Шартномавий ҳарбий хизмат ўз мазмунода бўлажак шартномавий ҳарбий хизматчи шахсининг қатор ижтимоий-психологик хусусиятларини тавсифлаб, уни тадқиқ этиш нафақат қуролли кучлар тизимидағи самарадор фаолият истиқболларини, балки ҳарбий хизматчи имижининг кўплаб ижтимоий-психологик компонентларини ўрганишни ҳам назарда тутади. Шу жиҳатдан қаралганда, ҳозирги психологик тадқиқотлар тизимида шартномавий ҳарбий хизмат ва унинг ижтимоий-психологик масалаларини тадқиқ этиш ўта аҳамиятли ва долзарб саналади.

Тадқиқотлар таҳлилидан маълум бўлишича, шартномавий ҳарбий хизматни танловчилар асосан аҳолининг кам даромадли қатламлари, кам таълимга эга шахслар, шунингдек нотўлиқ оила вакиллари ҳисобланади.

Шунга қарамасдан, ҳозирги кунда ёшларни шартнома асосида ҳарбий хизматга жалб қилишда айрим қийинчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда. Бунинг учун ҳарбий хизмат обрўсини оширишнинг янгидан янги чора- тадбирлари зарур бўлмоқда. Яъни ҳарбий комиссиялар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, бўлажак номзодларни танлашда ҳарбий психолог ваколатини янада ошириш каби ишлар ва ҳоказо.

Шартномавий ҳарбий хизматга ихтиёрий равишда номзодларни танлаш жараёни натижалари шуни кўрсатадики, жамиятнинг энг кам ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатлами вакиллари мазкур хизмат турини кўпроқ исташмоқда. Тўлиқ оиласарда тарбияланаётган ёшлар эса, ўз ҳаётларини ушбу хизмат тури билан камроқ боғлашга ҳаракат қилишлари ёки умуман исташмасликлари маълум бўлмоқда<sup>1</sup>.

Статистик таҳлилларга кўра, шартнома асосида хизмат қилишни истаган ва турмуш қурган фуқаролар орасида битта ёки иккита фарзандли номзодлар кўпроқ учрайди, кўп болали номзодлар эса, ушбу хизмат турида камроқ учрайди.

Бизнингча, қуролли кучлар салоҳияти учун мұхим омиллар – хизмат ходимларининг юксак интеллектуал салоҳияти ва қобилияtlари, уларнинг таълим даражаси, ахлоқий ва психологик фазилатлари кабилар саналади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, мутахассислиги бўлган фуқаролар учун шартномавий ҳарбий хизмат психологик жиҳатдан камроқ жозибадордир. Шунинг учун шартнома бўйича ҳарбий хизматга муҳтоҷ бўлган номзодларни ўқитиш даражаси ҳанузгача баҳсли масала бўлиб келмоқда.

Тадқиқотчи В.А.Прохвоцев изланишларида шу нарса аниқланганки, шартномавий ҳарбий хизматга муҳтоҷ бўлган номзодлар моддий бойлик, таълим олиш каби истакларини кўпроқ ифодалаганлар. Яъни улар ўз ишларида ва қасбий топшириқларни бажаришда профессионал бўлишга, барча қобилияtlарини рўёбга чиқаришга, кучларини синаб кўришга ва оиласи ҳаётни топишга бўлган интилишлари намоён қилганлар. Шартномага кўра, хизмат қилишни истамаган номзодлар учун эса, аввало уларнинг соғлигига бўлган ғамхўрлиги ва ота-онанинг қаршилиги каби омиллар қайд этилади.<sup>2</sup>

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, ҳаётда камроқ ва кам даромадга эга бўлган кишилар мазкур хизмат турига ўтишга қўпроқ мойилдирлар. Шу жиҳатдан бўлса керак, ушбу хизмат турига бўлган эҳтиёжни янада ошириш ва уни рағбатлантиришнинг ягона омили бу ойлик даромад яъни юқори маош беришdir. Бу ҳолатни айрим ривожланган давлатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Биргина Россия давлатида шартномадаги ҳарбий хизматчи маоши ўрта ҳисобда оддий тўрт фуқаронинг маошига teng саналади. Мамлакатимизда ҳам олиб борилаётган янги мудофаа ислоҳотлари бундан мустасно эмас.

Муҳтарам юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Миромоновичнинг бу борадаги жонкуяр ишлари бунинг амалий ифодасидир. Яъни ҳарбий хизматчilarни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, маошини янада ошириш, ҳарбий оиласарга эътибор, ҳарбийлар оила фарзандлари таълимiga берилган имтиёзлар, ватан учун ўз жонини фидо этган қаҳрамонларга эътибор, аждодлар хотираси ва унинг абадийлиги борасидаги туб ислоҳотлар юқоридаги фикрларимизнинг яқъол тасдиғи саналади.

Фуқароларнинг хизматга тайёрлигининг ижтимоий-психологик жиҳатлари улар томонидан ҳарбий хизматни бажариш истагига катта таъсир кўрсатади. Хусусан, юқори синф ўқувчиларининг самарасиз ўқишга тайёргарлиги ҳозирги пайтда ҳарбий хизматга пухта тайёргарлик кўришга имкон бермайди.

Баъзи тадқиқотларда аниқланишича, соғлик, жисмоний тайёргарлик ва психологик тайёргарлик учун текширилувчиларнинг фақат учдан бир қисми ҳарбий хизматга тайёргарлигини намоён қилган [3,84]. Кейинчалик, ушбу ҳолатни кўпгина тадқиқотчilar танқидий нуқтаи назардан баҳолаб, унинг сабабини ўрта мактаб таълимидаги муаммо билан боғлиқ мавзуларнинг ўргатилишининг тўхтатилганлиги билан боғлайдилар. Демак, ўрта мактаб таълимида ҳам

<sup>1</sup> Военная психология. Под.ред А.Г. Маклакова - СПБ – Питер – 2005 г. 93-б.

<sup>2</sup> Петров В.П, Рослунов АТ. Военно-профессиональная ориентация молодежи. - ДОСААФ -220 с. 137-б.

чақириққача таълим дарсларида шартномавий ҳарбий хизмат ва унинг истиқболлари, ундаги имтиёзлар, ёшлар ва бугунги армия имижи, ҳозирги ёшлар онгидаги миллий армия образи каби ижтимоий-психологик масалаларнинг ўқитилиши каби ишлар ўта аҳамиятлидир.

Қолаверса, ҳозирда шартнома бўйича ҳарбий хизмат қилаётган айрим ҳарбийларнинг сифат кўрсаткичлари ҳали ҳам кўп нарсаларни ўзгартиришни талаб қилмоқда. Яъни, мамлакатимизда шартномавий ҳарбий хизмат обрўсини ошириш учун ўта жиддий психологик чора-тадбирлар ва саъй-ҳаракатларни амалга ошириш лозим. Ана шундагина юртимиз мард ўғлонларининг энг сара ва энг яхши кўпчилик қисми армиямиз таркибига келиб хизмат қилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ҳар хил турдаги ҳарбий ҳаракатлар учун инсоннинг бир хил қобилияти талаб этилмайди, шунинг учун ҳарбийнинг хизматта психологик тайёргарлиги турли даражада намоён бўлади. Шунинг учун янги шартномадаги ҳарбий хизматчилар учун шарт саналган айрим ижтимоий-психологик қонуниятларни келтириб ўтиш жоиз- улар:<sup>1</sup>

1.Юқори ахлоқий характерга эга бўлиш, хизмат мотивациясининг устунлиги, қизиқиш ва эҳтиёжларнинг касб доирасида кенг кўламлилигини ошириш;

2.Ҳарбий касб фаолияти учун зарур бўлган билим, кўнишка, қобилияти ва ижобий одатларни шакллантириш;

3.Ҳарбий меҳнат шароитида зарур бўлган профессионал сифатлар ҳамда ақлий жараёнларни шакллантириш ва фаоллаштириш;

4.Ҳар қандай шароитда ҳарбийларда эмоционал-турғун барқарорликни шакллантириш;

5.Сабр-бардошлилик, тартиб-интизомлилик, дадиллик, маҳсус қобилиятларни юқор даражада шакллантириш;

6.Қўмондон ва устозларга шубҳасиз итоат қилишни шакллантириш.

Ҳарбий хизматчиларда юқори жисмоний тайёргарлик ишларининг тизимли олиб борилишининг мақсади уларда жисмоний чидамлилик, юксак маҳорат, жўшқинлик, жисмоний машқ қилиш қобилиятини янада такомиллаштиришдан иборат. Жисмоний машқлар давомида жамоавий спорт мусобақаларида аскарларда эпчиллик, диққатнинг тақсимланиши ва кўчиши, тактик тафаккур ва юксак олий ҳислар, касбий муҳим хусусиятлар, ҳиссиётларнинг шаклланиши ва алмашинуви каби психологик жараёнлар амалга ошади. Мунтазам машқ қилиш ҳарбийда ҳиссий ва иродавий барқарорликни доим таъминлашга ёрдам беради.

Аммо бўлажак аскарнинг жисмоний тайёргарлиги қанчалик муҳим бўлмасин, бугунги кунда кўпгина ҳарбий мутахассислар учун жисмоний тайёргарлик асосий салоҳиятни белгиламайди.

Бизнингча, кўпгина психологик хусусиятлар маълум даражада, асаб тизимининг хусусиятларига, яъни экстроверсия ва интроверсия типидаги миянинг функционал хусусиятларига боғлиқ.

Жамиятда қурол-аслаҳаларни йўқ қилиш кучининг ортиши муносабати билан ҳарбий техника воситаларининг мураккаблиги янада ошиб боради, бу эса ўз-ўзидан инсон руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолат ҳозирда ҳарбий хизматга номзодларни юқори даражада эмоционал барқарорликлик сифати билан танлаш учун сабаб бўлмоқда.

Рус психологи А.Ц.Пани таъкидлаганидек, ҳар бир шахснинг ўз хусусиятларини намоён қилишида интеллектуал соҳа мавжуд бўлиб, унда ирода ақлнинг фаол томони саналади. Чунки ахлоқий туйғулар инсоннинг ҳаётий тажрибаси, касбий йўналишининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Шу билан бирга, ҳарбий хизматчининг ахлоқий сифатларига жасоратлилик, мустақиллик, қатъиятлилик, мақсадга мувофиқлик, интизомлилик кабилар киритилади [5, 104].

Шартномадаги ҳарбий хизматчи психологик тайёргарлигининг асосий мазмуни бу психологик барқарорлиқдир, чунки ушбу бақарорлик ҳаётда ва хизматда хавф-хатар пайдо бўлганда, турли стресс вазиятларида ишончли ҳаракат қилишнинг гарови саналади. Бундай мулоҳазалардан шу нарса хуласа қилинадики, шартномавий ҳарбий хизматда танлов масаласи ўта муҳим. Тиббий кўриқдан

<sup>1</sup>Ростунов А Г., Кузьбович Л. А, Елях Г. В. Психологическая подготовка к службе в армии.- Минск: Народная Авеста , 1986.-С.64-92.

яхши ўтган фуқароларнинг ҳарбий хизматга профессионал психологияк танлови қўйидагича амалга оширилади:

1. Умумий таълим малакаси бўйича;
2. Касбий тайёргарлик даражаси бўйича;
3. Жисмоний тайёргарлик даражаси бўйича.<sup>1</sup>

Шартнома бўйича ҳарбий хизматга кираётган бўлажак ҳар бир аскар қўйидаги ижтимоий психологик сифатларга эга бўлиши шарт:<sup>2</sup>

- жамоада ишлаш, дўстлар билан самарали ҳамкорлик қилиш, ўзаро ёрдам асосида уруш ва бошқа ўта оғир вазиятларда ўз хатти-ҳаракатларини шакллантириш учун бошлиқлар ва қўмондонларга ҳурмат билан муомала қила олишга қодир ҳамда интизомли ва масъулиятли бўлишлари;
- ақлий фаолият ва ташаббусга доим эга бўлиши;
- тўлиқ бўлмаган ва тез-тез қарама-қарши маълумотлар билан, шунингдек, вақт камлиги билан боғлиқ қарорлар қабул қила олиши;
- осоиишта ҳаётга таҳдид соладиган вазиятларда, жисмоний ва ақлий қийинчиликларга чидай олиши;
- турли хизмат турларига ихтиёрий равишда ўтиш учун барқарор мотивларга эга бўлиши ва ҳоказо.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматга кираётган номзодларнинг хатти-ҳаракатларини таҳдил этганимизда, ўзимизга қўйидаги саволни берамиз: ҳаётга хавф туғдирадиган жуда мураккаб ва хавфли фаолиятни (ҳарбий хизматни) танлашнинг сабаби нимада? Бунинг учун ҳозирги меҳнат бозорида ёшларнинг орзу-истакларини ҳисобга олиш муҳимдир. Яъни, ҳозирда ва яқин келажакда қуролли кучларга кадрлар етказиб беришга қодир бўлган асосий ёш гурӯҳи бу тоифани назарда тутади.

Сир эмаски, ҳозирги ривожланган барча жамиятда ёшлар асосий ўринни эгаллаб турибди. Шунингдек, иқтисодиёт ва сиёсатда, жамиятнинг ижтимоий ва маънавий соҳалар ислоҳотида фидокор ёшлар ҳам кенг ҳисса қўшмоқда. Ушбу ёшлар бошқа ёш гурӯҳларидан фарқли равишда ўз ҳаётий тажрибаси, касб танлашдаги устунлиги, жамоат ишларида фаоллиги, янги шароитларга тез мослаша олиши, илфор инновацион усуллардан кенг фойдалана олиши, ижтимоий онгнинг ривожланганлиги, шахслараро муносабатларда етакчилиги, жисмоний ва ақлий фаоллиги билан фарқланиши табиийдир.

Бугунги кунда жамиятнинг янги иқтисодий муносабатларга ўтиши ёшларнинг касбий тайёргарлигини тубдан ўзgartиришга олиб келмоқда. Бу эса ёшларнинг келажаги билан боғлиқ айrim масалаларнинг устувор ишлар сифатида амалга оширилишини юзага келтирди. Жумладан, ҳозирда ёшларни касбга йўналтиришда касб-ҳунарга йўналтириш марказлари ва бошқармалар томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги, замонавий корхона ва фирмаларнинг малака талаблари бўйича олиб бораётган шартнома ишлари диққатга сазовордир.

Бозор муносабатларига ўтиш ва иқтисодиётни қайта қуриш оқибатида юзага келган инқироз оқибатлари ушбу механизмнинг айrim қисмларининг йўқ бўлишига ва ҳар бир элементни қайта ташкил қилишга олиб келди. Охир-оқибат ушбу ишларда давлат томонидан ҳомийликдан воз кечилди, энди ёшларнинг ўзи жамиятда фаол бўлиши, ўзини ўзи бошқариши, давлат равнақи учун ўз ҳиссасини қўшиши олий бўрч саналди.<sup>3</sup>

Аммо, меҳнат бозоридаги барча касб-ҳунарлар ҳар доим ҳам ёшлар учун маъқул эмас. Ҳозирда ёшлар учун касб бу - ижтимоий ҳаракатланишнинг энг муҳим канали, моддий фаровонлик манбаи ва жамиятда нуғузга эга бўлишнинг ягона талаби бўлиб қолмоқда. Ёшларнинг айrim

<sup>1</sup> Шурыгин И.И. Жизненные стратегии подростков //М-Соц/5/ 1999.-С. 105

<sup>2</sup> Ковалевский В.Ф. Военная профессиология : проблемы теории и практики.- М: ДОСААФ, 2007.- С.47-89.

<sup>3</sup> Лазуткин В.П Профотбор Вооруженных Силах России // М: Военные знания 11/ 1998.- С.23.

қисмида даъвогарлик даражаси ва улар қобилиятининг юқори кўрсаткичлари ўртасида катта фарқ қайд этилмоқда.

Тадқиқотчи В.П.Лазукин фикрича, ёшларда даъвогарлик даражасини шакллантириш муваффақият ёки қобилиятлар билан эмас, балки, жамиятдаги энг муҳим қасблар тўғрисида эрта тасаввурларни ўйғотиш, қасб имижи тўғрисида кўпроқ мъалумот бериш билан боғлиқ саналади. Ана шундагина ўзини ўзи ҳурмат қилиш механизми юқори инсонда ўз-ўзини англаш, даъвогарлик ва келажак ютуқларига нисбатан юқори сезигирлик мавжуд бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, шартномавий ҳарбий хизмат тури нафақат ижтимоий-психологик омилларга, балки ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ҳам кўплаб сабабларга боғлиқ фаолият саналади. Унинг биргина ижтимоий –психологик жиҳатини ўрганиш, шартномадаги ҳарбий хизматчи ёки бўлажак номзодларнинг бир бутун психологик лойиҳасини тадқиқ этиш ҳам саналади.

Айтиш жоизки, маҳаллий тадқиқотларимизда ҳанузгача шартномавий хизмат ва унинг турли психологик масалалари борасида айтарли ишлар қилинмаган. Бугунги кунда республикамида мудофаа тизимида олиб борилаётган туб ислоҳотлар ҳам мазкур илғор психологик илмий ишлар кўламини янада оширишни назарда тутмоқда.

Агар ушбу муаммо доирасида янада кенгроқ психологик тадқиқотлар олиб борилса, янги номзодларнинг шартнома хизматига бўлган муносабатлари, уларнинг давогарлик мотивлари, ушбу хизмат турини исташлари ёки истамасликлари омиллари, шартномадаги хизмат обрўси ва унинг имижи, қасбий шараф ва профессионаллик шунингдек, ушбу хизматда ҳақиқий психологик танлов ва унинг шарт-шароитлари каби масалаларнинг илғор ечимлари ўз-ўзидан ҳал бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

#### **ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТУВЧИСИ УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИНТЕГРАЛ-РЕФЛЕКСИВ АСОСЛАРИ**

**Аҳмедова Н. – Тошкент давлат педагогика университети докторанти**

**Аннотация.** Мақолада модернизация шароитида чет тили ўқитувчисининг қасбий маҳорати ва тайёргарлигини такомиллаштириш жараёнининг ижтимоий характерга эга эканлиги ва бу борадаги дарслар жараёнида интеграциялашнинг амалий имкониятлари тўғрисида сўз юритилган. Чет тили ўқитувчиси қасбий маҳоратини шакллантириш методлари таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Модернизация, Давлат таълим стандарти, мутахассис, малака, профессионал фаолият, концепция, ўқув дастури, портфели, ўқитувчи-услубчи, бакалавр, қасбий тайёргарлик, грамматика, лексикология, тилшунослик, ўқув ва қасбий фаолият, лингвистика, психология, педагогика, интеграл-рефлекси, факт.

#### **ПОВЫШЕНИЕ УРОВНЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ УЧИТЕЛЕЙ АНГЛИСКОГО ЯЗЫКА ПРОДОЛЖЕНИЕ ОСНОВА ИНТЕГРАЛ-РЕФЛЕКСИВ**

**Аҳмедова Н. - Ташкентский государственный педагогический университет**

**Аннотация.** В статье рассматривается социальный характер процесса формирования профессиональных навыков преподавателя иностранного языка в условиях модернизации и практические возможности интеграции в ходе занятий. Анализируются методы формирования профессиональных навыков преподавателя иностранного языка.

**Ключевые слова:** модернизация, государственный стандарт образования, подготовки кадров, профессиональная деятельность, концепция программы педагогического образования, портфолио, стиль, степень бакалавра, профессиональное обучение, грамматика, лексикология, языковая, образовательная и профессиональная деятельность, лингвистика, психология, педагогика, интегрированный -фрейм, факт.

**ENHANCING THE PROFESSIONAL PREPARATION OF TEACHERS OF ENGLISH CONTINUED BASIS OF INTEGRAL-REFLEXIVE**

Akhmedova N. - Tashkent State Pedagogical University

**Annotatsiya.** The article discusses the social nature of the process of formation of professional skills of a foreign language teacher in the context of modernization and practical possibilities of integration during classes. The methods of forming the professional skills of a foreign language teacher are analyzed.

**Key words:** modernization, state standard of education, training, professional activity, concept of teacher education program, portfolio, style, bachelor's degree, vocational training, grammar, lexicology, language, educational and professional activities, linguistics, psychology, pedagogy, integrated frame, fact.

Модернизация шароитида чет тили ўқитувчисининг касбий маҳоратини шакллантириш муаммоси ижтимоий характерга эга бўлиб, ДТСда мамлакатимиздаги таълим тизимида чет тилларини ўқитиш соҳасидаги ваколатли ёндашувига йўналтирилганлиги акс эттирилган.

Бугунги кунда назарий жиҳатдан касбий етуклик, умумий маънода, мутахассислик соҳаси сифатида тушунилади ва соҳа бўйича касбий етук деб ҳисобланган мутахассис ўз фаолиятини узлуксиз самарали амалга ошира олади, - деб тушунилади. Лекин, мутахассиснинг малакали бўлиши унинг профессионал фаолиятни амалга ошириш жараёнида нафақат назарий, балки амалий кўникма ва малакаларга эга бўлишни ҳам тақозо этади.

Мамлакатимизда фан дастурлари ва режалари ДТСларида белгилаб берилган. Бу тажриба хорижий тилларни ўқитиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг “Хорижий тилларни ўқитиш концепцияси”, “Чет тили мутахассисларини тайёрлашнинг замонавий намунавий ўқув дастури”, “Европа Кенгашининг халқаро сиёсат ҳужжатлари”да, шунингдек, “Европа даражасида ваколатлари мавжуд хорижий тил”, “Европа тиллари портфели”да ҳам ўз аксини топган. Мазкур меъёрий ҳужжатлар ўқитувчи-услубчиларга бакалавр даражаси бўйича мутахассислар тайёрлашда уларнинг профессионал ваколатларини, таълимни ривожлантиришнинг мақсадлари ва ўқув дастурларининг мазмунини белгилаб беради<sup>1</sup>.

“Кўп ўлчовли малака” дастурининг процессуал аҳамияти шундаки, бунда икки чет тилли ўқитувчиларни узлуксиз тайёрлаш жараёнида ўқитишнинг дастурлари ва мавзуларини тўғри танлашнинг моҳияти белгилаб берилади. Аслида ўқитиш жараёнида ўқитиш усуллари ва дарс жараёнига методик ёндашувларни танлаш дарс бераётган ўқитувчининг ўзига боғлиқ бўлган масалаладир. Шундай бўлса-да, кўпгина фан ўқитувчилари ўқитиш жараёнида асосий эътиборни мавзуга доир матн ва бошқа материалларни танлашга қаратиб, ўқитиш усуллари борасида жуда кам изланадилар.

Ўқитувчининг профессионал қобилияtlарини шакллантириш усуллари борасидаги “Кўп ўлчовли малака” концепциясини таҳлил қилиш (И.А.Зимняя, В.В. Сериков, Ж. Равен, Ш.Т.Тоубаева) орқали биз малакали, яъни профессионал маҳорат даражасига ва ўз-ўзини ривожлантириш қобилиятига эга бўлган етук мутахассисни узлуксиз таълим тизимида тайёрлашимиз мумкин.

Бу жараёнда бўлажак мутахассисдан кўпгина маълумотларни билиш ва тушуниш билан бирга, унинг мазмунига чуқур кириб бориш ҳамда нима учун ва нега кераклигини билиш ҳам талаб этилади.

Масалан, хозирги кунда мактаб ва коллеж чет тили фани ўқитувчиси ҳам узлуксиз касбий тайёргарлик борасида грамматика, лексикология каби тилшунослик фанининг бўлимларини ўзлаштирибгина қолмасдан, олинган билимларни амалда қўллаш бўйича ҳам алоҳида кўникма ва малакаларга эга бўлиши керак. Шунингдек, назарий билимларни эгаллаш жараёни америка

<sup>1</sup> Умумий Европа тилларига мурожаат қилиш тизими: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш. Европа Кенгashi. - Кембридж: Кембридж университети матбуоти, 2001.

олими Л. Шулман томонидан мавзуни педагогик томондан ўрганиш, - деб аталади. Бундан ташқари мавзу юзасидан педагогик-профессионал билимларнинг эгалланиш жараёни эса, ўқитувчидан нафақат назарий билим, балки чуқур кўникма, малака, амалий тажрибаларга эга бўлишни ҳам тақозо қиласди. Америка олими Л. Шулманнинг таъбири билан айтганда, ўқитувчи инглиз тилининг грамматик қоидалари билан яхши ишлаши мумкин, аммо бу яхши ўқита олади дегани эмас. Мисол учун яқин ўтмишда мактаб, коллеж, ҳатто олий ўқув юртларида ҳам чет тил ўқитувчилари ўқувчилар билан кўпроқ грамматика ва таржима усуллари устида ишлаган. Шундай бўлсада, агар ўқитувчи педагогик профессионал билимларга эга бўлмаса, у ҳолда ўқувчиларга тил ўргатиш ўта мушкул жараёндир<sup>1</sup>.

Бунинг ечими шундаки, ўқувчи талабалар грамматика назарияси бўйича ўқув материалларини ўзлаштирганда, ушбу билимларни амалиётда узлуксиз қўллаш бўйича ҳам ўз малакаларини шакллантиришлари лозим. Ўқувчи ва талаба мавзуни фақат имтиҳонни муваффақиятли топшириш учунгина эмас, ўз педагогик фаолиятида уни амалиётга татбиқ қилиш, грамматик қоидаларга доимий амал қилиш кўникмаларини шакллантириш учун ҳам ўрганиши лозим.

Инглиз тили ўқитувчисининг бу каби профессионал малакасини шакллантиришнинг инновацион усулларидан бири "Ўқитувчининг тил билими", яъни "Тил ва ундан хабардорлик" усули деб номланади.

Ушбу усулнинг аҳамияти шундаки, унда назарий фанлар турли фан йўналишлари бўйича ўзлаштириб олинади, ўқувчиларнинг шахсий ҳаётий тажрибалари асосида мавзуга доир билимлар умумлаштириллади ва муайян илмий ва профессионал муаммоларни ҳал қилиш учун улар амалиётда қўлланилади<sup>2</sup>.

Бу жараёнда ўрганишга онгли равишда йўналтирилган ҳолда ёндашиш лозим, чунки бўлажак ўқитувчининг профессионал малакаларини шакллантириш унинг ўз онги ҳамда ўқув ва касбий фаолиятини қайта-қайта таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Мазкур усул британиялик методистлар Эдге, Т. Райлар, Р. Болитҳо, Т. Райлар томонидан ўрганилган бўлиб, ўқитувчининг касбий маҳорати билан профессионал роли ўртасида ўхшашлик ҳосил қиласди.

"Устоз" услубининг асосий ғояси мутахассиснинг профессионал малакасини жадал шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, лингвистик, психологияк, педагогик ва методик фанларни ўрганишга интеграл ёндашувни ўз ичига олади. Бунда интеграл-рефлексли тилшуносликни педагогика, психология ва хорижий тилларни узлуксиз ўқитиш методлари билан боғлаш учун кўпrik вазифасини бажаради.

Хорижий тил ўқитувчилари касб-ҳунар таълими дастурининг миллий стандартида замонавий ўқитувчининг профессионал ролини ривожлантириш бўйича муайян фанлар мавжуд. Мисол учун, тилшунослик фанининг грамматика, лексикология, тилшунослик, амалий фонетика бўлимлари колледж ва олий ўқув юртларида ўқувчи талабаларнинг нутқ ва тилшунослик фани бўйича билимларини шакллантириса, замонавий педагогик технологиялар, айниқса бошланғич мактабда хорижий тилларни ўқитиш услуги каби фанлар эса профессионал ва услубий қобилиятни ривожлантиришга қаратилгандир<sup>3</sup>.

Бироқ, биз келажақда ўқитувчи ўзининг муайян фаолияти давомида самарали пировард натижага эришиш учун бир турдаги муаммоларнинг ҳар бирига ечим бўладиган формулани тақдим этиш фикридан йироқмиз.

Тақдим этилган усулларнинг долзарблиги шундаки, унда ўқув дастурида тилшунослик фанлари бўйича алоқадорлик тизими мавжудлиги сабабли, ўқувчи талабаларда касбий-профессионал кўникмаларни осон ва тез шакллантириш имконияти мавжуд. Унда бўлажак ўқитувчининг узлуксиз профессионал малакасини шакллантириш жараёни тилшунослик фанининг бўлимларини якка

<sup>1</sup> Европа тиллари портфели. Эвропа Кенгаши, Замонавий тиллар бўлими. - Стразбург, 2001. - ПП. 1-3.

<sup>2</sup> Таубаева Ш.Т. Педагогик тадқиқотлар услубияти ва методикасига кириш. Кўлланма. - Туркистон: Турон, 2007. - 190 п.

<sup>3</sup> Эдге Ж. Тилшуносликни бошқа тиллар бўйича маъruzачилар учун инглиз тили ўқитувчилари тайёрлашда қўллаш. // ЭЛТ Жоурнал. - 1988 й. - № 42/1.

тартибда ўрганиш йўли билан эмас, балки уларни бир-бири билан уйғун ва интеграль тарзда ўрганиш амалга оширилади. Лекин тилни фойдаланувчи сифатида ўрганиш, тилшуносликнинг аналитик қобилиятларини ўзлаштириш кейинчалик ўқитувчининг профессионал малакасини ривожлантиришда мұхим омил бўлиб хизмат қилишини ҳисобга олсак, тақдим этилаётган усулларни қўллаш орқали бўлажак мутахассиснинг ўз ўзининг таълим ва касбий фаолиятининг рефлексив амалиётчиси ва тадқиқотчиси бўлиб қолмоқда.

Ўқувчи ва талабаларга биринчи навбатда чет тилида замонавий "оригинал" материалларни, "жонли" хорижий тилни ўрганиш, дарслкларда тақдим этилган топшириқларнинг самараదорлигини баҳолаш бўйича дарсларни ўtkазиш имконияти берилган. Коллеж ва олий ўқув юрти талабалари педагогик амалиёт давомида уларни қўллаши учун уларни ўқитиши ва алоқа машқларини яратиши ўрганадилар. Шунинг учун, таълимнинг бошланғич нуқтасида ўрганилаётган чет тилининг лингвистик ҳодисаларини ўрганиш, мактаб ўқувчиларига тилшунослик материалларини тақдим этиш, чет тилини ўргатиш мумкин бўлган педагогик ва услубий қийинчиликлар акс эттирилиши керак<sup>1</sup>.

Кўриб чиқилган услубларда чет тил ўқитувчиларини узлуксиз тайёрлаш жараёнида уларнинг профессионал ўқитувчи бўлиб шаклланиши, касбий малакаларнинг кўптармоқлилик томонлари ўз аксини топганки, улар қўйидаги босқичларда амалга оширилиши керак:

- ўзлари учун таҳлил қилинадиган фактлар;
- уларнинг асосий ғоялари ва тамоилларини кузатиш ва тушуниш;
- вазиятнинг барча таркибий қисмларини таҳлил қилиш;
- қарор қабул қилиш учун билим ва ғояларни синтез қилиш;
- қабул қилинган қарорни баҳолаш.

Шунингдек, адабиётларни таҳлил қилиш бўлажак ўқитувчиларни узлуксиз тайёрлашнинг асосий тамоилларини шакллантиришга имкон беради:

- интердисиплинарлик принципи;
- назария, амалиёт ва акс эттиришнинг интеграцияси тамоили;
- ўз ўқув фаолиятининг таркибини танлаш ва лойиҳалашга киритилиши орқали талабаларнинг фаолигини ошириш принципи;
- лингвистик материалларни ўрганиш мавзусини танлаш эркинлиги принципи;
- бўлажак ўқитувчининг асосий билимларини комплекс шакллантириш принципи;
- ўқувчи била биргаликдаги фаолият принципи. Бошқалар ва тенгдош билан;
- гурӯҳда фаол муҳокама қилиш тамоили(3-5 киши);
- амалиёт натижалари бўйича дарсларни йўналтириш принципи;
- вазиятни жалб қилиш принципи ва таълим мазмуни;
- таълим олиш натижаларини рўёбга чиқариш принципи.

Шундай қилиб, амалдаги давлат таълим стандарти талабларига кўра чет тили ўқитувчиси касбий фаолияти замонавий ўқув дастурининг мазмунини таҳлил қилиб, бўлажак мутахассисларни тайёрлашда амалдаги фанларнинг барча хилма-хиллиги учун мавжуд касбий таълим тизимини шакллантириш мұхим бўлиб қолмоқда.

Таълим тизимини такомиллаштириш йўналишида амалиётга татбиқ этилаётган янгиликлар ўқитувчиларнинг касбий компетентлилигини интегратив ривожлантиришда таълим муассасаси раҳбарлари фаолиятига ижодий ёндашувни талаб қилмоқда. Яъни, таълим муассасаси раҳбарлари ўқитувчиларнинг педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги тушунчалари даражасини билиши ҳамда уларнинг педагогик фаолияти жараёнидаги мавжуд зиддиятларни бартараф этиши, педагогик жараёнлар самараదорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаши, педагогик жараён субъектлари (ўқитувчи ва ўқувчилар) фаолиятини такомиллаштириш йўналишларидағи қарорларни қабул қилишда мавжуд вазиятларни, субъектларнинг мойиллиги,

<sup>1</sup> Андреewc С. ўқитувчиларнинг тилини билиш. - Кембриж: Камбрый университети, 2007.

эҳтиёжи ва қизиқишини ўрганиши, таълим муассасасида тарбиявий муносабатлар жараёнининг педагогик жараён сифатида мавжудлиги ҳамда кўп қиррали ҳисобланган мазкур жараёнда бевосита ҳамда билвосита таъсир мавжудлигини эътиборга олиши зарур.

Ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини интегратив ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири сифатида таълим муассасаси раҳбарларининг бошқарув фаолиятини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятни илмий асосда ташкил этиш заруриятини келтириш мумкин. Илмий асосларда ташкил этилган бошқарув фаолияти ва ҳамкорликдаги фаолиятнинг илмийлиги – янгиликларни излаш, ўрганиш ва уларга асосланиш ҳамда илмий асосланган маълумотлардан фойдаланиш, ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришнинг педагогик, психологик ва ижтимоий-иктисодий асосларини ўзлаштириш, ўқитувчиларнинг касбий компетентлигидини ривожлантиришга инновацион ёндашув технологияларини жорий этиш каби вазифаларни белгилайди. Таълим тизимини ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган ислоҳотлар барча таълим муассасаларида педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш ва бошқаришда фантехника ютуқларига асосланган ўқитиш 5 методларининг энг самарали ҳисобланган инновацион методларидан фойдаланиш заруратини белгилаган ҳолда ўқитувчилардан педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш йўналишида зарурй билим, кўникма ва малакаларни ва касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатларни талаб қиласди.

Бошқариш амалиётидан маълумки, раҳбарлик фаолияти ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, у раҳбардан нафақат олий маълумотга, балки етарли касбий тайёргарликка, бошқарув йўналишида билим, кўникма ва малакаларга, шунингдек, маълум тажрибага ҳам эга бўлишни талаб этади. Таълим муассасаларини бошқариш жараёнида раҳбарларнинг энг асосий ва муҳим аҳамият касб этувчи функцияларидан бири – бу қарор қабул қилиш функцияси бўлиб, қарор қабул қилиш, назорат қилиш ва уни бажарилишини таъминлаш сифати таълим муассасаси салоҳиятига, педагогик жараёнлар самарадорлигига, ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини интегратив ривожлантиришга, таълим муассасаси фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади. Ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш таълим муассасаларида бир қанча вазифаларнинг бажарилишини, яъни педагогик жараён субъектларига зарурй шарт-шароитларни яратиш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек, мазкур жараённи амалга ошириш учун моддий-техника базани яратиш ва мустаҳкамлаб бориш, янги педагогик ва ахборот технологиялари билан қуроллантириш каби қатор вазифаларни ҳам амалга оширишни назарда тутади. Шундай экан, ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини интегратив ривожлантиришга масъул шахс ҳисобланган раҳбарлар нафақат педагогик тажрибага, балки бошқарув функциялари ва уларнинг вазифалари, бошқарув методлари ва улардан фойдаланиш, бошқарув алгоритми ва унинг моҳияти, бошқарув қарорлари ва уларни қабул қилиш йўллари ҳамда раҳбарлик услублари ва уларни қўллаш каби қатор йўналишлар бўйича етарли тушунчаларга эга бўлиши зарур<sup>1</sup>.

## **БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИННИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ КОМПЕТЕНЦИЯСИ**

**Солиев И.С. - Фарғона давлат университети ўқитувчиси**

**Аннотация:** Ушбу мақолада ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида замонавий бошлангич синф ўқитувчиларини тайёрлаш хусусиятлари кўрсатилган ҳамда бошлангич синф ўқитувчисининг АКТ компитенциясининг замонавий таърифи берилган.

**Калит сўзлар:** АКТ- компитенцияси, компьютер саводхонлиги, ахборот маданияти, бошлангич синф ўқитувчиси.

## **КОМПЕТЕНЦИЯ УЧИТЕЛЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ В ОБЛАСТИ ИНФОРМАЦИОННЫХ И КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

<sup>1</sup> С.Т. Турғунова, Б.Х. Данияров, Д.М. Отажанова Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда таълим муассасаси раҳбарларининг функционал вазифалари. Қўлланмана. – Тошкент: Сано стандарт, 2011.

**Солиев И.С. - преподаватель Ферганского государственного университета**

**Аннотация:** в данной статье даны характеристики подготовленности современного учителя начальных классов в области информационных и коммуникационных технологий, а также дано современное определение ИКТ компетентности учителя начальных классов.

**Ключевые слова:** ИКТ-компетентность, компьютерная грамотность, информационная культура, учитель начальных классов.

### **COMPETENCE OF PRIMARY SCHOOL TEACHERS IN THE FIELD OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES**

**Soliev I.S. – teacher of Fergana state University**

**Annotation:** This article presents the characteristics of the preparedness of modern primary school teachers in the field of information and communication technologies, as well as a modern definition of ICT competence of primary school teachers.

**Key words:** ICT competence, computer literacy, information culture, primary school teacher.

Мактаб таълим мини модернизация қилишнинг стратегик жиҳатларидан бири бошланғич таълимни ахборотлаштириш бўлиб, таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш учун бошланғич мактаб ўқувчилари билан дарсда ва дарсдан ташқари ишларда янги ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда таълим жараёнининг янги моделини ташкил этишни назарда тутади. Таълимни ахборотлаштириш касбий сифат ва мактаб ўқувчиларини тайёрлаш даражасига янги талаблар қўяди. Таълимни модернизация қилиш нуқтаи назаридан бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш сифатининг интеграл кўрсаткичи инсоннинг маълум бир вазиятда тўпланган билим ва тажрибани сафарбар қилиш қобилиятини тавсифловчи касбий малакани ҳисобга олиш керак. Ўқитувчининг профессионал малакаси турли таркибий қисмларни, шу жумладан ахборот компетентлигини ўз ичига олади. Шубҳасиз, замонавий шароитда ўқитувчининг ахборот компетентлиги унинг профессионал педагогик ваколатларини белгилайди.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларни ахборот компетентлигини ривожлантириш муаммосини ҳал қилиш бошланғич мактаб ўқув жараёнида янги ахборот технологиялардан тўғри ва самарали фойдаланиш бўйича ўзига хос қобилиятлар билан боғлиқ<sup>1</sup>.

Агар ўқитувчилар сифатли дастурий машғулотларни қидириш ва танлаб олиш, уларни муайян дидактик муаммоларни ҳал қилиш учун малакали қўллаш имконига эга бўлмаса, ўқитувчилар ўқув жараёнида ушбу технологиялардан фойдаланиш бўйича етарли даражада малакага эга бўлмаса, шубҳасиз, янги ахборот технологиялари бошланғич мактабда фойдасиз бўлади<sup>2</sup>.

Педагогика олий ўқув юртининг меъерий ҳужжатларини таҳлил қилиш ва ўқитиш амалиёти шуни кўрсатадики, бошланғич таълим факультети талабаларининг информатикадан тайёргарлигининг асосий йўналиши бошланғич компьютер саводхонлигини ривожлантиришдан иборат. Талабалар турли ахборот жараёнларини амалга ошириш учун шахсий компьютернинг дастурий воситаларидан фойдаланиш малака ва қўникмаларига эга бўладилар.

Шу билан бирга, талабаларни янги ахборот технологияларидан фойдаланишга маҳсус тайёргарликнинг йўқлиги бўлажак ўқитувчиларни ўқитиш самарадорлигини ошириш учун бошланғич мактаб ўқув жараёнида ушбу технологияларни қўллашга қодир эмаслигига олиб келади.

Бошланғич синф ўқитувчисининг замонавий таълим шароитида муваффақиятли ишлашга бўлган касбий тайёргарлигининг кўрсаткичларидан бири унинг ахборот компетентлиги ҳисобланади<sup>3</sup>.

Ахборот компетентлик ўқитувчининг касбий – педагогик фаолиятида самарали қарорлар қабул қилиш имконини берадиган қобилият ва билимларни ташкил этишнинг маҳсус методи

<sup>1</sup> Гаврилов М.А. Информатика и информационные технологии : Учебник для студентов ВУЗов .- М.: Гардарики, 2006 год 655 стр. 29-6.

<sup>2</sup> Р.Хамдамов ва бошқалар. Таълимда ахборот, Тошкент - 2010.

сифатида тушунилади<sup>1</sup>. Шу билан биргага, таълим жараёнида ахборот ва интернет технологияларини ўзлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш даражасини кўрсатади.

Ўқитувчининг ахборот қобилиятини шакллантириш муаммоси билан боғлиқ вазифалар уч гурӯҳга бўлинади:

- жамият манфаатларини ифода этувчи;
- ўқитувчининг касбий ва педагогик фаолиятининг функциялари ва мазмунини акс эттириш;
- ўқитувчининг шахсий касбий эҳтиёжлари ва манфаатларини ифодалаш.

Ахборот компетенция бошланғич умумий таълимнинг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланиб, мустақил равишда изланиш, таҳлил қилиш, танлаш, қайта ишлаш, ва зарур маълумотларни узатиш жараёнларида фойдаланилади.

Замонавий дарсни ахборот – коммуникация технологияларисиз тассаввур этиш қийин. Улар диққатни визуал жалб қилиш, таълим сифатини ошириш ва ўрганиш истагини ошириш орқали ўқув маълумотларини янада қизиқарли қилишга ёрдам беради.

Тақдимот материалларидан фойдаланган дарслар юқори савияга ва фаолият турларини ўзгартиришнинг интенсивлигига эга бўлиб, ҳиссий, мазмунли, ўйин шаклида ўтади, натижада ўқув материалларининг ассимиляция сифатини оширишга ёрдам беради Дарсларда ақлий юкламанинг ошиши туфайли ўқувчиларнинг ўрганаётган мавзуга бўлган қизиқишини ва дарс давомида уларнинг фаолиятини қандай қўллаб-қувватлаш кераклиги ҳақида ўйлаш керак.

Дарсларни ишлаб чиқишидан олдин ҳар бир ўқитувчи қўйдагиларни амалга ошириши керак:

- услубий адабиётларни ўрганиш;
- дарслар учун материални танлаш;
- йиғилган материални тақдимотлар шаклига келтириш.

Ўқитувчи дарсни қизиқарли ва рангбаранг қилиш имконини берадиган усуулларни топиши керак, энг муҳими, ўқувчиларнинг ўрганилаётган мавзуга қизиқишини ўйфотиши керак.

Қабул қилиш жараёнини оптималлаштириш ва дарснинг кўргазмалилик таъсирини ошириш учун мультимедиа проекторини ишлатиш муҳим ҳисобланади. Тақдимотлар ўқув жараёнини жонлантириш ва ўқитишнинг мотивациясини ошириш имконини беради. Ўқитувчи ўқувчиларнинг имкониятларини, мотивациясини, ёш ва психологияк хусусиятларини фарқлаш учун зарур тайёргарликка эга бўлиши керак.

Тақдимот компьютер дастурлари ёрдамида ахборотни тақдим этишнинг қулай ва самарали үсули ҳисобланади. Бу динамикани, овозни ва тасвирни, яъни боланинг эътиборини энг узоқ вақт ушлаб турадиган омилларни бирлаштиради.

Афзалликлари:

- расмлар ва суратлар тақдимотни осонлаштиради;
- анимация ва видеофильмларни қўшиш орқали динамик жараёнларни намойиш қилиш мумкин;
- слайддаги сарлавҳалар ёрдамида материални тақдим этиш жараёнини кузатиб бориш мумкин;
- ўзаро алоқалар аниқланди;
- дарсда бошқа фаолият учун вақтни тежайди.

Мультимедиа тақдимоти ўқув материалларнинг тушунарлилиги, тезкорлиги, қулайлиги, тақдим этилган материални ҳис қилиш ва ёдлашни соддалаштирилганлилиги бўлиши учун хизмат қиласди. Синфда бундай дарслар давомида ўқувчилар мустақил равишда фикрларни ифода этишга интилаётган мулоқот муҳити яратилади, улар вазифаларни бажариш истаги билан ўрганилаётган материалларга қизиқиш кўрсатади. Жамиятнинг энг қизиқувчан билимга чанқоқ аъзолари бўлган болалар, барча янги маълумотларни қабул қилишга интиладилар.

<sup>1</sup> Х. В. Муксимова, Замонавий ахборот-коммуникацион технологияларини технологиялари, Ўзбекистон миллый энциклопедияси жамиятни тараққий эттиришдаги имкониятлари. 59-б.

"Болалар табиати кўргазмалиликни талаб қиласди" деб ўз вақтида К. Д. Ушинский ҳам ёзган эди. Тақдимот дарсда келтирилган маълумотларни тўлдириши ва тасвирлаши керак. Дарсда компьютердан фойдаланиш ижобий натижалар бериши мақсадида, бошланғич мактаб учун белгиланган гигиена меъёrlарига мувофиқ ўқув жараёни тұғри ташкил этилиши керак.

Визуал жараён билан боғлиқ бўлган техник воситалардан фойдалангандан сўнг кўзning чарчашининг олдини олиш учун уларга дам бериш мақсадида комплекс машқларни бажариш керак.

Компьютер болаларнинг ижодкорлигини стимуллаштиради. Экран биз баъзан эриша олмайдиган эътиборни тортади. Тақдимотлар орқали билим фаолиятини бошқариш учун сарфланган меҳнат ҳар жиҳатдан ўзини оқлади:

- билим сифатини оширади;
- болани умумий ривожлантиради;
- қийинчиликларни енгишга ёрдам беради;
- ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқув жараёнида ҳамкорлиги учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Мультимедиа тақдимотларидан фойдаланадиган дарсларнинг элементлари замонавий дарсни яратишнинг асосий тамойилларидан бири - жалб қилиш тамойилини яратади. Шунингдек болалар ўз фикрларини фаол равишда ифода этадилар, баҳслашадилар.

Шундай қилиб ахборот компетентлиги ёрдамида бошланғич умумий таълимнинг асосий таълим дастурини ўзлаштиришнинг шахсий натижаларини шакллантириш имконияти яралади.